

**А. С. Сотиволдиев
Ю. М. Иткин**

Замонавий бухгалтерия ҳисоби

I том



Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар

Миллий Ассоциацияси

Тошкент 2002


А. С. Сотиволдиев, Ю. М. Иткин
«Замонавий бухгалтерия ҳисоби» икки томли, I том
Олий ўкув юрти талабалари, бухгалтерия ҳисоби
соҳасидаги мутахассислар учун.

Ушбу китобнинг муаллифлик хуқуқлари Ўзбекистон
бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциациясига тегишили.
Китобнинг матнидан тижорат мақсадида ҳар қандай
фойдаланиши фақат Ассоциация билан келишилган ҳолда амалга
эширилиши мумкин. Китобнинг муаллифлик хуқуқлари
Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳимоя қилинади
Тошкент, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар
Миллий Ассоциациясининг нашриёт маркази, 2002 й., 1000 нусха
1999 й. 24 марта берилган 10-405- сонли лицензия

Маълумот учун телефон: 34-01-87, факс: 137-61-58

137-61-49
137-61-50 } доб. 2-58, 2-38, 2-16
137-61-53 }
137-61-54 }

e-mail: account@ismonch.uz



КИРИШ

Республикамиз иқтисодиётида бозор муносабатларини ташкил этишга қаратилган ўзгаришлар сезилмоқда. Давлатнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич эвалюцион йўл билан ўтиш ягона сиёсати доирасида бош устивор вазифалар аниқланди, қонуний базалар такомиллаштирилмоқда.

Ижтимоий муносабатлар тизимини ўзгариши, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлашиши, ташқи иқтисодиёт алоқаларида жаҳон иқтисодий ва интеграцион жараёнларга очиқ эканлиги, шунга мос ҳолда, бухгалтерия ҳисобини ўзгаришини тақозо этди.

Бозор муносабатларига ўтиш ва давлат мулкини хусусийлаштириш хўжалик юритишнинг мазмуни, тузилиши ва психологиясида жиддий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобида туб ўзгаришларни талаб қиласиди.

Бу бир қатор объектив сабаблар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари жаҳон иқтисодий хамжамиятларини глобаллашиши ва ўтиш даврида турган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги жадал ривожланишини бошланишидир.

Буларга даставвал хорижий инвестициялар, хорижий давлатлар билан олиб бориладиган молиявий ва хўжалик алоқалар, савдо ва тижорат муомалаларини байналменинлаштириш, хусусийлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва терандлаштириш ва қимматли қофозлар бозори, солиққа тортиш сиёсатини таъминловчи тизимларни ривожлантириш, хўжалик алоқаларини амалга оширишда маданийлашган ҳуқуқий асосларга таяниш, атроф муҳитни экологиясига эътиборни ортишини киритиш мумкин.

Ҳозирги замон иқтисодиётининг бу йўналишлари бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топиши керак. Бухгалтерия ҳисоби бу чақириқни қабул қилишга мажбур, ҳозирги замон иқтисодий шароитларига мослашибига тайёр бўлиб жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботига қўйиладиган талабларни қондириши керак.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро бизнес тили сифатида давлат қонунларини бажарилишини кафолатлами, тадбиркорликни ривожланишига, мулкни саклаш ва кўпайишига хизмат қилиши, манфаатдор (инвесторлар, акциядорлар, банклар, фондлар, мол юборувчилар, мол олувчилар, расмий органлар ва иш. к.) лар томонидан муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишдә (капиталини инвестиция қилиш, бозорга чиқиши, ходимларни ёллаш, солиқ сиёсати, молиялаш манбаларини қидириб) топиш,

ҳисоблашишлар ва ш. к.) зарур бўладиган тўлиқ ва ишонарли ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш керак.

Бутун иқтисодиётдек бухгалтерия ҳисоби - бу доимий эътиборни, мониторингни, таҳлил ва ўз вақтида қарор қабул қилишни, мутахасисларни касбий ўсиши ва моҳоратини оширишини талаб қиласидаган жонли жараёндир.

Бухгалтерия ҳисобини ҳозирги замон талаби даражасида бўлишини қўйидағи комплекс тадбирлар таъминлайди:

- бухгалтерия ҳисобини қонуний тартиба солиш ва унинг меъёрий базасини шакиллантириш;
- услубий таъминот билан (йўриқномалар услубий кўрсатмалар, шархлар);
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан;
- халқаро профессионал ташкилотлар билан ҳамкорлик;
- ҳисобни бошқариш тизимини қайтадан ташкил этиш ўйли билан.

Юқорида келтирилган тадбирларнинг биронтаси тушиб қолдирилгудек бўлса, мақсадга эришиб бўлмайди. Лекин ҳисобнинг бошқариш тизимини тубдан ўзгартирмай туриб ва айниқса бухгалтерларни аттестация қилиш ва лицензиялаш функцияларини жамоатчилик ташкилотларига бермай туриб ислоҳ қилиш мақсадига эришиш мураккаб.

Мустақил ривожланиш йилларида (ҳаттоқи ҳамдўстлик давлатларига таққослаганда ҳам) бухгалтерия ҳисобининг принципиал янги қонуний ва меъёрий базасини яратдик. Бухгалтерия ҳисоби ҳаётдан орқада қолмаслигини таъминлаш, уни ислоҳ қилиш, унинг олдинги режали, марказлашган иқтисодиёт талабларига мослашган моҳиятини ўзгартириш катта куч талаб қилди. Мустақилликнинг қисқа даврида давлатимиз бухгалтерия ҳисобининг янги счетлар режасини қўллашга ўтди. Ўзбекистонда, ҳамдўстлик давлатлардан олдин, халқаро эксперtlар ёрдамида дунё андазалари асосида замонавий мунтазам, мантиқий маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби ишлаб чиқилди. Жаҳон иқтисодиёти учун очиқ бўлган мамлакатларга тўғри келадиган бухгалтерия ҳисобини яратиш учун барча чоралар қўлланилмоқда.

Жаҳон амалиётига мос келадиган замонавий «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунисиз бухгалтерия ҳисобини етарли даражада қайта қуриш мумкин эмас. Жаҳон талабларига жавоб берадиган, халқаро принциплар ва қоидаларга мос келадиган, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ривожланишини ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонун зарур эди.

Қонун бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлари, актив ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва баҳолашнинг асосий принциплари ва қоидалари, ўз ва қарзга олинган капитални ҳисоби, молиявий ҳисботлар олдига қўйилган негиз вазифалар, мақсад ва талабларни белгилаб берishi керак.

Бундай муҳим ҳужжат 1996 йилнинг 30 августида қабул қилиниб «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни» номини олди. Ўзбек экспертларининг таърифи бўйича бу Қонун: бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳалқаро андазалари талабларига жавоб беради; Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини тузилиш концептуал асосларини назарда тутади; турли мулк шаклларига асосланган барча корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб юритишнинг ягона давлат томонидан тартибга солишини таъминлайди; бухгалтерия ҳисобини юритиш андазалари олдига қўйиладиган талабларни белгилайди. Бундан ташқари, у бухгалтерия ҳисобини юритишда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуки, бурчи ва мастьулиятларини, шунингдек молиявий ҳисботни топшириш ва чоп этиши бўйича қўйилган талабларни белгилаб беради.

Қонун корхонанинг ички бухгалтерия ҳисоби олдига қўйдаги асосий талабларни қўяди: раҳбарнинг қонунчиликка итоат қилиши; ҳисботда келтирилган ахборотларга ташки фойдаланувчилар томонидан ишонч ҳосил қилиш мақсадида келтирилган маълумотларни ишончлилигини аудитор томонидан тасдиқлагандан сўнг ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача йиллик молиявий ҳисботни чоп этишга ундейди.

Бухгалтерия ҳисоби тизимининг пировард натижаси бўлиб молиявий ҳисбот ҳисобланади. Қонуннинг 16 – моддасига биноан молиявий ҳисбот қўйидагилардан иборат:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисбот;
- пул оқимлари тўғрисида ҳисбот;
- хусусий капитали тўғрисида ҳисбот;
- изоҳлар, расчетлар ва молиявий ҳисботга тушинтиришлар.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг кўрсатмалари ва моддалари бухгалтерия ҳисобининг Миллий андазаларида (БҲМА) ўз ривожини топди. Ушбу китобни нашр этиш вақтигача қўйидаги БҲМА тасдиқланди:

- 1- Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот
- 2- Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромад
- 3- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот

- 4– Товар–моддий заҳиралар
- 5– Асосий воситалар
- 6– Лизинг ҳисоби
- 7– Номоддий активлар
- 8– Консолидаллашган молиявий ҳисботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига қўйилган инвестициялар ҳисоби
- 9– Пул оқими тўғрисида ҳисбот
- 10– Давлат субсидияларини ҳисоби ва давлат ёрдамини изоҳлаш
- 11– Илмий–тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ишларига қилинган харажатлар
- 12– Молиявий инвестициялар ҳисоби
- 13– Акцияга тўғри келадиган фойда
- 14– Қўшма фаолиятда қатнашиш улушкини молиявий ҳисботда акс эттириш
- 15– Бухгалтерия баланси
- 16– Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги кутилмаган ходиса ва хўжалик фаолиятида содир бўладиган вақеалар
- 17– Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари
- 19– Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш
- 20– Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиши ва ҳисбот тузиш тартиби тўғрисида
- 21– Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома.

Молиявий ҳисботни тайёрлаш ва топшириш учун концептуал асос ҳам тасдиқланган. Унда бухгалтерия ҳисбининг принципларидан ташқари, қўйидаги молиявий ҳисбот элементларини таърифи берилган: активлар, хусусий капитали, мажбуриятлар, резервлар, даромадлар, харажатлар ва молиявий натижалар.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириши тартиби тўғрисидаги Низом», янги қабул қилинган аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Конун ва бухгалтерия ҳисбининг миллий андазалари билан бир каторда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конун Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисоб сиёсати меъёрларини ҳуқуқий таъминловчи асосий хужжат бўлиб ҳисбланади.

«Замонавий бухгалтерия ҳисоби» нинг ушбу нашри бухгалтерларимизни малакаси ва билим даражасини ошириш

муаммоларини ечишга қаратилган муаллифларнинг уриниши бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерлар, аудиторлар, молиячилар, банк хизматчилари, статистика, солик ва бошқа назоратчи органлар, менежерлар, иқтисодчилар, олий таълим ўқув юртлари талабалари, магистрлар ва аспирантлари, тегишли ихтисос коллежлари ва лицейларига мулжалланган ушбу дарслек янги счетлар Режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома (21 – сонли БХМА) асосида Ўзбекистонда биринчи марта нашр этилмоқда.

Ушбу нашрнинг шак-шубхасиз қадри шундаки, у Ўзбекистон Республикаси давлат тили бўлган ўзбек тилида ёзилган. Бухгалтерия ҳисоби бўйича дарслекларни нашр этиш амалиётида бундай янгиликни бундай кўламда бирданига ўзбек тилида биринчи марта чиқарилишини эътироф этиш лозим. Ушбу нашрни, халқаро счетлар Режаси асосида ёзилган бухгалтерия ҳисобини ўзлаштиришга интилаётган русийзабон ўқувчилари учун, рус тилига таржима қилиш режалаштирилгани эътиборга молик.

Янги счетлар Режаси олдинги счетлар Режасидан принцип жиҳатидан фарқланади, бухгалтерия ҳисобининг миллий андазаси ва халқаро бухгалтерия ҳисоби андазаларига асосланган бухгалтерия ҳисобини янги услубини киритади.

Бизнинг фикримизча ушбу нашр, бошқа илмий ишлар каби, камчиликлардан ҳоли бўлмаса керак. Шунинг учун муаллифлар барча танқидий мулоҳазаларини айтганларга ўз миннатдорчилигини билдиради ва уларни инобатга олади.

1 – БОБ

КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Корхона – бу жамият эҳтиёжини қондириш ва фойда (даромад) олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар бажариш учун белгиланган қонун асосида ташкил қилинган мустақил ҳўжалик юритувчи субъектдир. «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида» ги Қонунда (2 – боб) корхоналарнинг ташкилий – ҳуқуқий шакллари белгилаб берилган. Уларнинг асосийлари бўлиб давлат, муниципал, жамоат, хусусий, оиласи, махалла, тўлиқ ширкат, ёпиқ типдаги акционер жамияти, очик типдаги акционер жамияти, изара, фермер (дехқон) ҳўжаликлари ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан корхоналарга мустақил ташки иқтисодий фаолият олиб бориш ҳуқуқи берилган.

Маълумки, корхона ҳўжалик фаолияти қуйидаги узлуксиз ўзаро боғлиқ ҳўжалик жараёнларидан иборат: пулнинг ишлаб чиқариш маблағларига айланниши (таъминот), маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) ва тайёр маҳсулот (ишлар ёки хизматлар) сотиш. Бу жараёнлар ишчилар, асосий ва айланма маблағлар ёрдамида бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин. Демак, бухгалтерия ҳисобининг асосий обьекти бўлиб асосий ва айланма маблағларнинг ҳарақати, ходимларнинг меҳнати ва унга ҳақ тўлаш, ҳисоб – кредит муносабатлари, ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизмат) ларнинг чиқиши ва уларнинг таннархи, ҳўжалик фаолиятининг натижалари ҳисобланади.

Иқтисодиётни ҳўжалик юритишнинг бозор тизими принципларига ўтиши, давлат мулкини хусусийлаштирилиши, республика иқтисодиётига чет эл инвесторларини кенг жалб қилиш, турли шаклдаги мулкларни фаолият кўрсатиши, қимматли қофозлар бозорини ташкил этилиши ички ва ташки фойдаланувчилар учун бухгалтерия ахборотларини роли ва аҳамиятини сезиларли даражада ошириди.

Ички фойдаланувчилар, яъни корхонанинг бошқарув ходимлари ишлаб чиқариш ва молиявий характердаги турли қорорларни қабул қиласи. Чунончи, ҳисобот асосида корхонанинг кейинги йилги молиявий режаси тузилади, маҳсулот сотишни кўпайтириш ёки камайтириш, сотиладиган товарларнинг нархлари, корхона ресурсларини инвестиция қилиш йўналишлари, кредитларни жалб қилишининг мақсадга

мувофиқлиги ва бошқалар тұғрисида қарор қабул қиласы. Құриниб турибдикі, бундай қарорларни қабул қилиш учун тұлық, вақтида тузилған ва аниқ ахборотлар, биринчі навбатда молиявий ахборот талаб қилинади, акс ҳолда корхона катта зарар күриши, ұтто банкрот бўлиши мумкин.

Ташқи фойдаланувчилар – бу корхона маблағлари даги ўз улушкини кўпайтириш ёки камайтиришига ва компания раҳбарияти томонидан ресурслардан фойдаланиши самарасини баҳолашга мухтож бўлган корхона маблағларининг мавжуд ва потенциал мулкдорлари; берилган кредитларни мақсадга мувофиқлиги ёки муддатини узайтиришини баҳолаш учун ахборотдан фойдаланадиган мавжуд ва потенциал кредиторлар; ушбу мижоз билан алоқани мустаҳкамлигини аниқловчи мол юборувчи ва харидорлар; давлат, даставвал унинг солик органлари. Булар хусусан ҳисобот ҳужжатларини, солик ҳисоблашни тўғрилигини текширади, солик сиёсатини белгилайди.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш билан бухгалтерия ҳисоби қизиқувчи томонларга ўз тасарруфидаги маблағлардан қандай қилиб самарали фойдаланиши бўйича қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва етказиб бериш инструментига айланади.

Корхонадаги ҳисоб ахборотларини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беришига, объектив, ҳаммага тушунарли рўйи-рост ва болшарув фаолияти, шунингдек ташқи фойдаланувчилар учун ҳимояланган бўлишларига ижодий ёндашганда ва барча меъёрий ҳужжатларни ўзлаштирганда эришиш мумкин.

Ўзбекистон худудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий-услубий асосини 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг раиси томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом, ўз таркибига 21-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий андазаси «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий - хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» ҳам қўшилган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг миллий андазалари (БҲМА) ташкил этади. 21- бухгалтерия ҳисоби миллий андазаси 2002 йилнинг 1 январидан амалга тадбиқ этилиши мўлжалланган.

Бу меъёрий ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг умумий қоидаларини белгилайди ва кимнинг қарамоғида бўлиши, мулк шакллари ва фаолият

турларидан, қатъий назар барча корхона ва ташкилотларга тегишилдири.

Шу билан бирга корхоналар бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, тармоқ хусусиятлари ва фаолият характерлари, ходимлар малакаси ва бошқа вазифаларни инобатта олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва назоратни ташкил этиш усулларини ўзлари мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Бундай мустақиллик корхона келгуси ҳисобот йили учун ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқища албатта амалга оширилади.

Бу ҳисоб сиёсатида моддий қийматликларни тайёрлаш, сотиб олиш ва баҳолаш қоидалари ва тартиби, буюмларни асосий воситалар ва арzon ва тез эскирувчи буюмларга киритиш мезони, уларнинг эскириши, тайёр маҳсулотларни баҳолаш ва сотиш тартиби, бухгалтерия ҳисобини иш счетлар режасини ишлаб чиқиши ва бошқалар белгиланади. Навбатдаги ҳисобот йили учун ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати корхона раҳбари томонидан тасдиқлангандан сўнг юридик ҳужжат статусига эга бўлади.

Бухгалтерия аппарати ҳужжатларни ишлаб чиқиши, бухгалтерия регистрларида ҳисоб ёзувларини оқилона олиб бориши ва улар асосида бошқарув ва молиявий ҳисоботларни тузишни таъминлаши зарур.

Бухгалтерия аппарати, одатда, қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

материал бўлими. Бу ерда сотиб олинган материал қийматликларни, материал юборувчилар билан ҳисоб-китобларни, материалларни сақлаш ва фойдаланиш жойлари бўйича кирими ва сарфланишини ҳисоби юритилади. Кўпам катта бўлмаган корхоналарнинг бу бўлимида асосий воситалар, арzon ва тез эскирувчи буюмлар ва тайёр маҳсулотлар ҳисоби ҳам юритилади. Йирик корхоналарда бу участканинг маълумотларини ишлаб чиқиш учун маҳсус бўлим ташкил этилади;

ҳисоблашиш бўлими. Бу ерда дастлабки ҳужжатларга асосан иш ҳақи ҳисоблаш ва ундан ушланмалар бўйича барча ҳисоблашишлар олиб борилади, меҳнат ҳақи фонди ва истеъмол фондидан фойдаланиш бўйича назорат амалга оширилади, ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар бўйича, Пенсия фондига, бандлик фонди ва бошқалар бўйича ҳисоблашиш ҳисобини олиб боради;

ишлаб чиқариш – калькуляция бўлими. Бу бўлимда барча турдаги ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисоби юритилади, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва ҳисобот тузилади, туталланмаган ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар таркиби аниқланади;

умумий бўлим. Бу бўлимда юқорида санаб ўтилган бўлимларда ҳисобга олинмайдиган муомалалар ҳисоби юритилади, Бош дафтар юритилади ва бухгалтерия ҳисоботи тузилади. Йирик корхоналарда молиявий бўлим ажратилиб, унда пул маблағлари, корхона ва айрим шахслар билан ҳисоб – китоблар ҳисоби юритилади.

Бухгалтерия корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинма (цех, бўлим) лари билан бевосита муносабатда бўлади. У улардан бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тегишли маълумотлар олади, чунончи:

- кадрлар бўлимидан – ишга қабул қилинганлиги, ишдан бўшатилганлиги, таътилга чиқсанлиги, корхона ичидаги жойдан иккинчи жойга ўтказилганлиги тўғрисида шахслар рўйхати (буйруқ)ни олади;

- омборлардан – товар-материал қийматликларни ҳаракати (кирим, чиқим, бир жойдан иккинчи жойга ўтказилиши) тўғрисида ҳужжатларни олади;

- цехлардан – айрим хўжалик муомалалари (маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ш. к.) бўйича ҳужжатлар, ҳаражатлар бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботи ва бошқаларни олади;

- бош механикдан – асбоб-ускуналарни ҳаракати ва уларни таъмири тўғрисида, автотранспорт ишлари ва бошқалар тўғрисида ҳужжатларни олади;

- режа бўлимидан – корхонанинг барча фаолияти бўйича тасдиқланган режа кўрсаткичлари (даромад ва ҳаражатлар сметаси) ни олади;

- меҳнат ва иш ҳақи бўлимидан – алоҳида категория ишловчиларига ҳақ тўлаш ва мукофатлаш, ставкалар, окладлар, штатларни ўзгариши тўғрисида низом олади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам ундан ташқарида жойлашган барча Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган давлат органлари ва бошқармалари, юридик шахслар, уларнинг шуъба корхоналари, филиаллари, вакилликлари ва бошқа структуравий бўлинмалари бухгалтерия ҳисобининг субъектлари эканлигини белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни тўлиқ, ишонарли, ўз вақтида тузилган молиявий ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа ахборотлари билан таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Бу мақсадга муваффақиятли эришиш учун бухгалтерия ҳисоби қуидидаги вазифаларни ҳал этиши керак:

- бухгалтерия ҳисоби счетларида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириши;

- молиявий, солик ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари ташкил этади ва у қўйидаги хукуқларга эга:

- бош бухгалтер раҳбарлигига бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинадиган бухгалтерлар хизматидан фойдаланиш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерия фирмаларига ёки таркибига бухгалтерия ҳисоби субъекти кирадиган марказлашган хўжалик бирлашмалар ҳисоби бўлимига топшириш;

- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарига қўйидагиларни таъминлаш масъулияти юкландади:

- ички ҳисоб ва ҳисбот тизимини ишлаб чиқиши;

- хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартиби;

- тўлиқ ва ишончли бухгалтерия ҳисоби;

- ҳисоб ҳужжатларини сақлаш;

- ташкил фойдаланувчилар учун молиявий ҳисботни тайёрлаш;

- солик ҳисботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш;

- ҳисоб - китобларни ўз вактида юритиш.

Бухгалтерия ҳисобини юритишга алоқадор бўлган раҳбарлар, бухгалтерлар ва бошқа шахслар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши ва юритишида бухгалтерия ҳисбининг қўйидаги асосий принципларига риоя қилишлари керак:

- бухгалтерия ҳисобини иккиёқламали ёзув усулида юритиш;

- давомийлик (узлуксизлик);

- хўжалик муомалалари, актив ва пассивларни пулда баҳолаш;

- ишончлилик;

- ҳисоблаш;

- олдиндан кўра билишлик (эҳтиёткорлик);

- шаклидан мазмунининг устиворлиги;

- кўрсаткичларни таққослаш;

- молиявий ҳисботни ҳолислиги;

- ҳисбот даври даромад ва харажатларини мос келиши;

- актив ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш.

Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг принципларидан бири маҳфийлик (ошкор қилмаслик)ни сақлаш бўлиб ҳисобланади. Бунда бухгалтерия ҳисоби регистрлари мазмуни билан танишиш маъмурият рухсати ёки қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда рухсат этилади. Бухгалтерия ҳисоби

регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар махфийликни сақлаши керак.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ бўлган масала - бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш масаласидир. Барча бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлар, микрофильмлар ёки компьютер ҳисобининг молиявий маълумотлари уч йилдан кам сақланмайди, молиявий ҳисботлар эса қонунчилик билан белгиланган муддат ичida сақланади.

Башарти бош корхоналар ва уларнинг шуъба корхоналари, филиаллари, вакилликлари бўлса, 8 - сонли БХМАга биноан консолидаллашган молиявий ҳисботлар тузилади. Бу БХМА бош жамият гуруҳларининг консолидаллашган молиявий ҳисботини тузиш ва топшириш тартибини белгилайди.

Шуни эътироф этиш керакки, вазирликлар, идоралар ва бюджет муассасаларининг йифма молиявий ҳисботини тузишда ушбу БХМА қўлланилмайди.

Ҳўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобини юритишининг асоси бўлиб ҳўжалик муомалаларини содир бўлганлигини акс эттирувчи дастлабки ҳисоб ҳужжатлари ва уларни амалга ошириш тўғрисидаги буйруқлар ҳисобланади.

Дастлабки ҳисоб харажатлари ҳўжалик муомалаларини содир бўлиш вақтида ёки улар амалга оширилганидан кейин тузилади.

Ҳисбот давридаги даромад ва харажатларни мос келиш принципига биноан ҳисбот даврида амалга оширилган муомалалар, лекин уларнинг содир бўлганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар бўлмаса, бундай ҳўжалик муомалалари бухгалтерия ҳисобида тегишли дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш йўли билан акс эттирилади.

Ҳужжатлар имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланган бўлиши керак, акс ҳолда улар ҳақиқий бўлмайди.

Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги раҳбарнинг буйруғида имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар кўрсатилиши керак. Бунда имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган икки хил шахслар рўйхати келтирилиши керак: биринчи - раҳбарлик вазифасини бажарувчи шахслар учун, иккинчиси - бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарма вазифасини бажарувчи шахслар учун.

2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан тасдиқланган янгиланган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонунга биноан қўйидагилар учун ҳар йилги мажбурий аудиторлик текшириши белгиланган:

- акционер жамиятлари;
- банк ва бошқа кредит ташкилотлари;

- сүгуртга ташкилотлари;
- юридик ва жисмоний шахслар маблағларини йигадиган инвестиция ва бошқа фондлар;
- маблағлар манбай юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмаларидан иборат бўлган хайрия ва бошқа жамоат фондлари;
- маблағлар манбай юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунчилик билан белгиланган мажбурий ажратмаларидан иборат бўлган бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлатнинг улуши бўлган хўжалик субъектлари.

Корхона, ташкилот ва муассасалар аудитор компаниясини танлаб олиш хуқуқига эга. Бу танлов мулкдор ёки акционерларнинг умумий мажлиси томонидан амалга оширилади.

Мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортиш хўжалик субъектига энг кам иш ҳақининг 100 дан 500 карра миқдоригача жарима солиш, шунингдек унинг раҳбарини қонунчиликда белгиланган жавобгарликка тортиш йўли билан жазоланади.

Илгари таъкидлаганимиздек, хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолиятига мос келадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиб қабул қилиши керак. Корхонанинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш усули ва қоидалари мажмууни тўғри танлаш орқали, бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш билан узвий боғланган.

Корхонада ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ҳисоб сиёсати 1 - сонли БҲМА «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисбот» га асосланган бўлиши керак.

Бухгалтерия ҳисобини халқаро принциплари асосида юритишга ўтган Ўзбекистон Республикаси корхоналари бемалол халқаро иқтисодий Ҳамжамиятга тўла ҳуқуқли аъзо бўлишлари мумкин.

Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасига инвестицияларни жалб қилиш йўллари осонлашади. Ўзбекистон корхоналари халқаро бозорларига чиқиши ва уларда муваффақиятли рақобатлашиш имкониятига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги замон, жаҳон принципларига жавоб берадиган бухгалтерия ҳисоби алоҳида олган корхоналар иқтисодиётини мустаҳкамлабгина қолмай, балки бутун мамлакат иқтисодиётини ҳам мустаҳкамлайди.

Ҳозирги замон бухгалтерия ҳисоби, бундан ташқари, самарали раҳбарлик қилиш мақсадида ишонарли ва ўз вақтида бериладиган ахборотларга муҳтож бўладиган корхона менежерлари учун ҳам зарур.

Шу нарсани тушиниш зарурки, бухгалтерия ҳисоби ўзи учун ташкил этилмайди, у ажралган ҳолда ишламайди, балки у бозор иқтисодиётининг барча инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳеч қандай иқтисодий ислоҳот, шу жумладан банк тизими, солиққа тортиш, статистика ва б., ушбу ислоҳотларга мос келадиган халқаро принципларга асосланиб тузилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботисиз муваффақиятга эришполмайди.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳи давлатнинг солиқ сиёсатини инобатта олган ҳолда олиб борилиши керак. Солиққа тортиш, айниқса солиқ қонунчилигини бажарилишига ёндашиш, мустасносиз барча бухгалтерларни қизиктиради.

Бухгалтерия ҳисобининг солиқ ҳисоблари ва ҳисоботлари билан бўлган аниқ алоқаси, солиққа тортиш жараёнини бухгалтерия ҳисоби каби цивилизациялашган, халқаро тан олинган амалиётга яқинлаштириш мақсадида, бухгалтерлардан солиқ қонунчилигини батафсил билишни талаб қиласди. Буни Ўзбекистон Республикасини жаҳон иқтисодий маконига кириш, инвестицияларни жалб қилиш деб билмоқ керак.

Малакали бухгалтерларни кўплайтирумасдан туриб тўлақонли ривожланаётган бухгалтерияни кўз олдимизга келтиролмаймиз. Бозор иқтисодиётида бухгалтер хўжалик муомалаларини маъносиға тушунмасдан рўйхатга оловчи ҳисобчи эмас, балки номақбул вақеалар ривожланишини олдиндан кўрабиладиган, раҳбарга ўзининг маъқул ва фойдали варианtlарини таклиф қилиб хўжалик фаолиятини тўғри йўлга солишга ёрдам берадиган мутахассисдир. Бундай бухгалтерни жамоат касбий муассасаларида қатнашиш; аттестациялаш ва лицензиялаш; тегишли халқаро муассасалар фаолиятида қатнашиш; ахлоқий касбий тарбиялаш орқали шакллантириш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда бухгалтерларни касбий бирлашмалари мустақил ўзи - ўзини идора қилувчи жамоат ташкилотлари бўлиб ҳисобланади. Улар ўз сафлари соғлигини, аъзоларини юқори малакасини ва ахлоқий хатти - ҳаракатларини ўзлари мустақил таъминлайди, номзодларни танлаб олиш шартларини тасдиқлайди ва имтихондан муваффақиятли ўтганларга уюшмага тўлиқ аъзо бўлганлиги ва профессионал бухгалтер деган олий унвонни тасдиқловчи сертификат (диплом) лар беради.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси (уюшмаси) муҳим рол ўйнаши керак. Ассоциациянинг фаолияти унинг ривожланишини биринчи босқичдаёқ муваффақиятли деб тан олинган эди ва натижада 2000 йилнинг май ойида Ўзбекистон бухгалтерлар ва

аудиторлар Ассоциацияси Халқаро бухгалтерлар Федерацияси (IFAK) аъзолигига қабул қилинди.

Халқаро бухгалтерлар Федерацияси унинг таркибига кирувчи миллий ассоциацияларнинг аъзоларидан билим даражаси, маънавий, ахлоқий сифатлари, ишбилармонлик ва ижтимоий хатти – ҳаракатлари бўйича юқори даражада бўлишини талаб қиласди.

Бухгалтерларнинг Халқаро федерацияси (БХФ) фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий мақсади – жамоатчилик манфаатида бухгалтерлар ишларини юқори сифатли бўлишини таъминлаш учун уларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш. Бу ташкилот Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, жаҳонда ўз аъзоларини кенгайтириш учун турли хизматларни бажармоқда. Бу эса жаҳонда унинг шуҳратини оширмоқда. Ҳозирги кунда БХФга жаҳоннинг 89 мамлакатидан 126 бухгалтерлар ташкилоти аъзо бўлиб, уларнинг таркибида икки миллион бухгалтерлар бор.

Уларнинг умумий сонидан 5,9 фоизи фан ва таълим соҳасида, 9,5 фоизи – давлат бошқарувида, 35,2 фоизи – умумий амалиётда ва 49,4 фоизи – саноат ва тижоратда банд.

Бухгалтерларнинг халқаро федерациясига аъзолик турли даражада бўлиб, улар қўйидаги категорияларга бўлинади:

1. Тўла аъзолик.

2. Ўзининг малакаси бўйича тўла аъзолик мезонига тўлиқ жавоб бермайдиганлар учун ассоциациялашган аъзолик. Бунга тўла аъзоликка тайёрланиш босқичида турган бухгалтерларнинг миллий касбий ташкилотлари ҳам киради.

3. Халқаро ташкилотларнинг ассоциациялашган аъзолиги. Бу бухгалтерларнинг регионал ташкилотларига аъзолигини англатади. Масалан, бухгалтерларнинг Европа ассоциацияси, бухгалтерларнинг Жанубий – шарқ ассоциацияси ва ш. к.

Бухгалтерларнинг Халқаро федерациясига аъзолик маълум имконият ва ҳуқуқларни беради: касбий статусни тан олиш, БХФнинг ахборот тармоқларидан фойдаланиш, касбий масалаларда ўзаро ёрдам бериш, андазаларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда фаол қатнашиш.

БХФнинг аъзолари унинг тегишли андазаларига жавоб берадиган бўлиши керак. Бу мезон қўйидагилардан ибарат:

1. Имтиҳон тизими орқали номзодларнинг касби ва малакасини текшириш.

2. Давлатнинг ваколатли органларидан тегишли ҳуқуқ олган ҳолда жамоатчилик касаба ташкилот сифатида бухгалтерларнинг касаба ўюшмаларини рўйхатдан ўтказиш.

3. Бухгалтерлар касаба уюшмаларини аъзоликка қабул қилишда жараённинг очиқдан – очиқлиги, тенг ҳуқуқлилиги ва ҳамма нарсанинг аёнлиги.

Бухгалтерларнинг касаба уюшма аъзолари зиммасига маълум мажбуриятлар юкланади, чунончи, омилкорлик ва билимларини юқори даражада ушлаб туриш, касбнинг ахлоқий андазаларига амал қилиш, бухгалтерлар касаба уюшмаси ишларида фаол қатнашиш.

Бухгалтерлар уюшмаси шуни англаб олиши керакки, у малакалийлик бўйича жамият олдида жавобгардир, ўз билимларини самарали бошқариш талабларига монанд фойдаланиш.

Истиқболли талабаларни танлаб олиб ўзларининг корхоналарида ишлатишга олдиндан тайёрлаш учун гарб корпорациялари азалдан университет, коллеж, бизнес – марказлари билан алоқа боғлаганлар. Шунингдек улар ўз ходимларининг малакасини оширишга пулни аямайдилар.

Ўзбекистон Республикасида фақат бухгалтергагина эмас, балки бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ва тайёр, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг халқаро принципларини ўзлаштирган бухгалтерларга талаб ошмоқда.

«Бухгалтерия ҳисоби» курсининг кейинги ҳамма боблари хўжалик юритувчи барча ташкилий – ҳуқуқий тузилмалар учун (мулк шаклидан қатъий назар) бир хилда тааллуқли.

2 – БОБ

ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ

2.1. КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ МУНОСАБАТЛАРИ

Корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида доимо бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан хўжалик алоқада бўладилар. Хўжалик алоқаларини олиб бориш корхоналар фаолиятининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади, чунки бунда ишлаб чиқариш жараёнинг узлуксизлиги, маҳсулотларни ўз вақтида жўнатиш ва сотиш таъминланади. Хўжалик алоқалари шартномалар, контрактлар билан расмийлаштирилиб, уларга асосан бир томон товар-материал қийматликлар, иш ва хизматлар юборувчи, иккинчи томон эса – уларни сотиб олувчи, демак тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Мол юборувчилар билан тўловчилар орасидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва аниқ ташкил этилиши айланма маблағлар айланишининг тезлашишига бевосита таъсир қиласи, дебитор ва кредитор қарзларни вужудга келишига йўл қўймайди.

Корхоналарда ижтимоий суғурта органлари, бюджет, бошқа органлар билан, шунингдек, ишлаб чиқариш топшириқларини бажараётган ходимлар билан ҳисоб-китоблар вужудга келади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар орасидаги ҳисоб-китоблар накд пулсиз, яъни тўловчининг ҳисоб-китоб счетидан пул олувланинг счетига пул маблағларини турли банк - ҳисоблашиш муомалалари ёрдамида ўтказиб берилади. Бу ҳисоб - китоб муомалалари тегишли банк муассасалари (давлат, тижорат) воситачилигига амалга оширилади.

Юридик шахс сифатида банк корхоналар маблағларини жалб қилиш, корхоналар, ташкилотлар орасидаги ўзаро ҳисоб - китобларни амалга ошириш ва қайтариб олиш тўловлилик ва муддатлилик шарти билан бўш маблағларни жойлаштириш учун ташкил этилган.

Бизнинг республикамиизда банк тизими давлат Марказий банки ва тижорат банкларидан ташкил топган. Банклар ўз мижозларига шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мижозлар ҳисоблашиш – банк хизматларидан фойдаланиш учун банкларни мустақил равишда танлайди ва барча банк муомалаларини битта банкда амалга оширади.

Кредит ресурсларидан фойдаланиш самарасини ошириш ва корхоналар ишларини пировард натижаларига кредит механизми таъсирини кучайтириш мақсадида банкларнинг корхоналар билан кредит муносабатлари кредит шартномалари

билин расмийлаштирилади. Корхоналар банкларда ҳисоб-китоб ва валюта счетларидан ташқари, қатъий мақсадга белгиланган маблағларни сақлаш учун маҳсус жорий счетлар (лимитлаштирилган чек дафтарчалари, аккредитивлар, маҳсус счетлар ва б.) очишлари мумкин.

Пул маблағлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счетлар Режасининг бешинчи бўлимидаги, ҳисоб-китоблар эса олтинчи бўлимидаги счетларда юритилади.

Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисобининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- пул маблағлари ва ҳисоб-китоб муомалаларини ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш;
- корхона кассасидаги нақд пул маблағлари ва қимматли қоғозларни бутлигини оператив, кундалик назорат қилиш; пул маблағларини қатъий белгиланган мақсадга сарфланишини, бюджет, банклар, ходимлар ва бошқа муассасалар билан тўғри ва ўз вақтида ҳисоблашиши, мол сотиб олувчи ва мол юборувчилар билан шартномада белгиланган ҳисоблашиш шаклларига амал қилишини назорат қилиш;
- қарзларни қайтариш муддатидан ўтказиб юбормаслик мақсадида дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китобларни ўз вақтида солишиши.

2.2 ҲИСОБ - КИТОБ СЧЕТИ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ

Мустақил балансига эга бўлган ва хўжалик ҳисобидаги корхона ҳисобланувчи юридик шахсларга банкда ҳисоб-китоб счети очилади. Марказий Банк йўриқномаларига биноан корхона (ташкилот)ларга фақат битта ўzlари танлаб олган банкда («Ўзбекистон Республикаси банкларида банк счетлари очиш тўғрисидаги Йўриқнома»нинг 1.7.1. ва 1.7.2. бандларида назарда тутилганлардан ташқари) пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоблашишларни, рўйхатдан ўтган жойда кредит ва касса муомалаларини амалга ошириш учун сўмда ва талаб қилиб олгунгача валюта депозит счети очилиши мумкин. Талаб қилиб олгунгача бўлган сўмдаги депозит счетларини очиш учун юридик шахс - резидентлар банкка қўйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- юқорида келтирилган йўриқноманинг 1 - иловасида келтирилган шаклда счет очиш учун ариза;
- статистика органлари томонидан корхоналар, ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги нотариусда тасдиқланган гувоҳноманинг кўчирмаси;
- юқори орган ёки таъсисчилар мажлисида тасдиқланган устав ёки низомдан нотариусда тасдиқланган кўчирма;

- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат: нотариусда тасдиқланган кўчирма ёки қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олувчи орган томонидан тасдиқланган кўчирма. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжат фақат мазкур объект учун қонунчиликда назарда тутилган бўлса топширилади;

- солиқ органида рўйхатдан ўтганлиги ва идентификациялашган солиқ тўловчи номери берилганлиги тўғрисида нотариусда тасдиқланган гувоҳнома кўчирмаси ёки шахс солиқ тўловчи субъект эмаслиги тўғрисида маълумот;

- имзо намуналари ва муҳрнинг изи туширилган карточка: юқорида айтиб ўтилган йўриқномада белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Давлат корхонлари, акционер жамиятлари, қишлоқ хўжалик уюшмалари (ширкатлар), масъулияти чекланган жамиятлар, уюшмалар, бирлашмалар, концернлар, корпорациялар, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва бошқа корхоналар томонидан талаб қилиб олгунча депозит счетларини очиш учун зикр қилинган ҳужжатларга қўшимча қилиб банкка юқорида келтирилган йўриқномага биноан яна бошқа ҳужжатлар топширадилар.

Барча ҳужжатлар топширилгандан сўнг банк хизматини кўрсатиш бўйича шартнома имзоланади ва банк бошқарувчисининг бўйруғи билан корхонага тегишли ҳисоб-китоб счети номери белгиланади ва банкнинг бухгалтерия аппарати томонидан пул маблағлари ҳаракатини ҳисобга олиш учун шахсий счет очилади. Бошқа шаҳар ёки аҳоли пунктларида жойлашган хўжалик ҳисобида бўлмаган филиаллар, магазинлар, ишлаб чиқариш бирлиги ва бошқа бўлинмаларга маҳаллий банк муассасасида чекланган муюдалаларни акс эттириш учун жорий счет очилади. Бу чекланиш асосий ҳисоб-китоб счетини идора қилувчи бош корхона (ташкилот) томонидан белгиланади.

Очилган ҳисоб-китоб счетида бўш пул маблағлари ва маҳсулот, иш ва хизматлар сотишдан тушган пул, банкдан олинган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва бошқа тушумлар сақланади.

Ҳисоб-китоб счетидан корхонанинг олинган материаллар, асосий воситалар учун мол юборувчига тўланмалари, бюджетдан, ижтимоий сугуртадан бўлган қарзни тўлаш, иш ҳақи бериш учун кассага олинган пул ва бошқа заруриятлар учун тўланган пул маблағлари акс эттирилади.

Одатда банк томонидан ҳар қандай пул ўтказиб бериш ёки нақд пул бериш корхона ёки ҳисоб-китоб счетини тасарруф этувчининг бўйруғи ёки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Лекин банк қуйидаги ҳолларда корхона розилигини олмай бошқа ташкилотларнинг ҳужжатлари бўйича унинг

ҳисоб-китоб счетидан пулни мажбурий ўтказиб беради: молия ва солиқ органларининг буйруги бўйича тўланмаган солиқ ва йифимлар, шунингдек улар бўйича жарима ва боқимандалар суммасини; қондирилган даъволар суммасини – ижро варақалари, хўжалик судининг буйруги бўйича; кредитдан фойдаланганлиги учун фоиз суммасини, муддатида тўланмаган кредит суммасини; банк томонидан кўрсатилган хизматлар суммасини.

Юридик шахснинг талаб қилиб олгунча депозит (ҳисоб-китоб) счетида етарли даражада пул маблағлари бўлса, пул ўтказиб бериш унинг буйруги ёки бошқа тўлов ҳужжатлари билан амалга оширилади.

Юридик шахснинг талаб қилиб олгунча депозит (ҳисоб-китоб) счетида пул маблағлари етарли бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк счетларидан пул маблағларини чиқариш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага биноан биринчи навбатда бюджетга, пенсия фондига ва иш ҳақига тўлашни назарда тутувчи ҳужжатлар бўйича мутаносиб тўланади.

Юридик шахснинг банкдаги счетига бўлган бошқа барча тўланмалар юқорида кўрсатилган талаблар қондирилгандан сўнг тўланади.

Ҳисоб-китоб счетида содир бўладиган пул маблағлар ҳаракати (пулни қабул қилиш ва бериш ёки нақд пулсиз кирим ва чиқим) банк томонидан чиқарилган маҳсус ҳужжатлар шаклларига асосан расмийлаштирилади.

Уларнинг кенгроқ тарқалганилари қўйидагилар:
Нақд пул топшириш эълони, пул чеки, ҳисоблашиш чеки, тўлов топшириғи, тўлов талабномаси. Қўйида нақд пул топшириш эълони шаклини келтирамиз (22-бетга қаралсин).

Пул тўлаш тўғрисидаги ушбу эълон ҳисоб-китоб счетига нақд пул ўтказишда ёзилади. Пулни қабул қилиб олганлиги тўғрисида банк пул тўловчига исботловчи ҳужжат сифатида квитанция беради.

Қўйида нақд пулсиз тўловларни амалга оширадиган тўлов топшириғи шаклини келтирамиз (23-бетга қаралсин).

Тўлов топшириғи ҳисоб-китоб счетидан пул олувчининг счетига тегишли суммани ўтказиб бериш тўғрисида банкка берилган буйрук бўлиб ҳисобланади. Турли мол юборувчи корхоналар, ташкилотлар, молия органлари, суғурта ва бошқа ташкилотлар пул олувчилар бўлиши мумкин. Пул олувчининг ҳисоб-китоб счети банкнинг қайси филиалида бўлишига қараб тўлов топшириғи икки ёки уч нусхада ёзилади. Шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро ҳисоблашишларда ҳам корхона томонидан тўлов топширигининг ягона шакли кўлланилади.

Эълон №

0402001

200_й

Кимдан

№ счетга
үтказиш учун

Қабул қилиб олувчи

Суммаси
рақам билан

Суммаси сўз билан _____ сўм, тийин

Тўловнинг тайинланиши _____

Тўловчининг имзоси _____ Бухгалтер _____

Пулни қабул қилдим кассир _____

Квитанция №

0402001

200_й

Кимдан

№ счетга
үтказиш учун

Қабул қилувчи банк
Қабул қилувчи _____

Суммаси
рақам билан

Суммаси сўз билан _____ сўм, тийин

Тўловнинг тайинланиши _____

М. Ў. Бухгалтер _____

Пулни қабул қилдим кассир _____

Ордер №

0402001

200_й

Кимдан

Қабул қилувчи банк
Қабул қилувчи _____

Тўловнинг тайинланиши

Бухгалтер

Дебет

30-счет

Кредит

Сумма

Умумий

хусусий код

| Код | Сч. № | опер. |
|-----|-------|----------------|
| | | тури |
| | | тўлов. |
| | | тайинл. |
| | | банкнинг гр. № |

Кассир

СОНГИЙ ТҮЛӨВ ТОПШИРИГИ

0505411002

| | | |
|--------|-----------------------------|--|
| САНА | Түловчининг номи | Солик түловчининг коди |
| ДЕБЕТ | Түловчининг банкинига счети | Түловчи бинкининг коди |
| СУММА | Олувчининг номи | Солик олувчининг коди |
| РАХБАР | Бош бухгалтер | |
| М.У. | БАНК Текширилди | Маъкулланди Банк томонидан утказилди |

Бир вақтнинг ўзида бир неча ташкилотларга пул ўтказиб берилса, корхона томонидан топшириқнинг маҳсус йифма шакли қўлланилади. У битта банк бўлими хизмат қиласиган бир неча пул олувчилар учун ёзib берилади. Ўтказиб бериладиган сумманинг жамига бир марта имзо қўйилиб муҳр босилади. Бу ҳисоб - китоб ва бошқа счетлар бўйича муомалаларни рисмийлаштириш жараёни анчага қисқартиради.

Олинган материаллар, бажарилган иш ва хизматлар учун пул ўтказиб бериш шунингдек, пул чекидан фарқланувчи, ҳисоблашиш чеклари орқали ҳам бўлиши мумкин.

Ҳисоблашишининг акцепт шаклида жўнатилган маҳсулотлар учун мол юборувчилар тўлов талабнома-топшириқ ёзади.

Банк белтиланган вақтда корхонага унинг ҳисоб-китоб счетидан тегишли дастлабки ҳужжатларни илова қилиб кўчирма (шу счет бўйича ёзувларнинг кўчирмаси) берид туради.

Ҳисоб-китоб счетининг кўчирмасида маблағларнинг қолдиги ва ҳисоб-китоб счетига кирим кредитига ёзилади, чунки банк корхонанинг пулини сақлаб ўзини корхонадан қарздор деб билади (унинг кредитор қарзи), ўзининг қарзини камайиши эса (ҳисоб-китоб счетидан пул ўтказиб бериш, нақд пул бериш) - дебетига ёзилади. Бухгалтер кўчирмани ишлаб чиқиша бу хусусиятни эсда тутиб қолдик ва тушумни ҳисоб-китоб счетининг дебетига, чиқимни эса - кредитига ёзиши керак.

Куйида ҳисоб-китоб счетидан бериладиган кўчирмани келтирамиз (25-бетга қаралсин).

Ҳисоб-китоб счетидан бериладиган кўчирма маълум, кўрсаткичларга эга бўлиб, ёзувларни қисқартириш мақсадида уларнинг бир қисми кодлаштирилган. Кўчирмани ишлаб чиқаётган бухгалтер бу кодлар маъносини билиши керак.

Куйида кодлар маъносини келтирамиз (26-бетга қаранг).

Кўчирмалар олинган куни улар текширилади ва ишлаб чиқилади. Бунда барча ёзувлар иловада келтирилган ҳужжатлар билан солиширилади ва хато ёзувлар бўлмаса бу ҳужжатларга «Қайд этилди» деган штампа қўйиб ўчирилади. Текширилган кўчирманинг ҳар бир суммасининг рўпарасига ва ҳужжатларга 5110 - «Ҳисоб-китоб счети» билан корреспондентланувчи счетларнинг номерини қўйиб чиқади. Бундан ташқари, ҳужжатларга кўчирмада келтирилган ёзувларнинг тартиб номери ёзib қўйилади. Буларнинг ҳаммаси пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш, ҳисоб ишларини автоматлаштириш ва ҳужжатларни саклаш учун керак.

00402 ТОШКЕНТ шаҳар. ОЛЕР УЛЛАР АКБ «Ўзсаноаткурилиш банки AISCB V.1.0.1.
 ИЗГ 03.01.2001 31.12.2000. УЧУН ШАХСИЙ СЧЕТДАН КЎЧИРМА
 МАСБУЛ ИЖРОЧИ. МУХТАРОВА ИНТИЗОР ОХИРГИ ПРОВОДКА САНАСИ 30.12.2000
 ИНКАС. ПУЛ ТУШУМИ ВА ЧЕКЛАР СЧЕТ: 2000400100000440001
 КОЛДИК: КУН ОХИРИГА ПАССИВ 545.80
 ПАССИВ 4,476,854.00

| № | СЧЕТ | ХУЖЖАТ № | ВО | МФО | ДЕВЕТ ОБОРОТИ | КРЕДИТ ОБОРОТИ |
|------------------------|----------------------|----------|----|-------|-----------------|---------------------|
| 1 | 2020000100101338001 | 005 | 06 | 00423 | 75.00 | |
| 2 | 20208900500155397001 | 006 | 06 | 00451 | 75.00 | |
| 3 | 20208070500155397001 | 004 | 06 | 00431 | 150.00 | |
| 4 | 19903001100000440001 | 012 | 06 | 00440 | 545.00 | |
| 5 | 19930000000000440001 | 019 | 06 | 00440 | 765.00 | |
| 6 | 19930001303000440001 | 018 | 06 | 00440 | 1,270.00 | |
| 7 | 19930010200000440001 | 010 | 06 | 00440 | | 300.00 |
| 8 | 19930001000900440001 | 020 | 06 | 00440 | | 720.00 |
| 9 | 101010003003044001 | 004 | 03 | 00440 | | 75,000.00 |
| 10 | 19903000100700440001 | 002 | 06 | 00440 | | 4,403,169.00 |
| Жами обортолари | | | | | 2,880.00 | 4,479,189.00 |

Расшифровка варажеси
 200 ____ й март ойи учун

| Асос (зарур жойда ёзув мазмуни) | ККС | Аналитик моддалар суммаси Даромад солги | Фойдадан солик | ва ж.к. | 5110-счетнинг кредитидан жами |
|---------------------------------|-------------|---|-------------------|------------|-------------------------------------|
| 01-31 Учун банк кўчирамаси | 3000 | 5000 | 1800 | | 9800 |
| Жами | 3000 | 5000 | 1800 | | 9800 |

| Операцияларни шартли код белгилари | Шартли рақамлар билан алмаштирилган ёзувлар мазмуну | |
|------------------------------------|--|---|
| | Хисоб-китоб счетининг дебети бўйича | Хисоб-китоб счетининг кредити бўйича |
| 01 | Сизнинг топшириғингизга биноан ҳисобдан чиқарилди | Илова қилинган тўлов топширигининг кўчирмасига биноан пул тушди |
| 02 | Тўлов талабнома-топшириқ тўланди | Тўлов талабнома-топшириқ бўйича пул тушди |
| 03 | Сизнинг чекингиз нақд пул билан тўланди | Нақд пул тушди |
| 04 | Сизнинг ҳисоблашиш чекингиз тўланди | Сизнинг ҳисоблашиш чеклар реестриниз бўйича пул тушди |
| 05 | Сизнинг топшириғингизга биноан очилган аккредитив ёки маҳсус счет бўйича пул ўтказилди | Фойдаланилмаган аккредитив ёки маҳсус счетнинг қолдиги тушди |
| 06 | Шахсий счет кўчирмасининг иловасига биноан сизнинг счетингиздан ўтказилди | Шахсий счет кўчирмасининг иловасига биноан сизнинг счетингизга тушди |
| 07 | Ссудани қайтариш учун ўтказилди | Аризангизга биноан берилган ссуда суммаси счетингизга ўтказилди |
| 08 | Аризангизга биноан лимитлаштирилган чек дафтарчasi берилди | Фойдаланилмаган лимитлаштирилган чек дафтарчasi суммаси ҳисоб-китоб счетингизга ўтказилди |
| 09 | Маҳсус ссуда счетларини тўғрилаш | Маҳсус ссуда счетларини тўғрилаш |
| 10 | Олинган ссудалар бўйича сизнинг счетингиздан фоизлар чиқарилди | |

Ҳисоб-китоб счетидан нотўғри чиқарилган ёки унга хато ўтказилган суммаларни аниқлаш мақсадида улар 4210 - «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счетида ҳисобга олинади, аниқлаш ва тегишли ўзгаришлар киритиш учун банкка хабар берилади. Тўғриланган сумма банкнинг навбатдаги кўчирмаларида акс эттирилади, корхона бухгалтерия ҳисобида эса бу қарз 4210 - «Даъволар бўйича ҳисоблашишлар» счетидан чиқарилади.

Кўчирмага илова қилинган харажат ҳужжатларига «Харажатлар тўғрисидаги Низом» га биноан қўшимча харажат элементлари ва моддаларининг номерлари кўйилади. Бунинг зарурияти шундаки, кўп счетлар бўйича аналитик ҳисоб харажат элементлари ва моддалари бўйича ташкил этилади. Харажат элементлари ва моддалари бўйича гурухлаш расшифровка варагаларида олиб борилади. Улар ҳар ойда ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича очилиб, тегишли журнал-ордерлар ҳужжатлари маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Ҳисоб-китоб счети бўйича содир бўладиган муомалаларни ҳисобга олиш учун корхонада 5110 - «Ҳисоб-китоб счети» очилади. Бу счет актив бўлиб, унинг дебетида ҳисоб-китоб счетига тушган ҳар қандай тушумлар, кредитида эса - ҳисоб-китоб счетидан барча сарфланган пул маблағлари акс эттирилади. Бу счетнинг дебет сальдоси ҳисоб-китоб счетида пул маблағларининг ҳозирги дақиқага қолган қолдини кўрсатади. Бу счетда бошқа актив счетлар каби кредит қолдиқ бўлмайди.

5110 - «Ҳисоб-китоб счети» бўйича муомалалар текширилган банк кўчирмаси ва унга илова қилинган пул хужжатларига асосан акс эттирилади. 5110 - счетнинг сальдоси ҳисоб-китоб счетидан берилган кўчирмада кўрсатилган қолдиқка тенг келиши керак.

5110 - счет бўйича аналитик ҳисоб банкнинг кўчирмалари бўйича юритилади. Башарти корхонада бошқа ҳисоб-китоб аналитик счети бўлса, муомалалар шу аналитик ҳисоб бўйича юритилади.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордерларда юритилса, 5110 - счетнинг кредит оборотлари 2 - журнал-ордерида акс эттирилади. 5110 - счетнинг дебет оборотлари турли журнал-ордерларга ёзилади ва, ундан ташқари, 2-ведомостга ёзib назорат қилинади. Бу регистрлар текширилган ва ишлаб чиқилган банк кўчирмаларига асосан тўлдирилади.

2 – ЖУРНАЛ-ОРДЕР

200_ йилнинг март ойи учун

51 –«Ҳисоб-китоб счети»нинг кредитидан қуийдаги
счетларнинг дебетига

сўм

| Сана | Дебетланувчи счетлар | | | | | | | | Жами |
|-------|----------------------|------|------|-------|------|------|------|------|-------|
| | 5010 | 5510 | 5610 | 6010 | 6410 | 6520 | 6720 | 6910 | |
| 01-04 | 240 | - | - | 11000 | - | - | - | - | 11240 |
| 05 | - | - | - | - | - | - | - | 6000 | 6000 |
| 08-10 | 9000 | - | 3000 | 30000 | 2000 | 5000 | 1700 | - | 50700 |
| 11-31 | - | 4000 | - | - | 1500 | - | - | - | 5500 |
| Жами | 9240 | 4000 | 3000 | 41000 | 3500 | 5000 | 1700 | 6000 | 73440 |

2 – ВЕДОМОСТЬ
 200_ ийлнинг март ойи учун
 5110 – «Ҳисоб-китоб счети»нинг дебетидан қуийдаги
 счетларнинг кредитига

сўм

| Сана | Кредитланувчи счетлар | | | | | | Жами |
|-------|-----------------------|-------|-------|-------|-------|---------|--------|
| | Ж-о № | Ж-о № | Ж-о № | Ж-о № | Ж-о № | Ж-о № | |
| | 2810 | 5010 | 5510 | 6720 | 6910 | ва х.к. | |
| 01-04 | 50000 | - | - | - | - | - | 50000 |
| 05 | 120000 | - | - | - | - | - | 120000 |
| 08-10 | 300000 | 2000 | 400 | 600 | 20000 | - | 323000 |
| 11-31 | 200000 | 1000 | 9000 | 400 | 30000 | - | 240400 |
| Жами | 670000 | 3000 | 9400 | 1000 | 50000 | - | 733400 |

Бош дафтар бўйича ой бошига сальдо 50000 сўм

Бош дафтар бўйича ой охирига сальдо 709960 сўм

Ҳисоб-китоб счетидан олинган кўчирмада кўрсатилган бир хилдаги корреспондентланувчи счетларнинг суммалари 2 – журнал-ордер ва 2 – ведомостта жамлаб ёзилади.

2 – журнал-ордер ва 2 – ведомостни юритиш бир ойга мўлжалланганлиги учун банкдан олинган ҳар бир кўчирма маълумотлари бир қаторга ёзилади. Демак, 2 – журнал-ордер ва 2 – ведомостда банд қилинган қаторлар сони шу давр ичida банкдан олинган кўчирмалар сонига тенг бўлиши керак. Регистрларда суммалар 5110 - счетнинг дебети ва кредити билан корреспондентлашган счетлар бўйича ёзилади. Ҳар бир ҳисобот (кун, ой) даврига бундай кўрсаткичларнинг мавжудлиги бухгалтерия ходимларига корхона ҳисоб-китоб счетига пул маблағларини тушиб манбаларини таҳлил қилиш, мақсадли фойдаланилиши, тасдиқланган молиявий тўланмалар қалендар графитигига биноан бюджетга ва бошқа органларга маблағ ўтказилиши устидан назорат қилиш имкониятини беради.

**«Ҳисоб-китоб счети» бўйича муомалаларни
счетларда акс эттириш**

5110 – «Ҳисоб-китоб счети»

| Д-т | Корреспондентланувчи счетлар | К-т |
|---|---|-----------------|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети | |
| Сальдо: | | |
| 5010 – Касса қолдиқларини тушуми | Накд пул берилди | – 5010 |
| 90,92,40 – Жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар бўйича тушум, сотилган асосий восита ва бошқа қийматликлар | Материал ва ҳизматлар учун мол юборувчининг счети тўланади | – 6010 |
| 6910 – Олинган ссуда суммаси | Бюджетга тўловлар тўланди | – 6410 |
| 55 – Фойдаланилмаган лимитлаштирилган чек дафтарчаси ва аккредитив қолдиғини тушуми | Қўйидаги қарзларни тўланиши: банкнинг ссудаси | – 6910, 7510 |
| 9330 – Олинган жарима, пеня, неустойкаларни ўтказиш | қарзлар | – 6940, 6990 |
| 48 – Дебиторлардан қарзни ундириб олиниши | Ижтимоий сугурта ва таъминот органларидан бўлган қарзни тўлаш | – 6520 |
| 4210 – Қилинган даъволарни қондириши бўйича пулини қабул қилиш | Банк хизматларини тўлаш | – 9429 |
| 9360 – Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобидан олдин тўланган сумманинг келиб тушиши | Қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (акция, облигацияларни сотиб олиш, депозитта ўтказиш) | – 58, 06 |
| | Кредитлар, мулкларни узоқ муддатли ижарага олиш бўйича фоизлар тўлаш | – 9610 |

2.3. ВАЛЮТА СЧЕТИ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ

Хорижий валутадаги пул маблағларини ва хорижий валюта муомалаларини ҳар бир корхона амалга ошириши мумкин. Хорижий валюта муомалаларини расмийлаштириш учун банкда валюта жорий счетини очиш керак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хорижий валюта муомалаларини амалга оширишга рухсат (лицензия) берилган банкларда валюта счети очиш мумкин. Бундай лицензия олган банкларни вакиллик банклари дейилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вақти-вақти билан чоп

этиладиган бюллетенида келтирилган хорижий валюталарда счетлар очиш мумкин.

Валюта счетини очиш учун банк қуидаги ҳужжатларни талаб қиласы:

1. Валюта счетини очиш түгрисида ариза

2. Таъсис ҳужжатлар күчирмаси (нотариусда ёки рўйхатга олувчи орган томонидан тасдиқланган устав, таъсис шартномалари)

3. Нотариусда тасдиқланган рўйхатдан ўтганлик түгрисидаги ҳужжатларнинг кўчирмаси

4. Корхонани рўйхатдан ўтган жойидан солиқ инспекцияси ва Пенсия фондида ҳисобга олингандилиги түгрисида маълумотнома

5. Имзолар нусхалари қўйилган ва юмолоқ муҳр туширилган карточка

Кўшма корхоналар ва хорижий фирмалар қўшимча қилиб Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлиги томонидан уларни хорижий инвестицияли корхоналар реестрига киритилгандилиги түгрисида бериладиган гувоҳнома топширадилар.

Валюта счети очилгандан сўнг банк билан корхона ўртасида ҳисоблашиш-касса хизматларини кўрсатиш түгрисида шартнома тузилади. Унда банкнинг кўрсатадиган хизматлар рўйхати, хизматлари учун тўланадиган ҳақ тарифлари, маблағларни жойлаштириш шартлари, томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ва бошқалар кўрсатилади.

2001 йил 7 ноябрда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, макроэкономика ва статистика Вазирлиги ва Марказий банкнинг 119, 2001-11, 34 ва 205-8 сонли қарори билан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботда хорижий валютадаги муомалаларни акс эттириш тартиби түгрисида Низом» га биноан мулк шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий валюта муомалаларини амалга оширувчи барча хўжалик юратувчи, субъектлар (банклардан ташқари) 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб хорижий валютадаги муомалаларни бухгалтерия ҳисобида қуидагича акс эттириш тартиби белгиланган.

Хорижий валюта маблағлари, қийматликлари ва муомалалари хўжалик муомалалари содир бўлган санага Марказий банк курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади. Жумладан қуидагилар бўйича:

а) кассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва ссуда счетлари, аккредитивлар, валюта ссуда қарзлари;

б) хорижий валютадаги дебитор ва кредитор қарзлар;

- в) тузилган шартномалар бўйича Юк бож декларациясини расмийлаштириш санасига импорт қилинган товар-материал қийматликлар ва бошқа активларнинг кирими;
- г) божхона тўловларининг амалга оширилиши;
- д) хорижий валюта кўринишидаги пулли ҳужжатлар;
- е) хорижий валютадаги қимматли қофозлар.

Хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида муомала содир бўлган санага бўлган Марказий банк курси бўйича акс эттирилади.

Хорижий валютани сотиш (сотиб олиш)да содир бўладиган курсдаги фарқ (ижобий ёки салбий) ижобий бўлса – 9540 «Курс форқларидан олинган даромадлар» счетида, салбий бўлса – 9630 «Курс фарқларидан заарлар» счетида ҳисобга олинади.

Хорижий валютани сотилиши бухгалтерия ҳисобида қўйидаги тартибда акс эттирилади:

- а) валюта счетидан хорижий валютани Марказий банк курси бўйича ўтказилиши

Д-т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети

К-т «Валюта счети»

- б) Марказий банк курси бўйича хорижий валютани «Блоксчет» дан чиқарилиши

Д-т «Бошқа активларни сотилиши»

К-т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети

- в) валюта бозорида келишилган курс бўйича сотилган хорижий валютанинг сўм эквивалентини ҳисоб-китоб счетига ўтказилиши

Д-т «Ҳисоб-китоб счети»

К-т «Бошқа активларни сотилиши»

- г) Хорижий валютани сотища ҳосил бўлган ижобий курс фарқини Марказий банк курсидан ортиғи акс эттирилиши

Д-т «Бошқа активларни сотилиши»

К-т «Курс фарқларидан олинган даромадлар»

- д) Хорижий валютани сотища ҳосил бўлган салбий курс фарқини (Марказий банк курсидан кам) акс эттирилиши

Д-т «Курс фарқларидан заарлар»

К-т «Бошқа активларни сотилиши»

Ўзининг маҳсулот (иш, хизмат)лари нархи (тарифлари)ни хорижий валюта эквивалентида белгилайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валюта-сўмда олиб борадилар. Хизмат кўрсатган санадан тўланмаларни тушган санасигача марказий банк курсининг ўзгариши натижасида содир бўладиган фарқ молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат) сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар бир ҳисобот ойининг охирги санасига баланснинг валюта – моддаларини Марказий банк курси бўйича қайтадан баҳолайди ва содир бўлган курс фарқлари ижобий бўлса – «Келгуси давр даромадлари» счетининг «Жорий курс фарқи» субсчетига, салбий бўлса – «Келгуси даврлар харажатлари» счетининг «Жорий курс фарқи» субсчетига ўтказилади.

Баланснинг валюта моддаларига қўйидагилар киритилади:

- а) кассадаги, банкнинг депозит, ссуда счетларидағи, шу жумладан аккредитивлардаги валюта маблағлари;
- б) хорижий валютадаги пулли ҳужжатлар;
- в) хорижий валюта кўринишидаги қисқа ва узок муддатли қимматли қофозлар;
- г) хорижий валюта кўринишидаги дебитор ва кредитор қарзлар, кредитлар ва қарзлар

Қўйидаги қийматликлар қайтадан баҳоланмайди:

- а) хўжалик юритувчи субъект томонидан хорижий валютага сотиб олинган мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-материал қийматликлар, арzon ва тез эскирувчи буюмлар);
- б) хорижий инвестицияли корхона ҳам қўшилган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали (фонди) ўлчами ва таъсисчилар (катнашчилар) нинг улушлари.

Олдиндан йиғилиб келинган ва ҳар ойти баланс валюта моддаларини қайта баҳолашдан ҳосил бўлган ижобий ва салбий курс фарқлари тегишли «Келгуси даврлар даромадлари» ва «Келгуси даврлар харажатлари» счетларида акс эттирилиб қўйидаги тартибда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ўтказилади:

- а) хорижий валюта дебитор ва кредитор қарзлар бўйича-уларнинг қайтарилиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши)га қараб;

б) қолган бошқа ҳолларда – баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик муомалаларини содир бўлишига қараб.

Молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ўтказилган ижобий курс фарқи «Курс фарқларидан олинган даромадлар» счетининг кредити бўйича акс эттирилиб даромад (фойда) солиғига тортиладиган базани кўпайтиради, салбий курс фарқи эса «Курс фарқларидан заарлар» счетининг дебетида акс эттирилиб даромад (фойда) солиғига тортиладиган базадан чегириб ташланади.

Ялпи даромаддан солиқ тўловчилар учун курс фарқи қисмida солиққа тортиш объекти бўлиб «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва заар» счетининг сальдоси ҳисобланади.

Ягона солиқ тўловчилар учун курс фарқи қисмida солиққа тортиш объекти бўлиб ижобий курс фарқи ҳисобланади. Бунда ягона солиқни ҳисоблаб чиқаришда салбий курс фарқи солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

Корхонанинг устав капитали (фонди)ни шаклланишида таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санаси билан устав капитали (фонди)га маблағлар қўйилган ҳақиқий санадаги Марказий банк курслари орасидаги фарқи бухгалтерия ҳисобида қўшилган капитал ҳисобланиб «Эмиссион даромад» счетида ҳисобга олинади.

Валюта муомалаларини тартибга солиш қонунига биноан корхоналар ваколатли банклар орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартиб ва мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозоридан хорижий валюта сотиб олиши мумкин. Чунончи, сафар харажатлари учун, шартнома-контракт мажбуриятларини бажарилиш муомалалари ва бошқалар учун хорижий валюталар сотиб олиши мумкин. Хорижий валюта сотиб олиш тўғрисидаги корхонанинг илтимоси қуидаги шаклдаги талабнома билан расмийлаштирилади.

(Ваколатли банкнинг номи)

Хорижий валюта сотиб олиш талабномаси

Корхонанинг номи _____

Почта манзили _____

Телеграф манзили _____

Телекс _____

Битим бўйича масалани ҳал этувчи вакилнинг Ф. И. О. _____

Телефон № _____

Ҳисоб-китоб счетининг № _____

(Банкнинг номи)

МФО _____

Валюта счетининг № _____

(Банкнинг номи)

Сотиб олинадиган валютадан фойдаланиши мақсади

(керагини теги чизилсинг):

- а) таъсис ҳужжатларига биноан фойданинг бир қисмини хорижий инвесторларга ўтказиш;
б) сотиб олинган кимматбаҳо қоғозлар бўйича дивидендлар ўтказиш;
в) қонуний асосда олинган бошқа даромадлар (қандайлиги кўрсатилсан).
Қуйидаги шартлар билан бизнинг номимиз ва ҳисобимиздан хорижий валюта маблағларини сотиб олиш бўйича битим тузишни топширамиз:

| Сотиб олинадиган сумма (АҚШ долларида) | Сўмдаги максимал сотиб олиш курси | Курс бўйича сўмдаги умумий сотиб олиш суммаси |
|--|-----------------------------------|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | | |

Талабноманинг ҳаракат муддати _____ гача

(Санъ. об. йил)

Талабномада кўрсатилган сўм суммалари ваколатли банкнинг сонли счетида блокада қўлгинган.

Битим тузилган тақдирда сотиб олинган хорижий валюта учун курс бўйича сўмдаги эквивалент суммани ва комиссия суммасини бизнинг счетимиздан чиқариб олишингизни топширамиз:

-банк вакили фойдасига _____ % содир бўлган муомала суммасидан
-Ўз РВБ фойдасига тузилган битимдан _____ %

1. _____
2. _____
3. _____

Корхона раҳбари

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

«_____» 200 _____. й.

Хорижий валютани сотиб олиш муомалалари бухгалтерия ҳисобида қўйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

Валюта бозорида келишилган курс бўйича хорижий валютани сотиб олиш кунига.

а) Хорижий валютани сотиб олиш учун ҳисоб-китоб счетидан сўм кўринишидаги маблағларни валюта бозорида келишилган сотиб олиш кунига бўлган курс бўйича ўтказиб берилиши.

Д-т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети

К-т «Ҳисоб-китоб счети»

б) Марказий банк курси бўйича хорижий валютани валюта счетига ўтказилиши.

Д-т «Валюта счети»

К-т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети

в) Хорижий валютани Марказий банк курсидан паст курсда сотиб олиш натижасида содир бўлган ижобий курс фарқини акс эттирилиши.

Д-т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети

К-т «Курс фарқларидан олинган даромадлар»

г) Хорижий валютани Марказий банк курсидан юқори курсда сотиб олиш натижасида содир бўлган салбий курс фарқини акс эттирилиши

Д-т «Курс фарқларидан зааррлар»

К-т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети

Хорижий валюта ҳаракати тўғрисидаги маълумотни банк муассасаси корхонага валюта счетидан кўчирма бериш йўли билан хабар беради. 5210 «Мамлакат ичидағи валюта счетлар»ни кредит обороти 2/1 – журнал-ордерида акс эттирилади. Бу счетнинг дебет обороти 2/1 ведомостини юритиши билан назорат қилинади. Валюта счети бўйича аналитик ҳисоб карточкаларда валюталарнинг номлари бўйича юритилади.

5210 «Мамлакат ичидағи валюта счетлари» бўйича аналитик ҳисоб карточкаси
валютанинг номи _____

Валюта курси бўйича ой бошига сальдо _____

| Банкнинг кўчирмаси (№, сана) | Муомала садир бўлган санага бўлган курси | ОБОРОТЛАРИ | | | |
|------------------------------------|---|--|----------------------------------|-----------------------|----------------|
| | | дебети бўйича валютадаги суммаси | кредити бўйича курс бўйича | валютадаги суммаси | курс бўйича |
| | | | | | |

Ой бўйича жами
Ой охирига сальдо

24. КАССА МУОМАЛАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Касса ҳисоб аппаратининг алоҳида участкаси бўлиб, унга нақд пул маблағлари ва бошқа қимматликлар (қимматли қоғозлар, пулли ҳужжатлар, почта маркалари ва бошқа) ни қабул қилиш, бериш ва сақлаш муомалаларини амалга ошириш юклатилган.

Пул маблағларини бутлиги, касса муомалаларини бажариш бўйича моддий жавобгарлик корхона раҳбари томонидан тайинланадиган кассирга юклатилган. Касса муомалаларини юритиш Марказий банк бошқармасининг 1998 й. 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» билан тартибга солинади.

Кассада кечиктириб бўлмайдиган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган белгиланган лимит доирасида қолдиқ бўлиши мумкин. Белгиланган лимитдан ортиқча нақд пул, кассада фақат иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия бериш кунлари, банк муассасасидан пул олинган кун ҳам қўшилган ҳолда, уч кун ичida сақланиши мумкин.

Кассага пулни қабул қилиш бош бухгалтер ёки унинг ёрдамчиси томонидан имзоланган касса кирим ордери (ф. № КО-1) билан расмийлаштирилади. Бунда пул топширувчига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзоланган квитанция берилади.

Кассадан нақд пул касса чиқим ордери (ф. № КО-2) ёки касса харажат ордери реквизитлари ўрнини босувчи маҳсус штампа қўйилган талабга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар (тўлов ведомости, пул бериш тўғрисида ариза, счетлар ва б.) бўйича берилади.

Кассадан пул раҳбар ва бош бухгалтер ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланган ҳужжатлар бўйича берилади. Агар касса харажат ордерларига илова қилинадиган пул бериш тўғрисидаги ҳужжатларда раҳбарнинг имзоси бўлса, касса харажат ордерларига имзо қўйиш шарт эмас.

Кирим касса ордерлари, унинг квитанциялари ва касса харажат ордерлари бухгалтер томонидан равшан ва аниқ қилиб ёзилади. Бу ҳужжатларда хеч қандай ўчириш ёки тўғрилашга, хатто изоҳланган тўғрилашга ҳам йўл қўйилмайди. Мазкур корхонада ишламайдиган айрим шахсларга пул беришда уларнинг шахсларини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат талаб қилинади, касса харажат ордернинг пул олганлиги тўғрисида имзо қўйиладиган жойида тақдим этилган ҳужжатнинг маълумотлари кўрсатилади.

Турли эҳтиёжлар (иш ҳақи, пенсия, нафақа ва шу кабилар) учун нақд пул банкдаги ҳисоб-китоб счетидан пул чекига

асосан олинади. Пул чеки ҳисоб-китоб счетидан унда кўрсатилган нақд пулни бериш тўғрисида корхонанинг банкка берган буйруги бўлиб ҳисобланади. Қуидада пул чекининг шакли келтирилади.

| | | | |
|--|---|-------|---|
| Чек корешоги № 057200 | <i>Нон заводи</i> (чек берувчи) чек берувчининг счет номери | 25050 | № 057200 Назорат маркаси кассага |
| «10» март 200__й | | | |
| Чек Г.К. Илашовага берилди. (кимга) | Чек № 057200 10000 сўм...тийинга (ракам билан) | | |
| Имзолар: Шокиров (биринчи) | Тошкент шаҳари (чек берилган жой) | | Назорат маркасини ёпишириш жойи |
| Нишонова (иккинчи) | «10» март 200__й (сана, ой ёзув билан) | | |
| Чекни олдим «10» март 200__й Илашова (имзо) | Пахтабанк (муассаса номи) | | |
| | Баримова Гулъзина Илашовага тўланг (кимга) | | |
| | Ўн минг сўм (сўз билан) | | |
| | Имзо: Шокиров | | Нишонова |

Чекнинг орқа томони

| Символ | Сарфлаш мақсади | Сумма, сўм |
|--------|--|------------|
| 40 | Иш ҳақи | 10000 |
| 50 | Пенсия, нафақа, сугурта тўловлари | - |
| 43 | Лимитсиз сафар харажатлари | - |
| 53 | Хўжалик – операцион харажатлар | - |
| | Имзо: Шокиров Нижанова | |
| | Ушбу чекда кўрсатилган суммани олдим Илашова | |
| | Олувчининг шахсини тасдиқловчи белгилар | |
| | Тақдим этилди № | |
| | (Хўжжатнинг номи) | |
| | Берилди 200_й | |
| | (Муассасанинг номи) | |
| | Берилган жойи | |
| | Бухгалтер Вахабова | |

Иш ҳақи, пенсия нафақа, мукофотлар тўланганда ҳар бир олувчига касса чиқим ордери тузилмасдан тўлов ведомости бўйича тўланади. Иш ҳақи бериш муддати битгандан сўнг тўлов ведомости бўйича умумий тўланган суммага бухгалтер касса чиқим ордери тузади.

Касса ордерлари бўйича пул қабул қилиш ва тўлаш фақат ҳужжатлар тузилган куни амалга оширилади.

Барча касса кирим ва чиқим ордерларини бухгалтер касса кирим ва чиқим ҳужжатларини рўйхатга олиш журналига ёзилб (ф. КО-3) кассирга шахсан ўзи беради. Пул олингандан ёки берилганидан сўнг кассир зудлик билан кирим ва чиқим ордерларига имзо қўяди ва уларга илова қилинган ҳужжатларга санасини кўрсатиб штампа ёки қўлда: кирим ҳужжатларига – «Олинди», чиқим ҳужжатларига – «Тўланди» деб белги қўяди.

Рўйхатга олиш журнали маълумотларига асосан олинган ва сарфланган накд пул мақсадга мувофиқлиги корхона томонидан назорат қилинади ва кассир томонидан амалга оширилган операцияларни тўлиқлиги текширилади.

Нақд пул ҳаракатини кассир номерланган, шнурланган ва корхона муҳри босилган касса дафтарида ҳисобга олади. Касса дафтарида варақлар сони корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтари иккни нусхада юритилиб, иккинчи нусхаси йиртиб олинниб кассирнинг ҳисоботи сифатида фойдаланилади. Биринчи нусхаси эса касса дафтарида қолади. Касса дафтарида ўчириб тузатиш ва изоҳланмаган тузатишларга йўл қўйилмайди. Талабга мувофиқ қилинган тузатишлар кассир ва бош бухгалтер ёки уни ўрнини босувчи томонидан имзоланиб тасдиқланади. Қўйида касса дафтарининг шакли келтирилади.

КАССА ДАФТАРИ

| 200 й. 01-05 март учун касса. 74 варақ | | | | |
|--|--|-------------------------------|--------------|-------|
| ҳуж. № | кимдан олинди, кимга берилди | кореспондент- ланувчи счет | кирим | чиқим |
| 195 | Кун бошига қолдик Банкдан – 021300 чеки бўйича | 5110 | 150 10000 | . |
| 25 | Авазов А. Б. га аванс ҳисоботи бўйича ортиқча сарфланган | 4420 | | 25 |
| 26 | Холов И. Х. га аванс ҳисоботи бўйича ортиқча сарфланган | . | | 30 |

Кун бўйича жами 10150 55

Кун охирига қолдик 10095

Шу жумланадан иш ҳақига 10000

Кассир *Илашова*

Битта кирим ордери ва иккита чиқим ордерларини текниридим
ва қабул қилдим

Бухгалтер *Нишанова*

Хар бир ордер бўйича пул қабул қилингандан ёки берилгандан сўнг касса дафтарида ёзилади.

Хар куни иш вақти тутагандан сўнг кассир кунлик мумомалалар жамини чиқаради, кассада кейинги кун бошига қолган қолдиқни чиқаради ва шу куннинг ўзида касса кирим, чиқим ордерлари ва уларга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ҳисобот (дафтарнинг йиртиб оладиган варағи)ни касса дафтари (биринчи нусхаси)га имзо қўйиб бош бухгалтерга топширади. Касса ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ходим кассир вазифасини бажармайди. Нақд пул маблағлари ҳаракати 5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари» актив синтетик счетида ҳисобга олинади. Бу счетнинг дебетида нақд пулнинг кирими, кредитида – чиқими акс эттирилади. Счетнинг сальдоси ҳисобот даври бошига кассада қолган бўш нақд пулни кўрсатади. 5010 – счетнинг кредит обороти 1 – журнал-ордерда акс эттирилади. Дебет оборотлари турли журнал-ордерларга ёзилади, бундан ташқари, 1-ведомость билан назорат қилинади. Қўйида 1 – журнал-ордер ва 1-ведомость шаклларини келтирамиз.

1 – журнал-ордер

200 й. Март ойи учун

5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари» счетининг кредити ва қўйидаги счетларнинг дебети
сўм

| Сана | Дебетланувчи счетлар | | | | Жами |
|-------|----------------------|-------|------|------|-------|
| | 5110 | 6710 | 4420 | 4890 | |
| 01-04 | | | 120 | | 120 |
| 05-08 | | | 55 | | 55 |
| 08-10 | 2000 | 10000 | | | 12000 |
| 11-31 | 1000 | | | 264 | 1264 |
| Жами | 3000 | 10000 | 175 | 264 | 13439 |

1-ведомость

5010 – «Миллий валютадаги пул маблағлари» счетининг дебети қўйидаги счетларнинг кредити
Бош дафтар бўйича ой бошига қолдиқ 3900 сўм
сўм

| Сана | Кредитланувчи счетлар | | | Жами |
|-------|-----------------------|-------|-------|------|
| | ж/о 2 | ж/о 2 | ж/о 2 | |
| | 5110 | 5810 | 4420 | |
| 01-04 | 240 | - | - | 240 |
| 05-08 | - | - | 55 | 55 |
| 08-10 | 9000 | - | - | 9000 |
| 11-31 | - | 288 | - | 288 |
| Жами | 9240 | 288 | 55 | 9583 |

Ой охирига қолдиқ 44 сўм

1 – журнал-ордер ва 1-ведомостга ёзиш учун кассирнинг ҳисоботи асос бўлиб ҳисобланади. Регистрда кассирнинг ҳар бир ҳисоботи бир қаторга ёзилади. Демак, журнал-ордер ва ведомостда банд қилинган қаторлар сони кассирнинг топширган ҳисоботлар сонига тенг бўлиши керак.

Кассада сақланаётган қимматли қофозлар 56 – «Пул эквивалентлари» счетида ҳисобга олинин 3 – журнал-ордерда акс эттирилади. Қимматли қофозлар ҳаракати, кейинчалик кассир томонидан қимматли қофозлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузиб, кирим ва чиқим ордерлари билан расмийлаштирилади.

Қатъий ҳисобот бланкалари таркибига кирадиган меҳнат дафтарчалари, улар орасига қўйиладиган вараклар ва б. балансдан ташқаридаги 006 – «Қатъий ҳисобот бланкалари» счетида ҳисобга олинади.

5010 – счети бўйича маҳсус аналитик ҳисоб юритилмайди. Аналитик регистрлари бўлиб касса дафтари, кассирнинг ҳисоботлари ёки уларнинг ўрнини босувчи машинограммалар ҳисобланади.

Кассанинг назорати. Ички назорат тизими – бу активларни ҳимоя қилиш ва бухгалтерия счетларида акс эттирилган маълумотларини тўғриларини таъминланп учун ишлаб чиқилган сиёsat ва иш юритиш тартибидир.

Пул ҳаракатини ички қатъий назорат қилиш тизими молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун тўғри ахборот берилганлигини кафолатлайди.

Касса ташкил қилинган барча кархоналарда пул маблаглари бутлигини таъминлаш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Пул маблагларини яшириш, олиб кетиш осон, уларда кимга тегишли эканлиги тўғрисида белги йўқ ва улар осон конвертация қилинади. Уларни ўғирлаш имконияти шу билан боғлиқки, айрим шахслар ҳисоб тизимига кириши ва пул маблагларини кўриқлашга руҳсат олиши мумкин.

Кассир моддий жавобгар шахс бўлиб, корхонага етказилган зарап учун жавобгардир. Кассир лавозимига қабул қилинган шахсни корхона раҳбари касса муомалаларини юритиш тартиби билан таништиришиб, у билан моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма мажбурият (шартнома) тузади. Бухгалтерия ҳисобининг 19 – Миллий андазаси «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (1.5. моддаси)га биноан кассадаги пул маблаглари ойига камида бир марта инвентаризация қилинади. Корхона раҳбари буйруги билан ташкил этилган комиссия томонидан кассирнинг иштироқида касса тўсатдан текширилади. Бунда накд пул, пулли хужжатлар, қимматли қофозлар ва қатъий ҳисобот бланкалари тўлиқ текширилади. Касса чиқим ордерлари билан

расмийлаштирилмаган тилхатлар касса бўйича қолдиқقا киритилмайди. Корхонага тегишли бўлмаган пул маблағларини кассада сақлаш тақиқланади.

Башарти оғишиш (ортиқча ёки камомад) аниқланса, инвентаризация актининг орқа томонида содир бўлган ортиқча ва камомаднинг сабабларини кўрсатиб кассир тушинтириш хати ёзди, корхона раҳбари эса текшириш натижаси бўйича инвентаризация комиссияси қарорини тасдиқлайди. Аниқланган ортиқча нақд пул қуидаги проводка билан киримга олиниади:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Аниқланган камомад қуидаги проводка билан кассирдан ундириб олиниши керак:

Д-т 4630 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

Агар корхонанинг валюта счетида маблағлар бўлса, нақд валютадан фойдаланиш зарурияти вужудга келиши мумкин. Нақд валютани ҳисобга олиш учун алоҳида 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счети очилган. Нақд хорижий валюта ҳаракатининг ҳисоби касса дафтарида юритилади. Бу дафтарда хорижий валюта муомалаларининг ҳажмига қараб тахминдан бир неча бетлар ажратилади. Банкдан нақд хорижий валютани олиниши қуидаги проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»

К-т 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлари»

Сафар ҳаражатлари учун ҳисобдор шахсларга берилса:

Д-т 4420 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

К-т 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»

Нақд хорижий валюта ҳаракатининг ҳисоби икки баҳода юритилади: валюта турлари бўйича ва сўмда. Синтетик ҳисоб фақат сўмда юритилади. Журнал-ордер шаклида ҳисоб юритилганда нақд хорижий валютаси учун 1/1 – журнал-ордери ва 1/1 ведомости қўлланилади.

Кассадаги нақд хорижий валюта қолдиғи вақти-вақти билан сўмга нисбатан қайтадан баҳоланиб турилади. Ижобий ва салбий курс фарқи 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счети 9540 «Курс фарқларидан фойдалар» ёки 9630 «Курс фарқларидан зарарлар» счетлари билан корреспондентлашган ҳолда акс эттирилади.

Қуидада касса муомалаларини счетларда акс эттириш схемаси келтирилади.

Касса муомалаларини счетларда акс эттириш
50 - «Касса» счети

| Д-т | К-т |
|---|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: | |
| 5110 - Корхонанинг ҳисоб-китоб счетидан пулнинг тушиши | Иш ҳақи, нафақа, мукофатларни нақд пул билан берилиши -6710 |
| 6940, 6990- 44 Ҳисобдор шахслардан фойдаланмаган аванс қолдиги киримга олинди | Қарзларни нақд пул билан қайтарилиши -6940, 6990 |
| 46 Камомадлар суммасини нақд пул билан қайта-рилиши кредитга сотилган товар ва ш. к. нақд пул билан қайтарилиши | Алимент ва депонентларни нақд пул билан тўлаш -6720, 6890 |
| 9010- 9030, 9210, 9220- Сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар, материал қийматликлар, асосий воситалар учун нақд пул тушуми | Ҳисобдор шахсларга аванс берилиши -44 |
| 4890- Дебитор қарзни қайта-рилиши. Ота-оналардан тушум. Ётоқхоналардан тушум | Кассадаги лимитдан ортиқ нақд пулни ҳисоб-китоб счетига ўтказилиши -5110 |
| | Кассани инвентаризация қилинча аниқланган камомад -4630 |

2.5. ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар майда ҳўжалик харажатларини ва хизмат сафар харажатларини тўлашда содир бўлади. Демак, ҳисобдор шахслар – келгуси маъмурий-ҳўжалик ва сафар харажатлари учун пул маблағларини олдиндан олган ходимлардир. Ҳисобдор шахс сифатида кассадан нақд пул оладиган ходимларнинг рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Бериладиган пул миқдори чекланган: ҳўжалик эҳтиёжлари учун бериладиган нақд пул корхона сметасида назарда тутилади; сафар харажатлари учун бериладиган пул сафар муддати ва борадиган жойига боғлиқ. Сафар харажатига пул беришда йўлкира (икки томонга), суткалик ва ётоқ (турар жой изяраси) харажатлари ҳисоблаб чиқилади.

Хизмат сафари даврида ходимнинг асосий иш жойидаги иш ҳақиси сақланади.

Сафар учун ҳисобдор шахсга пул бериш раҳбарнинг буйруғи ва сафар гувоҳномаси билан расмийлаштирилади.

Бериладиган пул ҳисоблаб чиқилгандан сўнг бухгалтерия томонидан касса чиқим ордери расмийлаштирилади.

Белгиланган меъёр доирасида ёки ундан ортиқ қилинган сафар харажатлари, мақсадли тайинланишига қараб, ёки ишлаб чиқариш харажатларига, ёки давр харажатларига ўтказилади. Башарти сафар харажатлари ишлаб чиқариш жараёнига ўтказилса, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.5.2. моддасига биноан маҳсулот, иш ва хизматлар таниархига ўтказилади. Бошқарув ходимларининг сафар харажатлари эса – давр харажатларига (харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.2.12. моддаси) ўтказилади.

Корхона раҳбарининг қарори билан истисно шаклида қонунчиликда назарда тутилган меъеридан ортиқ қилинган сафар харажатлари солиқка тортиладиган базани кўпайтиради.

Белгиланган вазифа бажарилгандан сўнг уч кун ичida ҳисобдор шахс қилинган харажатлар тўғрисида аванс ҳисоботи топшириши шарт. Қилинган харажатларни исботловчи, тасдиқловчи ҳужжатлар (магазин счетлари, товар чеклари, йўл патталари)ни ва сафар гувоҳномасини аванс ҳисоботига илова қиласи.

Сафарнинг мақсадли тайинланишига қараб цех, бўйлим бошчиликлари қилинган харажатларни мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Аванс ҳисоботи тасдиқланаб суммаси аниқлангандан сўнг аванс ҳисоботи корхона раҳбари томонидан тасдиқланади ва тегишли бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади. Фойдаланилмай қолган сумма аванс ҳисоботи топширган куни ҳисобдор шахс томонидан кассага кирим ордери билан топширилади, ортиқча қилинган харажат суммаси кассадан чиқим ордери билан берилади.

Ҳисобдор шахсга берилган сумма мақсадли характеристга эга бўлиб, бирорвга бериш ёки буориш тақиқланади. Олдинги берилган аванс бўйича қарзи бўлмаган ҳолдагина янги аванс берилади. Башарти белгиланган муддатда аванс ҳисоботи топширилмаса ёки фойдаланилмаган сумма кассага қайтариб топширилмаса, қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия бу қарзни ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолиши мумкин. Шуни ҳам билиш керакки, белгиланган меъердан ортиқча қилинган суткалик харажати ҳисобдор шахснинг иш ҳақисига қўшиб даромад солигига тортилади. Суткалик харажатлар шунингдек турар жой ижара харажатлари меъёри энг кам иш ҳақи миқдоридан коэффициентда белгиланади.

Хизмат сафари харажатлари (турар жой ҳақи, бориш-келиш харажатлари) олдиндан матълум бўлган ҳолларда, корхона раҳбари исботловчи ҳужжатлар топширмасдан сафар харажатларини тўлашга рухсат бериш ҳуқуқига эга. Бунда сафар харажатлари суммасининг расчети, корхона раҳбари ва сафарга бораётган ходим томонидан имзоланиб, корхона

бухгалтериясида сақланади. Сафардан қайттандан сүнг талабга мувофиқ расмийлаштирилган сафар гувоҳномаси бухгалтерияга топширилади, қилинган харажатлар суммаси тўғрисида ҳисобот топширилмайди.

Сафар муддати корхона раҳбарининг буйруғи билан аниқланади, сафарда бўлган ҳақиқий вақти эса – сафар гувоҳномасидаги имзолар ва муҳр билан тасдиқланган тартибда сафар жойига келган ва кетган куни тўғрисидаги белги билан аниқланади. Бунда сафарга кетган ва сафардан келган кунлари тўлиқ кун ҳисобланади.

Корхонада сафарга кетган ва келган шахсларни рўйхатга олиш журнали юритилади.

Барча ҳисобдор сумма муомалалари корхона бухгалтериясида 44 - «Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби» счетларида ҳисобга олинади. Бу актив счет бўлиб, дебет қолдиги ҳисобдор шахсининг корхонадан бўлган қарзини кўрсатади. Бу счетнинг дебетига касса чиқим ордерига асосан янги аванс суммаси берилганда, кредитга эса – аванс ҳисоботига асосан сарфланган ва кирим касса ордерига асосан қайтариб топширилган фойдаланилмаган сумма ёзилади.

Ҳисобдор шахслар олдиндан олинган бўнак суммасидан ортиқча харажат қилган бўлса, ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ортиқча қилинган харажатлар суммасига 6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» счети кредитланади.

Ушбу ортиқча қилинган харажат суммаси ҳисобдор шахсга қайтарилганда 6870 счети дебетланиб 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счети кредитланади.

Мисол 1. Хўжалик раҳбарига сафар харажати учун нақд пул билан бўнак берилди - 5000 с.

Д-т 4420 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар» - 5000 с.

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 5000 с.

2. Хўжалик раҳбарининг бўнак ҳисоботи бўйича ҳақиқий сарфланди – 6000 с.

Д-т 9429 «Бошқа маъмурий харажатлари» - 6000 с.

К-т 4420 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар» - 5000 с.

К-т 6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» - 1000 с.

1. Ортиқча қилинган сафар харажати суммаси қайтарилди – 1000 с.

Д-т 6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» - 1000 с..

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 1000 с.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ҳисобдор шахслар билан бўладиган ҳисоб-китоб муомалалари 7- журнал-ордерда ҳисобга олинади. Куйида бу журнал-ордернинг шакли келтириллади.

200_й. Март ойи учун 44-счетнинг кредити ва бу счет бўйича аналитик маълумотлари

7 – журнал-ордер

| Тар. № | Аванс хисоботи | Хисобдор шахснинг Ф.И.О. | Олидиги ой учун ж/о бўйича тартиб номер | Карни вужудга келиш санаси | Д-т (хисобдор сумманинг колдиги) | К-т (колланган ортиқча харажат суммаси) | Ой бўйича колдик | | | Хисобдор сумма берилди | | |
|-----------|-------------------|--------------------------------|--|-------------------------------------|---|---|------------------|--|------|--|------|--|
| | | | | | | | сана | коррес- пондент- ланувчи счет | сума | коррес- пондент- ланувчи счет | сума | |
| 1 | A | Б | В | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | |
| 2 | 27 | Собирев С. | 17 | 26.03 | 75 | - | - | - | - | - | - | |
| 3 | 28 | Валиев В. | | | | | 04 | 50 | 100 | - | - | |
| 4-8 | 29 | Лапасов Л. | | | | | 04 | 50 | 69 | - | - | |
| 9 | 30-31 | Турий | | 75 | - | | 04 | 50 | 211 | - | 51 | |
| | - | Вахабов А. | | | | | 11-26 | 50 | 20 | 28 | 100 | |
| | | Жами | | | 150 | | 27 | | 400 | | 200 | |

Хужжатларга асосан кредити бўйича жами – 542 сўм (480+62)

Киримга олинган материальларнинг хисобга олинган қиймати – 244 сўм.

Баланс: 150+400+200+32=782 сўм; 480+62+240=782 сўм.

Ой охирига колдик (150+400+200+32) – (62+480)=240 сўм.

Давоми

| Оргиичка харжатни колпаша берилди | | Фойдаланилган аванс суммаси кайтарылди, ушланди сана | | Хисобдор суммаларнан сарфланди | |
|-----------------------------------|-------|---|-------|--------------------------------|------|
| коррес- сана | сумма | 44-счеттингин кредитидан куйидаги сметлар дефтига | 5010 | 5110 | 6710 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| - | - | - | 04 | 15 | - |
| 08 | 50 | 100 | - | - | - |
| 08 | 50 | 4 | 08 | - | - |
| 20 | 50 | 18 | 12-29 | 47 | - |
| - | - | - | - | - | - |
| | | 32 | 62 | - | - |
| | | | | | 480 |

Ушбу журнал-ордер комбинлашган регистр бўлиб, бир қаторга ёзиш йўли билан синтетик ва аналитик ҳисобни ўзида мужассамлаштирган. Бу деган сўз ҳар бир ҳисобдор шахсга берилган сумма учун журнал-ордерда бир қатор очилиб, унга ҳисобдор шахснинг аванс ҳисоботи бўйича сарфланган харажат, қайтариб топширилган фойдаланилмаган сумма ёки ортиқча қилинган харажат учун берилган пул ёзиб борилади.

7 – журнал-ордерининг 44- счетини кредит оборотидан кўриниб турибдики, унда журнал-ордер ҳисоби шаклининг асоси бўлган, шахмат усулидаги ёзув сақланган.

Арифметик ва маънавий жиҳатдан текширилган ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган аванс ҳисоботларни бухгалтер, ҳужжатларга корреспондентланувчи счетларни қўйган ҳолда, ишлаб чиқади. 7 – журнал-ордерга ёзиш учун асос бўлиб ҳисобдор шахсга берилган аванс суммаси бўйича – касса чиқим ордери, сарфланган сумма бўйича тасдиқланган аванс ҳисоботи, қайтариб топширилган сумма бўйича – кирим касса ордери, ортиқча қилинган харажатлар суммасини қайтариш бўйича – касса чиқим ордери ҳисобланади.

Агар корхона ташқи иқтисодиёт фаолияти билан шуғилланса, хорижий сафар бўйича харажатларни ҳисобга олиш зарурияти туғилади. Хорижий сафар харажатлари учун пул Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган меъёр бўйича тўланади. Хорижий валютада қилинган сафар харажатлари мақсадли тайинланишига қараб 4420 счетидан ёки маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига (20-счет), ёки давр харажатларига (94-счет), ёки хориждан сотиб олинган асбоб-ускуналарга (0720-счет), материалларга (10-счет), товарларга (2910-счет) ўтказилади. Счетларга харажатлар хорижий валюта ва сўм эквивалентида ёзилади. Ҳисобдор шахсларда қолган валюта ҳам қайтадан баҳоланиб натижа 9630 ёки 9540 - счетларга ўтказилади.

2.6. ҲИСОБ-КИТОБ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Юридик шахслар орасидаги ҳисоб-китоблар товар муомалалари (мол юборувчи ва мол олувчилар орасида) ва фақат пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган товарсиз муомалалар (бюджетдан, банкдан, ижтимоий сугурта органларидан бўлган қарзларни тўлаш) бўйича бўлиши мумкин.

Товар муомалалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг жойлашган жойларига қараб, шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро бўлиши мумкин. Ўзаро ҳисоб-китоб муносабатларининг зарурий шарти бўлиб, вужудга келадиган ўзаро мажбуриятлар учун пулни ўз вақтида ўтказиб бериш ҳисобланади.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қуидаги шакл ва усуллари белгиланган: тўлов топшириқлари, тўлов талабнома-топшириқлари, аккредитивлар ва маҳсус счетлар, режали тўловлар, алоқа вазирлиги корхоналари орқали пул ўтказишлар, ҳисоблашиш чек дафтарчалари ва б.

Мол сотиб олувчилик томонидан материал қийматликларни олган вақти билан пул тўлаш вақтидаги оралиқни қисқартириш, дебитор ва кредитор қарзларни вужудга келиши ва йўлдаги товар-материал қийматликлар қолдини кўпайишига барҳам бериш мақсадида ҳисоб-китобнинг энг қулай шаклларини танлаб олиш зарур.

Тўлов топшириқлари (пул ўтказиши) билан ҳисоб-китоблар. Тўлов топшириғи банкдаги счетни тасарруф этувчи томонидан бошқа корхона ёки ташкилотнинг счетига пул ўтказиб бериш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлиб ҳисобланади. Тўлов топшириқлари билан аванс тўловлари, бюджетта, сугурта компанияларига, савдо ташкилотларига ходимлардан кредитта сотилган товарлар учун ушланма тўловлари, маҳсулот сифати ва камомади, боқиманда, неустойкалар ва бошқа кредитор қарзлар тўланади.

Транспорт ва алоқа ташкилотлари, шунингдек зарур бўлган ҳолларда олинган товар ва фойдаланилган хизматлар бўйича бир йўла ҳисоб-китоблар олиб бориш учун банк томонидан акцептланган, кўрсатилган сумма олдиндан банкда депонентланган ҳолда, тўлов топшириқлари қўлланилиши мумкин.

Иш ҳақи ва айрим шахсларга алиментлар суммаси ўтказиб берилганда алоқа бўлимлари орқали пул ўтказиши шаклидан фойдаланилади. Бунда олувчиларни, уларнинг оладиган пулини, турар жойларини кўрсатиб рўйхат тузилади. Ўтказиладиган пулнинг умумий суммасига тўлов топшириғи тузилиб рўйхат билан бирга банкка топширилади. Банкда бу хужжат акцептланади.

Банк томонидан акцептланган тўлов топшириғи рўйхат билан бирга почта бўлимига ўтказиб берилган пулни расмийлаштириш учун топширилади. Пул ўтказиб бериш бўйича почта бўлимининг кўрсатган хизмат харажатлари топшириқ суммасига қўшилади ёки почтага нақд пул билан тўланади. Тўлов топшириғи билан пул ўтказиб берилганда қуидаги ёзувлар бериллади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Д-т 6520 «Ижтимоий сугурта бўйича тўловлар»

Д-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

Тўлов талабномаси билан ҳисоб-китоблар тартиби. Мол юборувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўзининг ҳисоб-китоб счети бўлган банкка жўнатилган (берилигандан) товарлар бажарилган иш ва хизматлар учун олишга тегишли бўлган пулни тўловчилар счетидан ўзларининг счетларига ўтказиб бериш учун тўлов талабномаси топшириладилар.

Акцент шаклида ҳисоблашими асосида тўлов талабномаси-топшириқлари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар вужудга келади. Уларнинг моҳияти қўйидагилардан иборат: мол юборувчи молни жўнатиб мол сотиб олувчи номига тўлов талабномасини тўлдириб унга жўнатади. Мол олувчи (тўловчи) тўлов талабномасини олиб унинг иккинчи қисми-тўлов топширифини тўлдиради. Шу билан тўловчи ўзининг ҳисоб-китоб счетидан, мол юбориш ёки хизмат кўрсатиш бўйича мол юборувчи томонидан шартнома шартлари бажарилганлиги учун кўрсатилган суммани ўтказиб бериш бўйича банкка топшириқ беради. Ўз навбатида банк тўловчининг ҳисоб-китоб счетидан пулни чиқариб уни мол юборувчилар счетига ўтказиб бериш учун ҳужжатларни мол юборувчининг банкига жўнатади.

Тўловчи пул тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга. Тўлашни рад этиш тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Тўлашни тўлиқ рад этиш қўйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин: мол олувчининг розилигини олмай товарлар муддатидан олдин келиб тушса; товарларни комплект эмаслиги ва сифатсизлиги ҳужжатлар билан тасдиқланса; товарларнинг нархлари тўғрисида келишилмаган бўлса; тўланган товарлар учун яна қайтадан талабнома тақдим этилса. Тўлашни қисман рад этиш қўйидаги ҳолларда содир бўлиши мумкин: буюртилган товар билан бирга буюртилмаган товар келиб тушса; счетда кўрсатилгандан ортиқча товар келиб тушса; паст навли бўлса; қисман товарлар бўйича нархлари келишилмаган бўлса; талабномада арифметик хатолар бўлса; товарлар кам келса. Истеъмол қилинган коммунал хизматлари (газ, сув), электроэнергия, телефон бўйича абонемент тўловлари суммалари тўловчининг розилигисиз тўланади.

Тўлаш рад этилса, келиб тушган товарларни мол олувчи масъулиятли сақлашга қабул қилиб 002-«Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар» балансдан ташқари счетида, мол юборувчидан бошқа жойга жўнатиш тўғрисида кўрсатма келгунча, ҳисобга олади.

Товарларни жўнатиш ва пул маблағларини ҳисоб-китоб счетларига ўтказиш билан боғлиқ бўлган муомалалар бухгалтерия ҳисобида қўйидагича расмийлаштирилади:

Товарлар жўнатилиши билан мол юборувчида :

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»

K-т 9010, 9020

Мол юборувчидаги ҳисоб-китоб счетига пул ўтказилганда:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб счети»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»

Материаллар келиб тушиши билан мол олувчилаарда:

Д-т 10 «Материаллар» ёки 12 «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар»

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилаар ва пудратчилаарга тўланадиган счетлар»

Мол сотиб олувчида ҳисоб-китоб счетидан пул ўтказилганда:

Д-т 6010

К-т 5110

Аkkредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар. Бир йўла юборилган моллар қийматини тўлаш, мол юборувчилаарнинг ҳисоб-китоб счетларига юборилган моллари учун кафолатланган пулни ўтказиши муомалаларини тезлаштириш учун ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли қўлланилади. Аkkредитив – бу мол сотиб олувчининг банкини бошқа шаҳардаги мол юборувчининг банкига жўнатилган товар, бажарилган иш ва хизматлари учун мол юборувчининг счетига пул ўтказиб бериш тўғрисидаги буйруги.

Аkkредитив шаклидаги ҳисоб-китоб мол сотиб олувчилаар учун қулай эмас, чунки ҳисоб-китоб счетидаги бўш пул маблағларини товар олмасдан туриб четга жалб қилиб, аккредитивлар счетига ўтказиб қўйишга мажбур қиласди. Мол сотиб олувчи аккредитив ҳаракатини мол юборувчининг банкида 15 кун муддати (ундан ортиқроқ муддат ҳам бўлиши мумкин) билан чеклаб қўйганига қарамай одатда пул маблағларини четга жалб қилиш бу муддатдан икки-уч марта кўп.

Аkkредитив суммасидан қисман фойдаланилган ҳолларда, унинг фойдаланилмай қолган қисми қайтариб ҳисоб-китоб счетига топширилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли айниқса бозор муносабатларига ўтиш даврида ишонарли бўлиб ҳисобланади, чунки у мол юборувчилаар ўз вазифаларини бажарганларидан сўнг тезда пул олиш имкониятини беради.

Махсус счетлар бўйича ҳисоб-китоблар. Корхона маҳсус счетни ўз вакили орқали узоқ муддат ичida ҳўжалик фаолиятини қайси маъмурий худудда олиб борадиган бўлса, ўша жойнинг банкида очади. Маҳсус счет мазкур худудда юборган маҳсулоти, бажарган иши бўйича мол юборувчилаар ва бошқа ташкилотлар ва шахслар билан ҳисоблашиш учун

фойдаланилади. Талаблар фақат мол сотиб олувчининг вакили томонидан акцептлангандан сўнг тўланади. Бу счетдан корхона вакилига товарларни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича харажатларни қоплаш учун нақд пул берилиши мумкин.

Аккредитив ва маҳсус счетлар бўйича ҳисоб-китоблар 5510 «Аккредитивлар» деган счетида ҳисобга олинади. Бу ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби банкнинг кўчирмасига асосан 3 – журнал-ордерда юритилади.

**Аккредитив ва маҳсус счетлар бўйича муомалаларни
счетларда акс эттирилиши қўйидагича**

5510 – «Аккредитивлар» счети

| Д-т | К-т |
|---|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: | |
| 5110- Аккредитив ва юк айланиши бўйича маҳсус счетларни корхонанинг ўз маблаглари ҳисобидан очилиши | Жўнатилган материал қийматликлар бўйича мол юборувчиларнинг тўлов талабномаларини аккредитив ва маҳсус счетлардан тўланиши -6010 |
| 6910- Аккредитив ва маҳсус счетларни банк кредити ҳисобидан очилиши | Аккредитив ва маҳсус счетларни ёпишда уларнинг қолдиқ суммаларини -5110 қайтарилиши |

3 – ЖУРНАЛ-ОРДЕР

Март 200_ йил учун

Бош дафтар бўйича ой бошига қолдиқ 25600 сўм

| Като р № | Кўчирма санаси ёки қайси сана-га топши-рилди | Муомалалар мазмуни | 55-счетни кредитидан қуйидаги счетларнинг дебетига | | |
|-------------|--|-----------------------|--|-------|---------------------|
| | | | 5110 | 6010 | кўчирма бўйича жами |
| 1 | 30 | 130-аккредитив бўйича | - | 10240 | 10240 |
| 2 | 07 | 131-аккредитив бўйича | 400 | - | 400 |
| 3 | 31 | 132-аккредитив бўйича | 9288 | 6656 | 15944 |
| | | Жами | 9688 | 16896 | 26584 |

**Орқа томони
5510 – счетнинг аналитик ҳисоби**

| Тар. № | Аналитик ҳисобнинг номери ва номи | Ҳара- кат муд- дати | Ой- бошига сальдо | Банкнинг кўчир- маси бўйича дебет обороти | | Кре- дит оборо- ти | Ой охирига сальдо |
|-----------|--------------------------------------|------------------------------|-------------------------|---|-------|-----------------------------|-------------------------|
| | | | | сана | сумма | | |
| | аккредитивлар | | | | | | |
| 1 | 130-сонли СМУ-3 | - | 9276 | 11-31 | 964 | 10240 | |
| 2 | 131-сонли АО «Бахт» | - | 400 | - | - | 400 | |
| 3 | 132-сонли Ўнилғи база | - | 15944 | - | - | 15944 | |
| 4 | 133-сонли ТТЗ | - | - | 11-31 | 3402 | - | 3402 |
| | Жами | | 25620 | | 4386 | 26584 | 3402 |

Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар
корхоналар орасида муттасил товар-материал қийматликлар жўнатилиб ёки хизматлар кўрсатилиб (нон магазинларига нон маҳсулотларини жўнатиш, кундалик истеъмол қилинадиган маҳсулотни корхоналар омборида сақлаш ҳуқуқига эга бўлмай жўнатиб туриш) турилса амалга оширилади.

Истеъмолчи ва мол юборувчи шартномага биноан ҳар куни тўлаб туриладиган маҳсулот ёки хизматлар қийматининг режа суммасини белгилайдилар. Пул тўлаш тўлов топшириги ёки тўлов талабномаси билан расмийлаштирилади.

Ҳисоб-китоблар шартномада белгиланган муддатларда тартиба келтирилади, яъни ўтказиб берилган сумма ҳақиқий олинган маҳсулот ёки фойдаланилган хизматлар қиймати (ҳажми) билан таққосланиб офишиши аниqlанади.

Тўланган сумма кам чиқса кўшимча тўланади, ортиқча чиқса, ёки мол сотиб олувчига қайтариб берилади ёки кейинги тўловларда ҳисобга олинади. Режали тўловлар орқали олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби мол юборувчининг балансида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счетнинг «Режали тўловлар ҳисоб-китоби» аналитик счетида юритилади. Мол юборувчи ўз вазифасини бажарса бу аналитик счетни дебетлаб 9010 «Маҳсулотни сотишдан олинган даромад» счетини кредитлайди, жўнатилган маҳсулотлар учун пул келиб тушса, 5110 «Ҳисоб-китоб счети»ни дебетлаб 4010 – счетнинг режали тўловлар аналитик счетини кредитлайди.

Аналитик ҳисоб 7 ведомостда ҳар бир дебитор бўйича юритилса, синтетик ҳисоб - 11 – журнал-ордерда (кредити бўйича обороти) юритилади.

Чеклар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар. Мол сотиб олувчининг ҳисоб-китоб счети ҳолатидан қатъий назар пул ўтказиб беришни кафолатловчи муттасил ҳисоб-китобларни олиб бориш зарурияти туғилгандан ҳисоблашиш чеклари қўлланилади. Ҳисоблашиш чеклар дафтарчасида 10, 20, 25, 50та чеклар бўлиб улар банк томонидан берилади.

Лимитлаштирилган чек дафтарчалари олти ойгача муддатта берилиб, унда ҳисоблашиш чек дафтарчасидан ўтказиб берилиши мумкин бўлган сумма кўрсатилади. Чек, ёзиб берилган кунни ҳисобга олмаганда, 10 кунгача ўз кучини йўқотмайди. Олдиндан эълон қилинган лимит суммаси тўловчининг ҳисоб-китоб счетидан маҳсус счетга ўтказиб қўйилади, шунинг учун лимитдан ортиқча суммага ёзиб берилган чек бекор қилинади ва банк томонидан тўланмайди. Лимитлаштирилган чек дафтарчаси бўйича сумма 100 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Лимитлаштирилмаган чек дафтарчалари бир йил муддатига берилиб, уларни берган банкнинг ссудаси билан таъминланади. Улар маблағларни маҳсус счетда олдиндан депонентлашни талаб қилмайди.

Ҳисоблашиш чеклари олинган товар ёки кўрсатилган хизматларнинг аниқ суммасига ёзиб берилади. Уларни банк ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ёки ишонч қофози билан ваколат қилинган лавозимли шахслар имзолайдилар. Чек дафтарчасидан фойдаланиш муддати тугагач фойдаланилмаган лимит суммаси дафтарчани тасарруф этувчининг ҳисоб-китоб счетига ўтказилади. Чек дафтарчасини тасарруф этувчининг илтимосига кўра дафтарча бўйича сарфлаш лимити кўпайтирилиши мумкин. Корхонада чек дафтарчалари қатъий ҳисобот бланкалари сифатида сақланади.

Лимитлаштирилган чек дафтарчалари бўйича содир бўладиган муомалалар 5520 «Чек дафтарчалари» счети бўйича 3 – журнал-ордерда юритилади.

Содир бўлган муомалалар қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштириллади:

5520 – «Чек дафтарчалари» счети

| Д-т | | К-т |
|---|--|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | | |
| | Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: чек дафтарчаси бўйича фойдаланилмаган лимит қолдиги Ҳисоб-китоб счетидан кўчирма | | |
| 5110 - | Ўз маблағлари ҳисобидан лимитлаштирилган чек дафтарчаларини олиниши ва лимитни тўлдирилиши | Чек дафтарчалари бўйича счетдан кўчирма - 5110 |
| 6910 - | Ссуда счетидан кўчирма Банк ссудаси ҳисобидан лимитлаштирилган чек дафтарчаларини олиниши ва лимитни тўлдирилиши | Сотиб олинган материаллар қиймати тўланса -6010 Фойдаланилмаган сумма кредитни қоплашга йўналтирилса -6910 |

Корхонанинг барча юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблари, шунингдек ички хўжалик ҳисоблашишлари тўғрисидаги ахборотларни ҳисобга олиш ва умумлаштириш учун счетлар режасида қўйидаги счетлар ажратилган: 6010 «Мол юборувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар». Бу счет мол юборувчи ва пудратчилар билан олинган товар-материал қийматликлар, бажарилган иш ва фойдаланилган хизматлар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счети моддий қийматликлар ёки бажариладиган ишлар учун берилган аванслар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги, шунингдек буюртмачилардан олинган қисман тайёр бўлган ишларни тўлаш бўйича ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар» счети мол олувчи ва буюртмачилар билан жўнатилган маҳсулот (иш ва хизматлар) бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

4210 «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счети мол юборувчи, пудратчи, транспорт ва бошқа ташкилотларига тақдим этилган даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек уларга тақдим этилган ва тан олинган ёки ҳукм этилган жарима, боқиманда, неустойжалар бўйича ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счети моддий қийматликларни етказиб бериш учун ёки бажариладиган ишлар учун олинган аванслар бўйича, шунингдек буюртмачилар учун бажарилган қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишларни тўлаш бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

6510 «Мулкий ва шахсий суғурта бўйича тўловлар» счети корхона мулки ва ходимлари (ижтимоий суғурта ва таъминот ва тиббиёт суғуртаси бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблардан ташқари) суғуртаси бўйича, корхона суғуртачи бўлиб ҳисобланган ҳолларда олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

6530 «Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар» счети корхонанинг бюджетдан ташқари турли фондларга (ижтимоий суғурта ва таъминот ва тиббиёт суғуртасидан ташқари) тўлайдиган тўловлари бўйича давлат органлари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган.

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети корхона томонидан тўланадиган солиқлар ва шу корхона ходимларидан олинадиган солиқлар бўйича бюджет билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган.

6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счети корхона ходимларини давлат ижтимоий суғурта, пенсия таъминоти ва тиббиёт суғуртасига ажратмалари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган.

6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» счети меҳнат ҳақи (иш ҳақининг барча турлари, мукофотлар, нафақалар, ишлаётган пенсионерларга бериладиган пенсиялар ва бошқа тўловлари), шунингдек мазкур корхонанинг акциялари ва қимматли қоғозлари бўйича даромадларни тўлаш учун корхона рўйхати таркибида бўлган ва бўлмаган ходимлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган.

44 «Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби счетлари» ҳисоботини кейинчалик топшириш йўли билан маъмурий - хўжалик ва операцион харажатлари, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган суммалар бўйича корхона ходимлари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган.

46 «Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ҳисоби счетлари» меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари, корхона ходимлари билан олиб бориладиган барча ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган.

4710 «Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзи», 6610 «Тўланадиган дивидендлар» ва 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улуши бўйича қарз» счетлари корхона таъсис этувчилари билан олиб бориладиган барча турдаги ҳисоб-китоблар (акционер жамиятини акциялари, хўжалик ширкати қатнашчилари, жамоа аъзолари ва х. к.); корхона устав фондига қўйилмалар бўйича, даромадларни тўлаш бўйича ва бошқалар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган.

48, 6720 ва 68 - счетларда юқорида келтирилган счетларда айтилмаган барча муомалалар бўйича дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлашириш учун тайинланган: тижорат характеристига эга бўлмаган муомалалар бўйича турли ташкилотлар, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва х. к. билан; чеклар билан тўланадиган транспорт ташкилотлари (темир йўл, сув йўли) нинг хизматлари учун; депонентланган иш ҳақи, мукофат ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар суммаси бўйича; суд

органларининг ижро ҳужжатлари ёки хукумларига асосан корхона ходимлари иш ҳақидан турли ташкилот ва шахслар фойдасига ушланган суммалар бўйича ва бошқалар.

4110 ва 6110 - счетларда алоҳида балансга ажралган корхоналарнинг филиаллари билан олиб бориладиган барча турдаги ҳисоб-китоблари (баланслари ичидағи ҳисоб-китоблар) тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Хусусан, ажратилган мулк бўйича ҳисоб-китоблар; ўзаро моддий қийматликлар жўнатиш бўйича; маҳсулотлар сотиш бўйича; фаолиятни умумбошқариш харажатларини ўтказиб бериш бўйича; бўлинмалар ходимларига иш ҳақи тўлаш;agar фондлар бўлинмаларга ўтказиб берилмасдан корхона балансида ҳисобга олинадиган бўлса, истеъмол фондлари ва улар ҳисобидан қилинадиган харажатлар бўйича ва ҳ. к.

Мазкур ишнинг тегишли бобларида ҳар бир счетдан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоб муомалаларининг ҳисоби кўриб чиқилади.

2.7. ТУРЛИ ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ

Дебитор қарз ҳар доим бошқа компаниянинг активларига қилинган даъво бўлиб ҳисобланади. Дебитор қарзи билан боғлиқ бўлган асосий бухгалтерия операциялари бўлиб тан олиш ва баҳолаш ҳисобланади. Дебитор қарзларини ундириб олиш имконияти – бу дебитор қарзларини ўлчаш ва уларни ҳисоботига таъсир қилувчи асосий масала бўлиб ҳисобланади. Ундириб олиш имконияти қарз акс эттирилганингига (тан олиш принципи) ва унинг суммасига (баҳолаш принципи) таъсир қиласи. Бухгалтерия ҳисоби Миллий андазасининг 2-сонига биноан хўжалик юритувчи субъектга даромадларнинг келиб тушиш эҳтимоли бўлса, улар алоҳида акс эттирилади.

Миллий андазанинг «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва топшириш учун концепция асослари» да кредитор қарзлар, яъни мажбуриятлар «бухгалтерия балансида қачонки ўзида иқтисодий фойдани мужассамлаган ресурсларни оқиб кетиш эҳтимоли бўлса, шунингдек мажбуриятларни қабул қилиш натижаси бўлсагина, бухгалтерия балансида тан олинади» (66-параграф) дейилган.

Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қуидаги ҳолларда вужудга келади: корхонанинг ўзидан ёки унинг меҳнат жамоаси аъзоларидан ижро ва рақаларига асосан пул ундириладиган бўлса; коммунал хизмати, турар жой ҳақи, турар жой бўлмаган хоналарни ижара ҳақлари бўйича; меҳнат жамоаси аъзоларининг буйруги билан Xalq banki ва бошқа жойларга пул ўтказиш бўйича. Даъволар ва корхонага етказилган моддий зарарларни ундириш бўйича ҳисоб-китоблар 4210, 46 – счетларда ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, турли дебиторлар таркибида молияланадиган ва оператив лизинглар бўйича олинадиган тўловлар, олинадиган фоизлар ва дивидендлар, роялти ва гонорар бўйича олинадиган счетлар ва бошқа шахсларнинг қарзлари (жорий қисми) ҳисобга олинади. Бу муомалаларнинг ҳисоби 48 «Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби» счети бўйича очилган (4810, 4811, 4820, 4840 ва 4890) счетларда акс эттирилади.

Корхонанинг турли кредиторлардан бўлган қарзлари таркибида молияланадиган ва оператив лизинглари бўйича тўланадиган суммалар, тўланадиган фоизлар, роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар, даъволар бўйича тўланадиган счетлар, ҳисобдор шахслардан бўлган қарзлар ва бошқа мажбуриятлар киради. Бундай муомалаларнинг ҳисоби 68 – «Турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа мажбуриятлар ҳисоби» счети бўйича очилган (6810, 6811, 6820, 6830, 6840, 6850, 6860, 6870 ва 6890) счетларида акс эттирилади.

43, 40, 63, 65, 47, 66, 48, 68, 41 ва 61-счетлар бўйича аналитик ҳисоб 7-ведомостда юритилади. Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади (58-бетга қаралсин).

Бошқа счетлар бўйича ҳам шу шаклда 7-ведомость юритилади. Ой охирида аналитик ҳисоб ведомости бўйича жами чиқарилиб кейинги ой бошига қолдиқ ёзилади. Кредит оборотлари корреспондентланувчи счетлар доирасида 7-ведомостдан 43, 40, 42, 64, 46, 48, 68, 41, 61 ва бошқа счетларнинг кредити бўйича 8 – журнал-ордерга ёзib қўйилади. 41, 42, 46 счетлар бўйича ёзувлар журнал-ордерда бир қаторда кўрсатилади, 48, 68 – счетлар бўйича бир ойлиги жамлаб ёзилади. 64, 41, 61 – счетлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб бирга кўрсатилади.

Депонентланган суммаларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир иш ҳақисини талаб қилиб олмаганлар бўйича ёки депонент суммасини берилганини түғрисида белги қўядиган графа кўрсатилиб тузилган реестрда ёки депонентланган иш ҳақи дафтарида (8-а шакли) юритилади.

Қуйида реестрнинг шаклини келтирамиз (59-бетга қаралсин).

Депонентланган сумма кассадан чиқим касса ордерига асосан берилади.

Ходимлар таътилга, пенсияга чиқишиларида ва ишдан бўшаётган ҳолларда, иш ҳақи бериш учун белгиланган кунни кутмасдан, иш ҳақи таътилга чиқиш, ишдан бўшаш, пенсияга чиқиш кунидан кейинги кундан кечиктирилмай берилиши керак. Бундай тўловлар ҳисоблашиш даври орасидаги тўловлар дейилади. Ушбу мақсадлар учун пул касса чиқим ордерлари ёки (уч ва ундан ортиқ ходимлар бўлса) тўлов ведомостларига асосан берилади.

Қуйида муомалаларни счетларда акс эттириш тартибини батафсил кўриб чиқамиз.

200_й март ойн учун 6890 – «Бошقا мажбуриятлар» счетининг аналитик хисоби бүйича
7-ведомость

| Тар. № | Дебитор за кредиторлар номи, манзили | Ой босиғаты саљдо | | | Дебет обороти | | | Кредит обороти күйидаги счептарниң дебеттеги | | |
|-----------|---|----------------------|-----|-----------------------------|----------------------------------|------------|---------------------|---|------|------|
| | | Д-т | К-т | асос (ёзув мазмуни) | кореспон- денттанувчи счет | сум- ма | асос (ёзув мазмуни) | Хисоб ходимларни ўқиттани учун олиндиги Важарилмаган иш бүйича қайтарилди Инвентаризация акти (муддати ўтган карз) | 5110 | 5010 |
| 1. | Тошкент ўкув маркази | 446 | - | | | | | 446 | - | |
| | НИФИ | 600 | - | | | | | 600 | - | |
| 2. | | | | | | | | | | |
| 3. | Рембаза | 80 | - | | | | | | 80 | |
| 4. | СМУ | | - | 72-шартнома бүйича аванс | 5110 | 600 | | | | |
| | Жами | 1126 | | | | 600 | | | 1046 | 80 |

Түләнмаган иш хаки реестри
200_й март ойи. Феврал ойининг иккинчи ярми учун

| Цех № | Тўлов ведомости | Габель № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Ташкил бўлиши санаси | Берилмаган иш хаки суммаси (сўм) | Сана | Хуҗжат № | Тўланди ёки ўтказилди | Сумма |
|-------|-----------------|----------|---------------------------------|----------------------|----------------------------------|------|----------|-----------------------|-------|
| 01 | 12 | 023 | Сафаров С.Н. | 10 | 5098-00 | | | | |
| 01 | 12 | 031 | Комилов К.С. | 10 | 4072-00 | | | | |
| 02 | 14 | 240 | Шамшиев К.Л. | 10 | 5158-16 | | | | |
| 02 | 14 | 242 | Долисев Р.Е. | 10 | 4985-80 | | | | |
| 03 | 15 | 301 | Хабибов А.Н. | 10 | 3156-04 | | | | |
| | | | Жами | | 22470-00 | | | | |

Кассир Илашова

Текширдим бухгалтер Низомонов

4310 – «ТМҚлар учун мол ётказиб берувчилар ва
пудратчиларга берилган бўнаклар» счети

| Д-т | Корреспондентланувчи счетлар | К-т |
|---|--|---|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети | |
| Сальдо: мол юборувчи ва пудратчиларга берилган қарз | | |
| 5110, 5210 – | Ҳисобот ойида ўтказиб берилган аванслар | Мол юборувчи ёки пудратчини тўлов та- лабномасини тўлашда зачет қилинган аванс -6010 Аванснинг -5010, 5110, қайтарилиши 5210 |

4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан
олинадиган счетлар» счети

| Д-т | Корреспондентланувчи счетлар | К-т |
|--|--|--|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети | |
| Сальдо: харидорлар ва буюртмачиларнинг уларга юборилган маҳсулот, тоғизирилган ишлар, хизматлар бўйича қарзи | | |
| 9010- | Ҳисобот ойида жўнатилган маҳсулот, ишлар, хизматлар қиймати | Маҳсулот, ишлар, хизматлар учун нақд пул олинди -5010 |
| 9210- | Ҳисобот ойида сотилган асосий воситалар қиймати | Сотилган маҳсулот, ишлар, хизматлар учун пулни ҳисоб-китоб ёки валията счетига ўтказилиш . 5210 |
| 9220- | Ҳисобот ойида сотилган бошқа активлар қиймати | Олинган авансни зачет қилиш -6310 Дебиторларнинг тўлашга қобилияти бўлмагандан қарзнинг резерв ҳисобига қопланиши -4910 Олинган векселларни тўланиши -5110, 5210 |

4210 – «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счети

Д-т

К-т

Корреспондентланувчи счетлар

| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
|---|--|
| Сальдо: даъволар бўйича турли корхона ва ташкилотлар қарзи | |
| 6010 – Талабнома акцепт қилингандан сўнг аниқланган камомад, нархининг тўғри келмаслиги, арифметик хатоларни вужудга келиши | Дебиторлардан тушган сумма ёки ҳисоб-китоб счетига банк томонидан нотўғри -5110 ўтказилган сумма |
| 5110 – Ҳисоб-китоб счетидан банк томонидан нотўғри олинган пул ва хато ўтказилган сумманинг чиқарилиши | |
| 9439 – Ташқи сабабларга кўра бекор туриш бўйича мол юборувчиларга қилинган даъво суммаси | |
| 9330 – Мол юборувчилар томонидан тан олинган ёки арбитраж томонидан хукм қилинган ундириладиган жарима, боқиманда, неустойкалар суммаси | |

4610 – «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счети

Д-т

К-т

Корреспондентланувчи счетлар

| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
|---|---|
| Сальдо: корхона ишчи ва хизматчиликнинг кредитга олинган товарлар бўйича қолдиги | |
| 6990 – Ҳисобот ойида ишчи ва хизматчилар томонидан топширилган топширик-мажбурият миқдорида савдо ташкилотларига ўтказиб берилган сусда | Кредитга сотилган товарлар бўйича қарзни қайтариш учун ишчи ва хизматчиликнинг иш ҳақларидан ҳар ойда ушлаб қолинган сумма -6710 Кўрсатилган қарзни нақд пул билан қайтарилиши -5010 Ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшагани туфайли савдо ташкилотларига қайтарилиган сумма. (Шу билан бирга 4610 – счетининг кредит оборот суммасига Д-т 6990 ва К-т 5110) |

4620 – «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзлари»
счети

| Д-т | К-т |
|---|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: ишчи ва хизматчиларнинг якка ва жамоа курилиши, далабоғ уйларни сотиб олиш учун олинган ссудаларни қайтарилмаган суммаси | |
| 5010 - Шу мақсадлар учун берилган янги ссуда суммасига. (Шу билан бирга Д-т 5110 ва К-т 6990) | Тўлаш характерига қараб нав батдаги тўланган сумма (шу билан бирга Д-т 6990 ва К-т 5110) - 5010, 5110, 6710 |

4630 – «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг
қарзлари» счети

| Д-т | К-т |
|---|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: камомад ва ўғирликлар бўйича моддий-жавобгар шахсларнинг қарз суммаси | |
| 10 - Ҳисобот ойида товар- материал қийматликлар- нинг камомади ва ўғир- ликлари бўйича вужудга келган ҳақиқий танинарх- даги қарз суммаси | Камомад ва ўғирлик- лар суммасини иш ҳақидан ушлаши йўли билан қайтарилиши - 6710 |
| 6210 - Етишмаётган моддий бойликларнинг ҳақиқий суммаси билан айбор шахслардан ундириб олинадиган бозор баҳоси орасидаги фарқига Фойдаланиб | Камомад ва ўғирликлар суммасини нақд пул билан қайтарилиши - 5010 |
| 2610 - бўлмайдиган маҳсулотдан кўрилган заарлар бўйича | Даъвонинг асосланмаганлиги туфайли камомад суммасини ҳисобдан чиқарилиши - 9433 |
| | Айбор шахснинг тўлашга қобилият- сизлиги туфайли қарзни ҳисобдан чиқарилиши - 4910, 9433 |

6890 – «Бошқа мажбуриятлар» счетининг

а) Ижро варакалари бўйича

| Д-т | К-т |
|--|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 5010- Ижро варакалари бўйича бўлган қарзни накд пул билан қайтариш | Сальдо: корхонанинг ижро варакалари бўйича пул олувчи ташкилот ва шахслардан бўлган қарзи |
| 5110- Ижро варакалари бўйича бўлган қарзни ҳисоб-китоб счетидан тўланиши | Ҳисобот ойида ижро варакалари бўйича ушланмалари суммасига -6710 |

б) Кредитга сотилган товарлар бўйича

| Д-т | К-т |
|---|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 5110- Кредитга сотилган товарлар бўйича ишчи ва хизматчилардан ушлаб қолинган суммани корхона томонидан савдо ташкилотларига ўтказиб берилиши | Сальдо: кредитга сотилган товарлар учун ишчи ва хизматчилардан ушланган суммалар бўйича корхонанинг савдо ташкилотларидан бўлган қарзи Кредитга сотилган товарлар бўйича қарзни қайтариш учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланган сумма -6710 |

в) 4890 «Бошқа шахслар қарзлари-жорий қисми»

| Д-т | К-т |
|--|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: турли ташкилотларнинг корхонадан бўлган қарзи | |
| 9030- Турар жой бўлмаган жойларни ижарага бериш бўйича ҳисобланган ижара ҳақига | Турли ташкилот ва шахслардан бўлган дебитор қарзларни ундириб олиниши -5110 |
| 9450- Ётоқхона бўйича ҳисобланган турар жой ҳақи Бошқа дебитор қарзларни вужудга келиши | |

3 - БОБ

МЕҲНАТ ВА ҮНГА ҲАҚ ТҮЛАШ ҲИСОБИ

3.1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёни меҳнат қуроли ва меҳнат буюмларидан ташқари, бевосита меҳнат жараёнини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб кишининг истеъмолини қондирадиган маҳсулот вужудга келтирилади.

Хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиш шароитида меҳнаттага ҳақ тўлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ходимларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлатнинг кўплаб вазифалари бевосита корхоналарга берилган. Меҳнатта ҳақ тўлашнинг шакллари, тизимлари ва миқдорини, меҳнат натижасига қараб рағбатлантиришни корхоналар мустақил ўzlари белгилайди. «Иш ҳақи» деган тушунча ҳозир қонунчилик асосида ишламаган вақтлари учун ҳам (молиялаштириш манбаидан қатъий назар), пул ва натура шаклида ҳисобланган иш ҳақининг барча турларини (шунигдек турли мукофатлар, қўшимча ҳақлар ва ижтимоий енгилликларни) ўз ичига олади.

Бозор муносабатларига ўтиш ходимларга яна акция ва облигациялар бўйича дивиденд ва фоизлар тарзида бошқа манбалардан даромад олиш имкониятини берди.

Ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари, корхона фаолиятининг пировард натижасини ҳисобга олган ҳолда, унинг қўшган ҳиссаси билан аниқланади, солик билан тартибга солинади ва максимал миқдори чекланмайди. Лекин ходимларнинг минимал иш ҳақи миқдори бор ва у қонунчилик билан белгиланади.

Меҳнат муносабатларини, шу жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни юридик асосини меҳнат тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар, корхоналарнинг жамоат шартномалари ва бошқа муайян меъёрий ҳужжатлар ташкил этади (Ўз Р Меҳнат кодексининг 1-моддаси).

Даромадларни индексация қилиш ва пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлган аҳоли зарарларини қоплаш ижтимоий кафолатдаги янгилик бўлиб ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб - қувватлашда ижтимоий суғурта, пенсия фонди, бандлик фонди ва бошқа давлат бюджетидан ташқари фондлари алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг ташкил этилиши тегишли қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади. Барча бюджетдан ташқари фондлар мақсадли ажратмалар ва бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилиб, давлат бюджетидан

ажралган ҳолда фаолият кўрсатади ва муҳим ижтимоий тадбирлар ва режаларни молиялаштиришда фойдаланилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни бухгалтерия ҳисоби 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» пассив счетида юритилади. Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби корхонанинг ҳисоб тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди ва у меҳнатнинг сон ва сифати, истеъмолга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш устидан тезкор назоратни таъминлашга қаратилган.

Хўжалик юритишининг янги шароитида меҳнат ва унга ҳақ тўлаши ҳисобининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- соликлар ва иш ҳақидан ушланмалар ҳам қўшилган ҳолда корхона ходимлари билан меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб борили;

- ҳисобланган иш ҳақи ва ижтимоий сугуртага ажратмалар суммасини харажатлар счетларига ўз вақтида ва тўғри ўтказиш;

- бошқарииш ва зарурий ҳисботларни тузиш учун меҳнат ва иш ҳақи бўйича кўрсаткичларни тезкор йиғиши ва гуруҳлаш.

3.2. КОРХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ҲИСОБИ

Меҳнатни тўғри ташкил қилиш, тайёрланган маҳсулот ва иш ҳақини ҳисобга олиш учун, шунингдек ҳисбот тузиш ва меҳнат ҳақи фонди устидан назорат қилиш учун корхона ходимлари таснифланади. Улар даставвал иккига бўлинади: ишчилар ва хизматчилар. Хизматчилар қўйидаги категорияларга бўлинади: раҳбарлар, мутаҳассислар ва бошқалар. Меҳнат бўйича тузиладиган ҳисбот ходимларни саноат ишлаб чиқариш ходимларига ва корхона балансида турган ишлаб чиқаришсиз ташкилотлар ходимларига ажратиши талаб қиласи. Корхона ходимларининг ҳисоби кадрлар бўлимида юритилади.

Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, таътилга чиқариш ва ишдан бўшатиш корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Ходимларнинг ҳар бирига шахсий иш очилиб, унда меҳнат битими, меҳнат дафтарчаси, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варака, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг кўчирмаси, ишга қабул қилингандиги тўғрисидаги буйруқнинг кўчирмаси сақланади.

Ишга қабул қилинган барча ходимлар иш жойларида табелга киритилиб, уларнинг ҳар бирига табел номери белгиланади. Бу табел номери кейинчалик шахсий таркиби ҳисобга олиш, бажарилган иш ва ҳисобланган иш ҳақи бўйича

тузиладиган барча ҳужжатларга қўйилади. Ходимлар ишдан бўшаса ёки бошқа ишга ўтказилса, уларнинг табел номерлари икки йил ичидаги бошқа ходимларга берилмайди.

Ҳар бир ишга қабул қилинган ходимга корхона бухгалтериясида карточка-справка ёки шахсий счет очилиб, бу ҳужжатларга иш ҳақи тўғрисидаги ойлик маълумотлар ёзил борилади. У маълумотлардан ўртача иш ҳақи миқдорини топиш учун фойдаланилади.

3.3. ИШ ВАҚТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲИСОБИ

Корхоналарда иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби Т-12 ва Т-13 шаклидаги табелларда юритилади. Кичик корхоналарда табелни корхона бўйича юритса ҳам бўлади. Агар корхона катта бўлиб бир неча ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ташкил топган бўлса, табел структуравий бўлинмалар ва ходимларнинг категориялари бўйича очилади. Табел фақат ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланилишини ҳисобга олиш учун эмас, балки ходимлар томонидан белгиланган иш тартибига итоат қилинишини, улар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашиш ва ишлаган вақти тўғрисида ахборотни олиш учун ҳам зарур. Табел бир нусхада тузилиб табелчи ёки мастер, ёки бунга ваколат қилинган шахс томонидан юритилади. Ойнинг биринчи ярмига иш ҳақи (аванс) бериш ва ой бўйича иш ҳақи ҳисоблаш учун табеллар бухгалтерияга ойига икки марта топширилади. Ходимларнинг ишга келиши ва иш вақтидан фойдаланиши табел бўйича асосан икки усуlda назорат қилинади: ёппасига рўйхатга олиш, яъни барча ишга келганлар, келмаганлар ва кечикканларни белгилаш ёки фақат келмаган ва кечикиб келганларни белгилаш. Табелнинг титул бетида ҳар бир ходимнинг ишлаган ва ишламаган вақтининг шартли белгиси кўрсатилган бўлиб, у табелга ҳарф билан ёки рақам билан қўйилади.

Т-12 шаклдаги табелларда иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш кўрсатилади, Т-13 шаклида эса фақат иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби акс эттирилади. Бунда иш ҳақи ҳисоблаш шахсий ҳисобда (ф. Т-54), ҳисоблаш ведомостида (ф. Т-51) ёки ҳисоблаш-тўлаш ведомостида (ф. Т-49) келтирилади.

Меҳнат бўйича ҳисобот тузиш, цех, бўлим ва корхона бўйича меҳнатни ташкил этишини таҳлил қилиш учун табелнинг охирги бетида вақтдан кундалик фойдаланиш ҳисоби ва ой бўйича жамини кўрсатадиган жадвал келтирилган (68-бетта қаралсин). Бу маълумотларга асосан ишбай ишчиларнинг режа вазифаларини бажарилиш фоизи ҳисоблаб чиқилади. Қуйида ходимларнинг шахсий ҳисоб намунасини келтирамиз.

Бир ходим бүйича ҳар ойлик умумий даромади за ушланган
 солик суммасыни хисоблаш учун карточка-справка
 200_йил учун шахсий хисоб
 Фамилияси, И. О. Валиев В. К.

| Цех, бүлүм | Категория | Табел № | Оилавий жолати | Сони карамондаги күлгиган сана |
|---------------|-----------|---------|-------------------|--------------------------------------|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

| Ой жагт № | Хуж- жат бай | Күннэр (соаттар) | | Түловнинг турлари ва работлантириш хисобланди | | | | | Хисобот оийда жами хисоб- ланди | Йил болшидан жамлантган даромад | | | | |
|-----------------|--------------------|------------------|------------|---|-------------|--------------|---------------|-------------|---|---------------------------------------|----|----|----|----|
| | | башкалар код | иш- бай | вакт- бай | иши- бай | куш- имча | муко- фат- | мол- дай | истемол фонддан бошقا түлнамалар | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |

Давоми

| Даро- маднинг соллика тортила- диган даромад суммаси кисми | Ушланади | | | | Хисобот оийда жами ушланди | | | | | | |
|---|------------------------------|-----------------|----------------------------|------------------------------|-------------------------------------|----|----|----|----|----|--|
| | Соллика тортила- диган | Даромад соллиги | Йил бошидан ушланади | Хисобот оийда ушланади | | | | | | | |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | |

Март 200_йил бүйчча

Трактор заводининг 1-цехи бүйчча иш вактидан фойдаланиш хисоби табелидан кўчирма

| Та- бел № | Фамилия, И.О. | Ка- те- го- рия во- зни- ми | Раз- ряд (ла- лад) | Ой бўйича ишлагани | | Келма- ган кунлар сони | Шундан сабаблари бўйича | Дам олиш ва байрам кунлар сони | Смена и чидали бекор туришлар сони (киши- соат) |
|-----------------|-------------------------|---|-----------------------------|--------------------|------|---------------------------------|-------------------------------|--|---|
| | | | | кун | жами | | | | |
| 010 | Султанов А.Б. | 01 | 60 | 5 | 22 | 179 | - | - | 9 |
| 019 | Комолов К.У. | 01 | 60 | 4 | 10 | 79 | - | 12 | 9 |
| 020 | Собиров С.К. Ва.х.к. | 01 | 56 | 3 | 17 | 135 | - | 5 | 9 |

3.4. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

Меҳнатга ҳақ түлашда ишнинг сифатини, ишлаб чиқариш нормаларини бажарилишини ҳисобга олиш ва иш ҳақи ҳисоблашнинг маълум тартибини белгилаш зарур. Демак, корхонада меҳнатга ҳақ түлашни ташкил этиш бири-бирига боғлиқ бўлган учта элементлар билан аниқланади: тариф тизими, меҳнатни нормалаштириш ва меҳнатга ҳақ түлаш шакллари. Сифат жиҳатидан меҳнат тариф тизими билан баҳоланади, сарфланган меҳнат миқдори нормалаштириш билан ҳисобга олинади, иш ҳақи ҳисоблаш тартиби эса меҳнатга ҳақ түлаш шакллари билан аниқланади.

Ишчилар меҳнатига ҳақ түлашда тариф сеткаси асос бўлиб ҳисобланади. Тариф сеткаси ишловчиларнинг малакаси, меҳнатга ҳақ түлаш шакли ва мазкур соҳанинг халқ хўжалигидаги ахамиятини инобатта олган ҳолда тузилади. Тариф тизимига қўйдагилар киритилади:

- бир соат ёки бир кунлик меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгиловчи тариф ставкаси;

- ҳақ тўлашда иш ва ишчиларнинг (малакаси) турли разрядлари орасидаги муносабатларини кўрсатувчи тариф сеткаси;

- тариф-малакавий маълумотнома. Унинг ёрдамида тариф сеткасига биноан иш ва ишчининг разряди аниқланади.

Оддий ишлар 1-разрядли ишчининг тариф ставкаси билан тўланади. Меҳнат малакаси даражасига, яъни белгиланган тариф разряди ва тариф коэффициентига, қараб қолган разрядларнинг тариф ставкалари бу разряддан ортиқ бўлади. Тариф разряди ҳар бир ишлаб чиқариш операциясига, ҳар бир иш турига тайинланади, шунинг учун иш бажариш нормаларини ҳисобга олган ҳолда, ишбай иш ҳақини ҳисоблаб топишда тариф ставкасидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Конунига, ЎзР Меҳнат кодексига (153-модда) биноан меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, мукофатлар, қўшимча ҳақлар, рағбатлантириш тўловлари, касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда, иш берувчи томонидан қабул қилинадиган колектив шартномаси билан белгиланади. Давлатнинг тариф ставкалари ва окладлари корхонада ишчиларнинг малакасига, касбига, улар томонидан бажариладиган ишлар шароитининг мураккаблигига қараб база сифатида фойдаланилиши мумкин.

ЎзР Вазирлар мажкамасининг 2000 йил 20 июляғи 280-сонли қарори билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси қабул қилинган бўлиб, ўнда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва 0-разрядга нисбатан тариф коэффициентлари

белгиланган. Тариф ставка ва окладлар тизими тузилишини асоси бўлиб 0-разрядга белгиланган минимал ойлик суммаси ҳисобланади. Қўйида 2000 йили Вазирлар Мажкамасининг 20 июлдаги 280-сонли қарори билан қабул қилинган ягона тариф сеткасини келтирамиз.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сетка

| Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар | Нўлинчи разрядга нисбатан тариф коэффициентлари | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар | Нўлинчи разрядга нисбатан тариф коэффициентлари |
|-------------------------------------|---|-------------------------------------|---|
| 0 | 1,000 | 12 | 4,973 |
| 1 | 2,014 | 13 | 5,288 |
| 2 | 2,216 | 14 | 5,606 |
| 3 | 2,439 | 15 | 5,931 |
| 4 | 2,681 | 16 | 6,259 |
| 5 | 2,937 | 17 | 6,593 |
| 6 | 3,205 | 18 | 6,930 |
| 7 | 3,484 | 19 | 7,273 |
| 8 | 3,773 | 20 | 7,620 |
| 9 | 4,064 | 21 | 7,973 |
| 10 | 4,361 | 22 | 8,328 |
| 11 | 4,663 | | |

Ишчининг иш ҳақи ёки оклад суммасини аниқлаш учун нўлинчи разряднинг меҳнатига тўланадиган суммани мазкур ишчига белгиланган разряднинг коэффициентига кўпайтириш керак. Юқорида келтирилган ягона тариф сеткасини бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар, ташкилот ва корхоналар кўллашга мажбур.

Ўзининг молиявий фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида юритувчи барча давлат, давлат-акционер корхоналари ва ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси асосида ходимларнинг тариф-малакавий разрядларини белгилашлари зарур.

Бошқа мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларга ягона тариф сеткаси асосида ходимларнинг тариф-малакавий сеткасини белгилаб олиш тавсия қилинади.

Тариф ставкалар ва окладлар тизимини асоси бўлган нўлинчи разяднинг минимал иш ҳақиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади. Хусусан нўлинчи разяднинг минимал иш ҳақисига ва қонунчилик билан белгиланган ўртacha ой иш кунларининг узунлигига (иш вақтининг ўртacha ой фонди) қараб 1-разряднинг соатлар тариф ставкаларининг минимал ўлчами аниқланади.

Нўлинчи разяднинг минимал иш ҳақиси 3430 сўм ва (40 соатлик иш ҳафтасида) иш вақтининг ўртacha ойлик фонди 169,2

соат бўлган тақдирда соатлик тариф ставкасининг ўлчами 20,27 сўм бўлади (3430 : 169,2).

1-разряд ставкаларини меҳнатта ҳақ тўлаш шакллари (ишбай ишчилар ва вактбай ишчилар), шунингдек касб гуруҳлари ва иш турлари (уч гуруҳ ставкалар) бўйича табақалаштириб корхона меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасини ишлаб чиқиши мумкин.

Хар бир корхона молиявий имкониятлари ва бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қараб ўзининг тариф коэффициентларини ишлаб чиқади.

Меҳнатта ҳақ тўлашни ташкил этишининг асосий элементи бўлиб, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ёки маълум ташкилий-техник шароитларида берилган иш хажмини бажаришга сарфланадиган меҳнат ўлчамини белгиловчи, меҳнатин нормалаштириш ҳисобланади.

Меҳнатни нормалаш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг асосий таркибий қисми сифатида, ишлаб чиқариш нормасини ва вакт нормасини ўз ичига олади.

Нормал иш шароитида белгиланган вақт (соат, смена, ой) бирлигида ишлаб чиқарса бўладиган нормалаштирилувчи маҳсулот бирлиги (дона, метр, тонна)нинг миқдори ишлаб чиқариш нормаси билан белгиланади. Вақт нормаси эса маълум ташкилий-техникавий шароитларда иш бажариш учун зарур бўладиган вақтни (мин., соат) назарда тутади.

Корхоналарга меҳнатта ҳақ тўлаш шакл ва тизимларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган. Меҳнатта ҳақ тўлашнинг иккита шакли мавжуд: ишбай ва вактбай. Меҳнатта ишбай шаклида ҳақ тўланганда иш ҳақи, маҳсулотнинг сифати, мураккаблиги ва иш шароитини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг миқдорига боғлиқ. Вактбай шаклида иш ҳақи, ходимлар малакаси ва иш шароитини ҳисобга олган ҳолда, сарфланган (хақиқий ишлаган) вақтнинг миқдорига боғлиқ.

Ишбай иш ҳақи шакли ишчиларни, илгор тажрибалардан фойдаланган ҳолда, меҳнат унумдорлигини оширишга моддий жихатдан қизиктиради. Меҳнатта ҳақ тўлашнинг бу шаклида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини қатъий текшириш зарур.

Меҳнатта ҳақ тўлашнинг ишбай шакли қўйидаги меҳнатта ҳақ тўлаш тизимларига бўлинади: тўғри ишбай, ишбай-мукофат, аккорд, ишбай-прогрессив, эгри ишбай тизим.

Тўғри ишбай тизимида ишчиларнинг меҳнат ҳақларининг кўпайини уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлар миқдорига боғлиқ, яъни ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ҳақ бир хил баҳода баҳоланади.

Ишбай-мукофат тизимида ишбай иш ҳақи суммасидан ташқари, маҳсулот сифати ёки ишчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқа кўрсаткичлари бўйича уларга мукофат ҳисобланади.

Аккорд тизимида барча ишларни бажарилиш муддати ва суммасини кўрсатиб уларни комплекси баҳоланади.

Ишбай-прогрессив тизимида белгиланган норма доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ҳақ тўғри (ўзгармас) баҳода тўланади, нормадан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ҳақ белгиланган шкала бўйича оширилган баҳода тўланади, лекин бу ишбай баҳонинг икки ҳиссасидан ошмаслиги керак.

Эгри ишбай тизим асбоб-ускуналарга ва иш жойларига хизмат кўрсатаётган ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишини рағбатлантириш учун қўлланилади. Уларнинг меҳнат ҳақи улар хизмат қилган асосий ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига қараб эгри ишбай баҳода тўланади.

Меҳнатга вақтбай шаклида ҳақ тўланганда иш ҳақи ҳисоблаш бўйича асос қилиб ишчининг сарфлаган вақти ва тариф ставкаси олинади.

Вақтбай иш ҳақи шакли икки тизимдан иборат: меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий вақтбай тизими ва вақтбай-мукофат тизими. Оддий вақтбай тизимида иш ҳақи бевосита ишлаган вақт миқдорига боғлиқ. Вақтбай-мукофат тизимида оддий вақтбай тизими бўйича ҳисобланган иш ҳақига қўшимча қилиб бажарилган ишнинг сифати, материал, ёқилғиларни, тежалиши бекор туришларни қисқариши, машина ва агрегатларни тўхтовсиз ишлаши ва бошқа кўрсаткичларга қараб мукофат ҳисобланади.

Меҳнатни ташкил қилиш шаклига қараб ишбай ва вақтбай шакллардаги меҳнатга ҳақ тўлашлар якка ва умумий бўлиши мумкин. Иш жараёнида касбларни бирга қўшиб олиб бориш, ижрочиларнинг бирини иккинчисига боғлиқлик (ищни бригада шаклида ташкил этиш) зарурияти бўлса, меҳнатга ҳақ тўлаш умумий бўлиши мумкин.

3.5. ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТ УЧУН ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Саноат корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланилади. Вақтбай шаклда меҳнатга ҳақ тўлаш шакли барча категория ходимлари учун қўлланилади. Саноат корхоналарида ишчилар меҳнатининг анчагина қисмига ҳақ вақтбай шаклида тўланади. Бунда асосий ҳужжат бўлиб иш вақтини ҳисобга олиш табели ҳисобланади. Ишчига иш ҳақи ҳисоблаш учун унинг ҳақиқий ишлаган

вақтнинг микдори ва тариф ставкасини билиш етарли. Тариф ставкасини ишлаган иш соатига кўпайтириб вақтбай-ишчининг иш ҳақи суммасини топиш мумкин.

Масалан, IV-разрядли вақтбай-ишчи март ойида (табел бўйича) 160 соат ишлаган бўлса ва шу разряд бўйича соатлик тариф ставкаси 53 сўм 70 тийинни ташкил этса, унинг ойлик иш ҳақиси 8590 сўмни ташкил этади ($53,70 \text{ сўм} \times 160$).

Оддий вақтбай тизими, иш сифатини, ишчининг малакасини, меҳнат шароитини бирмунча инобатга олсада, мазкур ходимнинг меҳнатини пировард натижаси билан унинг иш ҳақиси орасидаги алоқани етарли дараражада таъминламайди. Шунинг учун саноат корхоналарида кўпинча меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай-мукофат тизими қўлланилади. Бу тизимда меҳнатнинг сони ва сифати ҳисобга олинади, ишчининг масъулияти ва меҳнатининг пировард натижасидаги шахсий моддий қизиқиши ошади, чунки вақтни тежагани, машина, агрегат, цехларни авариясиз ишлагани, материалларни тежагани ва бошқа кўрсаткичлар учун мукофат тўланади. Мукофатлаш кўрсаткичлари ва уларнинг ўлчами корхона томонидан ишлаб чиқиладиган ва барча ходимлар ахборотига етказиладиган мукофатлаш тўғрисидаги Низомда кўрсатилиши керак.

Меҳнатга вақтбай шаклида ҳақ тўлаш ҳар бир ходим томонидан бажарилган ишнинг ҳажмини ўлчаш иложи бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Агар бажарилган ишнинг ҳажмини натура ўлчовида ўлчаш ва ҳар бир ишловчи (бригада, жамоа)га вақт бирлигига бажарадиган режа, нормалаштирилган топшириқ бериш имконияти бўлса, тайёрланган маҳсулот учун ҳақ тўлаш ҳисобини ишбай шаклида ташкил қилиш мумкин.

Меҳнатга ишбай шаклида ҳақ тўланганда тайёрланган маҳсулот ҳисоби бўйича тузилган ҳужжатларда тайёрланган маҳсулотнинг сони, сифати, бажарилган иш ҳажмига сарфланган материаллар микдорини тўғри келиши, маҳсулот тайёрлаш нормасини бажарилиш дараҷаси ва иш ҳақининг ўлчами тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Саноатда у ёки бу дастлабки ҳужжатлар шаклини қўллаш ишлаб чиқаришни характеристи, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тизимига, шунингдек маҳсулот сифатини назорат қилиш усулига боғлиқ. Тасдиқланган қонунга биноан саноатда қўйидаги дастлабки ҳужжатлар қўлланилади: ишбай иш наряди, маршрут варақаси, тайёрланган маҳсулот тўғрисида рапорт, тайёрланган маҳсулотни ҳисобга олиш ведомости, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси, вақтбай ишловчиларга берилган нормалаштирилган топшириқ ва б.

200 йыл март ойи учун
Ишбай ишга 45-наряд

| Са- на | Код | Ишлар таърифи | Иш раз- ряди бир- лиги | Ул- чов рияди бир- лиги | Топши- ралди (мийдо- ри) | Кабул килинди | | 1 донасига норма | Жами |
|-----------|-----|------------------|---------------------------------|----------------------------------|-----------------------------------|---------------|---------|---------------------|------|
| | | | | | | ярок- ли | яроксиз | | |
| 01 | 180 | 7 | 8 | заточка | 6 | дона | 20 | 20 | - |
| 02 | 180 | 7 | 9 | заточка | 6 | дона | 20 | 20 | - |
| 03 | 180 | 7 | 10 | сверловка | 6 | дона | 20 | 20 | - |

Нарядни берган сана 1 март 200_й

Мастер

Нормаловчи

ТНБ назоратчим

45 – наряднинг орка томони

| Фамилияси, И.О. | Разряд | Ҳакикий ишланган соат | Соатни тариф ставка, сўм, тийин | Тариф ставка, сўм, тийин | Ишбай иш ҳаки, сўм, тийин |
|-----------------|--------|-----------------------------|---------------------------------------|--------------------------------|------------------------------|
| Мухтаров М.Т. | 5 | 21 | 0,65 | 13,65 | 25,94 |
| Ражабов Р.П. | 4 | 15 | 0,57 | 8,55 | 16,25 |
| Сайдов С.Р. | 6 | 18 | 0,76 | 13,68 | 25,99 |
| Файзиев Ф.Н. | 6 | 12 | 0,76 | 9,12 | 17,32 |
| Жами | | 66 | | 45,00 | 85,50 |

$$\text{Иш ҳакиини таксумлани козффициенти} = \frac{\text{Ишбай иш ҳаки } 85,50}{\text{Тариф ставка } 45,00} = 1,9$$

Табелчи

Ишланган маҳсулот ва бажарилган ишлар ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатлар миқдорини анчага камайтириш учун иириклаштирилган, комплекс норма ва баҳоларни қўллаш, шунингдек бир йўла тузиладиган бир кунлик ҳужжатлар ўрнига кўпқуналиқ (ийғма ҳужжатлар) хафтада ишбай ишларнинг бажарилиши (ф. Т-28) га ўхшаган ҳужжатларни қўллаш тавсия қилинади. Қуйида ийғма ҳужжатнинг шаклини келтирамиз (77-бетга қаралсин).

Иш ҳақини тўғри ҳисоблаш учун барча ҳужжатларда қуйидаги маълумотлар келтирилиши керак: иш жойи (цех, участка, бўлим); ҳисоблаш даври (сана); фамилияси, исми, отасининг исми; табел номери ва ишчининг разряди; иш бирлигига белгиланган вақт нормаси ва баҳо, иш ҳақи суммаси; бажарилган иш бўйича норма-соат миқдори

Технологик карта, цех, участка ишлаб чиқариш дастурига биноан тузилган, амалдаги норма ва баҳолари, ишлар графиги кўрсатилган бу ҳужжатлар иш бошланишидан олдин ишчига ёки бригадага топширилади. Иш бажарилгандан сўнг техник назорат бўлими (ОТК) ҳақиқий ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган яроқли маҳсулотлар миқдори ва яроқсиз маҳсулот миқдорини кўрсатади.

Якка, такрорланмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришларида ишбай иш бўйича асосий ҳужжат бўлиб бир йўла тузилувчи, ийғиб борувчи, шунингдек якка ва бригада бўйича тузиладиган наряд ҳисобланади. Бир йўла наряд смена ёки ой давомида бир буюртма ёки ишлаб чиқариш харажатлари турига тегишли иш турлари бўйича тузилади.

Агар иш бир ишчи томонидан бажарилса, якка наряд дейилади, агар бригада томонидан бажарилса – бригада (умумий) наряди дейилади. Наряднинг орқа томонида бригада таркиби, ишланган вақт, бажарилган иш, бригада аъзоларининг малакаси тўғрисида қўшимча маълумотлар келтирилади. (Наряд шакли 74- бетда келтирилган).

Нарядда келтирилган мисолдан 4 кишидан иборат бўлган бригада 45-наряд билан иш бажарган.

Бригада иш ҳақисини ҳисоблаш қуйидаги тартибда бажарилади. Олдин ҳар бир бригада аъзосининг тариф иш ҳақиси аниқланади. М. Т. Мухтаровда у 13,65 сўмни ташкил этади ($0,65 \times 21$) ва ҳ. к., кейин бригаданинг барча аъзоларини умумий тариф суммаси топилади. У 45 сўмга teng ($13,65 + 8,55 + 13,68 + 9,12$). Ҳақиқий иш ҳақи суммасини тариф иш ҳақига бўлиш йўли билан иш ҳақини тақсимлаш коэффициентини топамиз. У 1,9 га teng (85,50 сўм:45 сўм). Шундай қилиб, М. Т. Мухторовнинг ҳақиқий иш ҳақиси 25,94 сўмни ($13,65 \times 1,9$) ташкил қиласди.

Тайёлланган махсулот түгрисида (йигма) рапорт
200_йил марта ойн учун

| | | | | | | | |
|-------------|------------------|------------|------------|------------|-------|-----------------|--------|
| 02 | 4 | 03 | Норов Н.И. | 01 | 69 | 614 | 3 |
| Цех | Участка | Түлов тури | Ишчи | Категория | Касби | Табел № | Разряд |
| харжат коди | | | 124 | | 129 | Ой бүйнчна жами | |
| жами | иши хаки суммасы | 512-00 | | 540с. 00т. | | 1052 с. 00т. | |
| | норма-соат | 85,33 | | 90,0 | | 175,33 | |
| 10 дона | вакти | 40 мин. | | 60 мин. | | | |
| нормаси | бахоси | 4 сүм. | | 6 сүм. | | | |
| Жами саны | 1280 | 900 | | | | | |
| Детал | 98 | 76 | | | | | |
| Операция | 2 | 2 | | 2-3 | | | |

| Сана | Ишлаб чыкылган ярокли махсулот | Яроксиз махсулот жумладан түлаш | Ишлаб чыкылган ярокли махсулот | Яроксиз махсулот түлаш | Ишлаб чыкылган ярокли махсулот | Яроксиз махсулот жумладан түлаш | Ишлаб чыкылган ярокли махсулот |
|------|--------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|------------------------|--------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|
| 1 | 97 | 3 | | | | | |
| 1 | 98 | 2 | | | | | |
| 4 | - | - | | | | | |

ва Ү.к.
Мастер
Нормаловчи

Нарядлар бўйича бажарилган иш ҳажми ва ишлар ҳаракатини технологик занжири тартибида назорат қилиш мумкин эмас, чунки улар бир ишчи (ёки бригада, сменага), бири иккинчиси билан боғланмаган бир ёки бир неча операцияларга ёзилади. Шунинг учун бир технологик жараёнда бир вақтнинг ўзида серия (гурух) бир хилдаги маҳсулот тайёрлайдиган серияли ишлаб чиқаришларда тайёрланган маҳсулот ва иш ҳақини ҳисоблаш учун маршрут варақалари (карталари) қўлланилади. Маршрут варақаси бўйича ҳар бир ишчи иш бажариши мумкин. Маршрут варақаси барча технологик жараён операцияларига ва маълум партия (микдор) детал ва маҳсулотларга олдиндан ёзилади. Бунда ишнинг (микдори) бир операциядан иккинчисига ўтказилиши кетма-кетликда кўрсатилган бўлиб, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ва яроқсиз маҳсулотлар назорат қилинади. Маршрут варақаси бўйича иш турлари бир қанча ишчилар томонидан бажарилганини учун, ҳар бирининг иш ҳақиси маҳсус ҳужжатда – 15 кунда ёки бир ойда бир марта тузиладиган ишлаб чиқариш ранортида йиғиб борилади.

Кўплаб ишлаб чиқариш характеристидаги корхоналарда ишчилар одатда ўзларига беркитилган бир хил технологик операцияларни бажаради. Бунда ишлаб чиқилган маҳсулот ва иш ҳақининг ҳисоби смена ёки ой бўйича тузиладиган йиғма ведомостларда юритилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизими, одатда, бригада ҳар хил ихтисос (слесар, токар, наладчик ва б.) ишчиларидан тузилган, яъни комплекс бригада томонидан бажариладиган таъмирлаш ва бошқа ишларида қўлланилади. Иш ҳақи, бажариш максимал муддати кўрсатилиб пировард маҳсулотнинг бир бирлигига қўйилган баҳо бўйича, бажарилган ишларнинг умумий ҳажмига тўланади. Бажарилган ишлар техник назорат бўлими ёки мастер томонидан қабул қилинади. Ҳақиқий ҳисобланган иш ҳақини бухгалтерия бригада аъзолари ўртасида уларнинг разрядлари ва иш соатларига биноан тақсимлайди. Бунда мукофат маҳсулот сифатини пасайтирмасдан бажарилган ишлар бўйича иш вақтини қисқартиргани учун ҳисобланади. Меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлар бажарини муддатини қисқартиришга қизиқтириш мақсадида ишчиларнинг айrim гуруҳлари учун қўлланилиши керак.

Аккорд иш нарядлар билан расмийлаштирилади. Бригада аъзоларининг аризаларига мувофиқ аккорд иш ҳақи улар ўртасида тенг тақсимланиши мумкин.

Эгри ишбай иш ҳақи бўйича ишлаган ишчининг иш ҳақи ўлчами у хизмат қилган асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат натижаларига боғлиқ. Чунки у асосий ишлаб чиқариш

ишлиларининг меҳнат натижаларига эгри йўл билан таъсир қиласди. Эгри ишбай баҳо тариф ставкаси (оклад)ни ишбай ишилар томонидан ишлаб чиқариши режалаштирилган маҳсулот микдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мисол 6-разрядли ишбай ишчи ишлаб чиқариш нормасини 118 фойизга бажарди. Тўғри ишбай баҳоси бўйича унинг иш ҳақиси – 1800 сўм. Корхонада амал қиласётган низомга биноан ишлаб чиқариш нормаси 105%дан ортиқ бажарилган маҳсулот учун ишбай баҳони 1,5 марта кўпайтириш белгиланган. Шундай қилиб, ишчининг умумий иш ҳақиси 1899,28 сўм бўлади.

$$1800 + \frac{1800 \times (118 - 105)}{118} \times 0,5$$

Мисол. Механика цехининг 1-участкасида хизмат қиласётган наладчик-ишчининг иш ҳақи (тариф ставкаси бўйича) 1400 сўм. Участканинг ишлаб чиқариш режаси (нормаси) – 1000 бирликка тенг. Ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот 1200. Наладчик-ишчининг иш ҳақи 1680 сўмни ташкил қиласди ($1400 : 1000 \times 1200$).

3.6. ИШ ШАРОИТЛАРИНИ НОРМАЛ ҲОЛАТДАН ОФИШИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎШИМЧА ҲАҚ ҲИСОБЛАШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Қўшимча ҳақ тўлашнинг умумий тартиби 1996 йил 1 апрелдан бошлаб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланади. Рағбатлантирувчи (қўшимча ҳақ, юқори малакаси, касбий усталиги, озчиликда бажарилгани учун қўшимча ҳақ, мукофат ва ш. ў.) тўловлар корхоналар томонидан мустақил белгиланиб, мавжуд маблаглари доирасида амалга оширилади. Уларнинг ўлчами ва тўлаш шартлари колектив шартномалари билан белгиланади. Наряд-топшириқлари, маршрут варақалари ва бошқа ҳужжатларга биноан иш жойлари тўлиқ хомашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ҳаракатдаги асбоб-ускуналар, маҳсус инструмент ва мосламалар билан таъминлангани ишнинг нормал шароитлари деб ҳисобланади. Агар бу шартлар бажарилмаган бўлса ва ишчи қўшимча вақт сарфласа, бу вақтни ҳисоблаб чиқиб унга ҳақ тўлаш зарур. Шу мақсадда қўйидаги ҳужжатлар ёзib берилади:

- олдинги ҳужжатларда назарда тутилмаган қўшимча технологик операциялар аниқланса – ишбай ишлар наряди;
- ҳақиқий иш шароити режалаштирилганига тўғри келмаса – қўшимча ҳақ тўлаш вараги.

Бу ҳужжатлар, асосий ҳужжат (наряд, маршрут вараги) номерини, қўшимча вақт ва унинг баҳосини кўрсатиб цех

бошлиғи ёки нормаловчи ёзиб наряд ёки маршрут варақаси билан бирга ишчига ёки бригадирга берилади. Кейинчалик бу қўшимча вақт норма-соатларга қўшилади ва ишчининг ишлаб чиқариш нормасини бажарилиш фоизини аниқлашда фойдаланилади, қўшимча ҳақ эса ишбай иш ҳақига қўшилади. Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.5.1.6. бандига асосан қўшимча ҳақлар суммаси умум ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилиб, уларни нормага нисбатан кўпайтириб юборади. Шунинг учун қўшимча ҳақнинг ҳар бир сабаби ва унинг айбдори маъмурият томонидан тезкор кўриб чиқилади ва бартараф қилинади. Бу ҳужжатлар, одатда, рангли ёки рангли чизиқ туширилган қофозга ёзилиб, технолог ва цех бошлиғи томонидан қўшимча имзоланади. Бухгалтерияда корхона маъмурияти томонидан кўриб чиқиш, ва таҳлил қилиш учун сабаблари ва айбдорларини кўрсатиб беш кунлик қилиб гурухланади.

Бекор туришларни ҳужжатлаштириш ва уларга ҳақ тўлаш. Ишчилар корхонада бўлса, лекин ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинмаса ишдаги мажбурий бекор туриш дейилади. Бекор туриш учун тўланган ҳақ маҳсулот таннархини оширади, фойдани камайтиради, корхонага зарар келтиради.

Бекор туришларнинг айбдорлари ишчилар ёки завод, цех маъмурияти, мол, энергия билан таъминловчилар ва хоказолар бўлиши мумкин. Ишчилар айби билан бекор туришларга ҳақ тўланмайди. Агар бекор туришларга ишчилар айбдор бўлмаса, уларнинг ўртача иш ҳақлари сақланади. Ишлаб чиқаришини янги турларини ўзлаштириш давридаги ишчиларнинг айбисиз бекор туришлар бўйича тегишли разряддаги вақтбай тариф ставкаси тўлигича тўланади. Бу вақт бекор туриш тўғрисидаги варақа билан расмийлаштирилиб, унда бекор туришнинг сабаблари, айбдорлари, унинг давомийлиги, ишчининг тариф ставкаси, тўланадиган ҳақ ва суммаси кўрсатилади.

Давомийлигига қараб бекор туришлар смена ичидаги ва тўлиқ сменага бўлинади. Смена ичидагилар бекор туриш варақаси билан расмийлаштирилиб, иш вақтининг табелида В (2В, 3В) харфи билан қўшимча белгиланади. Тўлиқ сменали бекор туришларни кўпинча ташқи сабаблар, масалан энергияни йўқлиги келтириб чиқаради ва улар бутун участка, цех ишчиларини қамраб олади. Бу бекор туришлар табелда П харфи билан белгиланиб акт билан расмийлаштирилади ва унга бекор туришда қатнашган ишчилар рўйхати илова қилинади.

Бекор туришлар фойдаланилган бўлиши мумкин, яъни ишчилар бу вақт ичida янги топшириқ олади, вақтинчалик бошқа ишга тайинланади. Бунда ишбай баҳода ҳақ тўлаш тартибига биноан иш нарядлар билан расмийлаштирилади ёки

ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Бекор туриш тўғрисидаги варақада наряднинг номери ва сарфланган вақти кўрсатилади.

Смена ичидаги сабаблар бўйича бекор туришларга тўланган қўшимча сумма харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.5.5. бандига асосан умум ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилади. Мажбурий ишга чиқмаслик ёки кам тўланадиган ишларни бажаргани бўйича тўловлар, қонунчилиқда назарда тутилган ҳолларда, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.3.8.3. бандига асосан умумхўжалик харажатларига ўтказилади.

Яроқсиз маҳсулотни ҳужжатлаштириши ва унга ҳақ тўлаш. Стандартлар талабларига ёки техник шароитларига жавоб бермайдиган, бевосита тайинланиши бўйича фойдаланиб бўлмайдиган буюмлар, деталлар, узеллар ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар дейилади. Шунинг учун яроқсиз маҳсулот қисман (тузатса бўладиган) ва тўлиқ (тузатиб бўлмайдиган) бўлади.

Ишчининг айбисиз содир бўлган фойдаланиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотлар учун норма бўйича шу ишга сарфланадиган вақт учун тегишли разрядда ишлаётган вақтбай ишчининг тариф ставкасини учдан икки (2/3) қисми тўланади. Ишчининг айби билан содир бўлган яроқсиз маҳсулот учун ҳақ маҳсулотнинг яроқлилик фоизига қараб камроқ тўланади. Яроқлилик фоизи ва тўланадиган ҳақнинг аниқ ўлчами маъмурият томонидан белгиланади.

Ишчиларнинг айбисиз содир бўлган тузатса бўладиган яроқсиз маҳсулотта ҳақ маҳсулотнинг яроқлилик фоизига қараб маъмурият томонидан белгиланади, лекин норма бўйича шу маҳсулотни тайёрлашга сарфланадиган вақт учун вақтбай ишчининг тегишли разряди бўйича тариф ставкасида тўланадиган ҳақнинг учдан икки қисмидан кам бўлмаслиги керак. Фойдаланилаётган материални нуқсонлари (дарз кетиш, металлнинг пўк жойи) билан боғлиқ бўлган, деталга бир иш куни ишлов берилгандан кейин аниқланган яроқсиз маҳсулот учун ҳақ белгиланган ишбай баҳода тўланади. Янги ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда содир бўлган яроқсиз маҳсулот учун ҳақ яроқли маҳсулот қаторида тўланади. Аниқланган яроқсиз маҳсулот учун акт (далолатнома) тузилиб унда қилинган харажат ва йўқотишлар суммаси кўрсатилади. Бунинг учун маълум кўрсаткичларни назарда тутувчи ишланган маҳсулотни ҳисоблаш бўйича дастлабки ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ишчининг айби билан содир бўлган яроқсиз маҳсулотни тузатиш яроқсиз маҳсулот тўғрисида акт тузилмасдан амалга оширилади. Агар яроқсиз маҳсулот бошқа ишчи томонидан тузатилса, «яроқсиз маҳсулотни тузатиш»

деган штампа қўйилиб наряд ёзиг берилади. Бу ҳужжат яроқсиз маҳсулотга ҳақ тўлаш учун асос бўлади.

Тузатилган яроқсиз маҳсулотлар бўйича тўланган ҳақ харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.5.4. бандига биноан умум ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олинади.

Тунда ишлагани бўйича қўшимча ҳақ. Тунда ишлаган деб, соат 22 дан эрталаб б гача ишланган вақтга айтилади. Бу вақт иш вақтини ҳисобга олиш табелида ой бўйича жамлаб кўрсатилади.

Тунда ишлаган вақти корхонада белгиланган дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб корхонанинг жамоа шартномаси (мехнатга ҳақ тўлаш низоми) бўйича белгиланган, лекин қонунчиликда назарда тутилгандан кам бўлмаган миқдорда ошириб тўланади. Тунда ишлагани учун қўшимча ҳақлар суммаси харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.2.3.1. бандига асосан тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархига ўтказилади.

Хизмат вақтидан ташқари ишлаган вақти бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш. Хизмат вақтидан ташқари бажарилган ишлар тегинсли ҳужжатлар (наряд ва б.) билан расмийлаштирилиб, биринчи икки соати учун бир ярим ҳиссадан кам бўлмаган ўлчамда, охирги соатларига-икки ҳиссадан кам бўлмаган ўлчамда ҳақ тўланади. Бундай ишлар иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табели ва бухгалтериянинг ҳисоблаш-маълумотномаси билан расмийлаштирилади.

Хизмат вақтидан ташқари ишлаб бажарган ишлар учун қўшимча ҳақ иш вақтини ҳисобга олиш табелига асосан ҳисобланади.

16-сонли ҳисоблаш-маълумотномаси

Собиров С.П., табел номери 012

5-разряд, ҳақ тўлаш коди 29

Ҳисоблашнинг мазмуни

Сумма, сўм

6,27,28 – марта ҳар куни 2 соатдан хизмат

вақтидан ташқари ишлагани учун бир соатига

вақтбай ишчининг тариф ставкасини 50%

қўшимча тўланади – 57 сўм 50 тиийин

$$\frac{57 \text{ с. } 50 \text{ т. } \times 6 \text{ соат}}{2} = 172 \text{ с. } 50 \text{ т.}$$

Жами:

172 с. 50 .

Тунда ишлаганилиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ суммаси каби хизмат вақтидан ташқари ишлаган вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақ харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.2.3.1. бандига асосан маҳсулот таннархига ўтказилади.

Байрам кунларидағи ишларга ҳақ тұлаши. Ишлаб чиқариш-техник шароитлари бүйіча корхона ишини тұхтатиши ложи бұлмаган қолларда (узлуксиз ҳаракатдаги корхоналар ёки ахолига хизмат күрсатиш билан боғлиқ бұлған ишлар) байрам кунлари ишлашга рухсат берилади. Байрам кунлари ишлагани учун ҳақ қуидегіча ҳисобланади:

- ишбай ишчиларга - ишбай бақонинг камида иккі ҳиссаси тұланади;
- соат ёки кун ставкалари билан ишлайдиган ходимларга - соат ёки кун ставкаларининг камида иккі ҳиссаси тұланади;
- ойлик оклад билан ишловчи ходимларга - агар иш ойлық вақт нормасидан ортиқ вақт ичіда бажарилған бўлса, оклади устига соатлик ёки кунлик ставкасининг камида иккі ҳиссаси қўшиб тұланади, ва агар иш ойлик вақт нормаси доирасида бажарилған бўлса, оклади устига бир ҳисса қўшиб берилади.

Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланған иш вақтидан ташқари бажарилған иш соатларига тенг келдиган миқдорда отгул (иш вақтидан ташқари вақтда ишлагани учун дам олиш) берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кундаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилған иш учун бошқа дам олиш куни берилған тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тұланади. Агар ишчининг иш сменасини бир қисми байрам кунига ёки тундаги сменага ўтадиган бўлса, факат бу ўтган вақти учун иккі ҳисса қўшимча ҳақ тұланади. Тунда ишлагани учун ҳақ иккі ҳисса кўпайтирилмасдан амалдаги нормалар бўйича тұланади. Байрам кунлари хизмат вақтидан ташқари ишлаган вақти учун қўшимча ҳақ тұланмайды, чунки ҳамма соатлари иккі ҳисса қилиб тұланади.

Кўп сменали иш режими узлуксиз ишлаб чиқаришлар ҳам қўшилған ҳолда сутка ичіда иккі ва уч сменали иш ташкил қиласынан корхоналарга мансуб. Кечки ва тунги сменада бажарилған ишлар учун енгилликлар ҳажми ҳар хил. Иш вақтининг ярмидан кўпи тунги вақтта-кеч соат 10 дан эрталаб соат 6 гача түгри келса, тунги смена дейилади. Тунги сменадан олдинги смена, унинг бошланиш ва тугаш вақтидан қатыъи назар, кечки дейилади.

Меҳнатнинг бошқа режими (иш кунининг қисмларга бўлинниши, суткалик навбатчиллик ва ш. қ.) кўп сменали режимга кирмайди. Бундай режимда ишләётган ходимлар бўйича тунги ишлаган ишлари ва бошқа компенсациялар меҳнат шароитларига қараб ҳақ тұлашнинг амалдаги тартиби сакланади. Қўшимча ҳақ тұлашлар қуидеги ҳужжат билан расмийлаштирилади.

5-варака

Ф. Т 48

45-сонли — рапорт
Наряд

1 марта 200_йил

Бўйича кўдимча ҳак
тўлаш

| Фамилияси, иёми, | Ка- те- го- рия | Кас- ра- жат | Раз-Хара- коди | Та- бел № | Кўдимча тўлашга тегишли | Тўлашга тегишли бирлик | 1 донасини нормаси | Кўдимча | | Норма — соат (мин.) | Код |
|---------------------|--------------------------|--------------------|-------------------|-----------------|-------------------------------|---------------------------|-----------------------|-------------------|---------------|---------------------------|-----|
| | | | | | | | | ҳак сум- маси, | кўдим- чак | | |
| Мансуров М.А. | 01 | 60 | 5 | 101 | 010 | 021 | 25 | 0,75 | 6 | 18,75 | 150 |
| | | | | | | | | | | 4 | 3 |

Цех боршиги
Технолог
Нормаловчи:

3.7.ИШЛАМАГАН ВАҚТИГА ҲАҚ ВА ВАҚТИНЧАЛИК ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАНЛИГИ БҮЙИЧА НАФАҚА ҲИСОБЛАШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексига биноан ишламаган вақти учун ҳам ишчи ва хизматчиларга ҳақ тўланади. Бундай тўловларни ҳисоблаш ўртacha иш ҳақига асосланади. Ўртacha иш ҳақини ҳисоблаш ва қўллаш тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарорининг 6-иловасига биноан ўртacha ойлик иш ҳақини ҳисоблашнинг қўйидаги тартиби белгиланган:

1. Таътил ҳақи, ишдан бўшаганда бериладиган ёрдам пули, ишсизлик бўйича нафака тарификация бўйича ўртacha иш ҳақи белгиланган иш ҳақини ёки лавозимлик окладини ҳисоблаш кунига биринчи йили ишлаётганлар учун ўн иккidan бирга (1/12) (тўлик олти ой ишлаганлар бўйича олтидан бирга, тўлик етти ой ишлаганлар бўйича – еттидан бирга ва х. к.) кўпайтириб топилади. Ўрта маҳсус ва ҳунар – техника билим юртлари ўқитувчиларига эса ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозимлик окладидан ошган қисмини ўндан бирга кўпайтириб топилади. Буларга ишбай ҳақлар, мукофатлар, қўшимча ҳақлар ва бошқа ижтимоий суғуртага бадал ҳисобланувчи тўланмалар киради.

2. Ўрта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртларидаги ўқитувчиларга ортиқча бажарилган соатлари бўйича қўшимча ҳақ йил охирида ушбу соатлар бажарилган вақтда ҳаракатда бўлган ставкалар бўйича ҳисобланади.

3. Ходимлар саломатлигига етказилган зарар, касбий касаллик ёки уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш жараёнида саломатлигига етказилган заарларни иш берувчилар томонидан қоплаш учун ҳақ ҳисоблаш Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган қоидаларга биноан олиб борилади.

4. Ишга қобилиятсизлиги тўғрисидаги варақалар, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича ҳақ ҳисоблаш (нафака ҳисоблаш) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафака ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Низомга биноан олиб борилади.

5. Бошқа (1-4 бандларида кўрсатилгандан ташқари) барча ҳолларда ўртacha ойлик иш ҳақи охирги икки календар ойининг ўртacha иш ҳақиси билан аниқланади.

6. Ходимлар меҳнат таътилида, давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажаришда, икки ой ичида иш қидириш вақтида (меҳнат бўйича маҳаллий органларнинг берган маълумотномасига биноан – уч ой), шунингдек касаллиги даврида тариф ставкалар, лавозимлик окладлар ошган бўлса,

корхона, ташкилот, муассасаларнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига тўғри келадиган ҳақиқий иш куни бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Қонунчилик билан ўртacha иш ҳақини ҳисоблаб чиқишнинг махсус тартиби (пенсия ҳисоблаш, зарарни қоплаш ва бошқа ҳолларда) ўрнатилган ҳолларда, кўрсатилган қоидалар қўлланилмайди.

Иш вақтидан фойдаланишини ҳисобга олиш маълумотларига ва ходим томонидан қонунчилик билан кафолатланган ўртacha иш ҳақини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларига асосан ўртacha иш ҳақи ҳисоблаб чиқилади.

Йиллик меҳнат таътил ҳақини ҳисоблаш. Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртacha иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Ўртacha иш ҳақи Вазирлар Мажкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сонли қарорининг 6-иловасига биноан ҳисобланади.

Таътил ҳақи аниқлаш ёки фойдаланилмаган таътил учун компенсация ҳисоблашда олти кунлик иш хафтаси (чунки таътилнинг давомийлиги 6 кунлик иш хафтаси ҳисобида календар бўйича ҳисобланади) бўйича ўртacha ойлик иш кунининг давомийлигини 25,4 кун деб ҳисоблайди.

Мисол. Корхона раҳбарининг буйруғига биноан А.Ахмедов 1999 йилнинг 1 февралидан 24 иш кунига (15 кун асосий, 9 кун қўшимча) навбатдаги таътилга чиқарилди. Меҳнат таътилига чиқишига қадар Ахмедовнинг 12 ойлик иш ҳақиси қуидидагича бўлган:

ҳисоблаш кунига белгиланган тариф бўйича иш ҳақи – 10940 сўм.

Таътил ҳақи тўлаш учун ҳисоблаб чиқиладиган ўртacha ойлик иш ҳақи қуидидагича топилади:

| 1998 йил | | Шундан: тариф бўйича | Тарифдан ошиғи *) |
|-------------------|--------|----------------------|-------------------|
| феврал | 12160 | 5340 | 9820 |
| март | 13080 | 5340 | 7740 |
| апрел | 17640 | 7120 | 10520 |
| май | 21850 | 7120 | 14730 |
| июн | 17900 | 7120 | 10780 |
| июл | 28120 | 7120 | 21100 |
| август | 18760 | 7120 | 11640 |
| сентябр | 18400 | 7120 | 11280 |
| октябр | 19110 | 7120 | 11990 |
| ноябр | 31340 | 10940 | 20400 |
| декабр | 26170 | 10940 | 15230 |
| 1999 йил | | | |
| январ | 27940 | 10940 | 17000 |
| 12 ой бўйича жами | 255470 | 93340 | 162130 |

*) – ижтимоий сугуртага бадаллар ҳисобланадиган сумма
 (бунга компенсация тўловлари, дотация, юбилей саналари
 билан боғлиқ бўлган рагбатлантирувчи тўловлар кирмайди)

$$10940 + 162130 : 12 = 24450 \text{ сўм } 83 \text{ тийин, бунда}$$

10940 сўм – тариф ставкаси;

162130 сўм – тариф ставкасидан ортифи;

12 – ойлар.

А. Ахмедовнинг меҳнат таътили учун тўланадиган ҳақ қўйидагича топилади:

$$24450 \text{ сўм } 83 \text{ тийин} : 25,4 \times 24 = 23103,15, \text{ бунда}$$

24450 сўм 83 тийин - ўртача ойлик иш ҳақи;

25,4 – календар йилининг ўртача ойлик иш куни

24 – иш кунидаги таътилнинг муддати

Вақтингчалик иш қобилиятини йўқотиши бўйича

нафақа ҳисоблаши. Ходимларнинг вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун ҳисоблаб тўланадиган ҳақнинг қоплаш маибай бўлиб танинрарх ёки давр харажатлари эмас, балки ижтимоий сугурта органларининг маблағлари ҳисобланади.

Тўланадиган ҳақни ҳисоблаб топиш учун асос бўлиб иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга оладиган табел ва тиббиёт муассасаларининг берган вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганлиги тўғрисидаги варақаси ҳисобланади. Нафақа миқдори меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган ҳужжатга биноан иш қобилиятини йўқотган кунига ҳисоблаб топилган умумий иш стажига асосан аниқланади.

Умумий иш стажи 5 йилгача бўлса, иш ҳақидан 60% тўланади; 5 йилдан 8 йилгача бўлса – 80%; 8 йилдан ортиқ бўлса – 100%. Қуйидаги ҳолларда умумий иш стажидан қатъий назар иш ҳақидан 100% нафақа тўланади:

- агар қарамоғида 16 ёшга етмаган (ўқувчилар – 18 ёшгача) уч ва ундан кўп фарзандлари бўлса;

- ишилаётган Улуг Ватан уруши қатнашчиларига, байналминал – харбийларга, Чернобил АЭС аварияси оқибатларини бартараф қилишда қатнашганларга, меҳнат майиблари ва касбий касал бўлганларга;

- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича.

Вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун тўланадиган кунлик нафақа миқдори лавозимлик оклади, ёки тегишли разряд бўйича ишбай-ишчининг ёки вақтбай-ишчининг тариф ставкаси бўйича бир кунлик ҳисоблаб топилган сумманинг икки ҳиссасидан ошмаслиги керак.

Иш ҳақи суммасига иш жойида ижтимоий суғурта ҳисобланадиган, меҳнат ҳақига киритилмайдиган бир йўла тўловлардан ташқари, барча турдаги тўланмалар киради.

Ишбай иш ҳақи оладиган шахсларга нафақа ишга қобилиятызлиги бошланган ойдан олдинги календар ойида ишлаган иш ҳақисидан ҳисоблаб топилади. Охирги ой ойлигига «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан ҳисоблаб чиқилган ўртacha ойлик мукофатлар суммаси қўшилади.

Вақтбай ҳақ (ойлик оклад) оладиган шахсларга нафақа ҳисоблаш учун ойлик оклад (лавозимлик ёки шахсий), ишга қобилиятызлик бошланган кунгача олинган доимий қўшимча ҳақлар инобатга олинган ҳолда, кунлик ёки соатлик тариф ставка олинади. Бунга «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» га биноан ҳисоблаб чиқилган ўртacha ойлик (ўртacha кунлик, ўртacha соатлик) мукофатлар суммаси қўшилади.

Мисол. Ишбай-ишловчи 4-разрядли Собиров С. Н. феврал ойида 3 иш куни касал бўлган. Бу иш вақтини ҳисобга олиш табелида кўрсатилган ва тиббий муассасанинг меҳнатга қобилиятызлик тўғрисидаги варақаси билан тасдиқланган. С. Н. Собировнинг иш стажи 7 йил, қарамогида 16 ёшта етмаган иккита фарзандлари бор. Унинг январ ойидаги ҳақиқий иш ҳақиси тариф бўйича 6847 сўмни ташкил қилган ва йиллик олган мукофатларининг ўн иккidan бир қисми -153 сўм. Январ ойининг жами иш ҳақиси -7000 сўм. Ўртacha кунлик иш ҳақиси 304 сўм. 35 тийинга тенг (7000:23). Буни 4-разрядли ишбай – ишчининг кунлик тариф ставкасини икки баробари билан таққослаб кўрамиз - 507 сўм. 20 тийин (31 сўм 70 тийин x 8 соат = 253 сўм 60 тийин x 2). С. Н. Собировнинг умумий стажини инобатга олсак, унга кунлик иш ҳақининг 80%, яъни 243 сўм 48 тийин (304 сўм. 35 тийиндан 80%) нафақа ҳисобланади. Демак, касаллик даврининг бир куни учун 243 сўм 48 тийин нафақа ҳисоблаш керак. Жами касал бўлган даврига 730 сўм 44 тийин (243 с. 48 т. x 3) нафақа ҳисобланади.

3.8. ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНМАЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР

Иш ҳақи ҳисобланғандан сүнг бухгалтерияда ундан маълум ушланмалар ва чегирмалар қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига биноан умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, - суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Кўйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъий назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

а) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

б) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

в) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилимаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечикирилмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади;

г) ўз ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган, иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда таътилнинг ишланмаган даврига тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси ушбу Кодекс 89 – моддасининг тўртинчи қисмида, 100 – моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2 – бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишига кирганлиги ёки пенсияга чиқсанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди;

д) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

е) меҳнат интизомини бузганлиги учун ўртача ойлик иш ҳақининг 20% идан ошмаган миқдорда жарима.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақининг умумий миқдори ходимга тегишили бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

Даромад солиғи ҳисобланган иш ҳақининг бутун сонидан ҳисоблаб топилади. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақиси ва бошқа даромадларидан ушланган даромад солиғи суммаси корхона томонидан бюджетта ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиб берилиши керак.

Ишчи ва хизматчилардан ушланадиган даромад солиғи молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 23 февралдаги «Жисмоний шахсларнинг даромадларидан бюджетга солиқ ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги йўриқномада белгиланган тартибда ушланади.

Жисмоний шахслардан даромад солиғи ягона шкала ставкаси бўйича йиллик жамгарма даромаддан ушланади:

- ҳар бир фуқоронинг солиқ мажбуриятининг базаси бўлиб ўтган йили барча манбалардан йифилган даромад суммаси ҳисобланади;

- ойлик даромад оралиқ даромад деб ҳисобланади;

- даромадлар миқдоридан қатъий назар соликдан бутунлай озод қилинадиган фуқоролар категорияси назарда тутилмаган. Даромад миқдоридан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг барча фуқоролари, чет эл фуқоролари ва фуқороси бўлмаган шахслар солиқقا тортилади;

- агар фуқоронинг корхонасидан оладиган иш ҳақидан ташқари четдан яна бошқа даромадлари бўлса, ҳар йили иш ҳақисини ҳам қўшган ҳолда олинган даромадларининг умумий суммаси тўғрисида солиқ инспекциясига декларация топшириши керак.

1998 йил 23 февралда қабул қилинган «Жисмоний шахсларнинг даромадларидан бюджетга солиқ ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги молия Визирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси йўриқномасига 2000 йил 30 декабрда киритилган З-сонли ўзгаришлар ва қўшимчаларга биноан солиқ тўловчининг асосий иш жойидан олинган солиққа тортиладиган даромадидан ҳар ойда қонун билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи суммаси чиқариб ташланмайди. Жисмоний шахслардан даромад солиғи ягона шкала ставкаси бўйича йиллик жамгарма даромаддан қўйидаги жадвал бўйича ушланади.

| | |
|--|--|
| Солиққа тортиладиган даромад миқдори (бир минимал иш ҳақини чиқармасдан) | Солиқ суммаси |
| Тұрт карра минимал иш ҳақи миқдоригача | Даромад суммасидан 12 фоиз |
| Тұртдан (+1 сүм) саккиз карра минимал иш ҳақи миқдоригача | Тұрт каррәдан олинган солиқ + тұрт карра минимал иш ҳақи миқдоридан ошған суммадан 25 фоиз |
| Саккиз карра минимал иш ҳақи миқдоридан (+1 сүм) ва ундан ортганидан | Саккиз каррадан олинган солиқ + саккиз карра минимал иш ҳақи миқдоридан ошған суммадан 36 фоиз |

Даромад солиғи ҳисобланған иш ҳақининг бутун сонидан ҳисоблаб топилади. Жысмоний шахсларнинг иш ҳақиси ва бошқа даромадларидан ушланған даромад солиғи суммаси корхона томонидан бюджеттеге ўз вақтида ва түлиқ ўтказиб берилиши керак.

Фуқораларнинг даромадларидан давлат бюджети фойдасига ушланған солиқ суммаларини ҳисобға олип учун 6410 «Бюджеттеге тұловлар бүйіча қарздорлик» пассив счети құлланилади. Бу счетнинг кредит қолдиги корхонанинг бюджетдан бўлган қарзини кўрсатади, дебет обороти – бюджеттеге ўтказиб берилган суммани кўрсатади; кредит обороти – ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланған солиқ суммасини кўрсатади.

Ижро варақалари бўйича ушланмалар. Ижро варақалари алимент суммаларини ушлаш ва ўтказиб бериш учун асос бўлиб ҳисобланади. Олинган ижро варақаларини бухгалтерия маҳсус журнал ёки карточкада рўйхатга олади. Ходимларнинг аризасига мувофиқ алиментлар қўйидаги ҳолларда ушланади: агар ушланмаларнинг умумий суммаси 50% дан ошса, шунингдек агар суд қарори билан бошқа онадан бўлган болалар фойдасига, меҳнатга лаёқатсиз ота-оналар фойдасига, хотини (хотинлари) фойдасига.

Ижро варақалари бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби 6890 «Бошқа мажбуриятлар» счетининг 1-«Ижро хужжатлари бўйича ташкилот ва шахслар билан ҳисоб - китоблар» аналитик счетидаги юритилади.

Алимент ҳисобот ойи бўйича ҳисобланған иш ҳақи, вақтинчалик иш қобилиятыни йўқотган даврида ҳисобланған нафақа суммасидан солиқлар ушланғандан кейин, шунингдек ҳисобланған пенсия ва стипендия суммасидан ушланади. Бу вақтда қўйидагича проводка берилади: Д-т 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» К-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар».

Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар тұлаш учун белгиланған уч күнлик муддат ичидә алимент суммалари тұланиши ёки алимент олувчилар ҳисобидан почта орқали ўтказиб берилиши керак. Бунда 6890- счети дебетланиб 5010- счети кредитланади.

Моддий ёрдам, ихтирочилик, рационализаторлық тақлифлари учун берилған рағбатлантириш ва шу каби суммалардан алимент суммаси ушланмайды.

Кредитта сотилған товарлар бўйича ушланмалар. Кредитта сотилған товарлар бўйича ариза-мажбуриятларнинг ҳамма суммасини корхона банк ссудаси ҳисобидан савдо ташкилотларига ўтказиб берганда кредитта сотилған товарлар бўйича ушланма муомалалари содир бўлади.

Шундай қилиб, қисман ушланмаларни ўнлаб савдо ташкилотларига ўтказиб бериш учун банкка тўлов-топшириқлари ёзиш вакти қисқаради.

Бу шаклдаги ҳисоблашишлар учун счетлар режасида 4610 «Кредитта сотилған товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» счети тайинланған. Бу счет актив бўлиб унинг қолдиги корхонага қайтарилмаган кредит бўйича ишчи ва хизматчиларнинг қарзини кўрсатади; дебет обороти – банк ссудаси ҳисобидан корхонанинг яна берган топшириқ-мажбурият суммасини кўрсатади; кредит обороти – қарзни қоплап учун ишчи ва хизматчиларнинг иш хақларидан ушланған суммани кўрсатади.

Башарти ходим мажбурият суммасини тўлиқ қопламасдан бошка корхонага ишга ўтса, корхона савдо ташкилотига ходимнинг янги иш жойини кўрсатиб хабар беради. Корхона шунингдек ссуда бўйича банк билан тўлиқ ҳисоблашади. Агар корхона ўз ходимларининг кредитта сотиб олган товарлари бўйича банк ссудасидан фойдаланадиган бўлса, 6890 «Бошқа мажбуриятлар» счетида савдо корхоналари бўйича шахсий счетлар очади.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланадиган мажбурий ушланмалардан ташқари уларнинг ёзма аризаларига мувофиқ ихтиёрий ушланмалар ҳам бўлиши мумкин: иш ҳақини Халқ банкига, суғурта ташкилотларига ўтказиб бериш, касаба уюшмалар бадалларини тўлаш, далабог уй ва участкаларни қуриш ва ободонлаштириш учун олинган ссудани қайtarish. Бундай ҳисоблашиш муомалалари 4610 «Кредитта сотилған товарлар бўйича ходимларнинг қарзлари» ва 6890 «Бошқа мажбуриятлар» счетларда ҳисобга олинади.

3.9. ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШ ВА УЛАРГА ҲАҚ ТҮЛАШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига биноан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бир ойда камида бир марта берилади. Айрим ҳолларда ходимларнинг алоҳида категориялари учун Ўзбекистон Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлаш бўйича бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

Ойнинг биринчи ярмига иш ҳақи ҳисоблашнинг авансли ва аванссиз тартиби қўланилади. Биринчи ҳолда ҳодимга аванс берилиб ойнинг иккинчи ярмига иш ҳақи тўланишда пировард ҳисоб қилинади. Жамоа шартномасини тузишда аванс миқдори иш берувчи билан келишиб олинади. Аванснинг минимал миқдори табелга биноан ишчининг ишлаган вақти бўйича тариф ставкасидан кам бўймаслиги керак.

Иккинчи ҳолда корхона режали аванс тўлашнинг ўрнига ойнинг биринчи ярми бўйича ҳақиқий ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарган иши) ёки ишлаган вақти бўйича иш ҳақи ҳисоблайди.

Аванслар оклад ёки тариф ставкасининг, солиқ чиқарилгандан сўнг, 40-50 фоизи миқдорида ҳисобланади.

Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоблашишни расмийлаштириш учун фойдаланиладиган ҳужжат бўлиб ҳисоблаш ведомости ҳисобланади. Қуйидаги дастлабки ҳужжатлар иш ҳақи ҳисоблаш ведомости ва ҳисоблаш варақаларини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади:

- иш вақтидан фойдаланишини ҳисобга олиш табели – асосида фойдаланилган вақт ётадиган вақтбай иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланилади (бекор туришлар, тунги ва иш вақтидан ортиқ ишлагани, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани ва шу кабилар учун тўланадиган ҳақ);

- иш ҳақини йиғиб борувчи карточкалар – ишбай ишчилар учун;

- барча турдаги қўшимча ҳақ ва вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани бўйича нафақалар ҳисоблаш бухгалтерия расчети;

- ўтган ой бўйича ҳисоблаш ведомостлари – солиқ ушланмалар суммасини ҳисоблаш учун;

- ижро варақалари бўйича ушлаб қолиш учун суд органларининг қарорлари;

- ойнинг биринчи ярми учун аванс бериш бўйича тўлов ведомостлари;

- режасиз аванслар бериш бўйича касса-чиқим ордерлари ва х. к.

Ҳисоблаш ведомости аналитик ҳисоб регистри бўлиб ҳисобланади, чунки у ҳар бир табел номери, цехлар, ходимлар категориялари, тўлов ва ушланмалар турлари бўйича тузилади. Тўлов ведомости қуидаги кўрсаткичлардан иборат:

- тўлов турлари бўйича ҳисобланди – 6710 счетнинг кредит обороти бўйича;

- тўлов ва зачет турлари бўйича ушланди ва зачет қилинди – 6710 счетнинг дебет обороти;

- қўлига тегадигани ёки корхонанинг ой охирига қарзи – 6710 счетнинг кредит сальдоси.

Ҳисоблаш ведомостининг охирги кўрсаткичи пировард ҳисоблашиш бўйича тўлов ведомостини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Корхонанинг ишчи ва хизматчилар билан ҳисоблашишини расмийлаштиришда бир қанча вариантлар қўлланилади:

- ҳисоблашиш-тўлов ведомостларини тузиш йўли билан. Бунда икки регистр бирлаштирилган: ҳисоблаш ва тўлов ведомости, яъни бир вақтнинг ўзида тўлашга тегисили сумма ҳисобланади ва у берилади (тўланади);

- ҳисоблаш ведомостини тузиш йўли билан, тўлаш эса тўлов ведомости билан амалга оширилади;

- ҳар иш ойи учун (ҳисобланди, ушланди, қўлига тегадигани) «Иш ҳақи ҳисоблаш» ва рақаларини машиналарда тузиш йўли билан. Бунга асосан иш ҳақи бериш учун тўлов ведомости тузилади.

3.10. ИШ ҲАҚИННИ ЙИФИШ, МЕҲНАТ ҲАҚИ ФОНДИННИГ ТАРКИБИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Молиялаш манбаидан қатъий назар корхонанинг меҳнат ҳақи харажатлари таркибига меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича қилинган барча харажатлар, жумладан қонун бўйича ходимларнинг ишламаган вақти учун ҳисобланган ўртача иш ҳақи, рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация тўловлари киради.

Юқорида кўрсатилган меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича қилинган харажатларнинг барчаси харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритилади ёки давр харажатларига ўтказилиб, кейин ҳар ойда ҳисобот даври фойдасини камайтиришга йўналтирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли таркибида ҳисобот, ҳақиқий ҳисобланган меҳнат ҳақи фондини ҳисоблаб чиқиши ва режали фонддан фойдаланиш устидан назорат қилиш учун маҳсус регистрлар назарда тутилган.

7-хисоблаш ведомостидан күчирма 200_йил март ойи учун
Корхона - Сельмашзавод Категория - 1 (иши), цех 1

сүм

I - Кисми

| Та- бел И. О. № | Касобы, капо- теги зими | Газ-Соатлиг тариф ставка | Ишландаи кун соат вакт- бай | Хисобланади | |
|-----------------------|----------------------------------|--------------------------------|--------------------------------------|-------------|--|
| | | | | кун соат | тунги или бүйича күшимчага хак соат сумма |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Собиров С. | 1 | 60 | 5 | 6-48 | 22 179 - 179 1160 - |
| Бошқа ишчилар | - | - | - | - | - 1600 - 42600 - |
| Жами | | | | | 1600 43760 - 400 |

Давоми

Хисобланади

| Ишдан ташкари вактда ишлагани учун күшимчага хак соат | Нормал шаротиг- дан оғишши учун күшін күшін соат | Бошқалар сумма | Мукофат соат | Хисобланади | |
|--|---|-------------------|-----------------|-------------|----------|
| | | | | кун соат | кун соат |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| - | - | - | 120 | - | - |
| - | - | - | - | 3230 | - |
| - | - | - | 120 | - | 3230 |

| Ишдан ташкари вактда ишлагани учун күшимчага хак соат | Нормал шаротиг- дан оғишши учун күшін күшін соат | Бошқалар сумма | Мукофат соат | Вактинчалик иш кобилицитини жүктөтгөни бүйича нафака | |
|--|---|-------------------|-----------------|--|----------|
| | | | | кун соат | кун соат |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 20 | 21 |
| - | - | - | 120 | - | 400 |
| - | - | - | - | 3230 | - |
| - | - | - | 120 | - | 3230 |

| Ишдан ташкари вактда ишлагани учун күшимчага хак соат | Нормал шаротиг- дан оғишши учун күшін күшін соат | Бошқалар сумма | Мукофат соат | Жамы хисоб- ланади | |
|--|---|-------------------|-----------------|--------------------------|----------|
| | | | | кун соат | кун соат |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 20 | 21 |
| - | - | - | 120 | - | 400 |
| - | - | - | - | 3230 | - |
| - | - | - | 120 | - | 3230 |

| Ишдан ташкари вактда ишлагани учун күшимчага хак соат | Нормал шаротиг- дан оғишши учун күшін күшін соат | Бошқалар сумма | Мукофат соат | Солжка тортила- диган сумма | |
|--|---|-------------------|-----------------|--------------------------------------|----------|
| | | | | кун соат | кун соат |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 20 | 21 |
| - | - | - | 120 | - | 400 |
| - | - | - | - | 3230 | - |
| - | - | - | 120 | - | 3230 |

| Давоми | | | | | | Күллигэ берилдиган сумма (сүм) |
|-----------------------------------|---|-------------------------------|------------------------------|---|---------------------------|--------------------------------------|
| Ойнинг І-яримми бўйича берилди | Даромад солиги (жорий ой/ кейинги ой) | Яроксиз маҳсулот бўйича | Ижро варакалари бўйича | Хисоблашиш даври орасида тўланган | Жамми ушланди (сүм) | |
| 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 |
| 400 | 220 | - | - | - | 620 | 1060 |
| 20300 | 11600 | 200 | 1100 | 800 | 34000 | 16750 |
| 20700 | 11820 | 200 | 1100 | 800 | 34620 | 17810 |

Сумма ёзув билан (Ўн етти минг саккиз юз ўн сўм)

Цех бошлиғи

Бош бухгалтер

Хисоблаш гурухининг босилими

II. Март ойи учун Селмаш заводининг ходимлар билан ҳисоблашти бўйича йилма маълумотлари

| | | Дебети бўйича обороти (ушпанди ва зачет кулиниди) | | | | | | Ой охирига бўлган карз | | | | | |
|---|--------|---|------------|---------|--------|--------|----------|------------------------|----------|--------|----------------|----|----|
| | | Хисобот | бўлган | иҷро- | депо- | нентга | халк | яроксиз | кредитга | дебети | корхончи ва | | |
| | карз | корхончи ва | бўйича | варада | мадд | бўйича | банкига | максуз | олинган | бўйича | нанингизматчи- | | |
| | | нанингизматчи- | хисоблашти | солиги | калари | ўтка- | товарлар | жами | товарлар | бўйича | ларнинг | | |
| | | карзи | хисоблашти | берилди | зилди | зилди | зилди | учун | бўйича | бўйича | карзи | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| Ой болигига | 64000 | - | - | 63630 | 370 | | | | | | 64000 | | |
| Март ойи учун | 141000 | 141000 | 59910 | 8600 | 800 | 200 | 1890 | 71400 | 69600 | | | | |
| Жами | 64000 | 141000 | 123540 | 370 | 8600 | 800 | 200 | 1890 | 135400 | 69600 | | | |
| Пу жумладан: | | | | | | | | | | | | | |
| а) вактинчалик иши | | | | | | | | | | | | | |
| кобилиятини | | | | | | | | | | | | | |
| йўғотгани учун | | | | | | | | | | | | | |
| нафака | | | | | | | | | | | | | |
| 6) мукобатлар | | | | | | | | | | | | | |
| Межнатта ҳак тўлаши | | | | | | | | | | | | | |
| Фондни бўйича март ойи жами | 64000 | 132000 | 123540 | 370 | 8600 | 800 | 200 | 1890 | 135400 | 60600 | | | |
| Январ-феврал бўйича | | 264000 | 176800 | 400 | 3000 | 14000 | 1600 | 200 | 4000 | 200000 | 64000 | | |
| Межнатта ҳак тўлаши | | | | | | | | | | | | | |
| Фондни бўйича 1-чорак жами (банкка маълумотнома учун) | | 396000 | 300340 | 770 | 3000 | 2260 | 2400 | 400 | 5890 | 335400 | 60600 | | |

Бу мақсад учун саноатда 5-«Ҳисобланган иш ҳақининг таркиби ва ходимлар категориялари бўйича йиғма ва ишчи ва хизматчилар билан ҳисоблашишлар бўйича йиғма» ишлов бериш жадвалидан фойдаланилади. Бу ҳар ойда ҳисоблаш ведомостларига асосан тузилади. Қуйида ҳисоблаш ведомостидан кўчирма ва ходимлар билан ҳисоблашиш йиғма маълумотларини келтирамиз (95 - 97-бетларга қаралсин).

5-ишлов бериш жадвалининг биринчи қисмида меҳнат ҳақи фондига кирадиган ҳисобланган сумма, шунингдек меҳнат ҳақи фондига кирмайдиган бошқа манбалардан (ижтимоий суғурта фонди ва б.) ҳисобланган суммалар кўрсатилган.

Жадвалда суммалар ҳисобланшининг турлари (ишбай, вақтбай, таътил ва х. к.) бўйича бўлинган. Бундан ташқари, ҳисобланган сумманинг категориялар бўйича жамлаб кўрсатилиши катта ахамиятга эга. Бу меҳнат ва иш ҳақи бўйича тузилган ҳисоботни таҳлил қилиш имкониятини беради, чунки маълумотлар ой бўйича ва йил бошидан жамланиб келтирилган.

Жадвалнинг иккинчи – ишчи ва хизматчилар билан ҳисоблашиш бўйича йиғма маълумотлар – қисмида қўйидаги маълумотлар келтирилган: ой бошига корхонанинг ёки ишчи ва хизматчиларнинг қарзи; ҳисоблаш ведомостига асосан ҳисбот ойи учун цех бўйича ва корхона бўйича жами ҳисобланган сумма. Бундан кейин тўланган, иш ҳақидан ушланган ва чегирмаларни тўлиқ таърифи ва ой охирига бўлган қарз келтирилган.

Ҳақиқатан ҳам жадвалнинг бу қисми 6710 счетнинг маълумотларини таҳлил қилиш, 8, 10/1 журнал-ордерларига, 7-ведомостга солик ушланмалари бўйича маълумотнома тузиш ва ой охирига қолган қолдигини Бош дафтар билан таққослаш имкониятини беради. Чунончи, 8 - журнал-ордерга ёзиш учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотнома 6410 счетнинг кредит маълумотларига асосан тузилади; 10/1 журнал-ордерига ёзилади 6710 счетнинг кредити 6520 счетнинг дебети бўйича (вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун ҳисобланган нафақа бўйича); 7-ведомостга – 4610 счетнинг кредити бўйича (кредитга сотилган товарлар бўйича ушлаб қолинган суммага), 6890 счетнинг кредити бўйича (ижро варақалари бўйича ва х. к.) ёзилади.

Чек бўйича нақд пул олиш суммасини ҳисоблаш:

а) иш ҳақига - 60600 сўм.

б) вақтинчалик иш қобилиятини йўқотгани

бўйича нафақа - 3000 сўм.

в) мукофатлар - 6000 сўм.

Жами олинди – 69600 (ой охиридаги қарзга қаранг)

I. 200_йил март ойи учун Селмаш заводи бўйича иш ҳақи ҳисоблаш йиғиндисининг жами

| Ходимлар категорияси | Ой бўйича ҳисобланди | | | Жами |
|----------------------|--------------------------|------------|---|--------|
| | мехнат ҳақи фонди бўйича | мукофатлар | вақтингчалик иш кобилиятини йўқотгани бўйича нафақа | |
| A. Ишчилар | 101900 | 2460 | 2200 | 106500 |
| Б. Мутахассислар | 24000 | 2200 | 500 | 26700 |
| В. Хизматчилар | 4000 | 1000 | 210 | 5210 |
| Г. Шогирдлар | 700 | 140 | - | 840 |
| Д. Бошқа ходимлар | 1400 | 200 | 90 | 1690 |
| Жами | 132000 | 6000 | 3000 | 141000 |

Январ-феврал бўйича ҳисобланди – 264000 сўм.

3.11. МЕХНАТ ҲАҚИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Ведомостда кўрсатилган суммани ____дан ____гача (банкдан пул олинган кун ҳам қўшилган ҳолда уч кун ичида) тўлаш тургисида кассага берилган буйруқ иш ҳақи бериш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бу буйруқни корхона раҳбари ва бош бухгалтер имзолайди. Бу маълумотларни қуидга келтирамиз.

| | | | |
|--------------------------------------|----------------------------|-------------------------|--------------------------|
| Селмаш заводи (корхона, ташкилот) | Корреспон-дентланувчи счет | Аналитик ҳисобнинг коди | Мақсадли тайинланиш коди |
| Цех, бўлим – 1 | 5010 | 62 | 13 |

8-ҳисоблаш ведомостига

Тўлаш учун кассага

200_йил 2 мартдан 5-мартача

Суммаси йигирма беш минг саккиз

юз сўм 00 тийин (25800 с. 00 т.)

Раҳбар Шокиров

Бош бухгалтер Нишанова

200_йил 2март

Иш ҳақи тўлов ведомости бўйича берилади. Қуидга унинг шакли келтирилади.

8 - ТЎЛОВ ВЕДОМОСТИ

200_йил феврал ойининг иккинчи ярмига

Вараклар сони

Мазкур тўлов ведомости бўйича Йигирма беш минг олти юз ўттиз сўм 00 тийин (25630 с. 00 т.) берилди, бир юз етмиш сўм 00 тийин (170 с. 00 т.) депонентга ўтказилди.

Пул беришини амалга оширди – Илашова

Текшириди – бухгалтер Нишанова

Т-53а шаклининг орқа томони

| Та- бел № | Фамилия, И.О. | Сумма, сўм, тийин | Олганлиги тўгрисида имзо | Изоҳ (паспорт, гувоҳнома №) |
|--------------|--------------------------|----------------------|-----------------------------|--------------------------------|
| 010 | Валиев В.К. | 600-00 | Валиев | |
| 019 | Комилов Н.П. | 567-00 | Комилов | |
| 020 | Усманов К.П. | 469-00 | Усманов | |
| 021 | Упасов Н.У. | 500-00 | Упасов | |
| 023 | Хабибулин А.П. | 98-00 | Депонентланди | |
| 027 | Смирнов П.Т. | 507-00 | Смирнов | |
| 031 | Жаримбетов Р.И. | 72-00 | Депонентланди | |
| 032 | Юлдашев И.П. бошқалар | 360-00 22600-00 | Юлдашев Бошқалар | |

Жами 25800-00

Иигирма беш минг саккиз юз сўм

Ведомостни тузди Орипова

Ведомостни текшириди Петрова

Иш ҳақини кассирдан ташқари иш ҳақи тарқатувчилар ҳам бериши мумкин. Бу вақтда кассир тўлов ведомостлари ва берилган нақд пул суммасини рўйхатга олиш дафтарини юритади. Иш куни тугагандан сўнг иш ҳақи тарқатувчилар тарқатилмаган иш ҳақи суммаси билан тўлов ведомостларини кассирга топширишлари керак. Кейинги (иккинчи ва учинчи кунлари) иш ҳақи фақат кассир томонидан берилади. Уч кун ўтгандан кейин кассир тўлов ведомостларини қаторма-қатор текшириб чиқиб «Олганлиги тўғрисида имзо» деган графада имзоси бўмаган фамилиянинг тўғрисига «депонентланди» деган сўз штамрасини қўяди ёки бу сўз қўлда ёзилади. Одатда тўлов ведомости иккита суммани қўрсатиб ёнилади – нақд пул билан берилди ва депонентланди. Депонентланган суммаларга кассир берилмаган иш ҳақи реестрини тузиб тўлов ведомости билан бирга текшириш ва тўланган иш ҳақи суммасига касса-чиқим ордерини ёзиш учун бухгалтерияга топширади. Касса-чиқим ордери касса дафтарига ёзиш учун кассирга топширилади.

Ўз вақтида талаб қилиб олинмаган иш ҳақи суммасини «депонентланган сумма» деб кассир корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счетига топширади.

Ишчи ва хизматчилар томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган иш ҳақи суммаси корхонада уч йил ичида сақланиб 6720 «Депонентланган меҳнат ҳақи» счетида ҳисобга олинади. Депонентланган суммани талаб қилиб олинишига қараб уч йил ичида корхона банкдаги ҳисоб-китоб счетидан пул олиб тўлаб боради. Уч йил ўтгандан сўнг депонентланган сумманинг қолдиги харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.5. бандига биноан корхонанинг даромадига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ўтказилади:

Д-т 6720 «Депонентланган меҳнат ҳақи» счети К-т 9360
«Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар» счети.

3.12. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲАМДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШ БҮЙИЧА ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИ

Ходимларга тегишли иш ҳақи, мукофат, нафақалар ҳисоблашни амалга ошириш билан бир вақтда бу суммалар корхона бухгалтериясида тегишли регистрларда ҳисобга олиб борилади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига ўтказилади. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қўйидагилар киради:

- хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рафбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

- касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусдаги тўловлар, шу жумладан:

- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишламайдиган) кунларда ишлаганик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- кун сменали режимда ишлаганик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- алоқа, темир йўл, дарё, автомобил транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақига, хўжалик юритувчи субъект жойлаштан жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтигача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

- қурилишда, реконструкция қилишда ва мукаммал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан

ишиларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

- доимий равишда ер ости ишиларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишиларидан ва орқага қайтишиларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

- хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йифилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

- иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишлаган вақти учун дам олиш) кунлари, учун ҳақ тўлаш;

- ишламаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллар, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танафуслар, шунингдек тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;

- донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

- давлат вазифаларни бажарганлик учун (ҳарбий йигинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йигинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш;

- хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқоралик-хуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлагага киради;

- белгиланган тартибга мувофик ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар мөҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Барча бу мөҳнат харажатлари бевосита қўйидаги счетларнинг дебети бўйича акс эттирилиб: 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар», 31- «Келгуси давр харажатлари», 6710 «Мөҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар» счети кредитланади.

Ишчиларнинг таътил вақти учун ҳисобланган иш ҳақи суммасига 8910 «Келгусидаги харажатлар ва тўловлар резервлари» (агар корхонага бундай резерв маблағларини ташкил қилиш ҳуқуқий берилган бўлса) счети дебетланиб 6710 «Мөҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети кредитланади ва 15-ведомостга биноан 10 ва 10/1 журнал-ордерларида акс эттирилади.

Ишга қобилиятсизлиги бўйича нафақа ва ижтимоий суғурта органлари маблағлари ҳисобидан тўланадиган бошқа тўловлар 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар» счетининг дебети ва 6710-счетнинг кредитига ёзилиб 10/1 журнал-ордерларида акс эттирилади.

Кўйида мөҳнаттага ҳақ тўлаш бўйича муомалаларни акс эттириш схемасини келтирамиз.

**6710-«Мехнатта ҳақ тұлаш бүйінча ходимлар билан
хисоб-китоблар» счети**

| Д-т | К-т |
|--|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| | Сальдо: корхонанинг ходимлардан бўлган қарзи |
| 5010- Накд пул билан тўланган сумма (иш ҳақи, нафақа, мукофот) | Ишлаган ва ишламаган вақтлари учун барча категория ходимларига хисобланган иш ҳақи суммаси (тунда ишлагани, -08,, иш вақтидан ортиқ 20, 23, ишлагани, бригадирлар- га, бригадага раҳбарлиги 25, учун ва ш. к. хисобланган 9421, мукофатлар суммаси) 2610, 31 Турли манбалар -08,20, хисобидан барча 23, 25, категория ходимларига 9421, хисобланган бир йўла 2610, мукофат суммаси 31 |
| 6410, Иш ҳақидан бюджетга, 6520- Пенсия фондига ушланмалар суммаси | ишиштадан ортиқ 20, 23, ишиштадан барча 25, категория ходимларига 9421, хисобланган бир йўла 2610, мукофат суммаси 31 |
| 6720, Депонентланган иш 4610, ҳақи суммаси ижро 6890- ва рақалари бўйича ушланмалар, кредитга сотилган товарлар бўйича ушланмалар ва халқ банкига ўтказиб бериш | Навбатдаги таътил вақти учун хисобланган иш ҳақи суммаси (агар таътил ҳақи тўлаш учун резерв ташкил этилган бўлса) -8910 |
| 2610- Яроқсиз маҳсулот учун иш ҳақидан ушланмалар | Барча категория ходимлари бўйича вақтинчалик иш қобилятини йўқотгани учун хисобланган нафақа суммаси, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича ва бошқа солиққа тортиладиган ижтимоий сугурта маблағлари хисобидан қопланадиган тўланмалар -6520 |
| 4420- Ҳисобдор шахслардан фойдаланмаган суммани уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш | |
| 4610- Топшириқ-мажбурият тўлиқ банк ссудаси хисобидан тўланган ҳолларда кредитга сотилган товарлар бўйича қарзни иш ҳақидан ушлаб қолиш | |
| 4630- Корхонага етказилган зараарлар суммасини иш ҳақидан ушлаб қолиш | |

4- БОБ

МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

4.1. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ ТАННАРХИ ВА ЖОРИЙ ҲИСОБДА БАҲОЛАНИШИ

Меҳнат буюмлари (хомашё, материал, ёқилғи ва б.) ишлаб чиқариш заҳиралари сифатида меҳнат воситалари ва ишчи кучи билан бирга корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди. Меҳнат буюмлари, меҳнат воситалари ва ишчи кучидан фарқли ўлароқ ишлаб чиқариш жараёнида бир марта фойдаланилиб, уларнинг қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига тўлиқ ўтказилади.

Материаллар ҳисобини тўғри ташкил қилиши учун корхонада нарх – номенклатураси ишлаб чиқилади. Номенклатура – бу корхонада фойдаланилдиган материаллар, яrim тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғилар ва бошқа материал қийматликларнинг тизимга келтирилган номларининг рўйхати. Материал қийматликларининг номенклатурасида ҳар бир материал бўйича қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: техник жиҳатдан тўғри номи (умумий стандартларга биноан – ГОСТ); тўлиқ таъриф (марка, сорт, ўлчами, ўлчов бирлиги ва б.), номенклатура номери – моҳиятан санаб ўтилган белгиларини ўрнини босадиган шартли белги. Агар номенклатурада ҳар бир материалнинг ҳисоб баҳоси кўрсатилган бўлса, у нарх – номенклатура дейилади.

Материаллар ҳаракати бўйича тузиладиган ҳар бир ҳужжатда материалларнинг номларидан ташқари уларнинг номенклатура номерлари ҳам кўрсатилади. Бу материаллар ҳисоби бўйича омбор ва бухгалтерия ёзувларида хатоларга йул қўймайди.

Материалларни баҳолаш. Ҳозирги вақтда материалларни баҳолашда қўйидаги усуслар кўлланилмоқда:

- эркин бозор (шартнома) ёки давлат томонидан тартибга солинадиган (прейскурант) улгуржи баҳолар. Бу нарх товар жўнатиш шартномаларини тузишида корхона томонидан мустақил белгиланади ва мол юборувчи ва мол олувчи билан ҳисоб – китоблар олиб боришда мол юборувчининг тўлов ҳужжатларида кўрсатилиб молнинг чиқарилиш (сотиш) нархи шаклида фойдаланилади;

- номенклатура ҳисоб баҳоси бўйича. Бу сотиб олинган (тайёрланган) материалларнинг режа таннархи, ўртача сотиб олиш нархлари ва б. бўлиши мумкин. Барча ҳолларда ҳам баҳо асосида шартнома ёки прейскурант баҳолари бўлиб, устига

режалаштирилган (хисобланган) транспорт – тайёрлов харажатларини күшиб белгилайди. Бу баҳолар мавжуд материалларни ва уларнинг ҳаракатини жорий ва тезкор ҳисобга олишда қўлланилади.

4 – Бухгалтерия ҳисоби Миллий андазасининг 9 – параграфига биноан “Материал харажатлари” элементида акс эттириладиган сотиб олинадиган материал қийматликларининг ҳақиқий баҳоси (қиймати) қуидагилардан ташкил топади: сотиб олиш нархи, импорт бўйича бож тўловлари, маҳсулотларни сертификациялаш харажатлари, таъминот ва воситачилик ташкилотларига тўланмалар, соликлар (кейинчалик солик органларидан қайтариб олинадиган соликлардан ташқари, масалан ККС), шунингдек транспорт – тайёрлов харажатлари, хизмат кўрсатиш харажатлари ва заҳираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Маркетинг хизматлари ва завод омборларини асраш харажатлари материаллар таннархига киритилмайди. Улар корхонанинг давр харажатларига ўтказилади.

Материалларнинг ҳақиқий таннархи фақат ой охирида бухгалтерия барча қўшилувчи маълумотларни (материал жўнатувчиларнинг тўлов ҳужжатлари ёки транспорт хизмати харажатлари, тушириш-юклаш ишлар ва бошқа харажатлар) олгандан сўнг аниқланади. Корхонада материаллар ҳаракати ҳар куни содир бўлади, ва материалларнинг кирим-чиқими бўйича ҳужжатлар ўз вақтида расмийлаштирилиб, муомалаларни содир бўлишига қараб ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун, жорий ҳисобда қатъий олдиндан белгиланган ҳисоб баҳоси дейиладиган баҳони қўллаш зарурияти туғилади. Ҳисоб баҳоси бўлиб режа ёки шартнома баҳолари ҳисобланади.

Агар жорий ҳисобда шартнома баҳоларидан фойдаланилса, ҳақиқий таннархга етказиб қўйиш учун ой охирида транспорт – тайёрлов харажатларининг суммаси ва фоизи чиқарилади.

Режа нархлар қўлланилган ҳолларда ҳар ойда ҳақиқий таннархни режадан оғишиш (тежалган ёки ортиқча харажат) суммаси ва фоизи аниқланади. Бу кўрсаткич материаллар тайёрлаш жараёнига баҳо бериш имкониятини яратади. Транспорт тайёрлов харажатлари ёки режа нархдан оғишиши материалларнинг ҳар бир номенклатура номери бўйича эмас, балки материаллар гурӯҳлари (асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, ёкилги ва ш. к.) бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Асос қилиб материалларнинг ой бошига қолдиги ва уларнинг ой давомидаги кирими олинади. Пулнинг қадрсизланиши (инфляция) даврида

режа (учет) баҳоларини қўллаш тавсия қилинмайди. Бундай вақтда ФИФО ва AVEKO усулларини қўллаш маъқул.

4 -Бухгалтерия Ҳисоби Миллий андазасининг 18 – параграфи ФИФО усулини қўллашни тавсия қиласди. Бу усулда биринчи навбатда сотиб олинган товар-материал заҳиралар бирлиги биринчи сотилади ёки ишлаб чиқаришга сарфланади ва демак давр охирига қолган товар-материал заҳиралари – бу охирги сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилганлардир.

ТМЗни ФИФО усулида баҳолаш мисоли

| | Сана | Дона | Нархи (сўм) | Қиймати (сўм) |
|---------------------------|--------|------|----------------|------------------|
| Омбордаги қолдиги | 01.05. | 300 | 20 | 6000 |
| Кирим | 05.05. | 500 | 30 | 15000 |
| Кирим | 20.05. | 100 | 35 | 3500 |
| Ишлаб чиқаришга сарфланди | 25.05. | 200 | 20 | 4000 |
| Ишлаб чиқаришга сарфланди | 27.05. | 100 | 20 | 2000 |
| | | 500 | 30 | 15000 |
| | | 50 | 35 | 1750 |
| Омбордаги қолдиги | 01.06. | 50 | 35 | 1750 |

Ўртача тортилган (AVEKO) усулида бир хилдаги ҳар бир сарфланган материаллар бирлигининг қиймати давр бошига қолган ва шу давр ичидаги сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилганларнинг ўртача тортилган қийматида аниқланади. Ўқорида келтирилган мисолни кўриб чиқамиз.

| | Сана | Дона | Нархи (сўм) | Қиймати (сўм) |
|--|--------|------|----------------|------------------|
| Омбордаги қолдиги | 01.05. | 300 | 20 | 6000 |
| Кирим | 05.05. | 500 | 30 | 15000 |
| Кирим | 20.05. | 100 | 35 | 3500 |
| Жами: | | 900 | | 24500 |
| Ўртача қиймати: 24500 сўм : 900 = 27,22 сўм | | | | |
| Ишлаб чиқаришга сарфланди | 25.05. | 200 | 27,22 | 5444 |
| Ишлаб чиқаришга сарфланди | 27.05. | 650 | 27,22 | 17693 |
| Омбордаги қолдиги | 01.06. | 50 | | 1363 |

Хўжалик юритувчи субъектдаги вазиятта қараб ўртачаси давр охирида ёки ҳар бир қўшимча қабул қилингани бўйича ҳисоблаб топилади.

Халқаро андазалар томонидан ТМЗни ҳисобга олиш ва баҳолашда ЛИФО усулидан фойдаланишига рухсат берилган. Бу усулда охирги навбатда сотиб олинган товар – материал заҳиралар (ТМЗ) бирлиги биринчи сотилади ёки ишлаб

чиқаришга сарфланади, демак давр охирига қолган товар – материал захиралари – бу биринчи сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилганлардир.

ТМЗни ЛИФО усулида баҳолаш мисоли:

| | Сана | Дона | Нархи (сўм) | Киймати (сўм) |
|---------------------------|--------|------|----------------|------------------|
| Омбордаги қолдиги | 01.05. | 300 | 20 | 6000 |
| Кирим | 05.05. | 500 | 30 | 15000 |
| Кирим | 20.05. | 100 | 35 | 3500 |
| Жами: | | 900 | | 24500 |
| Ишлаб чиқаришга сарфланди | 25.05. | 100 | 35 | 3500 |
| Ишлаб чиқаришга сарфланди | 27.05. | 500 | 30 | 15000 |
| | | 250 | 20 | 5000 |
| Омбордаги қолдиги | 01.06. | 50 | 20 | 1000 |

Кўлланиладиган материалларни баҳолаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топиши керак.

4.2. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИННИГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Бозор муносабатлари шароитида хомашёлар, материаллар ва ёқилғилар харажатлари салмоғини камайтиришга ўхшаган сифат кўрсаткичлари ҳал қилувчи ахамиятта эга бўлади. Бунга илғор конструкцион материаллардан, металл (порошоклари) упалари ва пластмассалардан, киммат турадиган материаллар ўрнига маҳсулот сифатини пасайтирумайдиган, ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтирадиган арzon материаллардан фойдаланиш йўли билан эришилади.

Табиат ресурсларидан комплекс фойдаланиш зарур, йўқотишлар ва норационал сарфларга барҳам бериш зарур, хўжалик оборотига иккиламчи ресурсларни, шунингдек йўл - йўлакай маҳсулотларни кенг жалб қилиш керак.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотлари материаллардан рационал фойдаланиш, харажат нормаларини камайтириш, материалларни оқилона сақлаш ва уларни бутлигини таъминлаш йўли билан маҳсулот таннархини камайтиришга ундаши керак.

Бу соҳада бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- материал қийматликларни жойларида сақлаш ва улардан барча босқичларда фойдаланиш устидан назорат қилиш;
- материаллар ҳаракати бўйича барча муомалаларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш; уларни тайёрлаш билан

бөглиқ бўлган харажатларни аниқлаш ва акс эттириш; сақлаш жойлари ва баланс моддалари бўйича сарфланган материаллар ва уларнинг қолдиқларини ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

- белгиланган заҳира нормаларига риоя қилиш устидан назорат қилиш, ортиқча фойдаланилмайдиган материалларни аниқлаш, уларни сотиш;

- материал юборувчилар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб бориш, йўлдаги ва фактурланмаган материаллар устидан назорат қилиш.

Бухгалтерия ҳисоби олдидағи вазифаларни муваффакиятли бажариш учун қўйидагилар зарур:

- нарх – номенклатурага эга бўлиши;
- аниқ ҳужжатлаштириш ва ҳужжат айланиш тизимини белгилаб олиш;
- белгиланган тартибда материаллар қолдиқларини инвентаризация қилиш ва танлаб назорат қилишни уюштириш, уларнинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида акс эттириш;
- ҳисобни автоматлаштиришнинг ҳозирги замон воситаларини кенг қўллаш.

Омбор ҳўжалигини ташкил этиш. Материал қийматликлар бутлигини амалий назорат қилишни таъминлашда корхонада маркетинг (таъминот)ни ташкил этиш, омбор ва торозиўлчов ҳўжалигининг ҳолати катта ахамиятга эга. Шу мақсадда корхона бўйича чиқарилган буйруқда ҳар бир омборга доимий номер беркитилиб кейинчалик бу номер мазкур омборга тегишли барча ҳужжатларда кўрсатилади. Ҳўжаликда бир неча омборда маълум гуруҳ материаллар сақланиши керак. Материаллар омбор ичида секциялар бўйича, кейин типразмерлари бўйича тахланиб, токча ва полкаларда шундай сақланиши керакки, уларни қабул қилиш, жўнатиш ва текшириш тез ва осон бўлсин. Шу мақсадда материалларни сақлаш жойларига ёрлик (ф. № М-36) ёпишириб қўйилади. Омборлар тўғри торозиўлчов буюмлари ва ўлчов идишлари билан таъминланган бўлиши керак.

Материал қийматликларини қабул қилиш ва жўнатиш, бу муомалаларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек материал қийматликларини бутлигини таъминлайдиган лавозимли ва масъулиятли шахслар (омбор мудири, омборчи, экспедитор ва б.) рўйхатини белгилаш керак. Бу шахслар билан моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади. Омбордан материалларни олиш ва жўнатиш ҳужжатларига имзо қўядиган, шунингдек материал қийматликларни корхонадан олиб чиқишига (пропуск) рухсат берадиган лавозимли шахслар рўйхатини корхонада барча билиши керак.

Материал қийматликлар таснифи. Ишлаб чиқариш жараёнида турли материал қийматликларидан фойдаланилади. Биринчи ҳил материаллар ишлаб чиқариш жараёнида тұулық истеъмол қилинади (хом ашё ва материаллар), иккінчи ҳили - ўз шаклинини ўзгартыради (мойлаш материаллари, бүёқ), учинчى ҳили - буюмга ҳеч қандай ташқи ўзгаришсиз киритилади (әхтиёт қисмлар), түртінчи ҳили - факат маҳсулот ишлаб чиқаришга имконият яратыб, унинг массасига ёки кимёвий таркибиға кирмайды (арzon ва тез эскирувчи буюмлар).

Барча материалларни улардан фойдаланиш усули ва ишлаб чиқариш жараёнида тайинланишига қараб шундай тасниф қилинади:

- хомашё (металл ишлаб чиқаришда руда, текстил саноатида момик пахта толаси ва ҳ. к.);
- асосий материаллар (машинасозликда қора металлар, ёғочсозлик саноатида ёғоч);
- сотиб олинган ярим тайёр маҳсулоттар (станоксозликда моторлар, автомобилсозликда шиналар);
- ёрдамчи материаллар (мойлаш материаллари бүёқ, лак, артиш материаллари ва ҳ. к.);
- чиқиндилар (қириндилар, қипиклар, труба кесиклари ва ҳ. к.);
- идишлар (ёғоч, картон ва металл идишлари);
- әхтиёт қисмлар (таъмирлаш учун машина ва асбоб-ускуналарнинг айрим деталлари);
- арzon ва тез эскирувчи буюмлар (отверткалар, исказа, хўжалик инвентарлари, маҳсус қийимлар ва ҳ. к.).

Саноат корхоналарида, бундан ташқари, материаллар техник хусусиятларига қараб қора металлар, прокат, трубалар, рангли металлар, химикатлар ва ҳакозаларга бўлинади.

4.3. МАТЕРИАЛЛАР ҲАРАКАТЫ ҲИСОБИННИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ

Материаллар ҳаракатини ҳисоби материалларни ҳисоби бўйича асосий низом талабларига жавоб берадиган ва ахборотларни автоматлаштиришига мослашган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ёзиладиган ҳужжатларнинг нусхалар сони ва уларнинг ҳужжат айланиши корхонанинг характеристига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятларига, моддий - техник таъминотига ва ҳисобни ташкил этиш тизимиға қараб белгиланади. Ёзиладиган ҳужжатларнинг нусхалар сони минимал бўлиб, ЭХМдан фойдаланилса бир нусха, ҳисоб қўлда юритилса - икки нусхадан ошмаслиги керак.

Материалларни кирими. Одатда материалларни омборга экспедитор олиб келади, материалларни ўз вақтида келиб

тушиши устидан назоратни маркетинг бўлими олиб боради. Маркетинг бўлими мол юборувчилар томонидан шартнома мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиб боради, материалларнинг сифати ва камомади бўйича даъволарни расмийлаштиради, агар юклар ўз вақтида келиб тушмаса уларни қидириб топади.

Транспорт ташкилотларидан юкларни қабул қилиб олишда экспедитор идишлар, пломбалар холатига алоҳида этибор бериши керак. Агар улар шикастланган бўлса, юкларни текшириш ва топширишни талаб қиласи. Башарти камомад ёки нобудгарчилик аниқланса, транспорт ташкилотига ёки мол юборувчига даъво қилиш учун тижорат далолатномаси тузилади.

Экспедитор томонидан материаллар омборга топширилишда моддий жавобгар шахс (омбор мудири ёки омборчи) келиб тушган материалларнинг сони, сифати ва ассортиментини мол юборувчининг ҳужжатларини солиштириб кўради. Ҳақиқий келиб тушган материалларнинг миқдори мол юборувчиларнинг ҳужжатларида кўрсатилганига тўлиқ мос келса, моддий жавобгар шахс томонидан кирим ордери (Ф. № М-4) ёзилади.

Дастлабки ҳужжатлар миқдорини камайтириш мақсадида келиб тушган материалларни киримга олишда кирим ордери ёзилмасдан, мол юборувчининг ҳужжатларига (накладнойларига) кирим ордерининг асосий реквизитлари кўрсатилган маҳсус штампа қўйиб, уни тўлдиради.

Агар материаллар мол юборувчининг омборидан автотранспорт билан марказлашган ҳолда олиб келинса, тўрт нусхада товар-транспорт накладнойи (Ф № М-5 ва М-6) тузилади:

- а) мол харид қилувчига – кирим ордерини ўрнига материалларни киримга олиш учун;
- б) мол юборувчига – материал қийматликларини ҳисобдан чиқариш учун;
- в) автотранспорт хайдовчиларига иш ҳақи ҳисоблаш учун;
- г) банкка топшириш учун.

Тўлов ҳужжатларисиз келиб тушган материалларни мол юборувчининг ҳужжатлари билан солиштирган вактда аниқланган (сон, сифат) тафовутларни расмийлаштиришда материалларни қабул қилиш тўғрисида далолатнома (Ф № М-7) тузилади. Далолатнома қабул комиссияси томонидан тузилиб, унда қўйидагилар қатнашиши шарт: мол юборувчининг вакили ёки бетараф ташкилотнинг вакили, омбор мудири ва корхонанинг таъминот бўлими вакили. Комиссияни корхона раҳбари тайинлайди. Далолатнома икки нусхада тузилади: биринчиси – кам ёки ортиқча чиқсан материаллар суммасини

счетларда акс эттириш учун бухгалтерията топширилади; иккинчиси – даъво расмийлаштириш, ортиқча чиққан материаллар бўйича қўшимча тўлов талабномаси юбориш тўғрисида мол юборувчиларга хабар бериш учун маркетинг бўлимига топширилади. Далолатнома тузилган бўлса кирим ордерини тузиш шарт эмас.

Кирим ордерлари материаллар келиб тушган куни тузилади.

Лаборатория таҳлили ва техник кўригидан ўтадиган материаллар, шунингдек масъулиятли сақлашга қабул қилинган материаллар алоҳида сақланади. Улар бўйича кирим ордери ёзилмайди ва таҳлил натижалари аниқланмагунча улардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Уларни ҳисоби маҳсус дафтарда юритилади. Олдин лаборатория текширишида турган материаллар сўнг масъулиятли сақлашга қабул қилинган материаллар рўйхатга олинади. Бу дафтарни юритилиши барча турдаги мулклар бутлигини таъминлайди.

Омбордан омборга материалларни топширишда (материалларни хўжалик ичидағи ҳаракати) ёки фойдаланилмай қолган материалларни ёки ишлаб чиқаришининг қимматли чиқиндиларини, яроқсиз маҳсулот чиқиндиларини, асосий воситалар, арzon ва тез эскирувчи буюмларни тутатишдан олинган материал қийматликларини цехлар томонидан омборга топширишда накладной-талабномалар (Ф № М-11) тузилади. Материалларни топширувчи моддий жавобгар шахслар накладнойларни икки нусхада тузади: биттаси – материалларни ҳисобдан чиқариш учун цехга берилади, иккинчиси – материалларни қабул қилиб олиш учун омборчига берилади.

Импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активлар ҳисоби. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, макроэкономика ва статистика Вазирлиги, Марказий банк томонидан 2001 йил 7 ноябрда тасдиқланган қарорга биноан 2001 йилнинг 1 ноябридан бошлаб импорт қилинган товар-материал қийматликлар ва бошқа активларнинг (консигнация шартномалари бўйича импорт қилинган товарлардан ташқари) сотиб олиш қиймати қўйидаги шаклда аниқланади:

$$С = К_к + Б + Б_x, \text{ бу ерда}$$

С – импорт қилинган товар-материал қийматликлар ва ускуналарнинг сотиб олиш қиймати («Капитал қўйилмалар» ёки «Ўрнатиладиган ускуналар», «Материаллар», «Товарлар» счетларининг дебети);

K_k – Юк божхона декларациясини тузиш санасига бўлган Мрказий банк курсига қараб аниқланган импорт қилинган товар-материал қийматликлар ва ускуналарнинг контракт қиймати;

Б – божхона тўловлари.

ҚҚС түловчи корхоналар импорт қилинган товарларнинг сотиб олиш қийматига ҚҚС суммасини қўшмайди, балки умумий белгиланган тартибда бюджетта тўланадиган ҚҚС суммасини аниқлашда зачет қилинади.

Ўз эҳтиёжи учун фойдаланаладиган асосий воситалар ва номоддий активлар, импорт қилинган объектга ҚҚС суммаси қўшилган ҳолда, сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Б_х - сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар. Бу харажатлар «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»нинг 1.1.12 банди, 4 - «Товар-материал заҳиралари» ва 5 - «Асосий воситалар» бухгалтерия ҳисобининг Миллий андазаларига биноан шаклланади.

Бу муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуидигича акс эттирилади:

а) Юк божхона декларациясини тузиш санасига бўлган Марказий банк курси бўйича товар-материал қийматликлар ва ускуналар қийматини киримга олиниши:

Д-т «Капитал қўйилмалар» ёки «Ўрнатиладиган ускуналар», «Материаллар», «Товарлар»

К-т «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар»

б) қийматликларни импорт қилишда содир бўладиган ва белгиланган тартибда сотиб олиш қийматига қўшиладиган (импорт бўйича ҚҚС суммасидан ташқари) божхона тўловлари ва бошқа харажатларга:

Д-т «Капитал қўйилмалар» ёки «Ўрнатиладиган ускуналар», «Материаллар», «Товарлар»

К-т «Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»

ҚҚС тўловчи корхоналар учун зачет қилинадиган ҚҚС суммасига:

Д-т «Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик»

К-т «Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»

ҚҚС тўламайдиган корхоналар учун ҚҚС суммаси материал қийматликларнинг сотиб олиш қийматига қўшилганда:

Д-т «Материаллар», «Товарлар»

К-т «Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик»

Сотиб олинган асосий воситалар ва номоддий активлар қийматига ҚҚС қўшилганда:

Д-т «Капитал қўйилмалар», «Ўрнатиладиган ускуналар»

К-т «Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик»

Материалларни сарфланиши ва сотилиши.

Материалларни ишлаб чиқариш (маҳсулот тайёрлаш)га жўнатиш, хўжалик эҳтиёжи (биноларни асраш, таъмирлаш ишлари)га ишлатиш, хўжалик фаолиятида ишлатилмайдиган

ортиқча материалларни четга сотиши мұомалалари лимит-забор карталар, түлов накладнойлари билан расмийлаштирилади.

Лимит-забор картаси (Ф. № М-8, М-9) маркетинг бўлими томонидан маълум бир ишлаб чиқариш харажатлари коди (буортмаси)га ўтказиладиган бир ёки бир неча материаллар турлари бўйича ёзилади.

Цех томонидан ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун зарур бўладиган материалларнинг ҳажми ва турлари корхонанинг режа-ишлаб чиқариш бўлими томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Материалларни сарфлаш ва жўнатиш лимити материалларнинг мазкур тури бўйича цех омборида ой бошига қолган қолдиқ миқдорига камайтирилади.

Лимит - забор карта икки нусхада ёзилиб, биттаси цехга, иккинчиси омборга берилади. Материалларни омбордан жўнатишда омборчи цехнинг лимит-забор картасига, материал олувчи омбордаги лимит-забор картага имзо қўйади. Иккала лимит-забор картасида ҳар гал материаллар олингандан сўнг фойдаланилмаган лимит суммаси чиқариб қўйилади. Лимитдан фойдаланилганда ой охирида лимит-забор карталар корхона бухгалтериясига топширилади. Уларга асосан материалларни ишлаб чиқаришга сарфлаш ҳисоби расмийлаштирилади ва белгиланган лимитга риоя қилиш устидан назорат қилинади.

Лимит - забор картасига биноан ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган (қайтарилган) материаллар ҳисоби ҳам юритилади. Бунда ҳеч қандай қўшимча ҳужжат тузилмайди.

Лимит - забор карталар сонини камайтириш мақсадида ойлик қирқиб олинадиган талонлари бўлган чораклик (кварталлик) лимит-забор карталаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Агар лимит-забор карталар материаллар доим узлуксиз жўнатиладиган ҳолларда фойдаланилса, хўжалик ва бошқа эҳтиёжлари учун бир йўла материаллар жўнатилганда М-10 шаклдаги акт-талабнома қўлланилади. Акт-талабнома материалларни истеъмол қилувчи бўлимлар томонидан икки нусхада ёзилиб, биттаси омборчининг имзоси қўйилиб, материал олувчиди қолади, иккинчиси мол олувчининг имзоси қўйилиб омборчидаги қолади.

Ишлаб чиқаришга барча лимитдан ортиқча жўнатиладиган материаллар (яроқсиз маҳсулотни қоплаш, ортиқча харажат, ишлаб чиқариш дастурини ошириб бажариш) учун ёки материалларни алмаштириш учун сабабини ва ортиқча сарф айборлари кодини кўрсатиб маҳсус талабнома ёзилади. Бундай ҳолларда материаллар омбордан корхона директори, бош муҳандиси, ёки улар томонидан тайинланган шахсларнинг рухсати билан жўнатилади.

Материаллар четга ёки корхона худудидан ташқарида жойлашган ўзининг хўжаликлари учун жўнатилганда накладнойлар (Ф. № М-11) қўлланилади. Улар таъминот бўлими томонидан нарядлар ва шартномаларга асосан уч нусхада ёзилади. Материаллар четга автотранспортда жўнатилса, товар – транспорт накладнойи ёзилади.

Кўйида лимит-забор карта шаклини келтирамиз.

8 шакл

52 – сонли Лимит – забор картаси
200__йил март ойи учун

| Операция тури | Омбор | Олувчи объект, цех | Харажатлар коди | Номенклатура № |
|---------------|-------|--------------------|-----------------|----------------|
| 50 | 1 | 01 | 20101 | 103013 |

| | | |
|---------------------|---------------|--------|
| Номи, нави, ўлчами | Ўлчов бирлиги | Лимит |
| Листли пўлат 4Б-3мм | кг | 109900 |

Қайтарилганини ҳисобга олган ҳолда жами берилди 108100, нархи – 60-06, суммаси – 6492,486

Таксировка қилдим

имзо

| Жўнатилди | Омбор карточкасига ёзувнинг тартиб номери | Сана | Жўна-тилди | Лимит қолдиги | Омборчи-нинг ёки олувчининг имзоси |
|------------|---|-------|------------|---------------|------------------------------------|
| | 122 | 01.03 | 40000 | 69900 | Пирматов |
| | 124 | 09.03 | 29900 | 40000 | Пирматов |
| | 126 | 21.03 | 32000 | 8000 | Пирматов |
| | 127 | 25.03 | 8000 | - | Пирматов |
| Қайтарилди | 129 | 30.03 | 1800 | 1800 | Пирматов |

Таъминот бўлими бошлиғи

Цех бошлиғи

4.4. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ОМБОРДАГИ ҲИСОБИ ВА УНИНГ БУХГАЛТЕРИЯДАГИ ҲИСОБИ БИЛАН АЛОҚАСИ

Материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш тартиби материаллар ҳисобини юритиш усулига боғлиқ. Материаллар ҳисобини юритиш усули материаллар ҳисобини юритиш тартиби ва кетма-кетлигини, ҳисоб регистрларни турлари, уларнинг миқдори, кўрсаткичларини ўзаро солиштиришни назарда тутади.

Материаллар ҳисобининг прогрессив ва оқилона усули бўлиб оператив – бухгалтерия (салъдо) усули ҳисобланади. Шунингдек моддий-жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ёрдамида сон-сумма усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Оператив-салъдо усулининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

- омбордаги сон ҳисобини оперативлиги ва түғрилиги моддий жавобгар шахслар томонидан юритиладиган омбор ҳисобининг карточкаларига асосан аниқланади;

- бухгалтерия ҳодимлари томонидан материаллар ҳаракати ва материалларни омбордаги ҳисоби бўйича муомалаларни түғри ва ўз вақтида расмийлаштириш устидан узлуксиз назорат бевосита омборда олиб борилади;

- материалларнинг натура шаклидаги ҳақиқий қолдигини жорий омбор ҳисоби маълумотлари билан солиштириш ҳуқуқи бухгалтерларга берилади;

- номенклатура номерлари бўйича, материаллар ҳаракати ҳисобини фақат пул ўловчидаги ҳисоб баҳосида ва ҳақиқий таннархига ҳисоби юритилади;

- омбор ҳисоби (сон) маълумотларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан узлуксиз текшириб (ўзаро текшириб) борилади.

Материаллар ҳисобини оператив-сальдо усулида юритиш омбордаги материаллар ҳисобини фақат сон-нав бўйича юритишни назарда тутади. Бу ҳисоб қўйида келтирилган (M-12 шаклдаги) материалларни омбор ҳисоби карточкалари шаклида юритилади (118-бетта қаралсин).

Карточка бухгалтерияда материалнинг ҳар бир номенклатура номери бўйича очилиб, омбор мудирига олганлиги тўғрисида имзо қўйдириб берилади. Материалларнинг омборга тушишига қараб омборчи кирим ордери ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат ёзади ва уни материалларни омбор ҳисоби карточкасида рўйхатта олади. Ҳаражат ҳужжатлари (лимит-забор карталари, талабномалар, накладнойлар)га асосан карточкада материалларни чиқими рўйхатга олинади.

Материалларни сарфи тўғрисидаги лимит-забор карталарининг маълумотлари (агар улар материалларнинг бир хил тури бўйича бўлса) карталарнинг ёпилишига қараб, лекин ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан кечиктирилмай регистрларга ёзилади. Бундай ҳолларда ой давомида лимит-забор карталари тегишли материалларни омбор ҳисоби карточкаси билан бирга сақланади. Карточкадаги қолдик ҳар бир ёзувдан сўнг чиқарилади. Материалларнинг кирим ва чиқим ҳужжатларига уларнинг учет баҳоларини ва омбор карточкасидаги ёзув номерини ёзib қўйиш омборчининг вазифасига киради. Ҳужжатлар сони, уларнинг номерлари ва материаллар гуруҳини кўрсатиб график билан белгиланган муддатда омборчи материалларнинг кирими ва чиқими тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш реестрини (Ф. № M-13) тузади.

Материал бўлнимининг бухгалтери моддий-жавобгар шахсдан реестр билан бирга ҳужжатларни бевосита омборда, материалларни омбор ҳисоби карточкасида акс эттирилишини синчиклаб текшириб, қабул қиласи ва M-12 сонли шаклнинг 19

- графасига имзо қўяди. Шундан сўнг карточка бухгалтерия регистри кучига эга бўлади.

Бухгалтерия ходими омбордаги материалларнинг, айниқса ноёб ва қимматли материалларнинг ҳақиқий қолдиқларини назорат - танлов текширувидан ўтказиб туриши керак. Бунда моддий-жавобгар шахсларнинг ишларида аниқланган қоида бузилишлар махсус журналда акс эттирилади ва корхонанинг бош бухгалтери ахборотига етказилади.

Моддий-жавобгар шахс ҳар ойнинг 1-санасига карточкалардаги сон қолдиқларини ҳисобга олиш ведомостига ўтказиб қўяди. Бу шаклларнинг кўриниши кўйидагича.

Тип. шакл № М-13

Кирим ҳужжатларини топшириш 16-реестри
200_йил 1-Зарт бўйича

| Материаллар гурӯҳининг № ёки номенклатура № | Ҳужжатларнинг сони | Дастлабки ҳужжатларнинг номери | Сумма, сўм |
|---|--------------------|--------------------------------|------------|
| 1 | 1 | 362 | 3000 |
| 8 | 1 | 152 | 320 |
| 4 | 4 | 363-366 | 3200 |

Жами б (олти)та ҳужжат қабул қилинди
(рақам, ёзув билан)

200-йил 4 март Топширдим Кабул қилдим

Имзо.....

Тип. шакл № М-14

Селмаш завод (омбор 01)
(корхона, ташкилот)

Омбордаги материаллар қолдигини ҳисобга олиш ведомости
200_йил март. Моддий жавобгар шахс - Даминов Р.А.

| Материаллар | Номен-клатура № | Ул-чов бир-лиги | Нархи, сўм, тийин | 1 - марта қолдиги | | 1 - апрелга қолдиги | |
|---|-----------------|-----------------|-------------------|-------------------|----------|---------------------|-----------|
| | | | | сон | сумма | сон | сумма |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1. Мартенли, листли пўлат, марка МСТО 9мм | 11301 | кг | 80-00 | 31000 | 2480000 | 41000 | 3280000 |
| 2. Листли пўлат марка СТ4С, 6 мм | 103012 | кг | 90-00 | 22400 | 2016000 | 18800 | 1692000 |
| 3. Листли пўлат марка 4Б, 2-3 мм | 103013 | кг | 60-00 | 120000 | 7200000 | 70100 | 4206000 |
| 4. Листли пўлат марка 4Б, 50 мм ва x. к. | 103044 | кг | 70-00 | 90000 | 6300000 | 96000 | 6720000 |
| 10 -гурух бўйича жами ва x. к. | | | | | 12000000 | | 133800000 |
| Омбор бўйича жами | | | | | 38400000 | | 391906000 |

Завод «Сельмаш»

(корхона, ташкитот)
Тип. шакл № М-12

15-сонли материалларни омбор хисоби карточкаси
материалларнинг номи – листли пӯлат, катор № 1-сонли-сн-130 шакли бўйича

| Омбор | Тоқча | Ячейка | Марка | Нав | Профили | Ўлчами | Ўлчов | Номенклатура, | Нархи | Захира |
|-------|-------|--------|-------|-----|---------|--------|-------|---------------|--------------|-------------|
| | | | | | | | | № | (сўм, гийин) | нормаси |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 1 | - | - | 4Б | 1 | - | 2-3мм | кг | 103013 | 60-06 | 50000-70000 |

| Ёзув | Хуҷжакат | Ёзувнинг | Кўмидан олинди, кимга | Кирим | Чиким | Колдик | Назорат |
|---------------|----------|----------|-----------------------|-------|---------|--------|----------------|
| санаси | № | тартиб № | берилди | 15 | 16 | 17 | (имзо ва сана) |
| 1 | марта | колдик | | | | | |
| 01.03 | 362 | 121 | Сельмашнабдан | 50000 | - | 120000 | |
| 01.03 | 152 | 122 | 1 – цехга | - | 40000 | 170000 | Артиқбаева |
| 03.03 | 123 | 123 | 2 – цехга | - | 2000 | 130000 | Артиқбаева |
| 10.03 | 152 | 124 | 1 – цехга | - | 29900 | 128000 | Артиқбаева |
| 10.03 | 379 | 125 | Мегаллсбытдан | 10000 | - | 98100 | Артиқбаева |
| 21.03 | 152 | 126 | 1 – цехга | - | 32000 | 108100 | Артиқбаева |
| 25.03 | 152 | 127 | 1 – цехга | - | 8000 | 76100 | Артиқбаева |
| 29.03 | 69 | 128 | 2 – цехдан | 100 | - | 68200 | Артиқбаева |
| 29.03 | 152 | 129 | 1 – цехдан | 1800 | - | 70000 | Артиқбаева |
| Март ойи жами | | | | 61900 | 1111900 | 70000 | |

Бу ведомость ҳар бир омбор бўйича бухгалтерия томонидан бир йилга очилади. У бухгалтерияда сақланиб, ой тугасига бир кун қолганда омборчига берилади, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-2 санасига у бухгалтерияга қайтариб топширади. Номенклатура номерлари бўйича ҳақиқий қолдиқларини белгиланган заҳира нормаларига тўғри келишини (максимум ва минимум) назорат қилиш ва содир бўлган огишишлар тўғрисида маркетинг бўлимига ахборат бериб туриш моддий-жавобгар шахснинг зиммасига юкланган.

4.5. МАТЕРИАЛЛАРНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Материалларни тайинланиши ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишини таснифи корхона бухгалтерияси томонидан уларнинг синтетик ҳисобини ташкил этиш учун фойдаланилади.

Материалларнинг ҳар бир групни тегишли счетларда ҳисобга олинади:

- 10 - «Материаллар» счети бўйича қуйидаги счетлар очилиши мумкин:
 - 1010 - «Хомашё ва материаллар»;
 - 1020 - «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар»;
 - 1030 - «Ёқилғи»;
 - 1040 - «Эҳтиёт қисмар»;
 - 1050 - «Қурилиш материаллари»;
 - 1060 - «Ем – хашак ва тўшамалар»;
 - 1070 - «Идиш ва идишбон материаллар»;
 - 1080 - «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар»;
 - 1090 -. «Бошқа материаллар»;
- 12 - «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счети. Бу счет бўйича қуйидаги счетлар очилиши мумкин:
 - 1210 - «Омбордаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар»;
 - 1220 - «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар»;
- 1230 - «Вақтингчалик (титулсиз) иншоотлар»;
- 1510 - «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» счети;
- 1610 - «Материаллар қийматидаги огишишлар» счети.
«Масъулиятли сақлашга қабул қилинган материаллар» - 002, «Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар» эса - 003-балансдан ташқари счетларда ҳисобга олинади.

Материал қийматликлар пул ўлчовида ҳисобга олинниб, 19-сонли Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий андозасига биноан сақлаш жойлари бўйича даврий инвентаризация (текшириш) ўtkaziladi. Материалларнинг қолдиғи ва киrimi счетнинг

дебетида ҳақиқий таннарх суммасида, сарфланиши -ФИФО ва AVEKO усулларида ҳақиқий таннарх суммасида (4-бухгалтерия ҳисоби бүйича миллий андазанинг 17 ва 18-бандлари) акс эттирилади.

Материал қийматликлар ҳисобдор шахслардан (хўжалик ва канцелярия товарлари), ўзининг эҳтиёжи учун ёрдамчи ишлаб чиқаришлардан (тайёрланган инструментлар, махсус штампа ва мосламалар) тушиши мумкин. Бундан ташқари, цехлар томонидан тежалган хомашё, материаллар, ишлаб чиқариш чиқиндилари, яроқсиз маҳсулотдан, асосий воситалар ва арzon ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобдан чиқаришдан олинган материаллар омборга қабул қилинади.

Материалларни сарфланиши бўйича тузилган барча дастлабки ҳужжатлар синтетик счетлар, фойдаланиш жойлари ва харажатларни йўналишлари бўйича гурухланади. Материаллар ҳаракатининг ҳисоби ой давомида ягона учет баҳосида юритилади, ой тугагач фоизи ва транспорт-тайёрлов харажатлари ёки оғишиши ҳисоблаб чиқилгандан сўнг ҳақиқий таннархда ҳисобга олинади. Шундай қилиб, қабул қилинган материалларнинг ҳақиқий таннархини ташкил этувчи маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг турли журнал-ордерларида (1, 3, 6, 7, 10/1, 13) акс эттирилади, Бош дафтарда эса жамланади.

Фойдаланилган ва четга жўнатилган материалларнинг ҳақиқий таннархи 10 ва 10/1 журнал-ордерларида ва Бош дафтарда акс эттирилади.

Материаллар ҳаракати ҳисобини бошқа вариантини кўлласа ҳам бўлади. Бунда материалларни сотиб олиш (тайёрлаш) билан боғлиқ бўлган барча харажатлар 1510 - «Материаллар тайёрлаш ва сотиб олиш» счетида ҳисобга олинади. Бу счетнинг дебетида материалларни сотиб олиш қиймати, тайёрлаш ва материалларни корхонага етказиб келиш харажатлари ҳисобга олинади. Бунда 1510 - счет дебетланиб (материалларни келиб тушиш манбаига қараб) 2310, 6010, 44, 48 - счетлар кредитланади. Ҳақиқий қабул қилинган материалларнинг ҳисоб қийматига материаллар счети дебетланиб 1510 - счет кредитланади. Бунда сотиб олинган (тайёрланган) материалларнинг ҳақиқий таннархи билан қабул қилинган материалларнинг ҳисоб баҳоси (режа, шартнома таннархи, ўртacha сотиб олиш қиймати ва б.) орасидаги фарқи 1610 - «Материаллар қийматидаги оғишишлар» счетида ҳисобга олинади. 1610 - счетнинг дебетида йигилган оғишишлар суммаси белгиланган тартибда ишлаб чиқариш счетларининг дебетига ҳисоб баҳосида ёзилган материаллар қийматига мутаносиб ўтказилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия ёзуви

берилади: дебет ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган счетлар, кредит 1610 - счет.

Материаллар қабул қилинганда ва уларни сотиб олиш бүйича харажатлар содир бўлганда 10 ва 12-счетлар дебетланиб қўйидаги счетлар кредитланади:

6010 - счет - мол юборувчилардан тушган қийматликлар; олинган қийматликларни ташиш ва олиб келиш қийматига;

44 - ҳисобдор шахслар ҳисобидан сотиб олинган қийматликлар суммасига, ҳисобдор шахслар томонидан тўланган юклаш - тушириш харажатлари суммасига;

6710 - юкловчиларга ҳисобланган иш ҳақига;

6520 - юкловчиларга ҳисобланган иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратма;

2310 - ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари томонидан тайёрланган ва омборга топширилган буюмлар қийматига; омборга топширилган чиқиндилар ва тежалган материаллар қийматига;

9210 - асосий воситаларни тугатилишидан олинган ва омборга топширилган чиқиндилар қийматига;

1220 - арzon ва тез эскирувчи буюмларни тугатилашидан олинган ва омборга топширилган чиқиндилар қийматига;

2610 - батамом яроқсиз маҳсулотдан олинган ва омборга топширилган чиқиндилар қийматига;

2010 - асосий ишлаб чиқаришдан олинган ва омборга топширилган чиқиндилар ва тежалган материаллар қийматига.

Материал қийматликлардан фойдаланилганда 10 ва 12 - счетлар кредитланиб қўйидаги счетлар дебетланади:

2010, 2310, 2510, 94, 2610, 31 - счетлар - ФИФО ва АВЕКО баҳолари буйича асосий ишлаб чиқариш маҳсулотни тайёрлашга;

ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлашга ва маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришга;

иш жойларидаги асбоб-ускуна ва биноларни асрашга ва цех ҳамда умумзавод йўналишидаги объектларни жорий таъмирашга;

яроқсиз маҳсулотни тўғрилашга.

9220 - материалларни четга жўнатиш ва сотиш бўйича; четга сотилган маҳсулотта тегишли транспорт-тайёрлов харажатларига.

1510 - «Материаллар тайёрлаш ва сотиб олиш» счетида йўлдаги материал қийматликлар тўғрисидаги жорий ахборот акс эттирилади.

ФИФО ёки АВЕКО усулида баҳолаш қўлланилганда материал қийматликлар ҳақиқий таннарх бўйича баҳоланади. Бунда 1610 «Материалларни қийматидаги оғишишлар» счети қўлланилмайди.

Қуйида 1510 ва 1610 - счетлардан фойдаланиб материаллар тайёрлаш бўйича муомалаларни акс эттириш схемасини келтирамиз.

1510 ва 1610-счетлардан фойдаланиб материаллар тайёрлаш бўйича муомалаларни акс эттириш схемаси

| 6010-счет Д-т К-т | 1510-счет Д-т К-т | 10,12-счетлар Д-т К-т | 20,23-счетлар Д-т К-т |
|---------------------------|--|--|---|
| | Сальдо: йўлдаги материаллар қиймати | Қабул қилинган материаллар ва АТБнинг ҳақиқий қиймати | Ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳисоб баҳосида жўнатилган |
| | Материал ва АТБ ларнинг харид суммасидаги тўлов- талабномаларни акцептлаш | | |
| | Киримга олинган фактурланмаган материалларнинг ҳисоб қиймати | | |
| | Материал ва АТБ ларни олиб келиш бўйича тўлов- талабномаларини акцептлаш | | |
| 44-счет Д-т К-т | C: Ҳисобдор шахслардан қабул қилинган материаллар ва АТБ | Сотиб олиш қий- мати билан ҳисоб баҳоси орасидаги ижобий фарқ | Материаллар қий- матидаги ижобий офишишни ҳисоб- дан чиқариш |
| 6710-счет Д-т К-т | Юклари тушириш юклаш бўйича юк ташувчиларга ҳисобланган иш ҳақи суммаси | Сотиб олиш нар- хи билан ҳисоб баҳоси орасидаги салбий фарқни сторно қилиб ёзиш | Материаллар қийматидаги салбий офишишни сторно қилиб ёзиш |
| 65-счет Д-т К-т | Пенсия фондига, ижтимоий сурурга фондига, бандлик фондига ҳисобланган бадаллар суммаси | | |

4.6. МАТЕРИАЛЛАР КИРИМИНИ ҲИСОБИ ВА МОЛ ЮБОРУВЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Корхонанинг материал заҳиралари мол юборувчи корхоналар ёки бошқа корхоналар томонидан шартнома асосида юборган материаллари ҳисобига тўлдириб турилади. Шартномаларда қуийдагилар кўрсатилади: материал қийматликларнинг номи, миқдори, нархи, жўнатиш муддати, ҳисоблашиш тартиби, жўнатиш усули, шартнома шартлари бажарилмаганда қўлланиладиган жазо, қабул қилиш тартиби ва х. к. Мол юборувчи корхона жўнатилган маҳсулот учун тўлов талабнома – топшириқ ва счет-фактура ёзib мол олувчига беради ёки почта орқали жўнатади, мол олувчи пулини тўлаш учун уларни бир нусхасини ўзини банкига топширади. Корхона шартнома мажбуриятларини бажарилиш тезкорлик ҳисобини маркетинг бўлими бажаради, шунинг учун тўлов талабнома – топшириқ ва счет-фактура биринчи навбатда шу ёки молиявий бўлимга тушади. Бу ерда уларни шартномага мос келиши текширилади, келиб тушган юкларни ҳисобга олиш журналида (М-1 шакл) рўйхатга олинади, шартномаларни бажарилишини ҳисобга олиш дафтарига белги қўяди ва акцептлайди, яъни тўлашга розилик беради.

Келиб тушган юкларни рўйхатга олиш журналида акс эттирилгандан сўнг ҳужжатлар ички рўйхатга олиш номерига эга бўлади ва пулини тўлаш учун бухгалтерияга берилади, квитанция билан товар-транспорт накладной эса юкни қабул қилиб олиш ва олиб келиш учун экспедиция бўлимига топширилади.

Корхона бухгалтериясида шу дақиқадан бошлаб мол юборувчилар билан ҳисоб-китоблар вужудга келади. Юкларни омборга тушишига қараб кирим ордери ёзилади ва реестр билан бирга бухгалтерияга топширилади. Бухгалтерияда таксировка қилиниб тўлов ҳужжатига қўшиб қўйилади. Бу ҳужжатни банкда тўланishiiga қараб мол юборувчининг фойдасига пул ўтказилганлиги тўғрисида бухгалтерия ҳисоб-китоб счетидан кўчирма олади.

Товар-материал қийматликлар ва хизматлар бўйича мол юборувчилар билан ҳисоб-китоблар 6010 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетида ҳисобга олинади. Бу счет пассив бўлиб, кредит қолдиги тўланмаган счетлар ва фактурланмаган юклар бўйича корхонанинг мол юборувчилар ва пудратчилардан бўлган қарзини кўрсатади; дебет обороти - ҳисобот ойида тўланган, ҳисобдан чиқарилган ва зачет қилинган суммани кўрсатади; кредит обороти - ҳисобот ойида акцептланган тўлов ҳужжатлари бўйича тўлашга қабул қилинган ва фактурланмаган юклар суммаларини кўрсатади.

Мол юборувчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби 6 - журнал-ордерида юритилади Бу журнал-ордернинг шакли қўйидагича (125-бетга қаранг).

6 - журнал-ордер комбинациялашган регистр бўлиб, унда аналитик ҳисоб ҳар бир тўлов ҳужжати, кирим ордери ёки қабул қилиш акти бўйича юритилади. Бу журнал-ордернинг биринчи сатрида мол юборувчилар билан ой бошига тугатилмаган қўйидаги ҳисоблашишлар суммаси кўрсатилади:

- тўлаш муддати келмаган акцептланган тўлов ҳужжатлари, ёки киримга олинган материаллар бўйича тўлов муддати ўтиб кетган тўлов ҳужжатлари (6010 - счетнинг ой бошига кредит қолдиги);

- акцептланган ва тўланган тўлов ҳужжатлари - материаллар келиб тушмаган (изоҳ сифатида «келиб тушмаган юк», 6010 - счетнинг дебет сальдоси);

- акцептланиб тўланмаган тўлов ҳужжатлари - материаллар келиб тушимаган (изоҳ сифатида «келиб тушмаган юк», сальдоси йўқ);

- фактурланмаган юклар бўйича (материаллар келиб тушди, лекин уларни тўлаш учун тўлов ҳужжатлари келиб тушмади) - 6010 - счетнинг кредити бўйича ой бошига сальдо.

Ой давомида корхона бухгалтерияси маркетинг бўлими томонидан акцептланган мол юборувчиларнинг тўлов ҳужжатларини қабул қиласди, омборларнинг кирим ордерлари, қабул актларини қабул қиласди, корхонанинг ҳисоб-китоб счети ва бошқа счетларидан қўчирмалар олади. Бу бухгалтерия ҳисоби регистрларида хотима ёзувларини бериш, томонлар ўз мажбуриятларини бажарганлиги туфайли ёзувларни тугатиш имкониятини беради.

6 - журнал-ордер чизиқли-позицияли усулда юритилганлиги туфайли ҳар бир ҳужжат бўйича мол юборувчилар билан ҳисоблашиш ҳолатига баҳо бериш мумкин. Изоҳловчи маълумотлар (счетнинг номери, рўйхатга олиш номери, мол юборувчининг номи)дан ташқари, 6 - журнал-ордерда омборнинг кирим ордерини номери, қабул қилинган материалларнинг корхона ҳисоб баҳосидаги қиймати ва ҳисоблаш ҳужжатида КҶС суммасини алоҳида кўрсатиб тузилган мол юборувчининг тўлов ҳужжатлари қиймати ёзилади. Келиб тушган материал қийматликларни ҳисоб баҳосидаги суммаси уларнинг туридан қатъий назар умумий суммада кўрсатилади, тўлов талабномалари бўйича кўрсатилган сумма эса материаллар турлари (асосий, ёрдамчи ярим тайёр маҳсулот, ёқилги ва х. к.) бўйича кўрсатилади. Даъволар суммаси актларга асосан ёзилади.

Банкнинг кўчирмаси бўйича тўлов ҳужжатларини тўланганлиги белгилаб қўйилади.

Март 200_ йыл үчүн 6010-Мол стокалб беруучилар тұланаудың сметтар
счетинан кредиттеги бүйінча (материял, тауарлар мұомалалари бүйін)

| Т. № | Регис- трация № | Хуж- жатни алмаш- тируучи счет | Ки- рим мате- риал- дар | Мол юборувчи жеткіз- жат | Ки- кай- ти | Ки- тим дебетта | 6010 счеттеги кредиттеден 10, 12, 4210- акцепт- тарлар счет-фактуралар еңінг үрнини боссодиган күнжаттар | Келіп киштан 1010 1030 1040 12 4510 | Келіп киштан 1010 20, 23, 29 счеттарнан | Фактуралан- маган юқалар бүйінча ақ- цептеган дан | Гельб түлә- манан счеттар суммасы | Ой бешінде сана | Ой бешінде сана | Тұлана- дан жеке счеттерден сум- ма |
|---|-----------------------|--|-------------------------------------|--------------------------------|-------------------|-----------------------|--|---|---|---|---|----------------------------------|-----------------------|--|
| | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 81 | 41 | Стромашацол | 36-37 | 3442 | 3442 | - | - | - | - | 3522 | - | - | |
| 2 | 82 | 79 | Горавтотранс | - | - | - | - | - | - | 2200 | 09 | 2200 | - | |
| 3 | 83 | 70 | Мегалозавод | - | - | - | - | - | - | 28800 | 10 | 28800 | - | |
| 4 | 82 | 70 | Хамзабол | 38-39 | 3560 | 3560 | - | - | - | 4556 | 09 | 12000 | - | |
| 5 | 84 | 10 | Хамзабол | 42 | 5200 | 5200 | - | - | - | 6656 | 09 | 4556 | - | |
| 6 | 85 | 39 | Утебебедин. | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | |
| 7 | 86 | 24 | Хамзабол | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | |
| 8 | - | Н | Цветметгазоцол | 43-47 | 6140 | 6140 | - | - | - | 7424 | 17 | 7424 | - | |
| 9 | 87 | 96 | Мегалозавод | 48-51 | 14060 | 14060 | - | - | - | 6140 | - | Сторто қылымина (11-сонға көрай) | - | |
| 10 | 88 | 92 | 1-База | 52-55 | 128140 | 120340 | 38000 | 4000 | 35379 | 17988 | 10 | 17988 | - | |
| 11 | - | Н | Цветметгазоцол | - | 6140 | 6140 | - | - | - | 164019 | 20 | 164019 | - | |
| 12 | 89 | 91 | Цветметгазоцол | - | 6180 | 6180 | - | - | - | 6140 | - | Сторто қылымина (8-сонға көрай) | - | |
| 13 | 81 | 15 | Мегалозавод | 56-58 | 38000 | 38000 | - | - | - | 7910 | 27 | 7910 | - | |
| 14 | 80 | 23 | Мегалозавод | 58-65 | 54400 | 54400 | - | - | - | 48640 | 29 | 48640 | - | |
| 15 | 89 | 30 | Хамзабол | 60 | 80000 | 80000 | - | - | - | 71343 | - | Ой саирінга салылдо | - | |
| 16 | 90 | Н | Стромашацол | 66-68 | 120000 | 120000 | - | - | - | 10240 | - | Ой саирінга салылдо | - | |
| 17 | 91 | 93 | Горавтотранс | 68-71 | 2400 | 1820 | 200 | 580 | 672 | 12000 | 3072 | Ой саирінга салылдо | - | |
| Жами кирик | | | | | | | | | | | | | | |
| 10 – белгілістің текнікалық | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде материялдардың сторто қылыми | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой саирінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Жами бешінде материялдар | | | | | | | | | | | | | | |
| Жами бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Гр. Д = гр1 + гр2 + гр3 + гр4 | | | | | | | | | | | | | | |
| 10 – белгілістің фактураланған | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Жами бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |
| Ой бешінде жемілдіктердегі ой үргасидан фактураланған жеке сметтар | | | | | | | | | | | | | | |

Фактурланмаган юкларни ҳисобга олиш тартиби.

Корхонага тўлов ҳужжатисиз келиб тушган материал қийматликлар фактурланмаган юк дейилади. Бундай юклар келиб тушса, улар омборга қабул қилинади ва қабул қилиш акти тузилиб реестр билан бирга бухгалтерияга топширилади. Бу ерда материаллар ҳисоб баҳода баҳоланиб омборга қабул қилинган материаллар қаторида б - журнал-ордерда акс эттирилади ва шу суммада материаллар гуруҳига ўтказилиб акцентга қўйилади. Фактурланмаган юклар б - журнал-ордерида ой охирида, мазкур ой давомида тўлов ҳужжатларини келиб тушиш имконияти йўқقا чиққандан сўнг («Счет номери» деган «Б» графа «Н» қўйиб) акс эттирилади. Улар ҳисобот ойида тўланмайди, чунки тўлаш учун асос бўлиб ҳозирча йўқ бўлган тўлов ҳужжатлари ҳисобланади. Кейинги ойда бу юкнинг ҳужжатларини келиб тушишига қараб улар корхона томонидан акцентланади, банк томонидан тўланади ва бухгалтерия томонидан б - журнал-ордернинг материаллар гуруҳи бўйича бўш қаторида ва «акцент» графасида тўлов талабномаси суммасида акс эттирилади, сальдо (тутатилмаган ҳисоблашишлар) қаторидаги ҳисоб баҳосида олдин шу гуруҳ бўйича ва «акцент» графасида ёзилган сумма сторно қилинади. Шундай қилиб мол юборувчилар билан фактурланмаган юк бўйича ҳисоблашишлар тугайди.

Йўлдаги материалларни ҳисобга олиш тартиби. Тўлов ҳужжатлари корхона томонидан акцентланган, лекин материаллар ҳали омборга келиб тушмаган мол етказиб беришлар йўлдаги материаллар дейилади. Банк томонидан тўланган ёки тўланмаганидан қатъи назар акцентланган тўлов ҳужжатлари ҳисобга олинади.

б - журнал-ордернинг «келиб тушган юк» ва «акцент» графаларида тўлов ҳужжатлари ой давомида акс эттириб борилади. Ой охирида корхона бу қийматликларни балансга қабул қилиши шарт, яъни тегишли материал гуруҳига ёзиб қўйади (шартли қабул қиласи), лекин кейинги ойнинг бошига ушбу мол етказиб бериш бўйича ҳисоблашиш тугамайди. Қийматликлар келиб тушганда бухгалтерия омбордан кирим ордерини олади (акцентсиз, чунки тўлов талабномаси келган вақтда акцентланган эди, ҳаттоки бу счетлар тўланган бўлиши ҳам мумкин) уларни омборга қабул қиласи ва ой бошига тугалланмаган ҳисоблашишлар қаторига ёзиб қуяди. Ой охирида б - журнал-ордерни ёпатуриб материаллар гуруҳи бўйича ушбу мол етказиб бериш икки марта қабул қилингандек сторно қилинади.

Материал қийматликлари бўйича мол юборувчилар билан ҳисоб-китоб қилинганда мол юборувчининг ҳужжатига қараганда ҳақиқий қабул қилинган материалларнинг миқдори

кам ёки ортиқча чиқиши мумкин. Бу далолатнома (М-7 шакл) билан расмийлаштирилади. Ортиқча чиққани далолатнома билан корхонанинг ҳисоб баҳосида ёки шартнома (жўнатиш баҳоси) баҳосида киримга олинади ва б – журнал-ордернинг алоҳида қаторида фактурланмаган мол етказиб бериш сифатида ҳисобга олинади. Корхонанинг таъминот бўлими ортиқча чиққанлиги тўғрисида мол юборувчига хабар бериб тўлов талабнома юборишини сўрайди. Камомад аниқланган тақдирда, бухгалтерия унинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаб чиқади ва мол юборувчига даъво расмийлаштиради. Бунда темир йўл тарифи суммаси юкнинг оғирлигига мутаносиб тақсимланади, устама ва чегирма суммаси юкнинг қийматига мутаносиб тақсимланади.

Мисол. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

| Қийматликлар номи | Нархи, сўм | Счет-фак- тура бўйича | | Ҳақиқий | | Натижа - камомад | |
|-------------------------|---------------|--------------------------|-------------------------|-----------|-------------------------|---------------------|-------------------------|
| | | сон, т | сумма, сўм, тийин | сон, т | сумма, сўм, тийин | сон, т | сумма, сўм, тийин |
| 2 мм листли пўлат | 100 | 20 | 2000-00 | 18 | 800-00 | 2 | 200-00 |
| 12 мм думалоқ пўлат | 110 | 44 | 4840-00 | 40 | 4400-00 | 4 | 440-00 |
| Жами | | 64 | 6840-00 | 58 | 6200-00 | 6 | 640-00 |
| Темир йўл тарифи | | | 320-00 | | 290-00 | | 30-00 |
| Базанинг устамаси – 2 % | | | 136-80 | | 124-00 | | 12-80 |
| Жами тўлашга тегишли | | | 7296-80 | | 6614-00 | | 682-80 |

Камомаднинг улгуржи баҳоси бўйича қиймати 640 сўмга тенг ($6840 - 6200$).

1 тонна юкка тўғри келадиган темир йўл тарифи суммаси 5 сўмни ташкил этади (320 сўм : 64 т); барча камомадга тегишли темир йўл тарифи 30 сўмни ташкил этади (5×6 т).

1 сўмга тўғри келадиган устама 2% ($136,80 : 6840$), яъни 2 тийин, жами камомадга 12 сўм 80 тийин тўғри келади (2×640).

Камомаднинг жами ҳақиқий таннархи 682 сўм 80 тийинга тенг ($640 + 30 + 12,80$).

Камомад суммасига қўйидагида бухгалтерия ёзуви берилиб, 6-журнал-ордер ва 7-ведомостда акс эттирилади:

Д-т 4210 – «Даъволар бўйича олинадиган счетлар»

К-т 6010 - «Мол етказиб берувчи ва пурратчиларга тўланадиган счетлар»

6 - журнал-ордерда факат товар-материални қийматликларни сотиб олиш (тайёрлаш) билан боғлиқ бўлган мол юборувчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Бундан ташқари, корхона сув, газ, сикилган ҳаво билан

таъминловчилар, таъмирлаш ва шунга ўхшаган ишлар бўйича пудратчилар хизматларидан фойдаланади. Шунинг учун мол юборувчилар ва пудратчиларнинг хизматлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 6 - журнал-ордерда алоҳида юритилади (уни юритилиши тартиби тегишли боб ва параграфларда кўриб чиқилади). Ой охирида 6010 - счетнинг умумий оборот суммасини топиш ва Бош дафтарга ўтказиб қўйиш учун 6-журнал-ордернинг маълумотлари жамланади.

6010 - счетга йифма-назорат маълумотлар

сўм

| Қатор № | Кўрсаткичлар | Сумма | | Жами |
|---------|---|---------------------|------------------|--------|
| | | матери-аллар бўйича | хизматлар бўйича | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Кредити бўйича ой бошига сальдо | 44000 | 1400 | 45400 |
| 2 | Ҳисобот ойида кредит обороти бўйича | 353888 | 79741 | 433629 |
| 3 | Ҳисобот ойида дебет обороти бўйича: а) ўтган ой бўйича журнал-ордерда акс эттирилган тўланган, ҳисобдан чиқарилган, зачет қилинган суммалар; б) мазкур журнал-ордерда акс эттирилган тўланган, ҳисобдан чиқарилган ва зачет қилинган суммалар | 301203 | 77995 | 379198 |
| | Дебети бўйича жами (За-3б қаторлар) | 301203 | 77995 | 379198 |
| 4 | Ой охирига 6010-счетнинг умумий сальдоси | 96684 | 3145 | 99830 |
| 5 | 6-ж-о ва 5-ведомостнинг қисман маълумотларига асосан ой охирига сальдо: | | | |
| 6 | - акцептланган тўлов талабномалари бўйича: а) журнал-ордер бўйича олдинги ой учун б) журнал-ордер бўйича ҳисобот ой учун | - | - | - |
| | | 84684 | 3145 | 87830 |
| | Фактурланмаган мол етказиб бериш бўйича жами (6а-6б қаторлар суммаси) | 84684 | 3145 | 87830 |
| | г) журнал-ордер бўйича олдинги ой учун д) журнал-ордер бўйича ҳисобот ойи учун | - | - | - |
| | | 12000 | - | 12000 |
| | Жами (6г – 6д қаторлар суммаси) | 12000 | - | 12000 |

Мол юборувчи ва пудратчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни счетларда акс эттириш

6010 - «Мол етказиб берувчилар ва
пудратчиларга тўланадиган счетлар» счети

| Д-т | К-т |
|---|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| | |
| 5110 - Мол юборувчининг акцептланган тўлов хужжатларини тўлаш: товар-мате- риал қийматликлар учун, бажарилган хизмат ва ишлар учун | Сальдо: Корхонанинг қуидаги қарзлари: тўлаш муддати келмаган акцептланган тўлов хужжатлари ёки муддатида тўланмаган фактурланма- ган мол етказиб беришлар (тўлов хужжати йўқ) Келиб тушган материаллар бўйича тўлов хужжатини акцептлаш - 10, 12 |
| 5510, 5520 - Аккредитивлар ва чек дафтарчалари счетларидан акцептланган тўлов хужжатларини тўлаш | Материалларни етказиб келиш бўйича тўлов хужжатларини акцептлаш - 10, 12 |
| 6910 - Муддатида тўланмаган тўлов хужжатларини банкнинг қисқа муддатли ссудаси ҳисобидан тўлаш | Кўшилган қиймат солиги суммаси - 4510 Акцептланган ва тўланган тўлов хужжатлари бўйича материалларнинг камомади ва даъволоварнинг ҳақиқий қиймати - 4210 Истеъмол килинган энергия, газ, сув, бажарилган асосий воситаларнинг таъмири - 2510, бўйича тўлов 94 хужжатларини акцептлаш Тайёр маҳсулотларни олиб келиш ва ташиш бўйича тўлов хужжатларини акцептлаш - 9411 |

4.7. МАТЕРИАЛЛАР ҲАРАКАТИНИ БУХГАЛТЕРИЯДАГИ ҲИСОБИ

Корхона бухгалтериясида материаллар ҳаракати ҳисоби фақат сўм ўлчовида олиб борилади. Бунинг учун 10- «Материал қийматликларнинг ҳаракати» (пул ўлчовида) ведомостидан фойдаланилади.

1. Ҳисоб баҳоси бўйича материалларнинг умумзавод омборларидағи (балансли счетлар ва гуруҳларга бўлмасдан) ҳаракати:

| Сана | 1-омбор | 2-омбор | 3-омбор | сўм | |
|-----------------|---------|----------------------|---------|------------------|---------|
| | | | | Ой бошига қолдик | 4-омбор |
| 01.03. | 384000 | 3000 | 24000 | 411000 | |
| | | 1. Кирим | | | |
| Март ойи бўйича | 2555760 | 5000 | 6118 | 266878 | |
| | | 2. Чиқим | | | |
| Март ойи учун | 247854 | 2000 | 4860 | 254694 | |
| | | 3. Ой охирига қолдик | | | |
| 31.03. | 91906 | 6000 | 25278 | 423184 | |

Бу маълумотлар қўйидаги бухгалтерия регистрлари билан текширилиши мумкин:

1) 3, 6, 7, 10 – журнал-ордерлари билан

Масалан, $(255760 = 239760 + 16000)$

2) 10 – журнал-ордери билан

Масалан, $(247854 = 213040 + 34814)$

3) Омборлар бўйича материаллар қолдиги дафтари билан.

10 – ведомост товар-материал қийматликлар ҳаракатини гуруҳлаб акс эттириб қўйидагиларни таъминловчи асосий регистр бўлиб ҳисобланади:

- материалларни сақлаш жойлари бўйича бутлигини назорат қилиш – 1-бўлим;

- ҳисоб баҳоси ва ҳақиқий танинарх бўйича материалларни синтетик счетлар ва гуруҳлар нуқтаи назаридан кирими ва қолдиги;

- транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ёки материал гуруҳлари бўйича ҳақиқий танинархни режа нархидан оғишишини ҳисоблаб чиқиш учун кўрсаткичлар – 2-бўлим;

- батамом сарфланган материалларни ҳақиқий танинархни ҳисоблаб чиқиш, ҳақиқий ва ҳисоб баҳоси бўйича омбордан жўнатилган, цехлардан сарфланган, қийматликларни цехлардаги, умум завод омборларидағи қолдиклари – 3-бўлим.

10 - ведомостга ёзиш учун асос бўлиб омборлар реестрлари ёки М-43 сонли йиғма ведомости ҳисобланади (134-бетга қаралсин).

2. Умумзавод омборларига кабул килгитан ва корхона бўйича ой болигига колдик
 (синтетик счетлар ва учег гурухлари бўйича)

| Ра- тор № | Сана ёки омбор № | Кирим ордерлар номери ёки (М – 43) ведомостлар номери | 10-счет | | | | Жами | Шу жумладан | |
|-----------------|---------------------------|---|------------------|----------------|---------------|----------------|------------------|---------------------------|-----------------------------|
| | | | 1010- счет | 1030- счет | 1040- счет | 12-счет | | мол юборучи- лардан | хисобдор шахслар- дан |
| 1 | 2 | Ведомост бўйича жами кирим Таъминалаш меканик цехи томонидан тайёрланди | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | 2 | Чиқиндилар: | - | - | - | 2118 | 2118 | - | - |
| 3 | | а) ишлаб чиқаришдан | - | - | - | 1208 | 1208 | - | - |
| | | б) инструментлар темиргерсаги | - | - | - | 20 | 20 | - | - |
| | | в) станокларни бузишдан | - | - | - | 280 | 280 | - | - |
| 10 | | Хисоб баҳоси бўйича жами Ҳакиқий таннархи бўйича | 239760 251282 | 16000 17768 | 5000 5780 | 6118 6118 | 266878 280946 | 262960 262960 | 292 292 |
| | | Ой бошига колди (корхона бўйича): хисоб баҳоси бўйича | 300000 310198 | 84000 90232 | 3000 3468 | 66000 66600 | 453000 469398 | - - | - - |
| 11 | | ҳакиқий таннархи бўйича | | | | | | | |
| 12 | | Жами кирими колдиги билан: хисоб баҳоси бўйича (9 катор + 11 катор) | 539760 | 100000 | 8000 | 72118 | 719878 | - | - |
| 23 | | | | | | | | | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|---|---|------------------------|-------------|-------------|-----------|----------------------|----------------------|---------|-------|
| 29 | хакикий таннарх бўйича (11 катор + 12 катор) | 561480 | 108000 | 9248 | 72118 | 750846 | - | - | - |
| 30 | хисоб баҳоси кийматидан оғизишни (+,-) ёки транспорт-тайёрлар ҳарражатлари (кирим +, кодик -) | 21720 | +8000 +4 | +1248 +8 | - | - | - | - | - |
| | сумма (+) фокиз (+) | | | | | | | | |
| 3. Синтетик счётлар ва хисоб гурухлари бўйича сарфланиши ва ой охирига колдик | | | | | | | | | |
| Катор № | | Сарфланиши йўналишлари | | 10-счет | 12-счет | Жами | Шу жумладан | | |
| Сана ёки омбор № | | Сарфланиши йўналишлари | | 1010-счет | 1040-счет | цех омборлари бўйича | цех омборлари бўйича | сотилиш | шетга |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| A. Умумзавод омборларидан сарфланиши | | | | | | | | | |
| 32 | Йигма ведомост | 213240 | 34814 | 2000 | - | 249254 | - | - | - |
| 33 | АТБни фойдаланишга берилыш йигма ведомости хисоб баҳоси бўйича жами | - | - | - | 4840 | 4840 | - | - | - |
| 48 | Шу жумладан ички оборотги: бонса Умумзавод омборларига ўтказили (-) | 213240 | 34814 | 2000 | 4840 | 254694 | 4840 | 4840 | - |
| 49 | Мустақил хисоб бирлиги бўлган цех омборларига қайта ишлаш учун жўннатлди (-) | 213040 | 34814 | 2000 | 4840 | - | 249854 | 4840 | - |
| 50 | Ички оборотсиз жўнатлиш | | | | | | | | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|--|--|--------|-------|------|--------|--------|------|---|----|
| Б. Умумзавод омборларидан ташкари харажатлар, корхона бўйича умузий харажат ва колдик | | | | | | | | | |
| 51 | Мустакабил бирлилк хисобланувчи цех омборларидан жўнатини ва сарфлаш (11-вед.) | - | - | - | - | 1152 | 1152 | - | - |
| 52 | Ишлаб чиқаришдаги колдик | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 57 | Жами бағамом сарфлангани Хисоб баҳоси бўйича ой охирига колдик умумзавод омборларида | 213040 | 34814 | 2000 | 1152 | 251006 | - | - | - |
| | Мустакабил бирлилк хисобланувчи цех омборларидан, чегда кайта ишланада | 326720 | 65186 | 6000 | 423184 | 423184 | - | - | - |
| 61 | Ишлаб чиқаришдаги колдиги кўшилган колда жами 10 ва 10 / 1 журнал-ордерларига биноан ҳакикий | 326960 | 65186 | 6000 | 70966 | 469112 | - | - | - |
| 62 | таннархи бўйича бағамом сарфланди Ҳакикий таннархи бўйича колдиги* | 221562 | 37600 | 2312 | 1152 | 262626 | - | - | - |
| | | 339918 | 70400 | 6936 | 70966 | 488220 | | | |

* 6 – журнал-ордерга биноан ҳакикий таннархи бўйича
ой охирига бўлган йўлдаги материаллар – 5800 сўм.
Корхона бўйича колдик (62 катор 8 гр. + йўлдаги материаллар) – 494020 сўм.

M-43 – шакл

Материаллар синтетик ҳисобининг кирими бўйича
йифма ведомости

200 йил март ойи бўйича

| Реестрнинг санаси ва номери | 10 ва 12 счет | | | | 10 - счет | ва х. к. | Реестр бўйича жами | сўм |
|---------------------------------|---------------|--------|-------|-------|--------------|----------------|--------------------------|-----|
| | гр:1 | гр:2 | гр:3 | гр:4 | | | | |
| Ой бошига қолдиқ 1010 - счет | 100000 | 100000 | 80000 | 84000 | - | - | 384000 | |
| 1210 - счет | 3000 | - | 320 | 3200 | - | - | 6520 | |
| Бошқалар | 107000 | 30000 | 99440 | 12800 | - | - | 249240 | |
| Ой бўйича жами | 110000 | 30000 | 99760 | | - | - | 255760 | |
| Ой охирига қолдиқ | 133880 | 110000 | 82840 | | - | - | 391906 | |

M-43 – шакл

Материаллар синтетик ҳисобининг чиқими бўйича
йифма ведомости

200 йил март ойи бўйича

| Реестрнинг санаси ва номери | 10 счет | | | | 10 - счет | ва х. к. | Реестр бўйича жами | сўм |
|--------------------------------|---------|-------|-------|-------|--------------|----------------|--------------------------|-----|
| | гр:1 | гр:2 | гр:3 | гр:4 | | | | |
| 1220 – счет | 120 | 2000 | 1320 | 2254 | - | - | 5694 | |
| Бошқалар | 96000 | 18000 | 95600 | 32560 | - | - | 242560 | |
| Ой бўйича жами | 96120 | 20000 | 96920 | 34814 | - | - | 247854 | |

10 – ведомостда иккита маълумотнома келтирилади:

1. «Қабул қилинган материал қийматликларнинг ҳақиқий таинарх таркиби». Бу 1, 6, 7, 8, 10/1, 13 – журнал-ордерлар кўрсаткичлари бўйича тўлдирилади, яъни материал тайёрлаш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар қаерда акс эттирилса, шу журнал-ордерлар кўрсаткичлари бўйича тўлдирилади.

1 - маълумотнома

| Журнал-ордернинг номери | Синтетик счетлар ва талаб қилинадиган ҳисоб гурухлари бўйича сумма, сўм | | | | |
|----------------------------|--|-----------|-----------|--------------|--------|
| | 10 - счет | | | 12 - счет | Жами |
| | 1010-счет | 1030-счет | 1040-счет | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 6 | 252360 | 15960 | 5780 | 4000 | 278100 |
| 7 | - | 300 | - | - | 300 |
| 10.1 | 1200 | 1228 | - | 2118 | 4536 |
| 13 | - | 280 | - | - | 280 |

Давоми

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|--|--------|-------|------|------|--------|
| Журнал-ордер бўйича жами | 253560 | 17768 | 5780 | 6118 | 283226 |
| Йўлдаги материаллар қолдигининг ўзгариши | 2278 | - | - | - | 2278 |
| Қабул қилинган материалларниң ҳақиқий таннаҳри | 251282 | 17768 | 5780 | | 280948 |

Бу маълумотноманинг кўрсаткичлари 10-ведомостнинг 2-бўлимини тўлдириш учун зарур.

2. «Ҳисоб баҳоси бўйича қабул қилинган материаллар қиймати». Бу ҳам 1-маълумотномага ўхшаб 6, 7, 10/1 ва 13 – журнал-ордерлар кўрсаткичлари бўйича тўлдирилади, лекин материаллар тайёрлаш харажатлари ҳисобга олинмайди.

2 – маълумотнома
журнал-ордерлар кўрсаткичларига биноан киримга олинган
материалларниң ҳисоб қиймати

| Журнал-ордернинг номери | Сумма, сўм |
|-------------------------|------------|
| 6 | 262960 |
| 7 | 292 |
| 10.1 | 3346 |
| 13 | 280 |
| Жами | 266878 |

Бу маълумотноманинг кўрсаткичлари 10 - ведомостнинг 1 - бўлими билан тақослаш учун ва тайёрлаш жараёни патижаларини ёки ҳисобот ойи бўйича транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаб чиқиш учун хизмат қиласи.

Демак, 10 - «Товар-материал қийматликлар ҳаракати» ведомости материалларни бухгалтерия ҳисоби олдида турган бирқанча вазифаларни ҳал этишини таъминлайди. 11 – «Омборхонаси бўлмаган цех омборлари ёки ишлаб чиқаришдаги цехлар бўйича (ҳисоб баҳосида) материал қийматликлар ҳаракати» ведомости 10 - ведомостнинг сўзсиз қўшимчаси бўлиб ҳисобланади.

11 – ведомостдан кўчирма
200 йил март ойи бўйича

Цех омборлари бўйича (ҳисоб баҳосида) материал
қийматликлар ҳаракати

| Арzon ва тез эскирувчи буюмлар | Жами, сўм |
|--------------------------------|-----------|
| Ой бошига қолдиқ | 42000 |
| Қабул қилинди | 4840 |
| Сарфланди | 1152 |
| Ой охирига қолдиқ | 45688 |

Корхона бухгалтериясида 11-ведомость ҳар бир цех бўйича олинган, қайтарилиган, шунингдек цехларда сарфланган ва қолган турли хил қийматликлар ҳажмини аниқлаш имкониятини берадиган цехларнинг ишлаб чиқариш ҳисоботлари, қайтарилиган материаллар бўйича тузилган накладнойлар, арzon ва тез эскирувчи буюмлар ҳаракати бўйича йигма ва гурухлаш ведомостлари ва бошқа ҳужжатларга асосан тўлдирилади. 11-ведомостнинг кўрсаткичлари 10-ведомостнинг 3-бўлимидаги (омборхонаси бўлмаган цех омбори сарфлари ва цехлардаги қолдиқлар) акс эттирилади.

Демак, 10-ведомостнинг биринчи бўлими бўйича материалларни гурухларга ажратмасдан алоҳида ҳар бир омбор бўйича ҳисоб баҳосида омбор маълумотларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан ўзаро текшириш мумкин.

Бу нарса материалларни оператив-бухгалтерия (салъдо) усулида юритганда айниқса зарур.

10-ведомостининг иккинчи бўлими бўйича материал гурухлари ва баланс моддалари нуқтаи назаридан икки баҳода – ҳисоб баҳосида ва ҳақиқий таннархда қийматликларнинг умумий ҳажмини топиш мумкин. Бу нарса транспорт-тайёрловс харожатлари ёки режа таннахидан офишиши суммаси ва фоизини ҳисоблаб чиқиши имкониятини беради.

Учинчи бўлимда бухгалтерия ҳисобининг асосий кўрсаткичлари бўлган материаллар гурухлари бўйича ишлаб чиқаришга жўнатилган материалларнинг, уларнинг батамом сарфлангани ва ой охирига қолганининг ҳақиқий таннархи чиқарилади. Бунга асосан баланс моддалари тўлдирилади.

4.8. ТРАНСПОРТ – ТАЙЁРЛОВ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ

Материалларнинг ҳақиқий таннархи таркиби транспорт-тайёрлов харожатлари ҳам киради. Буларга материалларни шартнома қийматларидан ташқари уларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган барча харожатлар киради. Бу харожатлар материалларни турлари (гурухлари) бўйича тегишли счетларда мавжуд материал гурухларининг умумий ҳажми бўйича транспорт-тайёрлов харожатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб чиқаради. Бу нарса ҳисобот ойида сарфланган материалларга тўғри келадиган транспорт-тайёрловс харожатларини аниқлаб ҳисобдан чиқариш учун зарур. Ҳисоблаб чиқиши учун маълумотлар 10-ведомостдан (II – III – бўлимлари) олинади.

Сарфланган материаллар шартнома баҳосида қайси счетларга ўтказилган бўлса, транспорт-тайёрлов харожатлари

суммаси ҳам шу счетларга ёзилади. Ҳақиқий таннархни режадан оғишиш улушкини ҳисоблаб топиш ва ҳисобга олиш ҳам шу тартибда бажарилади. Фарқи шу ердаки, оғишиши (тежалган ва ортиқча харажат) бўлиши мумкин. Ортиқча харажат, транспорт-тайёрлов харажатига ўхшаб, режа таннархини кўпайтиради, тежалган сумма эса – уни камайтиради. Тежалгани минус билан ёки қизил сторно қилиб ёзилади.

Қуйида 200__йил март ойи учун Селмашзаводи бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммасини ва фоизини топиш мисолини келтирамиз.

| Кўрсаткичлар | Материалларни баҳолаш | |
|---|---------------------------|---------------------------|
| | шартнома баҳоси бўйича | ҳақиқий таннарх бўйича |
| Ой бошига қолдик | 300000 | 310198 |
| Ой давомида киримга олинди | 239760 | 251282 |
| Колдиги билан жами тушум | 539760 | 561480 |
| Транспорт-тайёрлов харажатлари, сумма (+) | 21720 | (561480 – 539760) |
| % (-) | 4 | (21720.x 100) 539760 |
| Ҳисобот ойида сарфланди | 213040 | 221562 |
| Ой охирига қолдик | 326720 | 339918 |
| | (539760 – 213040) | (561480 – 221562) |

4.9. МАТЕРИАЛ ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида корхона ўз мулки ва молиявий мажбуриятларини инвентаризация қиласи. Бухгалтерия ҳисобини Миллий андазасининг 4- ва 19-сонларига мувофиқ товар-материал қийматликлар инвентаризациясини қуидаги ҳолларда ўтказиш керак:

- ҳисботот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация ўтказилмаган бўлса, йиллик бухгалтерия ҳисботини тузишдан олдин;
- моддий-жавобгар шахслар алмашилганда ва табиий оғатлар рўй берганда;
- бухгалтерия ва омбор ҳисоби орасида фарқ вужудга келганда;
- ўғирлик ёки хиёнаткорлик аниқланганда, шунингдек қийматликлар нобуд бўлганда – шу фактларнинг аниқланиши бўйича дарҳол;
- товар-материал қийматликлар қайтадан баҳоланганда;
- корхона тутатилганда ёки қайтадан ташкил этилганда.

Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, қатъий ҳисобот бланкалари бир ойда бир марта инвентаризация қилинади, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари – ҳар чоракда қимматбаҳо металлар-тармоқ йўрикномаларига биноан.

Инвентаризация жараёнида қуйидагилар текширилади:

- товар-материал қийматликларнинг бутлиги;
- уларнинг тӯғри сақланиши, жўнатилиши, тарози ва ўлчов инструментларини ҳолати;
- материал қийматликлар ҳаракати ва қолдигини ҳисобга олиш тартиби.

Текшириш ҳажми бўйича ёппасига ва танлаб, оралатиб текшириш, вақти бўйича эса – режали ва тўсатдан текширишга бўлинади. Инвентаризацияни корхона раҳбари (директори ёки унинг ёрдамчиси, ёки бош бухгалтер) ташкил қиласи ва бошқаради. Инвентаризация ўтказиш ишини корхона раҳбарининг буйргути билан тайинланадиган комиссия бажаради.

Инвентаризация ўтказиш вақтига бухгалтерия томонидан омборлар бўйича бухгалтерия ҳисобидаги қолдиқни кўрсатиб товар-материал қийматликлар инвентаризация рўйхати (инв. – З шакли) тузилади. Бу даврда омбор муомалалари амалга оширилмайди. Омбор мудири мазкур рўйхатда барча ҳужжатларни материалларни омбор ҳисоби карточкасига ёзилганлиги ва корхона бухгалтериясига топширганлиги тўғрисида тилҳат беради.

Бу ҳужжатни қуида келтирамиз

Товар-материал қийматликларнинг 2-инвентаризация рўйхати
200__ йил 30 октябр

Материаллар

Товар-материал қийматликлар

Тилҳат

Инвентаризацияни бошлаш кунига товар-материал қийматликларнинг барча кирим ва чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилган ва менинг (бизнинг) масъулиятимга келиб тушган товар-материал қийматликлар киримга олинди, сарфлангани харажатга ҳисобдан чиқарилди.

Моддий жавобгар шахслар:

Омборчи имзо

Омбор мудири имзо

200__ йил 26 октябрдаги 129-сонли буйруққа асосан
200__ йил 1 ноябрга 10-балансли счетда ҳисобга олинган
қийматликлар қолдиги кўчириб олинди.

Инвентаризация 200__йил 30 октября бошланиб
200__йил 1 ноябрда түгатылды.

Инвентаризация үтказишда қуйидагилар анықланды:

Жами рўйхат бўйича ҳақиқатдан йигирма тўрт минг тўккис юз сўм

| Тар-тиб № | Но-мен-кла-тура № | Товар-материал кийматниклар номи (тури, нави, гурухи, ва. х. к.) | Үл-чов бир-лиги коди | Нархи, сўм, тийин | Ҳақиқий бори | | Бухгалтерия маълумоти бўйича | |
|-----------|-------------------|--|----------------------|-------------------|--------------|------------|------------------------------|------------|
| | | | | | сон, т | сумма, сўм | сон, т | сумма, сўм |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1 | 101001 | Переделчи чугун | 1 | 100-00 | 80 | 8000 | 80 | 8000 |
| 2 | 101002 | Литейний чугун | 1 | 120-00 | 100 | 12000 | 100 | 12000 |
| 3 | 103012 | Листли пўлат, мартенсинни қалинлиги 6 мм | 2 | 90-00 | 9500 | 85500 | 8160 | 735000 |
| 4 | 103013 | Листли пўлат қалинлаги 2-3 мм | 2 | 60-00 | 12000 | 720000 | 12000 | 720000 |
| 5 | 103014 | Листли пўлат қалинлиги 5 мм | 2 | 70-00 | 47700 | 3339000 | 49840 | 3439000 |
| | | Жами | | | | 29444000 | | 24944000 |

Комиссия раиси отдел бошлиғи имзо
Комиссия аъзодари: товаршунос имзо

Бухгалтер имзо

Мазкур инвентаризация рўйхатида 101001 дан 103014 гача номланган қийматликлар менинг (бизнинг) олдимда натура ўлчовида комиссия томонидан текширилди ва рўйхатга олини, шу муносабат билан инвентаризация комиссиясига дაъвоим (даъвоимиз) йўқ. Рўйхатда санаб ўтилган қийматликлар менинг (бизнинг) масъулиятли саклашим (саклашмиз)да турибди.

Модний жавобгар шахс (шахслар) имзо

200 йил 1 ноябр

Мазкур рўйхатда кўрсатилган маълумотлар ва
хисоблашни текцирдим

Бухгалтер ИМЗО

200 иил 2 ноябр

Инвентаризация натижасыда аниқланған фарқлар барча ҳолларда ҳам таққослаш ведомостлари билан расмийлаштирилади ва ҳакиқитаннарх бүйича бағоланали.

Ортиқча чиққан қийматликлар операцион даромад ва тушумларни күпайтириш йўли билан киримга олинади:

Д-т 10, 12 – счетлар

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга (1. 1. 8.) биноан материал ресурсларининг табиий камайиш нормаси доирасидаги ва нормадан ортиқ камомади ва нобудгарчилиги материал харажатлари таркибига киритилиб маҳсулот таннахига қўйидаги ёзувлар билан ўтказилади:

Д-т 2010, 2310, 2510, 2610 – счетлар

К-т 10, 12 – счетлар

Табиий камайиши нормасидан ортиқ камомад, навлар орасидаги кам, кўп чиқишилар (пересортица)ни акс эттиргандан сўнг, қўйидаги ёзув билан моддий жавобгар шахсга ўтказилади:

*Д-т 4630 «Моддий заарларни қоплаш бўйича
ходимнинг қарзи»*

К-т 10, 12 – счетлар

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан (2. 3. 15. 9. моддаси) табиий оғатлар (ишлиб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа маддий бойликларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлиб чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишилар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишилар ва заарлар, шу жумладан табиий оғатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар давр харажатларига қўйидаги ёзув билан ўтказилади:

*Д-т 9433 «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши
бўйича харажатлар»*

К-т 10, 12 – счетлар

Корхоналарда материал қийматликларнинг камомади ва нобудгарчилиги бўйича аниқ айбдор аникланмаса, улар 9433 «Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар» счетига ўтказилади (харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2. 3. 15. 2. моддаси).

5-БОБ

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ

5.1. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

. Корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик жараёни нафақат материал, меҳнат ва молиявий ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига балки асосий воситалардан фойдаланиш ҳисобига ҳам таъминланади.

5-БҲМА нинг 7-моддасига биноан «Асосий воситалар - бу узоқ (бир йилдан кўп) давр ичидаги моддий ишлаб чиқариш соҳасида, ноишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек ижарага берипда фойдаланиладиган моддий активлардир.»

5-БҲМА нинг 16 бандида шундай дейилган «Агар актив билан боғлиқ бўлган келажакдаги иқтисодий фойда субъектта келиб тушишига ишончи бўлса ва обьектнинг қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса (баҳолаш принципи), асосий воситалар актив сифатида тан олинади».

Асосий воситалар меҳнат қуроллари бўлиб уларга қўйидагилар киради: станоклар, иш машиналари, узатувчи мосламалар, инструмент ва шу кабилар, шунингдек меҳнат жараёнини моддий шароитлари - ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқалар.

Асосий воситалар айланма маблағлардан шу билан фарқланадики, улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашади ва хизмат муддати давомида ўзининг дастлабки шаклини сақлаб қолади. Ишлаб чиқариш жараёни ва ташки муҳит таъсирида улар аста-секин эскиради ва ўзининг дастлабки қийматини уларнинг норматив хизмат муддати ичидаги белгиланган нормада амортизация ҳисоблаш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларига ўтказиб боради.¹⁴¹

Қўйидаги буюмлар асосий воситалар таркибига киритилмасдан арzon ва тез эскирувчи буюмлар (АТБ) қаторида ҳисобга олинади:

- қийматидан қатъий назар фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган меҳнат қуроллари, хизмат муддатидан қатъи назар бир бирлигининг қиймати ўн беш карра энг кам иш хақи суммасидан кам бўлган (14. 03. 96. Уз.Р МВ 24-сонли, Уз.Р ДСК 23-сонли хати) меҳнат воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари, қурилиш-механизациялашган инструментлар, иш ва маҳсулдор хайвонлар бундан мустасно. Бу санаб ўтилган буюмлар қийматидан қатъий назар асосий воситаларга киради;

- қийматидан қатъий назар махсус инструментлар, махсус мосламалар;

- қиймати ва хизмат муддатидан қатъий назар махсус кийимлар, махсус пойафзаллар ва кўрпа-тўшаклар.

Асосий воситалар йигиндиси ишлаб чиқариш-техника базасини ташкил этиб корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини белгилайди.

Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активлар баланснинг I - бўлимидаги куйидаги счетларда ҳисобга олинади:

- 0100 - «Асосий воситаларни ҳисобга оладиган» счетлар
- 0200 - «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга оладиган» счетлар
- 0300 - «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш» счети
- 0400 - «Номоддий активлар ҳисоби счетлари»
- 0500 - «Номоддий активлар эскириши ҳисоби» счетлари
- 0600 - «Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби» счетлари
- 0700 - «Ўрнатиладиган ускуналар ҳисоби» счетлари
- 0800 - «Капитал қўйилмалар ҳисоби» счетлари
- 0900 - «Дебитор қарзлар ва муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби счетлари - узоқ муддатли қисми»

Мулкчилик ҳуқуқи асосида корхонага тегишли фойдаланишдаги, захирадаги, консервациядаги ёки ижарага берилган (узоқ муддатли ижарага берилгандан ташқари) мавжуд асосий воситалар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборот қуйидаги счетларда умумлаштирилади:

- 0110 «Ер»
- 0111 «Ерни ободонлаштириш»
- 0112 «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»
- 0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатгич мосламалар»
- 0130 «Машина ва ускуналар»
- 0140 «Мебел ваофис жиҳозлари»
- 0150 «Компьютер жиҳози ва ҳисоблаш техникиаси»
- 0160 «Транспорт воситалари»
- 0170 «Иш ҳайвонлари»
- 0171 «Маҳсулдор ҳайвонлар»
- 0180 «Кўп йиллик ўсимликлар»
- 0190 «Бошқа асосий воситалар»
- 0199 «Консервация қилинган асосий воситалар»

Узоқ муддат ичida фойдаланиш натижасида асосий воситалар таркибида қуйидаги ўзгаришлар бўлиши мумкин: корхонага келиб тушиши ва фойдаланишга берилиши, фойдаланиш натижасида эскириши, таъмирланиши натижасида

уларнинг жисмоний сифати тикланиши; корхона ичида бир бўйимдан иккинчи бўйимга берилиши, эскириши ёки ишлатиб бўлмаслиги натижасида корхонадан чиқарилиши, сотилиши, бошқа корхонанинг устав капиталига пай бадали сифатида ўтказиб берилиши, узоқ ёки қисқа муддатли ижарага берилиши, шунингдек бепул берилиши.

Асосий фондлардан самарали фойдаланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб бекор туришларни қисқартириш, сменалик коэффициентини, янги техника ва технологияни қўллаш асосида унумдорлигини, фонд қайтимини ошириш бўлиб ҳисобланади, яъни асосий фонднинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулотлар бажарилган ишлар хажмини кўпайтириш.

Корхона ўз тасарруфидаги асосий воситалардан қўйидагича фойдаланиш ҳуқуқига эга: бошқа корхоналарга бепул бериши ёки сотиши, алмаштириши, ижарага бериши, ўзига тегишли бино, иншоот, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, инвентарларни вақтингчалик фойдаланиш учун бепул ёки қарзга бериши, тўлиқ амортизацияланганни ёки йўқми ундан қатъи назар, агар улар жисмоний ёки маънавий эскирган бўлса балансдан чиқариши.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- жойлашган жойлари бўйича мавжуд асосий воситалар бутлиги устидан назорат қилиш; уларнинг кирими, чиқими ва жойини ўзгартиришни ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириш ва ҳисобда ўз вақтида акс эттириш;
- асосий воситаларни реконструкция ва модернизация қилиш учун сарфланадиган маблағлардан оқилона фойдаланиш устидан назорат қилиш;
- корхона харажатларига киритиш учун фойдаланиш ва эскириш билан боғлиқ бўлган асосий воситалар қиймати улушкини ҳисоблаш;
- иш машиналари, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш майдонлари, транспорт воситалари ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилиш;
- асосий восита обьектларини ҳисобдан чиқариш ва тугатишдан олинган натижаларни тўғри аниқлаш.

Бу вазифалар талабга мувофиқ ҳужжатлаштириш ва мавжуд асосий воситалар ва уларнинг ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил этиш, уларнинг амортизациясини тўғри ҳисоблаш, таъмири бўйича харажатлар ҳисобини тўғри олиб бориш ёрдамида ҳал этилади.

5.2 АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТАСНИФИ ВА БАҲОЛАШ

Ишлаб чиқариш жараёнида таркиби ва тайинланиши бўйича турлича бўлган асосий воситалардан фойдаланилади. Уларнинг ҳисобини тўгри ташкил этиш мақсадида уларни турлари, тайинланиши ёки ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш характерига, халқ хўжалик тармоқлари, фойдаланиши даражаси ва мансублиги бўйича тасниф қилиш зарур.

Белгиланган типли таснифлашга биноан асосий воситалар турлари бўйича қўйидагиларга бўлинади:

- I.** Ер ва уни ободонлаштириш
- II.** Бинолар
- III.** Иншоотлар
- IV.** Узатувчи мосламалар
- V.** Машина ва асбоб-ускуналар. Шу жумладан:
 - а) куч машиналари ва асбоб-ускуналар;
 - б) иш машиналари ва асбоб-ускуналар;
 - в) ўлчов ва тартибга келтирувчи приборлар, мосламалар, лаборатория асбоб-ускуналари;
 - г) ҳисоблаш техникаси;
 - д) бошқа машина ва асбоб-ускуналар.
- VI.** Транспорт воситалари
- VII.** Инструментлар
- VIII.** Ишлаб чиқариш инвентарлари ва ашёлари
- IX.** Хўжалик инвентарлари
- X.** Иш ва маҳсулдор хайвонлар
- XI.** Кўп йиллик ўсимликлар
- XII.** Ер ҳолатини яхшилаш бўйича капитал сарфлар (иншоотлардан ташқари)
- XIII.** Бошқа асосий воситалар

Таснифда келтирилган асосий воситаларнинг турлари бўйича ҳисоб юритилади ва мавжуд асосий воситалар, уларнинг ҳаракати ва тутатилиши бўйича ҳисобот тузилади.

Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг тайинланишига қараб асосий воситалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлинади.

Ишлаб чиқаришга мансуб бўлган асосий воситаларга қўйидагилар киради: машиналар, станоклар, аппаратлар, инструментлар, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнига мансуб асосий ва ёрдамчи цехлар, бўлим ва хизматлар бинолари, ёки омбор бинолари, резервуарлар ишлаб чиқариш жараёни учун зарур бўладиган буюмлар ва маҳсулотларни ташишда фойдаланиладиган транспорт воситалари. Ноишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситалар бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайди, лекин улардан корхона ходимларнинг

маданий-маиший әхтиёжлари (туаржой-коммунал хўжалик асосий воситалари, поликлиникалар, тиббиёт пунктлари, клублар, стадионлар, болалар боғчалари, ўқув юртлари ва ш. к.) учун фойдаланилади.

Халқ хўжалик тармоқлари бўйича асосий воситалар ҳисобини таъминлаш учун улар қуидаги гуруҳларга бўлинади: саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва умумовқатланиш, ахборот-ҳисоблаш хизматлари, туаржой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, маориф, маданият ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида фойдаланиш даражасига қараб асосий воситалар қуидагиларга бўлинади: заҳирадаги, фойдаланишдаги, консервациядаги ва ижарадаги. Бунинг зарурияти шундаки, ишлатилиш даражасига қараб амортизация ҳисоблаш турлича бўлади. Чунончи, заҳирадаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди; фойдаланишда турган асосий воситалар бўйича нафақат амортизация ҳисобланади, балки зарур бўлса таъмирлаш фонди ҳам ташкил этилади; консервациядаги (хукумат қарори бўйича) асосий воситаларга умуман амортизация ҳисобланмайди.

Мансублиги бўйича асосий воситалар ўзига тегишли ва ижарага олинган бўлади. Корхонанинг ўзини асосий воситалари балансда ҳисобга олинади, ижарага олингани эса бошқа корхонага тегишли бўлиб, маълум суммада хақ тўлаб вақтинчалик фойдаланилади. Киска муддатли ижарага олинган асосий воситалар балансдан ташқарида ҳисобга олинниб мазкур корхонада амортизация ҳисобланмайди.

Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг зарурий шарти бўлиб уларни баҳолаш ягона принципи ҳисобланади. Асосий воситалар тўрт хил баҳоланади: дастлабки, тикилаш, қолдиқ ва тугатиш (5-БХМА 11-14 бандлари).

Дастлабки (баланс) қиймати мазкур корхонада объекти фойдаланишга топшириш вақтида аниқланади. Объект корхонада турган давр ичida дастлабки қийматда ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати қуидаги харажатлар йиғиндисидан иборат: асосий воситаларни қуриш ёки сотиб олиш харажатлари, тўланган ва қайтарилмайдиган солиқ (йиғим) лар, олиб келиш, ўрнатиш ва фойдаланишга тушириш харажатлари ва активни иш ҳолатига келтириш ва ўндан тайинланиши бўйича фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай харажатлар.

Асосий воситаларни келиб тушиш манбаига қараб уларнинг дастлабки қиймати деб қуидагилар тушунилади:

- таъсисчилар томонидан корхонанинг устав фондига қўшилган асосий воситалар қиймати - томонларнинг келишуви бўйича;

- корхонанинг ўзида тайёрланган, шунингдек бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган асосий воситалар қиймати-олиб келиш, йифиц ва ўрнатиш харажатлари ҳам қўшилган ҳолда хақиқий қилинган харажат суммасида;

- бепул олинган асосий воситалар объективининг қиймати - эксперт йўли билан аниқланган суммада ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари асосида.

Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати қуидаги ҳолларда ўзгариши мумкин: асосий воситалар қайтадан баҳолангандан, қўшимча қурилиш қилингандан, қўшимча жиҳозлангандан, реконструкция қилингандан ва тегишли обьектлар қисман тутатилгандан.

Пулнинг қадрсизланиш (ёки қадрини ошиши) суръатига қараб вақти-вақти билан асосий воситаларнинг дастлабки қиймати қайтадан баҳоланиб турилади. Асосий воситаларни қайтадан баҳолаш одатда ҳукумат қарорига биноан амалга оширилади. Қайтадан баҳоланганини ҳисобга олгандаги асосий воситаларнинг қиймати тиклаш қиймати дейилади.

Тиклаш қиймати деб асосий воситаларни қайта ишлаб чиқариш қиймати тушунилади, яъни қайтадан баҳолаш вақтига бўлган амалдаги баҳода инвентар обьектларни сотиб олиш ёки қуриши.

Асосий воситаларни қайтадан баҳолаш принципи мулк шаклларидан қатъий назар барча корхоналар учун бирдек.

Фойдаланиш жараёнида асосий воситалар эскиради, дастлабки сифатини йўқотади ва бунинг натижасида уларнинг дастлабки қиймати ҳам камаяди. Объектларнинг жисмоний ва техник-иктисодий сифатини йўқолишининг пулдаги ифодаси асосий воситаларнинг эскириши дейилади. Асосий воситаларнинг эскириши баланснинг алоҳида моддасида акс эттирилади.

Жорий қиймат - бу маълум бир санага бўлган асосий воситаларнинг амалдаги бозор баҳоси бўйича қиймати ёки ҳамма нарсадан хабари бор манфаатдор томонлар орасида активлар алмашса бўладиган сумма.

Тугатиш қиймати - асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати охирида тугатилиши натижасида тугатиш билан боғлик бўлган кутилаётган харажатларни чиқариб ташлагандан сўнг олинадиган активларнинг тахминий қиймати.

Асосий воситаларнинг қолдик қиймати уларнинг дастлабки қийматидан эскириш қийматини олиб ташлаш йўли билан топилади, яъни дастлабки қиймати билан эскириш қиймати орасидаги фарқ.

5.3. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ АНАЛИТИК ҲИСОБИ

Корхона бухгалтериясида асосий воситалар ҳисоби тасниф гурухлари ичида инвентар объектлари бўйича юритилади. Инвентар объекти - бу тугалланган қурилмалар буюмлар ёки мазкур объектта тегишли мосламалар ва зарур таркибий қисмларининг комплекси (мажмуи).

Асосий воситаларнинг алоҳида тасниф гурухлари бўйича қўйидагилар инвентар объекти бўлиб ҳисобланади:

- ер ва уни ободонлаштириш бўйича-тегишли қонунчиликка асосан корхонага берилган ер участкалари ва уларни ободонлаштириш харажатлари;

- бинолар бўйича - унинг ичидаги мосламалар (иситиш тизими, сувгаз ўтказиш, канализация, вентиляция мосламалари) ва ҳовли қурилмалари (бостирма, деворлар ва б.) билан алоҳида турган ҳар бир бино;

- иншоотлар бўйича - қурилмалари билан органик жиҳатдан яхлит бўлган алоҳида иншоотлар (устунлари, фермалари, унга кириб келиш йўллари билан кўприклар);

- узатувчи мосламалар бўйича - бино ёки иншоотнинг таркибий қисми бўлмаган ҳар бир мустақил қурилма;

- куч машиналари ва асбоб-ускуналар бўйича - фундаменти ва унинг барча мослама ва зарур таркибий қисмлари, приборлари ва қуршаб олиниши билан алоҳида куч машинаси;

- иш машиналари ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари бўйича - таркибига мосламалар, зарур таркибий қисмлар ва приборлар, қуршаб олиниши, шунингдек инвентар объекти ўрнатилган фундамент қўшилган ҳолда ҳар бир станок ёки аппарат;

- транспорт воситалари бўйича - унга тегишли мосламалар, таркибий зарур буюмлар (заҳира фидираклари, камера, покришка ва комплект инструментлари билан юк автомашиналар) қўшилган ҳолда транспорт воситаларининг ҳар бир объекти;

- инструментлар ва инвентарлар бўйича - қандайдир бошқа инвентар объектининг таркибий қисми бўлмаган мустақил ахамиятга эга бўлган ҳар бир буюм.

Асосий воситалар бутлигини устидан назорат қилиш мақсадида ҳар бир инвентарга тегишли номер беркитилади. Чунончи биноларга 001 дан 099 гача инвентар номер беркитилади; иншоотларга - 100 дан 199 гача; узатувчи мосламаларга 200 дан 299 гача ва ҳ. к.

Беркитилган инвентар номер, объектга, дастлабки ҳужжатларга қўйилиб у мазкўр корхонада бўлган давр ичидаги сақланади. Башарти объект ҳисобдан чиқарилса, унинг инвентар номери бошқа объектга берилмайди.

Асосий воситалар ҳаракати тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Асосий воситаларнинг кирими (ички кўчиришлар) қабул қилиш - топшириш далолатномаси (накладной) билан расмийлаштирилади (АВ-1 тип. шакл) унинг шакли қўйидагича (149, 150-бетларга қаралсин).

Бу далолатнома ҳар бир объектга тузилиб, унга мазкур объектнинг техник ҳужжати илова қилинади. Бухгалтерия томонидан инвентар карточка очилгандан сўнг техник ҳужжат фойдаланиш жойи бўйича корхонанинг тегишли бўлими, цехига берилади. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси фойдаланишга қабул қилинган вақти, тайёрланган санаси, дастлабки қиймати ва эскириш суммаси кўрсатилган ҳолда икки томондан тузилади - объектни қабул қилувчи ва топширувчи томонидан. Бухгалтерияда уни бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштиради, яъни дастлабки қийматига ва эскириш суммасига корреспондентланувчи счетларни кўрсатади.

Асосий воситаларни ҳисоби шундай ташкил қилиниши лозимки, ҳар бир тасниф гуруҳлари бўйича ва алоҳида ҳар бир объект бўйича уларнинг турган жойлари ва сотиб олиш манбаларини аниқлаш иложи бўлсин.

Бундай ҳисоб асосий воситаларнинг ҳар бир инвентар обьекти учун аналитик ҳисоб ва уларнинг ҳаммаси учун 01-«Асосий воситалар» счетлари бўйича синтетик счетлар очиш ўюли билан таъминланади. Ягона типдаги инвентар карточка шакли (АВ-6) қўйида келтирилади (151, 152-бетларга қаралсин).

Кўп миқдордаги асосий воситаларга эга бўлган корхоналар уларнинг обьектлар бўйича ҳисобини инвентар дафтарида юритиши мумкин. Дафтарда асосий воситалар инвентар карточкадаги барча реквизитларни кўрсатган ҳолда тасниф гуруҳлари (турлари) ва жойлашган жойлари бўйича ёзиб борилади.

Инвентар карточкалар ва инвентар дафтар дастлабки ҳужжатлар (далолатномалар, техник паспортлар ва бошқа ҳужжатлар) га асосан тўлдирилади. Инвентар карточкалар маҳсус АВ-7 шаклидаги дафтарда рўйхатга олинади. Қўйида бу дафтарнинг шаклини келтирамиз (153-бетга қаралсин).

Қайтадан баҳоланган асосий воситалар обьектлари карточканинг «Реконструкция, модернизация» бўлимида тиклаш қиймати бўйича ёзилади.

AB-1 шакли
Тасдиқлайман
Корхона рахбари

Корхона, ташкаблог

ИМЗО

Асосий воситаларни кабул килиш-топшириш
(иътиқи кўчириш) далолатномаси (накладной)

200 йил «_»

Ф. и. с. левонима

| | | | |
|------------------|-------------------|---|------------------------------------|
| Хўзжат номери | Тузилиш санаси | Асосий воситаларни бутилига маътулиятли шахснинг коди | Операциялар турларининг коди |
|------------------|-------------------|---|------------------------------------|

| Топши- рувчи цех, бўлим, участка, линия | Олув- чи счет | Дебет | Кредит | Дастгабки сурʼоб олиш куймаги | Номер инвен- тар | Счетнинг коди ва аналитик хисоб коди | Амор- тизация ажратма нормаси | Амор- тизация нормасига коэффи- циент |
|---|---------------------|-------|--------|--|------------------------|--|--|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | | | | | | | | |

Давоми

| Асбоб- ускуналар | | 200 _ йил холатига кайтадан баҳолаш | Чиккан ёки | Фойда- ланнишга сотиб олган | Бюд- жетта тӯлаш белгиси | Асосий воситаларга тӯлашнинг бошланиш санаси (оӣ, йил) | Пас- порт но- мери |
|---------------------|------|--|---------------|--------------------------------------|-----------------------------------|--|-----------------------------|
| тури | коди | мълумоти бўйича ёки сотиб олиш хужжатлари бўйича эскириш суммаси | согиб или | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 12 | 13 | 14 | | | | | 19 |

200 __ йил «__» даги бўйрук
асосида кўриб чиқилди

объектнинг номи
фойдаланишга қабул килинган сана __ 200 __ йил
қабул қилиш гайтида объект __
нинг қарамогида турибди
Сотиб олиш манбаи __
Кўчириш асослари __
Объектнинг кискача таърифи __

AB-6 шакли

Корхона, ташкилот

| | | |
|--|-------|---|
| Бухгалтерия ёзуви (далолатнома, накладной) | | Барча объектларниң дастлабки киймати |
| сана | номер | |
| 14 | 15 | 16 |

объектнинг тўлик номи ва тайинланиши

тайёрлаган заводнинг номи

модел, тип, марка

| Цех, бўйим, участка, линия | Счет | Ана- литик счет | Даст- лабки куй- мат | Счет ва анали- тик хисоб коди | Амор- тиза- ция норм- аси | Туза- коэф- фици- ент | Асобоб- ускуналар | Фондланишига топширлган тўгрисида далолатнома | Бюд- жетта тўлаш белгиси | Асосий воситаларга тўлашники босланиши санаси | | |
|-------------------------------------|------|-----------------------|-------------------------------|---|---------------------------------------|--------------------------------|----------------------|--|-----------------------------------|---|----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |

| | | | | | | |
|---|--------------|---|--|--|---|---------------------------------------|
| Номер ин- за- вен- вод тар | пас- порт | 200 йил ҳолатига кайтадан баҳолаш маълумоти бўйича ёки сотиб олиш кужжатлари бўйича эскириш суммаси | Чик- кан (курил- ган) йили | Кумматлии металл номи тури массаси | Сарфланди (серилди) бухгалтерия ёзуми (акт, накладной) (кўчириш) сабаби | Сарфла- ниш (кўчириш) сабаби |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| | | | | 24 | 25 | 26 |

Сотиб олиш (молиялаш) манбай

AB-6 шаклининг орка томони

| Тальмирлар (бухгалтерия ёзуви) | | | | | | |
|--------------------------------|------------|---------------|-----------|------------|---------------|-----------|
| санасанумма | номерномер | инвентарномер | суммасана | номерномер | инвентарномер | суммасана |
| | | | | | | |

Объектнинг қисқача якка тарьифи

| | | |
|---|---------------|--|
| Конструктив элементларининг номи ва объектни тарьифловчи бошқа белгилари | асосий объект | Материаллар, ўлчами ва бошқа маълумотлар асосий обьектга тегишли муҳим курилишлар, мосламалар номи |
| 1 | 2 | 3 |

Карточкини тўлдирди лавозим ИМЗО «___» фамилияси
200 йил «___»

AB-7 шакли

Ассоий воситалар хисоби бўйича инвентар карточкалар рўйхати
коржона, ташкилот

Қайта баҳолашда белгиланган эскириш суммаси карточканинг тегишли бўлимида кўрсатилади. Ёзувлар рўйхатда асосий воситаларнинг тасниф гуруҳлари бўйича олиб борилади.

Дафтарда рўйхатга олинган карточкалар асосий воситалар картотекасига жойлаштирилади. Картотекада улар тармоқлар тасниф гуруҳлари бўйича, гуруҳлар ичida эса фойдаланиш жойлари ва турлари бўйича гуруҳланади. Ҳаракатсиз асосий воситалар карточкалари алоҳида гуруҳланади.

Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқинши далолатнома билан расмийлаштирилиб, инвентар карточкада акс эттирилади. Бу инвентар карточка фойдаланишда турган асосий воситалар картотекасидан олинниб, чиқиб кетган асосий воситалар картотекасига жойлаштирилади.

Асосий воситалардан фойдаланиш жойларида (корхонанинг цех, бўлимларида) АВ-9 шаклида асосий воситаларнинг инвентар рўйхати юритилади. Бу инвентар рўйхатининг шаклини келтирамиз (155-бетга қаралсин).

Бу инвентар рўйхатларида фойдаланишда турган асосий воситалар тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилади.

Қабул қилинган, чиқиб кетган ва корхона ичida бир жойдан иккинчи жойга кўчирилган асосий воситаларнинг карточкалари тегишли ёзувлар ёзилгандан сўнг ой охиригача бошқа картотекага ўтказилмасдан алоҳида сақланади. Чунки улар асосида ҳар ойда асосий воситалар бўйича эскириш (амортизация) ҳисобланади. Бундан ташқари, жорий ой маълумотлари ёзилган карточкалар асосий воситаларнинг тасниф турлари бўйича гуруҳланади, ҳар бир тури бўйича кирим ва чиқим оборотлари жамланиб, асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга оладиган карточкага (АВ-8 шакли) ёзиб қўйилади. Бу карточканинг шаклини куйида келтирамиз (156-бетга қаралсин).

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга оладиган карточка жорий йил учун январ ойида очилади. Олдин унда асосий воситаларнинг турлари бўйича 1 январга қолдиги кўрсатилади. Кейин ҳар ойда ой бўйича обороти ёзилгандан сўнг кейинги ойнинг 1-санасига қолган қолдиги аниқланиб ёзиб қўйилади.

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкасининг маълумотларига асосан асосий воситалар ҳаракатининг оборот ведомости тузилади. Унинг жами Бош дафтар жами билан солиширилади ва мавжуд асосий воситалар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисботни (молиявий ҳисботнинг 3-шакли) тузиш учун асос бўлади.

AB-9 шаклар

корхона, ташкилот
Ассоций воситаларнинг инвентар рўйхати (жойлашган жойи ва фойдаланиши бўйича)

бўлим, цех, участка, линия

тасниф гурухининг номи

| Инвентар карточка | | Инвентар № | Объектнинг тўлик номи | Дастлабки (сотиб олиш) киймати | Чиқиб кетипи (кўчириши) | |
|------------------------------|-------|------------|-----------------------|--------------------------------|-------------------------|------------------------------|
| ёки инвентар дафтардаги ёзув | номер | санча | санча | 5 | Хужжат номер | чиқиб кетиш (кўчириш) сабаби |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 6 | 7 |

АБ-8 шакли

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси

Бинолар

тасниф гурух номи (тури)

| Ҳисобот санасининг 1- двари кунига бўлган асосий воситалар | Кирим жами воситалар | Ҳисобдан чиқарилди | | Амортизация (январ ойи учун тўлиқ, кейин асосий воситаларнинг ҳаракатига биноан ўзгаради) (+,-) сумма | Таъмир- лашга килинган харажат- лар |
|---|----------------------------|--------------------|---------------------------------|---|---|
| | | шуз жумладан | эскириши табиий тубайли оғат | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Январ | 500000 | 14000 | 20000 | 20000 | - |
| Феврал | 494000 | - | - | - | (-6) |
| Март | | | | | |
| ва ҳ. к. | | 6000 | | | |
| Жами | - | 20000 | 20000 | - | |
| Ийл охирига | 500000 | | | | |

Асосий воситаларни корхона ичидә бир цех ёки участкадан бошқасига күчириш корхонанинг тегишили бўлим бошлиғи (бош механик, бош технолог ва ш. к.)нинг бўйруғи билан амалга оширилади ва АВ-1 шаклидаги далолатнома (накладной) билан расмийлаштирилади. Захирадаги асосий воситаларни фойдаланишга, цехдан цехга, бўлимга күчиришда накладной икки нусхада ёзилади. Биринчи нусхасига асосан бухгалтерия инвентар карточкага ёзиб объективни янги жойлашган ёки фойдаланилаётган жойи бўйича картотекага солиб қўяди. Накладнойнинг иккинчи нусхасига асосан топширувчи объективни чиқиб кетганлинги тўғрисида инвентар рўйхатига белги қўяди.

Асосий воситалар хўжаликдан қўйидаги сабаблар билан чиқиб кетиши мумкин: эскирганлиги туфайли инвентар объективни бузиш ёки демонтаж қилиш йўли билан тўлик ҳисобдан чиқариш, табиий оғат натижасида йўқ бўлиш, қайтадан қуриш, қайтадан жиҳозлаш, модернизация қилиш натижасида инвентар объективнинг бир қисмини тугатиш; асосий воситаларни бошқа корхоналарга бепул бериш; асосий воситаларнинг камомади; бошқа корхонанинг устав капиталига пай бадали тарзида ўтказиб бериш; қисқа ва узоқ муддатли ижарага бериш; сотиц.

У ёки бу асосий восита объектларидан кейинчалик фойдаланиш имконияти йўқлигини аниқлаш, яъни асосий воситаларни тугатиш зарурлигини аниқлаш учун ҳар бир корхонада доимий ҳаракатдаги комиссия ташкил этилади.

Объективни тугатилиши (синдириш, бузиш, демонтаж қилиш) ни комиссия АВ-4 шаклидаги асосий воситаларни тугатиш далолатномаси билан расмийлаштиради. Қуйида бу далолатноманинг шакли келтирилади (158, 159-бетларга қаралсин).

Корхона раҳбари томонидан тасдиқланган далолатномага асосан бухгалтерия инвентар карточкага белги қўяди ва инвентар карточка рўйхатида объективни ҳисобдан чиқарилган санаси ва далолатноманинг номерини ёзиб қўяди.

Асосий воситаларни тугатишдан олинган эҳтиёт қисмлар, материаллар, темир-терсаклар ва ҳ. к. ни омборга топшириш учун далолатнома асос бўлиб ҳисобланади. Объективни тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам далолатномада кўрсатилади.

Асосий воситаларни бошқа корхоналарга бепул бериш объективнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси кўрсатилган ҳолда АВ-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Бухгалтерия бу ҳужжатга асосан берилган объективни ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида инвентар карточкага ёзиб АВ-7 шаклдаги инвентар карточкасига белги қўяди.

(корхона, ташкилот)
ТАСДИКЛАЙМАН
Корхона раҳбари

Ассоий воситаларни
тугатиш далолатномаси

имзо фамилияси и. о.
200 йил «__»

| | | |
|------------------|------------------|---------------------------|
| Хужжат номери | Түзилган сана | Операция турининг коди |
|------------------|------------------|---------------------------|

2000 й. « » билин тайинланган комиссия асосида бүйрүк

3

2
3
4

(объектный номи)

Күриб чиқкыш натижасыда комиссия анниклиди:

1. Корхонага келиб туштан вакти 199 й. « ____
2. Таъмираннан сони ____ сўмга
3. Паспорти бўйича объектнинг массаси ____
4. Кимматли металлар мавжудлиги ____
5. Техник ҳолати ва хисобдан чиқариш сабаби ____ код

Давоми

| Асбоб-ускунчалар | | Чиқкан (курилган) йили | Фойдаланишга топширилган санаси (ой, йил) | (Мулук солиги тўлашнини бошланниш санаси (ой, йил) |
|------------------|------|---------------------------|--|---|
| тури | коди | 13 | 14 | 15 |

Комиссиянинг хуносаси

Илова. Илова қилинадиган хужжатлар рўйхати

Комиссия раиси

| | | |
|---------|------|---------|
| лавозим | имзо | фамилия |

Комиссия аъзолари:

5.4. КАПИТАЛ ҚҮЙИЛМАЛАР, АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ КИРИМИ ВА ЧИҚИБ КЕТИШИННИ СИНТЕТИК ҲИСОБИ

Корхона томонидан янги қурилишга, асосий воситаларни сотиб олишга, реконструкцияга, ҳаракатдаги асосий воситаларни кенгайтириш ва қувватини техник жиҳатдан қайтадан қуроллантиришга сарфланган пул маблағлар капитал қўйилмалар ҳисобланади.

Ким учун объект қурилса, у корхона қурувчи (буортмачи) ҳисобланади, шу ишни бажарувчи эса пудратчи ҳисобланади.

Қурилиш ва монтаж ишлари корхонанинг ўз кучи билан бажарилса, хўжалик усули дейилади, агар бу ишлар чет ташкилотлар томонидан бажарилса - пудрат усули дейилади. Ҳар қандай усулда ҳам бундай ишлар учун лойиҳа - комплекс техник ҳужжатлар зарур бўлиб, уларга асосан смета қурилиш - монтаж ишларининг дастлабки қиймати тузилади. Бу ҳужжатлар бирга лойиҳа - смета ҳужжатларини ташкил этади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш тартиби 21-сонли БХМА «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий - хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар Режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» билан белгиланади.

Бу ҳужжат билан иккита маҳсус счетларни қўллаш тавсия қилинган: 07-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» ва 08-«Капитал қўйилмалар».

07- «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» счети монтаж талаб қиласидаги ва қурилаётган (реконструкция қилинаётган) капитал қўйилма обьектлари учун мавжуд технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш асбоб-ускунлари (устахоналар, тажриба қўйилмалари ва лабораториялар учун асбоб-ускуналар қўшилган ҳолда) нинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счетдан қурувчи корхоналар фойдаланади. Бу актив, инвентарли счет бўлиб унинг дебет сальдоси монтажта топширилмаган ёки монтажи бошланмаган мавжуд асбоб-ускуналарга қилинган ҳақиқий харажатни кўрсатади. Дебет обороти янги сотиб олинган монтаж талаб қиласидаги обьектларга қилинган ҳақиқий харажатни акс эттиради; кредит обороти - монтажи бошланган асбоб-ускуналарни ҳақиқий таннархда ҳисобдан чиқарилишини акс эттиради. Юқоридаги муомалаларни счетларга ёзиш учун асос бўлиб мазкур асбоб-ускунани корхонага қабул қилиш далолатномаси, асбоб ускуналарни монтаж қилиш учун жўнатиш накладнойлари ва монтаж бошланганлиги тўғрисидаги маълумотномалар ҳисобланади.

Мавжуд ўз асосий воситалар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби 01 – «Асосий воситалар ҳисоби» счети бўйича очилган тегишли инвентар актив счетларида юритилади. Бу счетларнинг дебет қолдиги корхонанинг фойдаланишдаги ёки заҳирадаги ва консервациядаги ўз асосий воситалари суммасини акс эттиради. Дебет обороти – тушуми, кредит обороти – турли сабабларга кўра дастлабки (тариҳий) қийматда ҳисобдан чиқарилишини кўрсатади. Бухгалтерия ёзувлари учун асос бўлиб АВ-1, АВ-3 шаклидаги далолатномалар ҳисобланади.

**01 – «Асосий воситалар ҳисоби» бўйича
очилган тегишли счетлар қўйидаги счетлар билан
корреспондентланади**

| Д-т | К-т |
|--|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| Сальдо: Уз асосий воситаларининг ой бошига бўлган дастлабки қиймати | |
| 08 - Капитал қўйилмалар натижасида ҳисобот ойида фойдаланишга берилган объектларнинг дастлабки қиймати | Сабабидан қатъий назар ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар объектининг дастлабки қиймати (сотилиши, тугатилиши, бепул берилиши, узоқ муддатли ижарага берилиши, бошқа корхонанинг устав капиталига пай бадаллари, камомад, табиий офат ва б.) |
| 4710 - Таъсисчилар томонидан кўйилма тарзида корхонанинг устав капиталига ўtkазилган асосий воситаларнинг келишилган қиймати Объектлар бепул олинганда: | |
| 8523 - а) қолдиқ қийматига 02 - б) эскиришга | |
| 0310 - Узоқ муддатли ижарага олиниб (сотиб олингандан сунг) корхона мулкига ўtkазилган асосий воситалар объективининг келишилган қиймати | - 9210 |

Бепул олинган мулк 8523 «Бепул олинган мулк» счетининг кредитида акс эттирилиб даромад (фойда) солиғига тортилади.

Давлат корхоналарида бепул олинган мулкларнинг қолдиқ қиймати 01 - счетнинг дебети ва 8513 «Пай ва қўйилмалар» счетининг кредитида акс эттириллади ва солиқقا тортилмайди.

Асосий воситалар сотиб олишнинг икки манбаи мавжуд: ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар. Бундан ташқари, асосий воситаларни бепул олиш бўлиши мумкин. Ўз маблағлар манбаи қуйидагилардан иборат: асосий воситаларни қопланган эскириши (амортизация қиймати); шунингдек корхонанинг соғ

фойдаси. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, фойдаланилган манбалар суммаси бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Шу муносабат билан корхонанинг тўлаш қобилиятини пасайишига олиб келувчи пул маблағларини иммобилизациясига йўл қўймаслик мақсадида бухгалтер кўрсатилган манбалар турлари, таркиби бўйича мавжудлиги, ташкил этилиши ва фойдаланиши суммаларининг расшифровкасини келтириш зарур. Бу маълумотлар капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқа молиявий қўйилмалар маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот маълумотномасини, шунингдек 4-шакл «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни» тўлдириш учун зарур.

Қарз манбалари - бу банклардан олинган кредитлар, юридик ва жисмоний шахслардан олинган қарзлар.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши (сотиш, жисмоний ва маъновий эскирганлиги, табиий оғат туфайли тугатилиши, бепул бериш ва б.) АВ-1 ва АВ-4 шаклидаги далолатномалар билан расмийлаштирилади. Уларда объектнинг дастлабки қиймати ва эскириши кўрсатилади. Инвентар карточка картотекадан олиниб далолатноматга илова қилинади ва асосий воситаларнинг турган жойлари бўйича инвентар карточкаси рўйхатига белги қўйилади.

Асосий воситаларни тугатиш ҳисоби 9210 - «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими» транзит счетида ҳисобга олинади. Бу счет корхонага тегишли асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқариш (тугатиш, ҳисобдан чиқариш, бепул бериши ва б.) лар жараёни тўғрисидаги маълумотни умумлаштириш, шунингдек уларни сотишдан олинган молиявий натижаларни аниқлаш учун тайинланган. Бу счетнинг дебетида тугатилган объектларнинг дастлабки қиймати ва уларни тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади. Кредитида - эскириш суммаси, мулкни сотишдан олинган тупум, мулкларни ҳисобдан чиқаришдан олинган материал қийматликларнинг фойдаланса бўладиган баҳода баҳоланиб киримга олиниши. 9210 - счетининг дебет обороти билан кредит обороти орасидаги фарки молиявий натижага ҳисобланиб, қолдиги кредитида бўлса - фойданы, дебетида қолса-зарарни кўрсатади. Аниқланган фойда қўйидаги проводка билан расмийлаштирилади:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

К-т 9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда»

Аниқланган зарар суммасига:

Д-т 9431 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими бўйича заарлар» (харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.3.15.11 моддаси)

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими»

Асосий воситаларни тутатишдан олинган фойда корхонанинг баланс фойдасига киритилиб белгиланган ставкада солиққа тортилади.

9210 - счет қуйидаги счетлар билан корреспондентланади:

**9210 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва
турли чиқими» счети**

| Д-т | К-т |
|---|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 01 - Тутатилган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати (сотиш, тутатиш, белул бериш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар) | Тутатилган асосий воситаларнинг эскириши суммаси -02 |
| 6710, Объектларни бузиши, 6520, демонтаж қилиш ва 2310 - сотиш бўйича харажатлар | Сотилган асосий воситалар бўйича олишга тегишли сумма -48 |
| 6410 - Сотилган асосий воситалар бўйича ККС суммаси | Асосий воситаларни тутатишдан олинган материаллар қиймати -10, 12 |
| 9310 - Асосий воситаларни тутатишдан олинган фойда | Асосий воситаларни тутатишдан кўрилган зарар Камомад сифатида аниқланган асосий воситалар қолдик қийматини ҳисобдан чиқариш - 9431 |
| | - |
| | 4630 |

1-Мисол. Эскирганлиги учун асосий восита обьекти ҳисобдан чиқарилди:

- а) дастлабки қиймати - 100000 с.
- б) ҳисобдан чиқариш кунига бўлган эскириши - 100000 с.
- в) обьектни бузиш учун иш ҳақи ҳисобланди - 5000 с.
- г) иш ҳақидан ижтимоий суғурта органига ҳисобланди - 2000 с.
- д) обьектни бузишдан материаллар қабул қилинди - 9500 с.
- е) обьектни ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда - 2500 с.

9210 - счет

| Корреспондентланувчи счетлар | | | |
|------------------------------|--------|--------------------|-----|
| Счетларнинг кредити | | Счетларнинг дебети | |
| 01 - | 100000 | 100000 | -02 |
| 6710 - | 5000 | 9500 | -10 |
| 6520 - | 2000 | | |
| 9310 - | 2500 | | |
| | 109500 | 109500 | |

2- Мисол. Эскирганлиги учун асосий восита объекти ҳисобдан чиқарилди:

- а) дастлабки қиймати - 150000 с.
- б) ҳисобдан чиқариш кунига бўлган эскириши - 150000 с.
- в) объектни бузиш учун иш ҳақи ҳисобланди - 10000 с.
- г) иш ҳақидан ижтимоий суғурта органига ажратма қилинди - 4000 с.
- д) объектни бузишда чет ташкилот хизматидан фойдаланилди - 6000 с.
- е) объектни бузишдан материаллар қабул қилинди - 7000 с.
- ж) объектни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар - 13000 с.

9210 - счет

| Д-т | Корреспондентланувчи счетлар | | К-т |
|---------------------|------------------------------|--------|-------|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети | | |
| 01 - | 150000 | 150000 | -02 |
| 6710 - | 10000 | 7000 | -10 |
| 6520 - | 4000 | 13000 | -9431 |
| 6010 | 6000 | | |
| | 170000 | 170000 | |

3-Мисол. Инвентаризация натижасида асосий воситалар объектининг камомади аниқланди:

- а) дастлабки қиймати - 30000 с.
- б) эскириши - 12000с.
- в) қолдик қиймати - 18000 с.

9210 - счет

| Д-т | Корреспондентланувчи счетлар | | К-т |
|---------------------|------------------------------|-------|-------|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети | | |
| 01 - | 30000 | 12000 | -02 |
| | | 18000 | -4630 |
| | 30000 | 30000 | |

4-Мисол. Асосий воситалар объекти сотилди:

- а) дастлабки қиймати - 80000 с.
- б) эскириши - 20000 с.
- в) келишилган баҳода сотилди - 90000с.
- г) ККС суммаси 20% - 18000 с.

9210 - счет

| Д-т | Корреспондентланувчи счетлар | | К-т |
|---------------------|------------------------------|--------|------|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети | | |
| 01 - | 80000 | 20000 | - 02 |
| 6410 - | 18000 | 90000 | - 48 |
| 9310 - | 12000 | | |
| | 110000 | 110000 | |

5-Мисол. Асосий воситалар объекти бепул берилди:

- а) дастлабки қиймати - 50000 с.
- б) эскириши - 20000 с.

Бу муомалага қўйдагича проводка берилади:

- 1) Д-т 9210 К-т 01 - 50000 с.
- 2) Д-т 02 К-т 9210 - 20000 с.
- 3) Д-т 9431 К-т 9210 - 30000 с.

Башартни шу обьект давлат корхонаси томонидан бепул берилса, қўйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади:

- 4) Д-т 9210 К-т 01 - 50000 с.
- 5) Д-т 02 К-т 9210 - 20000 с.
- 6) Д-т 8513 К-т 9210 - 30000 с.

6-Мисол. Табиий офат натижасида асосий воситалар обьекти йўқ қилинди:

- а) дастлабки қиймати - 70000 с.
- б) эскириши - 40000 с.

Бу муомалага қўйдагича проводка берилади:

- 1) Д-т 9210 К-т 01 - 70000 с.
- 2) Д-т 02 К-т 9210 - 40000 с.
- 3) Д-т 9431 К-т 9210 - 30000 с.

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисоби дастлабки ҳужжатларга асосан 13-журнал - ордерда юритилади.

5.5. АОСОИЙ ВОСИТАЛАР ЭСКИРИШИ (АМОРТИЗАЦИЯСИ) НИ ҲИСОБИ

Асосий воситалар обьектлари фойдаланиш жарабёнида аста - секин эскириб боради. Эскириши - асосий воситалар обьектларининг жисмоний сифатини йўқотиш ёки техник - иқтисодий хусусиятини йўқотишнинг қиймат кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳар бир корхона обдон эскирган асосий воситаларни тиклаш ва янгисини сотиб олиш учун маблағлар жамгарма (манбаи) сини таъминлаши зарур. Ишлаб чиқариш ҳаражатларига амортизация деб номланувчи ажратма суммаларини қўшиш йўли билан бундай жамгарма ҳосил қилинади.

Амортизация ажратмалар микдори асосий воситаларнинг дастлабки қийматидан фоизда белгиланиб, амортизация ажратма нормалари дейилади.

Амортизация суммаси ҳар ойда ҳисобот ойининг 1-санасига бўлган асосий воситалар бўйича сўмда (тийинсиз) ҳисобланади.

Янги қабул қилинган асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблаш қабул қилинган ойдан кейинги ойининг 1-санасидан бошланади, чиқиб кетган асосий воситалар бўйича - ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойининг 1-санасида тутатилади.

Қуйидаги асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ҳисобланмайди:

- маҳсулдор хайвонлар, қўтос, хўкиз, буғулар бўйича;
- кутубхона фонди бўйича;
- илмий - тадқиқот, тажриба - конструкторлик ва технология ташкилотлари қўшилган ҳолда бюджет ташкилотларининг маблағлари (фондлари) бўйича;
- белгиланган тартибда консервация қилинган фондлар бўйича.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексидан (23-модда) амортизация ажратмалар нормалари кўчирмасини келтирамиз.

| Асосий воситалар груухлари | Амортизация нормаси |
|---|---------------------|
| 1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, маҳсус инструментлар, инвентарлар, асбоблар. Компьютерлар, маълумотларни ишлаб чиқиш бўйича мослама ва асбоб-ускуналар | 20 фоиз. |
| 2. Юк автомашиналари, автобуслар, маҳсус автомобиль ва автоуловлар. Барча саноат тармоқлари учун машина ва асбоб-ускуналар; литейний ишлаб чиқариш, кузнечно-пресслаш асбоб-ускуналари, қурилиш асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик машина ва асбоб-ускуналари. Офис учун мебеллар | 15 фоиз |
| 3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорт воситалари. Куч машиналари ва асбоб-ускуналар: технологик асбоб-ускуналар, турбина асбоб-ускуналари, электрдвигателлар ва дизел-генераторлар. Электррузатиши ва алоқа мосламалари. Трубопроводлар. | 8 фоиз |
| 4. Бинолар, иншоотлар ва қурилишлар | 5 фоиз |
| 5. Бошқа груухларга қўшилмаган амортизацияланувчи активлар | 10 фоиз |

Амортизация турли усулларда ҳисобланади. 5 - БХМА «Асосий воситалар» нинг 23 ва 24- моддаларига биноан қўйидаги усулларни қўллаш мумкин:

- бир текисда (тўғри линияли) амортизация ҳисоблаш;
- бажарган иш ҳажмига мутаносиб - ишлаб чиқариш амортизация ҳисоблаш;
- икки амортизация нормаси қўлланилган ҳолда камайиб борувчи қолдик бўйича амортизация ҳисоблаш;
- йиллар жами усули (кумулятив усули) да амортизация ҳисоблаш.

Юқорида айтилган амортизация ҳисоблаш усулларини мисолларда кўриб чиқамиз.

A. Бир текисда амортизация ҳисоблаш усули

$$\text{Эскириш суммаси} = \frac{\text{Дастлабки қиймати} - \text{тугатиш қиймати}}{\text{Мўлжалланган хизмат муддати}}$$

Станокни олайлик, унинг дастлабки қиймати - 10000, тугатиш қиймати - 1000, хизмат муддати - 5 йил. Ҳар йилги амортизация суммаси 1800 га teng (10000-1000):5.

B. Бажарилган иш ҳажмига мутаносиб амортизация ҳисоблаш

$$\text{Эскириш суммаси} = \frac{\text{Дастлабки қолдик} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Кутилаётган хизмат муддати}} = \frac{10000 - 1000}{10000 \text{ соат}} = 0,9$$

Хизмат муддати ичida бажарилган иш миқдори

- 1 - йили $1800 \times 0,9 = 1620$
- 2 - йили $2000 \times 0,9 = 1800$
- 3 - йили $2500 \times 0,9 = 2250$
- 4 - йили $1500 \times 0,9 = 1350$
- 5 - йили $1200 \times 0,9 = 1080$
- 6 - йили $1000 \times 0,9 = 900$

Жами 10000 соат 9000

C. Камайиб борувчи қолдик бўйича амортизация ҳисоблаш

Бу усулда эскириш ҳисоблашнинг хохлаган қаттиқ ставкаси қўлланилади, лекин кўпинча тўғри линияли усулда қўлланиладиган норманинг иккилангани олинади.

Мисол. Амортизация нормаси 20% бўлган ўша станокнинг иккиланган нормаси 40% бўлади. Бу икки марта кўпайтирилган амортизация нормаси ҳар гал йил охиридаги қолдик қийматидан топилади.

**Камайиб борувчи қолдиқ бўйича амортизация
ҳисоблашга мисол**

| | Даст- лабки қиймати | Йиллик амортизация суммаси | Жамға- рилган эскириш | Қолдиқ қиймат |
|--------------------|---------------------------|-------------------------------|-----------------------------|------------------|
| Сотиб олинган сана | 10000 | - | - | 10000 |
| 1-йил охири | 10000 | (40% \times 1000:100)=4000 | 4000 | 6000 |
| 2-йил охири | 10000 | (40% \times 6000:100)=2400 | 6400 | 3600 |
| 3 йил охири | 10000 | (40% \times 3600:100)=1440 | 7840 | 2160 |
| 4-йил охири | 10000 | (40% \times 2160:100)=864 | 8704 | 1296 |
| 5-йил охири | 10000 | (40% \times 1296:100)=296 | 9000 | 1000 |

Д. Кумулятив (йиллар жами) усулида амортизация ҳисоблаш

Амортизация суммаси ҳисоблаш коэффициентининг маҳражи бўлган объектнинг хизмат муддати йиғиндиси билан аниқланади. Бу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат муддат охиригача қоладиган йиллар сони кўрсатилади (тескари тартибда).

Мисол. Ўша 5 йил хизмат қиласидаган станок.

I. Хизмат йилларининг йиғинди сони (кумулятив сони) 15 (1+2+3+4+5)

II. Касрлар тузамиз – $\frac{5}{15}; \frac{4}{15}; \frac{3}{15}; \frac{2}{15}; \frac{1}{15}$

III. Касрлар сони амортизацияланадиган қийматига кўпайтирилади.

IV. Кумулятив усулида амортизация ҳисобланганда амортизация ҳисоблаш жадвали қўйидаги кўринишида бўлади:

| | Даст- лабки қиймати | Йиллик амортизация суммаси | Жамға- рилган эскириш | Қолдиқ қиймат |
|--------------------|---------------------------|-------------------------------|-----------------------------|------------------|
| Сотиб олинган сана | 10000 | - | - | 10000 |
| 1-йил охири | 10000 | (5:15 \times 9000)=3000 | 3000 | 7000 |
| 2-йил охири | 10000 | (4:15 \times 9000)=2400 | 5400 | 4600 |
| 3-йил охири | 10000 | (3:15 \times 9000)=1800 | 7200 | 2800 |
| 4-йил охири | 10000 | (2:15 \times 9000)=1200 | 8400 | 1600 |
| 5-йил охири | 10000 | (1:15 \times 9000)=600 | 9000 | 1000 |

Бухгалтерия ҳисоби қўлда юритилса, (автотранспортдан ташқари) барча асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалар суммаси 6- шаклдаги ишлов жадвалида ҳисоблаб топилади.

б-шакл ишлов жадвали

| Ка- тор № | Асосий восситаларнинг турлари (амортизация ажратма гурухлари) | Ойлик амор- тиза- ция нормаси | Фойдаланиш жойи (цех, бўйлум) | | 1-цех | 2-цех | Ишлаб чикариш | Ердамчи ишилаб | Завод бошқар- маси |
|-----------------|---|---|-------------------------------------|-------|-------|-------|------------------|-------------------|--------------------------|
| | | | объект- | амор- | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |

КИДИММ

- | | | | | | | |
|----|--------------------|-------|--------|------|--------|------|
| 1. | Офислар учун мебел | 1.25 | 35000 | 437 | 3500 | 437 |
| 2. | Алока курсламалари | 0.667 | 20000 | 133 | 20000 | 133 |
| | Жами кирдим | | +55000 | +570 | +55000 | +570 |
| | Чиқим: | 0.558 | -3500 | -20 | | |

Давоми

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
|--|--|---|------|---|------|---|------|---|-----|----|------|-----|
| Б. Барча объектлар бўйича (кургам, чиким ва олдинни ой бошига колдик) | | | | | | | | | | | | |
| 24 | Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва цех транспортни бўйича | | | | | | | | | | 3500 | -20 |
| | Кирими бўйича +, чи-кими бўйича - (+ ёки -) | | +570 | | +570 | | | | | | | |
| | Олдинги ойда хисобланди (+) | | 1890 | | 1240 | | 600 | | 50 | | | |
| | Хисобот ойда акс этирилиши | | 2460 | | 1810 | | 600 | | 50 | | | |
| 27 | Автотранспортдан бошқа барча объектлар бўйича | | | | | | | | | | | |
| | Кирими минус, чиқими + (+ ёки -) | | -20 | | | | | | | | 20 | |
| | Олдинги ойда хисобланди (+) | | 5608 | | 3000 | | 774 | | 214 | | 1620 | |
| | Хисобот ойда акс этирилиши | | 5588 | | 3000 | | 774 | | 214 | | 1600 | |
| | Фойдаланишдаги асосий воситалар бўйича жами | | 8048 | | 4810 | | 1374 | | 264 | | 1600 | |

Январ ойи бўйича амортизация ажратма ҳисобини тузиш учун 1 январ ҳолатига бўлган корхонадаги барча асосий воситаларни жойлашган жойлари ва белгиланган ягона амортизация ажратма нормалари бўйича гурухлаш зарур. Бунинг учун инвентар карточкалари асосий воситаларни жойлашган жойлари бўйича, унинг ичида эскириш нормалари бўйича сараланди.

Кейинчалик феврал ойи бўйича амортизация ажратма ҳисоблашга мавжуд инвентар карточкаларга ва б- шакл ишлов бериш жадвалининг «А» бўлимига январ ойидаги асосий воситалар кирими ва чиқими қийматини ёзиб қўяди.

Шундан сўнг январ ойида киримга олинган ва чиқиб кетган асосий воситалар бўйича ойлик, яъни йиллик норманинг 1/12 миқдорида, амортизация ажратма ҳисобланади. Ҳисобланган амортизация суммаси асосий воситаларнинг турига қараб «Б» бўлимининг 24 ёки 27- қаторига ёзиб қўйилади. Шундан кейин январ ойи ҳисобидан амортизация суммаси 25 ва 28 қаторларга ёзилади.

31- қаторда умумий жами ҳисоблаб ёзилади. Агар олдинги ойда асосий воситаларнинг кирими ва чиқими содир бўлмаса, олдинги ой учун ҳисобланган амортизация қанча бўлса, жорий ой учун ҳам шунча бўлади.

Шундай қилиб, ҳисобот ойи учун ҳисобланадиган амортизация олдинги ой бўйича ҳисобланган амортизация плюс олдинги ойда келиб тушган асосий воситалар амортизацияси, минус олдинги ойда чиқиб кетган асосий воситалар амортизация суммасига teng. Асосий воситалар амортизациясини ҳисоблаш амортизация ажратмалар суммасини тегишли счетларга ёзиш учун асос бўлади.

Д-т 2010, 2310, 2510, 9423 ва бошқа счетлар

К-т 0211 - 0299- счетлар

0211 - 0299- счетлари мулкчилик ҳуқуқи асосида корхонага тегишли ва у томонидан узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счетлар пассив бўлиб, кредит қолдиги нафақат корхонанинг барча асосий воситаларининг эскириш суммасини, балки амортизация ажратмалари орқали уларнинг қийматини қопланган суммасини ҳам акс эттиради; дебет обороти - сабабидан қатъий назар ҳисобдан чиқарилган обьектларнинг эскириш суммасини кўрсатади; кредит обороти эса - ҳисобот ойида ҳисобланган амортизация (эскириш) суммасини кўрсатади.

Амортизация ҳисоблаш йўли билан асосий воситаларнинг дастлабки қиймати тўлиқ қоплангандан сўнг амортизация ҳисоблаш тўхтатилади.

0211 - 0299- счетларнинг ҳисоби дастлабки ҳужжатлар (далолатнома, амартизация ҳисоби, ҳисоблаш - маълумотлари ва б.) га асосан 13- журнал - ордерда юритилади. Бу журнал ордерда 0211 - 0299- счетларнинг аналитик маълумотлари асосий воситаларнинг турухлари бўйича сальдо ва оборотлари кўрсатилган ҳолда юритилади. Асосий воситаларнинг эскириш ҳисоби ҳар бир объектлар бўйича юритилмайди. Лекин зарур бўлган ҳолларда объектлар бўйича эскириш миқдори дастлабки қиймати ва инвентар карточкасида кўрсатилган амортизация нормаси бўйича ҳисоблаш йўли билан топилади.

0211 - 0290- счетлари

| Д-т | К-т |
|--|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 9210 - Тугатилган, корхона балансидан чиқарилган асосий воситалар объектлари бўйича эскириш суммаси | Сальдо: ой бошига ўз объектларнинг эскириш суммаси Ҳисобот ойи бўйича -08, 20, ҳисобланган амортизация 23, 25, (эскириш) суммаси 9423 Жорий ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси -9439 Узоқ муддатли ижарадан корхонанинг мулкига ўтказилган (сотиб олингандан сўнг) асосий воситалар бўйича эскириш -0299 суммаси |

0299 «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши» счети

| Д-т | К-т |
|---|--|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 0220- Объектларни ижарачи мулкига 0290 - ўтказиб беришда узоқ муддатли ижара даврида ҳисобланган амортизация суммасининг ҳаммасини ҳисобдан чиқарилиши Шунинг ўзи объектлар ижарага 0310 - берувчига қайтарилганда | Сальдо: Ижаранинг бошидан жорий ойгача ҳисобланган эскириш суммаси Кўрсатилган -08, 20, объектлар бўйича 23, 25, ҳар ойда 36, 29 ҳисобланадиган эскириш |

5.6. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАЪМИРИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

Асосий воситаларни иш ҳолатида сақлаш ва барвақт эскиришини олдини олиш учун улар вақти – вақти билан таъмирланиши зарур. Ҳажми ва характеристига қараб таъмирлаш икки ҳил бўлади: обдон (капитал) ва жорий.

Асосий воситаларнинг обдон таъмирланиши шундай таъмирлашки, унда бино ва иншоотлар, машина ва агрегатларнинг конструктив қисмлари, шу жумладан иккинчи даражали қисм ва деталлари алмаштирилади. Таъмирлаш даврида объектдан фойдаланиш тўхтатилиди.

Объектларни иш ҳолатида сақлаш мақсадида - уларнинг асосий бўлмаган қисмларини алмаштириш, тўғрилаш ёки таъмирлаш асосий воситаларнинг жорий таъмири дейилади.

Корхоналар асосий воситалар таъмирини хўжалик ва пудрат усулида олиб бориши мумкин.

Хўжалик усулида корхоналар асосий воситалар таъмирини ўзининг устахонасида ва турган жойларида олиб борадилар. Пудрат усулида асосий воситалр таъмири чет ташкилотлар - таъмирлаш корхоналари томонидан бажарилади. Обдон ва жорий таъмирлаш харажатларини қоплаш манбай бир ҳил - оборот маблағлари ҳисобидан қопланниб ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш, хизматлар таниархига қўшилади ёки давр харажатлари таркибига киритилади. Асосий воситалар объектларини таъмирлаш харажатлари маҳсус ташкил этилган таъмирлаш резерви ҳисобидан ҳам қопланниши мумкин. Резерв суммаси корхона томонидан мустақил белгиланган норматив миқдорида ҳар ойда маҳсулот, иш ва хизматлар таниархига ёки давр харажатларига киритилади. Норматив қатъий белгиланган суммада ёки асосий воситаларнинг дастлабки қийматидан маълум фоизда беш йил муддатига ишлаб чиқилади. Ташкил этилган резервнинг тўғрилиги ва ундан фойдаланиш даражаси вақти - вақти билан (йил охирида албатта) смета ва ҳисоб маълумотлари билан текшириб турилади ва зарур бўлса тузатиш киритилади.

Резерв суммасини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш ҳисоби 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счетининг «Асосий воситаларнинг таъмири бўйича келгусидаги харажатлар резерви» моддасида юритилади. Бу счет пассив бўлиб, унинг сальдоси кўрсатилган ишлар бўйича, яъни мақсадли тайинланиши бўйича фойдаланилмаган резерв суммасини кўрсатади. Дебет обороти таъмирлаш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун фойдаланилган резервни кўрсатади; кредит обороти таниархга

ёки давр харажатларига қўшиш йўли билан ҳар ойда ташкил этилган резервни кўрсатади.

Таъмирлаш қайси усулда бажарилишидан қатъий назар таъмирланган асосий воситалар объектлари АВ-2 шаклидаги қабул - қилиш топшириш далолатномаси билан қабул қилинади. Бу далолатноманинг шакли қуйида келтирилади.

АВ-2 шакли

Корхона, ташкилот

Тасдиқлайман корхона раҳбари

имзо

Фамилляси, И. О

200 йил « »

Таъмирланган, реконструкция ва модернизация қилинган
объектларни қабул қилиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

| Хужжат номери | Тузилган санаси | Асосий воситаларни бутлигига масъулиятли шахснинг коди | Операциялар турининг коди |
|---------------|-----------------|--|---------------------------|
| | | | |

| Цех, бўлим, участка, линия | Дебет | | Кредит | | Сумма | Номер | |
|-------------------------------------|-------|-------------------------------|--------|-------------------------------|-------|----------|-------|
| | счет | аналитик ҳисобнинг коди | счет | аналитик ҳисобнинг коди | | инвентар | завод |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |

Буюртма бўйича № _____
объектнинг номи _____

режали таъмирлаш (реконструкция, модернизация) да турди
режасиз

дан _____ гача, яъни _____ кун
Нуқсонлар ведомостда назарда тутилган _____ таъмир ишлари
(реконструкция; модернизация) тўлик _____ бажарилди
тўлик эмас

кўрсатинг, айнан пималар бажарилмади
_____ таъмири (реконструкция, модернизация)
тугагандан сўнг синовдан ўtkазилади ва фойдаланишга
топширилди.

АВ- 2 Шаклининг орқа томони

Реконструкция, модернизация билан боғлиқ бўлган
объектнинг таърифидаги ўзгаришлар

Топширдим _____
лавозими, имзоси, фамилияси и. о.

Маълумотнома (справка)

1. Ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажмининг смета
қиймати сўм _____
таъмири, реконструкцияси, модернизацияси _____
2. Ҳақиқий қиймати, сўм _____
таъмири, реконструукияси, модернизацияси _____

Бош бухгалтер

8910 «Келгуси харажат ва тўловлар резерви» счетида
содир бўладиган муомаларнинг аналитик ҳисоби алоҳида
резервлар бўйича 15- ведомостда, синтетик ҳисоби 10/1 журнал
ордерида юритилади.

Кўйида асосий воситалар таъмири бўйича келгусидаги
харажатлар резерви ҳисобини схемаси келтирилади.

**8910 «Келгусидаги харажатлар ва тўловлар
резервлари» счети**

| Д-т | К-т |
|------------------------------|---|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| | Сальдо: Ташкил этилган ва фойдаланилмаган резерв суммаси |
| 6010- | Бажарилган асосий воситаларнинг обдон ва жорий таъмири бўйича пудратчиларнинг тўлов хўжжатларини акцептлаш Хўжалик усулида бажарил- ган асосий воситаларнинг жо- рий таъмири бўйича қилин- ган ҳақиқий харажатлар |
| 02,05, 10, 12, 13, | Жорий ойда -2510, ташкил 9429 этилган резерв суммаси |
| 6710, 6520- | |
| 20, 23, 25- | Хўжалик усулида бажарилиб тутатилган обдон таъмир бўйича қилинган ҳақиқий харажатларни ҳисобдан чиқариш |

5.7. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ

Инвентаризациянинг асосий мақсади корхонанинг асосий фондларини ҳақиқий борлигини ва сифат ҳолатини аниқлаш, техник ҳужжатларини (паспорти, таърифи, лойиҳаси ва ш. к.) текшириш, бухгалтерия маълумотларини аниқлашдан иборат.

Асосий воситалар инвентаризацияси 5 ва 19- БҲМА бўйича амалга оширилади. 5- БҲМА белгилари бўйича асосий воситаларнинг ҳақиқий мавжудлигини ва уларнинг бутлигини назорат қилиш мақсадида улар субъектлар томонидан вақти - вақти билан, лекин камида икки йилда бир марта инвентаризация қилинади.

Инвентаризация корхона раҳбарининг буйруги билан тайинланган комиссия томонидан амалга оширилади. Асосий воситалардан тўғри фойдаланиш ва сақланишини текшириш ҳам комиссиянинг вазифасига киради. У корхонага керакли бўлган обьектларни аниқлаб, улар бўйича алоҳида ведомость тузиши керак. Инвентаризация ўтказиш натижаси бўйича инв.-1 шаклида инвентаризация рўйхати тузилади. Бу шаклини қуидида келтирамиз.

Инв.-1 шакли

1 - сонли асосий воситалар инвентаризация рўйхати
Асосий воситалар - бинолар, станоклар ва асбоб-ускуналар
Жойланган жой - 01- цех

Тилхат

Инвентаризациянинг бошланиш вақтига қийматликлар бўйича барча кирим ва чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилган, ва менинг (бизнинг) масъулиятимга қабул қилинган барча қийматликлар киримга олинган, чиқиб кетгани - харажатга ўтказилган.

Моддий жавобгар шахс: **Хакимов**

Цех бошлиғи **Бокиев**, цех бошлиғи **Расулов**, цех бошлиғи **Губанов**.
лавозими фамилияси

102- сонли буйруқка асосан
20 октябр 21 октябр «_____»

200 ____ йил 200 ____ йил 200 ____ йил

01- счетда қуидаги сана холатига бўлган ҳақиқий қолдиги кўчириб ёзилди

200 ____ йил 1 ноябрга
200 ____ йил 1 ноября

«_____» _____

1-инв. шаклининг 2 ва 3-бетлари

| Инвен- тар номери | Номи ва қисқача таърифи | Чиқа- рилган йили | 200_ йил 1-ноябрга ҳисобдагиси | | | |
|-------------------------|---|-------------------------|--------------------------------|-----------------|---|-----------------|
| | | | ҳақиқий борлиги | | бухгалтерия ҳисоби маълу- моти бўйича | |
| 1025 | Цех биноси Токар станоги T-19 ва ҳ. к. Жами | 1980 1984 | сон, дона | қиймати, сўм | сон, дона | қиймати, сўм |
| | | | 3 | 200000 | 3 | 200000 |
| | | | 1 | 18000 | 1 | 18000 |
| | | | | | | |
| | | | 70 | 500000 | 70 | 500000 |

Инв.- 1 шаклининг 4- бети

| 200_ йил 1-ноябрга ҳисобдагиси | | | | 200_ йил 1-ноябрга ҳисобдагиси | | | | Ҳисоб- дан чиқа- рилган- лиги | | | |
|--------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|--------------------------------|----------------------|---------------------------------|----------------------|---|-------------------------|---|-------------------------|
| ҳақиқий борлиги | | бухгалтерия ҳисоби бўйича | | ҳақиқий борлиги | | бухгалтерия ҳисоби бўйича | | Ҳисоб- дан чиқа- рилган- лиги | | Ҳисоб- дан чиқа- рилган- лиги | |
| сон, дона | қий- мати, сўм | сон, дона | қий- мати, сўм | сон, дона | қий- мати, сўм | сон, дона | қий- мати, сўм | тўғри- сида белги | тўғри- сида белги | тўғри- сида белги | тўғри- сида белги |
| 1 | 200000 | 1 | 200000 | | | | | | | | |
| 2 | 1200 | 2 | 1200 | | | | | | | | |

Рўйхат бўйича жами: а) тартиб номери

етмиш
сўз билан

б) суммаси, сўм

беш юз минг
сўз билан

Комиссия раиси:

завод директорининг ёрдамчиси Цой
Лавозими, Ф. И. О. имзо

Комиссия аъзолари:

бош бухгалтер ёрдамчиси Шашматова Т. В

цехнинг катта инженери Туманская З. Д

Мазкур инвентаризация рўйхатида 1 дан 70 гача номланган қийматликлар менинг олдимда (бизнинг олдимизда) комиссия томонидан натура шаклида текширилди ва рўйхатга олинди, шу муносабат билан инвентаризация комиссиясига даъвоим (даъвоимиз) йўқ. Рўйхатда келтирилган қийматликлар менинг (бизнинг) масъулиятимда (масъулиятимизда) турибди. Моддий жавобгар шахс (шахслар) Хакимов.

200 ____ йил 30 октябр

Мазкур рўйхатдаги маълумотлар ва ҳисоблашлар 200 ____ йил 3 ноябрда текширилди.

Материал бўлимининг бухгалтери

имзо

Бу шаклнинг 4- бети уч марта тақрорланади, чунки мазкур рўйхатдан уч марта инвентаризация ўтказишида фойдаланиш мумкин.

Инвентаризация бошланди 200 йил 28 октябрда

Инвентаризация тутатилди 200 йил 30 октября.

Мазкур асосий воситаларнинг инвентаризация рўйхати асосий воситаларнинг сақланиши учун масъулиятли лавозимли шахслар ва ҳар бир қийматликларнинг жойлашган жойлари бўйича комиссия томонидан бир нусхада тузилади. Рўйхат комиссия ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланиб, бухгалтерияга берилади. Асосий воситаларни ҳар йили инвентаризация қилинда бухгалтериянинг иш ҳажмини камайтириш мақсадида инвентаризация рўйхати инвентаризация маълумотларини уч санага акс эттириш учун тайинланган.

Бухгалтерия ҳисоби билан инвентаризация натижалари маълумотлари орасидаги фарқ бухгалтерияда инв. - 18 шаклидаги таққослаш ведомостини тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Инв. -18 шакли
200 йил ҳолатига асосий воситаларни инвентаризация натижаларини таққослаш ведомости.

200 йил «...» даги бўйруқقا асосан лавозими, фамилияси

масъулиятли сақлашда турган асосий воситаларнинг ҳақиқий борлиги инвентаризация қилинди.

Инвентаризация бошланди 200 йил «...»

Тутатилди 200 йил «...»

Инвентаризацияда аниқланди:

| Тартиб номери | Номи ва қисқача таърифи | Чиқарилган (тайёрланган) йили | Инвентаризация натижалари | | | |
|---------------|-------------------------|-------------------------------|---------------------------|--------------|---------------|--------------|
| | | | ортиқча | | кам | |
| | | | сони, дона | қий- мати | сони, дона | қий- мати |
| | | | | | | |

Бухгалтер

Таққослаш натижалари билан таништирилди

Моддий жавобгар шахснинг имзоси

Бухгалтерия ҳисобида йўқ бўлган обьектлар рўйхатга ёзилади ва ҳозирги (жорий) қийматда баҳоланади. Бунда эскириши обьектнинг ҳақиқий ҳолатига қараб аниқланади. Етишмаган маълумотлар комиссия томонидан инвентаризация рўйхатига ёзиб қўйилади. Инвентаризация маълумотлари

таққослаш йўли билан ҳисоб (инвентар карточкалар) маълумотлари билан солиширилади. Ҳисобда акс эттирилмаган асосий воситалар қийматини кўпайтирувчи ёки асосий воситалар дастлабки қийматини камайтирувчи капитал ишлар аниқланса, комиссия далолатнома тузади ва обьектнинг дастлабки қийматини кўпайтирувчи ёки камайтирувчи суммани аниқлайди.

Ортиқча чиққани фойдаланишда бўлган олдин ҳисобга олинмаган, бепул қабул қилинган асосий воситалар каби киримга олинади.

1- Мисол. Ортиқча чиққан асосий воситалар обьекти аниқланди:

- а) дастлабки қиймати - 10000 с
- б) эскириши - 4000 с

Д-т 0112 - 0190- счетлари - 10000 с

К-т 0212 - 0290- счетлари - 4000 с

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар» - 6000 с

Инвентаризация натижасида асосий воситалар таркибида турган арzon ва тез эскирувчи буюмлар (АТБ) аниқланиши мумкин. Асосий воситаларни АТБ таркибиغا ўтказиш қўйидагича расмийлаштирилади:

2- Мисол. Асосий воситалар таркибида нотўғри ҳисобга олинган АТБ аниқланди:

а) асосий воситалар таркибидан чиқариладиган АТБ нинг дастлабки қиймати - 1500 с

- б) эскириши - 500 с

Д-т 1220 «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар» - 1500 с

К-т 0140, 0150, 0190 - 1500 с

Д-т 0240, 0250, 0290 - 500 с

К-т 1310 «АТБ нинг эскириши» счети - 500 с

АТБ бўйича 50% ёки 100% қўшимча эскириш ҳисоблаш қўйидагича расмийлаштирилади:

Д-т 20, 23, 25, 9429 - ишлаб чиқариш счетлари ёки давр харажатлари

К-т 1310 «АТБ нинг эскириши» счети

Қонунчиликка биноан эскириш суммасининг ўзгариши ёки қўшимча ҳисоблаш ёки ортиқча ҳисобланган бўлса, сторно йўли билан ўзгартирилади. Асосий воситаларнинг камомади тутатилишдек расмийлаштирилади, лекин асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахснинг зиммасига ёзиб қўйилади.

3- Мисол. Асосий воситалар обьектининг камомади аниқланди:

- а) дастлабки қиймати - 5000 с
- б) эскириши - 2000 с

- в) қолдиқ қиймати - 3000 с
- г) обьектнинг қолдиқ қиймати моддий жавобгар шахсга ўтказилади - 3000 с.
- а) Д-т 9210 - 5000 с
К-т 01 - 5000 с
- б) Д-т 02 - 2000 с
К-т 9210 - 2000 с
- в) Д-т 4630 - 3000 с
К-т 9433 - 3000 с
Шу билан бирга
Д-т 9433 - 3000 с
К-т 9210 - 3000 с

Агар асосий воситалар обьектининг қолдиқ қиймати билан бозор баҳоси орасида ижобий фарқ бўлса, корхона раҳбари бир неча марта ортиғи билан ёки аукцион баҳоси бўйича ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

4- Мисол. Асосий воситалар обьектининг камомади аниқланди:

- а) дастлабки қиймати - 6000 с
- б) эскириши - 1500 с
- в) қолдиқ қиймати - 4500 с
- г) моддий жавобгар шахсдан обьектнинг қолдиқ қийматидан икки марта ортиқ ундириб олишга қарор қилинди - 9000 с.
- а) Д-т 9210 - 6000 с
К-т 01 - 6000 с.
- б) Д-т 02 - 1500 с
К-т 9210 - 1500 с.
- в) Д-т 9433 - 4500 с
К-т 9210 - 4500 с
- г) Д-т 4630 - 9000 с
К-т 9433 - 4500 с
К-т 6210 - 4500 с

Камомаднинг ундириб олинишига қараб 6210- счетидан чиқарилиб 9310- счетига ўтказилади.

АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАР ҲИСОБИ

6.1. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАР ҲИСОБИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида шундай буюмлардан фойдаланадиларки, улар бир белгиси бўйича асосий воситаларни эслатса, иккинчи белгиси бўйича материал қийматликларни эслатади. Бундай буюмлар арzon ва тез эскирувчи буюмлар (АТБ) дейилади. АТБ ҳисобини ташкил этиш принциплари ва унинг вазифаларини англаш учун авваламбор улардан фойдаланиш хусусиятларини, шунингдек уларнинг таснифини билиб олиш керак. АТБ асосий воситалар каби фойдаланиш жараёнида ўз натура шаклини ўзgartирмайди ва аста-секин эскиради. Буюмлардан маълум натура шаклида нисбатан узоқ фойдаланилиши уларни ҳисобини ташкил этилишига таъсири қиласди.

4-сонли БХМА «Товар-материал заҳиралари» нинг 6-моддасига биноан АТБ - бу бир йилдан кам хизмат қиладиган хўжалик инвентарлари, восита ва меҳнат буюмлариридир.

АТБ корхонанинг айланма маблағлар таркибига киради. Демак, фойдаланиш нуқтаи назаридан АТБ асосий воситаларга ўхшайди, уларни сотиб олиш ва ҳисобга олиш нуқтаи назаридан эса - материалларга ўхшайди. АТБнинг асосий воситалар билан материаллар орасидаги ўрталик ҳолати уларнинг ҳисобини ташкил этиш хусусиятини белгилайди.

Арzon ва тез эскирувчи буюмлар корхонанинг омборида ва айрим масъулиятили шахсларнинг масъулиятида фойдаланишда бўлиши мумкин. Шунга қараб АТБнинг ҳисоби қуйидаги счетларда ҳисобга олинили мумкин:

- 1210 «Омбордаги арzon тез эскирувчи буюмлар»
- 1220 «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар»
- 1230 «Вақтингчалик (титулсиз) иншоотлар»

АТБнинг экириши 1310-«Арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг экириши» счётида ҳисобга олинади.

Таркиби ва корхонадаги функционал роли бўйича АТБ қуйидагича таснif қилинади:

1. Инструментлар ва мосламалар:

- умумий фойдаланишдаги инструментлар ва мосламалар.

Буларга қирқувчи, абразив, тепки, темирчилик, слесар-йигувчи, ўлчов ва бошқа универсал фойдаланиладиган инструментлар ва мосламалар киради. Шунинг учун инструмент ва мосламаларга нисбатан «умумий

фойдаланишдаги» сўзи шуни билдирадики, улар маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас;

- маҳсус инструмент ва мосламалар. Буларга айрим турдаги маҳсулот (бир ёки бир неча буюмлар)га беркитилган детал, узелларга ишлов беришда қўлланиладиган қиркув ва бошқа инструментлар, шунингдек мослама (совуқ ва иссиқ штампалар, моделлар, прессформалар ва ш. к.) лар киради. Шунинг учун маҳсус инструментлар ва мосламалар ҳар доим фақат маълум маҳсулотта ишлов бериш билан боғлиқ.

2. Алмашиладиган (алмашувчи) асбоб - ускуналар. Бу машинанинг тегишли эскирган қисмини таъмирсиз алмашиб учун фойдаланиладиган қисимлари (тўқимачилик фабрикаларида ченоклар, металлургия заводларида валкалар ва прокат станлари).

3. Арzon хўжалик инвентарлари. Бу - хўжалик эҳтиёjlари учун фойдаланиладиган буюмлар (идора мебеллари, соатлар, ўт ўчиргичлар ва ш. к.).

4. Маҳсус кийим ва маҳсус пойафзаллар. Буларга ишлаб чиқаришнинг соғлиқ учун зарарли шароитларидан индивидуал ҳимоя қилиш буюмлари ёки усти - бошни тез эскиришидан сақловчи буюмлар (қўлқоплар, кўз ойнаклар, фартиқлар, комбензонлар, пўстинилар ва ш. к.) киради. Бундай буюмлар ишчиларга тасдиқланган норма бўйича маълум бир муддатга берилади ёки фақат иш вақтида берилади. Буларнинг айримлари бепул, бошқалари - пулга берилади.

5. Кўрна - тўшаклар. Буларга корхона ётоқхоналарида фойдаланиладиган ёстиқлар, тўшаклар, чойшаблар, ёстиқ жилдлари киради.

Демак, АТБнинг ҳар бир кўrsатилган гуруҳлари корхонада улардан фойдаланиш ва ҳисобга олишда ўз хусусиятига эга.

АТБни сотиб олиш ва уларни омборларда сақлаш материаллар киримини ҳисобга олиш ва сақлашга ўхшаган. Шунинг учун АТБни сотиб олиш ва омборларда сақлаш ҳисобини тақорроламасдан фақат уларни фойдаланишга бериш пайтидан бошлаб ҳисобини ташкил этишини кўриб чиқамиз.

Фойдаланишга берилган АТБ аста - секин эскиради ва кераксиз бўлиб қолиши ёки эскириши натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Барча келтирилган муомалаларни АТБ нинг ҳар бир гуруҳлари бўйича ҳисобда алоҳида акс эттириш зарур. Чунончи фойдаланишга берилган АТБ маълум шахсларнинг маъсулиятида турганлиги учун, ҳисоб маддий жавобгар шахслар бўйича ташкил этилиши керак. АТБ ни фойдаланиш жойига қараб уларнинг эскириши ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига ўтказилади. Шунинг

учун бу буюмлар эскиришини ҳисоби харажатларнинг таркибий қисмидек таъминланиши керак.

АТБ ҳисобини вазифалари қуийдагилардан иборат:

- АТБ ҳаракатини тўғри ҳужжатлаштириш ва ҳисобда ўз вақтида акс эттириш;

- АТБ нинг бутлиги устидан назорат қилиш, уларнинг қолдиги тўғрисида аниқ ахборотни олиш, қолдиқларни ҳақиқийси билан teng келиши ва ҳолати устидан назорат қилиш;

- АТБ дан тўғри фойдаланиш ва фойдаланишга яроқсиз бўлган буюмларни аниқлаш устидан назорат қилиш;

- АТБ эскиришини тўғри ҳисоблаш ва уни ишлаб чиқариш харажатларига тўғри ўтказиш.

АТБ нинг турларини кўплиги ҳисоб ходимларидан ҳисобнинг бу участкасига катта эътибор беринади талаб қиласи. Бундай буюмларга бепарволик билан қараш натижасида уларнинг кўпчилиги норматив муддатидан олдин яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан муддатидан олдин қонунсиз ҳисобдан чиқариб, ўзлаптириб олишга уринишлар бўлиши мумкин. Корхона харажатларини, демак фойдасини, тўғри ҳисоблаш фойдаланишда турган АТБ нинг эскиришини ҳисоб ходимлари томонидан аниқ ва ўз вақтида ҳисоблаб топишига боғлик.

6.2. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БЮЮМЛАР ҲАРАКАТИ ҲИСОБИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

АТБ нинг кўпчилиги инструментлар ва мосламалардан иборат. Сотиб олинган тайёрланган арzon инструментлар ва мосламалар марказий инструментал омборига (МИО) қабул қилинади. Улар у ердан цехларнинг инструментларни тарқатувчи омборларига (ИТО) берилади ва у ердан ишчиларга берилади.

Арzon ва тез эскирувчи инструменлар ва мосламаларнинг ҳисоби бухгалтерия ва тезкорлик (оператив) ҳисобига ажратилади. Бухгалтерия ҳисобида инструментлар ва мосламаларни фойдаланишга топшириш, эскириш ҳисоблаш ва эскириш натижасида уларни ҳисобдан чиқариш муомалалари акс эттирилади; тезкорлик (оператив) ҳисобида- инструментлар ва мосламаларни ишчиларга бериш ва уларни қайтариб олиш, уларни чарҳлашга ва таъмиrlашга бериш муомалалари акс эттирилади.

Фойдаланишда турган инструментлар ва мосламалар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун яхши ташкил этилган инструментал хўжалиги бўлиши керак. Инструментлар ва мосламаларнинг завод омборидаги ва тарқатувчи

омборларидағи ҳисобини ташкил этилиши материалларни омбордаги ҳисобига ўхшаган.

Материалларни омбордаги сортовой ҳисобига, яъни оператив - бухгалтерия усулига ўхшаб инструментлар ва мосламаларнинг номенклатуралар номерлари бўйича ҳисоб цехларнинг омборларида амалга оширилади.

Цехнинг тарқатиш омборида инструментлар ва мосламаларнинг ҳар бир номенклатура номерига материалларнинг омбордаги карточка ҳисоби (М - 12 шакли) очилади. Бу карточкаларга олдин инструментлар ва мосламаларнинг қолдиқлари ёзилади, кейин хронологик кетма - кетликда уларнинг кирими ва чиқими ёзилади. Карточаларга муомалалар қуидаги ҳужжатларга асосан ёзилади: кирими бўйича - лимит карталари ва далолатнома - талабномалар, ёки инструмент заҳирасини доим тўлдириб туриш (олиш) ведомости; чиқими бўйича - ҳисобдан чиқариш далолатномаси.

Бухгалтерия ходимлари тарқатувчи цех омбори омборчисидан ҳужжатларни қабул қилиб ҳар бир ҳужжатни тўғрилиги, тўлиқ тузилганлиги ва расмийлаштирилишини, кодларини тўғрилигини текшириб, етишмаган кодларни ёзib қўяди ва ҳ. к.

Бу маълумотлар ҳар бир тарқатувчи омборнинг кирим ва чиқими бўйича юритиладиган синтетик ҳисоб йифма ведомостига ёзib қўйилади. Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади (187-бетга қаралсин).

Бошқа молиялаш манбалари ҳисобидан сотиб олиниб фойдаланишга берилган буюмлар бўйича ҳам шундай ведомост тузилади. Фойдаланишдан чиқарилган буюмлар бўйича ҳам шунга ўхшаган жамловчи кўрсаткичлар олинади. Завод омборларида, цехларнинг тарқатиш омборларида келиб тушадиган буюмларни ҳисобдан чиқариш актлари ва темир - терсақлар бўйича накладнойлар таксировка қилинади, код номерлари қўйилади ва ҳ. к., яъни фойдаланишга берилган буюмлар ҳужжатларига ўхшаб ишлов берилади. Кейин ҳар бир тарқатувчи омбор бўйича харажатлар йифма ведомости тузилади. Қуйида бу ведомостнинг шакли келтирилади.

(187-бетга қаралсин).

Кирим ва чиқим йифма ведомостлари ўзаро боғланган. Кирим йифма ведомостининг биринчи қатори «Ҳаммаси» (ёки «жами») деган графага ой бошига қолдиғи ёзилади. Бу маълумотлар инвентаризация далолатномаси ёки олдинги ойнинг тегишли йифма ведомостидан олиб ёзилади. Чиқим йифма ведомости инструмент ва мосламаларнинг шу гурухлари бўйича тузилади.

200_ й. Март ойи учун фойдаланишида турган инструментлар, мосламалар кирими бүйича синтетик хисобининг йилма ведомости

| Сана | Гурухтар, келиб тушиш манбалари | 015 – соңли гурух | | | | | | Ва ҳ.к. гурӯҳлар бўйича | Ҳаммаси |
|-------|---------------------------------|-------------------|--------------------|------------|---------|------|---------|-------------------------|---------|
| | | МИО дан | боншика ИГО лардан | чиқарилган | ва ҳ.к. | жами | ва ҳ.к. | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | |
| 01.03 | Ой боншига колдиги | - | - | - | - | - | - | - | |
| 05.03 | | 710 | 10 | - | - | 710 | | | |
| | | 215 | - | - | - | 225 | | | |
| | ва ҳ.к. | | | | | | | | |

200_ йил март ойи учун фойдаланишида турган инструментлар ва мосламалар чиқими бүйича синтетик хисобининг йилма ведомости

| Сана | Харажатлар асбоб-ускунналарни асраш ва улардан фойдаланиш ҳаражатлари 12-модда | 015 – соңли гурух | | | | | | Рез.к | Г-и |
|-------|--|---|---------------------|--------------|--------|------|-----|-------|-----|
| | | асбоб-ускунналарни асраш ва улардан фойдаланиш ҳаражатлари 1205-модда | ишчи ва хизматчилар | Темир-терсак | ва жам | х.к. | жам | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 01.03 | - | 30 | - | 3 | 1 | 34 | | | |
| 05.03 | оий охирига колдик | 118 | - | - | 3 | 121 | | | |

Унинг охирги қаторидаги «Ҳаммаси», айрим ҳолларда «Жами» графасида иккала ведомостлар қолдиқларининиг жамига асосан гуруҳлар бўйича ой охирига қолдиқлари аниқланади. Улар кейин цехнинг тарқатиш омбори бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари билан ҳар бир инструмент ва мосламаларнинг гуруҳлари бўйича солиширилади.

Арzon инструментлар ва мосламалардан фарқли ўлароқ арzon хўжалик инвентарлари фойдаланишга берилганда цехларнинг тарқатиш омборларида эмас, балки хизмат хоналарида (столлар, стуллар, сиёҳдон ва бошқа буюмлар) сакланади. Барча арzon хўжалик инвентарлари у ёки бу шахснинг моддий жавобгарлигига туради. Демак, арzon инвентарлар ҳисоби материал жавобгар шахслар бўйича, саклаш ва фойдаланиш жойлари бўйича ташкил этилади.

Фойдаланишдаги арzon инвентарларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир материал - жавобгар шахс бўйича ёки хўжалик инвентарлари фойдаланилаётган ҳар бир хизмат хоналари бўйича бир йилга очиладиган рўйхатда юритилади. Бу рўйхатнинг шакли қўйида келтирилади (189-бетга қаралсин).

Ушбу рўйхат икки нусхада тузилиб, бири бухгалтерияда сакланса, иккинчиси материал-жавобгар шахсга берилади. Материал-жавобгар шахс инвентарни талабномалар бўйича олади. Бу талабномаларга асосан инвентарни кишимга олганлиги тўғрисида рўйхатга ёзиб қўяди.

Яроқсиз ҳолатга келган арzon инвентарлар 8 МБ - сонли шаклдаги далолатнома билан ҳисобдан чиқарилади. Бу далолатномаларга асосан инвентарларни балансдан чиқарилгани рўйхатда акс эттирилади. Арzon инвентарларни бир материал - жавобгар шахсдан иккинчисига ўтказиш накладнойлар билан расмийлаштирилади.

Инвентарларни кирими ва чиқими синтетик ҳисобини ийғма ведомости, арzon инструментлар ва мосламалар ведомостларига ўхшаб, фойдаланиш жойлари бўйича бўлинган ҳолда бутун корхона бўйича тузилади.

Фойдаланишда турган арzon инвентарларнинг аналитик ҳисоби арzon инструментлар ва мосламалар ҳисобидан фарқланади. Бу ерда сортли ҳисоб карточкалари ва қолдиқлар дафтарига эҳтиёж йўқ чунки хўжалик инвентарларини рўйхатга олиш ҳисоби аналитик ҳисоб регистри бўлиб ҳисобланади. Аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларини солишириш учун оборот ведомости тузилади. Унда ҳар бир рўйхатнинг жамига, яъни ҳар бир материал- жавобгар шахсга алоҳида бир қатор ажратилиб, унда хўжалик инвентар ҳаракати ва унинг қолдиги кўрсатилади. Агар фойдаланишда турган арzon инвентарлар ҳаракати кўп бўлмаса, оборот ведомостини ҳар чоракда тузиш мумкин.

Завод болшкармасининг арzon ва тез эскирувчи инвентарлар рўйхати.
Материал - жавобгар шахс - завод коменданти Ҳикматов Н. К.

| Сана | Инвентар номери | Хуж- жат номери | Буомларниң номи ва тасвири | Ўлчов бирлиги | Сана | Нархи маси | Сум- маси | Хисобдан чиқарилиши тўғрисида белли | | | |
|--------|--------------------|-----------------------|-------------------------------|------------------|------|---------------|--------------|--|---------|-----|-------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | сана | хужж. № | сон | сумма |
| 01.01. | 710-759 | 43 | Бир тумбали столлар | дона | 4 | 240 | 960 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 03.01. | 976-999 | 68 | Стуллар ва х.к. | дона | 6 | 50 | 300 | - | - | - | - |

Изоҳ: йил давомида мазкур инвентарни хисобдан чиқарилиши тўғрисида белги
кўйиш учун 9 - 12 графалар уч - тўрг тарта тақоррланади.

Фойдаланишда турган кўрпа - тўшаклар хўжалик инвентарларига ўхшаб ҳисобга олинади. Уларнинг аналитик ҳисоби фойдаланиш жойлари ва материал - жавобгар шахслар бўйича юритилади.

Омборлардаги маҳсус кийимлар ва пойафзаллар ҳисоби омборларда М - 12 шаклдаги омбор ҳисоби карточкаларида номенклатура номерлари бўйича юритилади.

Ишчиларга бепул бериладиган маҳсус кийимлар ва маҳсус пойафзаллар инструментлар ва мосламаларни ишчиларга узоқ муддатда фойдаланиш учун бериладиганга ўхшаб ҳисобга олинади. Уларни ишчиларга бериш одатдаги ёки маҳсус шаклдаги талабномалар билан расмийлаштирилади. Бу талабномаларда, мазкур ҳужжатта хос бўлган умумий реквизитлардан ташқари, фойдаланиш норматив муддати кўрсатилади. Маҳсус кийимларнинг ҳисобдан чиқарилиши маҳсус акт билан расмийлаштирилади. Актнинг шакли инструментлар ва мосламаларни ҳисобдан чиқариш актига ўхшаган. Ишчилар ишдан бўшаган, бошқа ишга ўтган ва бошқа шунга ўхшаган ҳолларда маҳсус кийимларни кайтариб топширилиши накладнойлар билан расмийлаштирилади.

Ишчиларга берилган маҳсус кийимлар ҳар бир маҳсус кийим ёки маҳсус пойафзал олган ишчига очиладиган маҳсус кийимни ҳисобга олиш шахсий карточкасига ёзиб қўйилади. Бу карточкаларда норматив фойдаланиш муддати ва уларни ҳисобдан чиқариш санаси тўғрисида маълумотлар бор.

Маҳсус кийимларни нақд пулга бериш реализация ҳисобланиб, 9220 - «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счети орқали расмийлаштирилади.

6.3. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАРГА ЭСКИРИШ ҲИСОБЛАШ ВА УНИНГ ҲИСОБИ

Арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириш суммаси ҳар ойда ёки маълум бир даврда корхона харажатларига киритилади. Лекин буюмларнинг турлари бўйича ҳар ойда, ҳаттоқи ҳар чоракда эскириш ҳисоблаш мушкул. Демак, АТБ нинг эскиришини ҳисоблашда шартли усувларни қўлламасликнинг иложи йўқ. АТБ бўйича эскириш ҳисоблашнинг бир неча усувлари мавжуд.

Ҳозирги вақтда фойдаланишга берилган АТБ бўйича эскириш ҳисоблашнинг диапозони кенгайтирилган. Корхона ҳисобот йилида ҳисоблашнинг қуйидаги усувларидан бирини мустақил танлаб олади:

а) буюмларни омбордан фойдаланишга беришда 100% эскириш ҳисоблаш;

б) буюмларни омбордан фойдаланишга беришда 50% эскириш ҳисоблаш, қолган 50% қийматидан темир - терсак

қийматини чиқарип ташлаб, қолганини буюмлар яроқсиз холга келган ойнинг харажатларига ўтказиш.

Мисол. Март ойида қуйидаги муюналалар содир бўлган:

- а) 01- цехта фойдаланиш учун арzon буюмлар жўнатилди - 11000 с
- б) шу ойнинг ўзида мазкур цехдан яроқсиз буюмлар ҳисобдан чиқарилди - 29000с
- в) АТБ ни ҳисобдан чиқариш темир - терсаклар кишимга олинди - 400 с

Демак, март ойида 01- цех бўйича АТБ нинг эскириши 19600 сўмни $(11000+29000):2=400$ ташкил этади.

АТБ нинг эскириши корхонада цех харажатларини ҳисобга олиш тартибига қараб алоҳида ҳар бир цех бўйича ёки цехлар бўйича бирга ҳисобланishi мумкин.

Эскириш корхонанинг бухгалтериясида АТБ ни фойдаланишга бериш бўйича гурӯҳлаш ведомостларига, АТБ ни фойдаланишдан чиқариш далолатномалари бўйича тузилган жамгарма ведомостларига асосан ҳисобланади.

Фойдаланишда турган АТБ нинг эскириши тўғрисидаги ахборот 1310- «Арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши» счетида умумлаштирилади. Бу счет пассив бўлиб унинг кредити АТБ бўйича ҳисобланган эскириши суммасини акс эттиради ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган счетлар билан (ёки бошқа тегишли счетлар билан) корреспондентлашади. Дебети 1220 «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счети билан корреспондентлашиб, ҳисобдан чиқарилган АТБ нинг дастлабки қийматидан фойдаланса бўладиган баҳода баҳоланиб темир - терсак ёки қайтарилган чиқиндилар қийматини олиб ташлагандан қолган суммасида акс эттирилади.

Башарти эскирганини алмаштириш учун фойдаланишга инструментлар жўнатилса, ҳужжатлар расмийлаштирилмайди. Бу инструментларни ҳисобдан чиқариш актидан олинган маълумотларни бир хил суммада биринчи ва иккинчи эскириш ҳисоблаш кўрсаткичлари таркибига қўшади.

Аниқ бир маҳсулот турини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган маҳсус инструментлар ва мосламалар бўйича эскириши ҳисобот ойида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига қараб режали нормада ҳисобланади.

Мисол. Йил давомида 50000 дона маълум бир маҳсулот турини ишлаб чиқариш учун 1000000 сўмлик маҳсус инструментлардан фойдаланиш режалаштирилган. Бунда маҳсулотнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсус инструментларининг эскириши 2 сўмни $(100000:50000)$ ташкил этади. Агар мазкур ойда 4500 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, маҳсус инструментларнинг эскириши 9000 сўмни (4500×2) ташкил этади.

Шуни эътиборга олиш керакки, асосан фақат маҳсус инструментлар ва мосламаларнинг эскириши ишлаб чиқаришнинг тўғри харажатларига ўтказилади. Бошқа барча АТБ нинг эскириши ишлаб чиқаришнинг эгри харажатларига ёки давр харажатларига ўтказилади.

АТБ нинг эскириши 8- шаклдаги ишлов бериш (разработка қилиш) жадвали бланкаларида ҳисобланади. Бу жадвалнинг шакли қуйида келтирилди (193-бетга қаралсин).

6.4. ФОЙДАЛАНИШДАГИ АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БЮОМЛАРНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИ

АТБ ҳаракатини ҳисоби 12- «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счетида ҳисобга олинади. Бу счет бўйича очилган счетларда уларнинг сақланиш жойлари кўрсатилади: 1210- «Омбордаги АТБ»; 1220- «Фойдаланишдаги АТБ»; 1230- «Вақтингчалик (титулсиз) иншоотлар». Бу счетларга ёзиш учун кирим ва чиким йиғма ведомостлари қўлланилади.

Журнал – ордерларда ҳисоб юритилганда барча йиғма ведомостларнинг маълумотлари 10- «Материал қийматликларнинг ҳаракати» ведомостида йиғилади.

АТБ ҳисоби 12- счетда, материаллар ҳисобига ўхшаб транспорт – тайёрлов харажатлари ажратилган ҳолда, ҳақиқий таннархи бўйича юритилади.

Белгиланган қоидалар бўйича 12- счетда АТБ, уларни эскириши ёки тугатилиши туфайли ҳисобдан чиқарилишига қадар, ҳеч қандай ўзгаришсиз тўлиқ таннархига ҳисобга олинади.

Уларни фойдаланишга беришда 10/1 журнал – ордерларида акс эттириш йўли билан 1220- «Фойдаланишдаги АТБ» счети дебетланиб 1210 - «Омбордаги АТБ» счети кредитланади. 12- счетни учта счетга бўлиниши катта назорат ахамиятига эга, чунки буюмларни турган жойлари тўғрисидаги ахборотни олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, 1220- счети АТБ нинг қопланмаган (қолдиқ), ҳали маҳсулот таннархига ёки бошқа счетларга ўтказилмаган қийматини аниқлаш имкониятини берадиган 1310- «АТБ эскириши» тартибга солувчи счетига эга.

Чунончи, 1220- счетида ой бошига қолдиқ 20000 сўм бўлса, 1310- счетда эса ой бошига қолдиқ 12000 сўмни ташкил этса, фойдаланишда турган АТБ нинг қопланмаган (қолдиқ) қиймати 8000 сўмга (20000-12000) тенг бўлади.

8- шактадаги ишчелов берилүү жаддауда 200 йилл март ойи учун арzon ва төз эскирувчи буюмлар эскиришини хисоблаш.

A. (Ишлаб чыкарылган маңсулот жажми бўйича эскириши хисобланадиган асбоб – усукуналар, инструментлар, мосламалар бўйича

| Цех № | Ишлаб чыкарилган маңсулотниг бўйумларниг эскириши | Фойдаланилаётган | | Хисобдан чыкарган буюмларниг ганлар сума- | Кайтарилган келиб туш-камайши (-) | Кўпайлини (+) | Буюмларни молер-низация килиши на-тижасида хисобдан чиқаришдан йўкотишлар |
|--------|---|----------------------------|-----------------|---|-----------------------------------|---------------|---|
| | | Микдо-ри ёки киймати норма | Хисобот ой учун | нинг бошидан | маси | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 3 | 1090 | 50 | 4-10 | 20500 | | | 9 |
| 3 жами | 1102 | 100 | 3-20 | 32000 | 52500 | | 10 |

Б. Бонка арzon буюмлар бўйича

| Катор | Дебет | | Буюмларниг хисоб киймати | | | Оғилиши (+,-) фойдаланишига берилган ёки фойдаланишидан 50% микдорида чиқарилган буюмлар бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари | Эскириши суммаси, сўм (гр. 2 + гр.3) 2-гр.4 + гр.5 | |
|-------|-------|-------|--------------------------|--------------------------|---------------------|--|--|---|
| | счет | модда | Цех № | Асос. (вед. № 10 ёки 11) | Фойда-ланыш берилди | шу жумладан фойда-ланыш баҳоланиб кабул килинган темир-терсак | | |
| | A | B | B | Г | 1 | 2 | 4 | 5 |
| | 25/1 | 5 | 1 | 11000 | 29000 | 400 | 19600 | |

1210- счетида буюмлар ҳақиқий қийматда ҳисобга олинади. Бу счетнинг тартибга солувчи счети йўқ. Бухгалтерия балансида бу иккала счетларнинг суммалари бирга қўшиб кўрсатилади. Счетлар бўйича узил – кесил расшифровкаси 10-ведомостнинг 3- бўлимида берилади.

Чунончи, ой бошига завода:

| | |
|---------------------------------------|-------------|
| Омбордаги қолдиқ (1210- счет) | - 35200 сўм |
| Цех омборларидағи қолдиқ (1220- счет) | - 33800 сўм |

Жами - 69000 сўм

АТБ бўйича ойлик ҳисобланган эскириш суммаси синтетик счетларда қўйидагича акс эттирилади. Арzon буюмлар қаерда фойдаланилган бўлса, уларнинг эскириши корхонанинг шу участка харажатларига ўтказилади. Бунда қўйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

D-t 2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» счети (маълум буюмларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган маҳсус инструментлар бўйича ҳисобланган эскириш суммасига),

D-t 2510 - Машина ва асбоб – ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш харажатларига (цехлар инструментларининг эскиришига),

D-t 2510 - «Умум ишлаб чиқариш харажатлари» счети (хўжалик инвентарларини эскиришига),

D-t 9429 - «Бошқа маъмурий харажатлар», 9439- «Бошқа операцион харажатлар» (агар арzon буюмлар завод идорасида, завод омборларида ва шу каби жойларда фойдаланилса),

D-t 7710 - «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счети (мақсадли молиялаш ва тушумлар ҳисобидан сотиб олиниб фойдаланишга берилган арzon буюмлар қийматига),

K-t 1310 - «АТБ эскириши» счети

АТБ фойдаланишдан чиқарилган пайтда улар ҳисобдан чиқарилади, уларнинг эскириши, темир – терсак ва чиқиндилар қийматини олиб ташлаб, тўлиқ қийматига камайтирилади. АТБ эскириш суммасини ҳисобдан чиқариш ва синтетик счетларга ёзиш учун ишлов бериш жадвали (8- шакл) асос бўлиб ҳисобланади. Журнал – ордер шаклида ҳисоб юритилса, 12 ва 15- ведомостларида акс эттирилади.

Яроқсиз ҳолатга келган арzon буюмлардан олинган темир – терсак, латта – путта ёки ўтиналар фойдаланса бўладиган ёки сотса бўладиган баҳода баҳоланиб омборга қўйидагича ёзув билан қабул қилинади:

D-t 1090 - «Бошқа материаллар» счети ёки бошқа счет

K-t 1220 - «Фойдаланишдаги АТБ» счети. Қийматининг қолган қисмини АТБ эскиришини камайтиришга олиб борилади, яъни 1310- счет дебетланади.

Мисол. Синтетик ҳисобнинг йиғма ведомост

маълумотлари бўйича ҳисобдан чиқарилди:

- | | |
|---|---------|
| а) Яроқсиз ҳолатга келган арzon буюмлар | - 576 с |
| б) Темир – терсак қиймати | - 16 с |
| Д-т 1310- счети «АТБ эскириши» счети | - 560 с |
| Д-т 1090- «Бошқа материаллар» счети | - 16 с |
| К-т 1220- «Фойдаланишдаги АТБ» счети | - 576 с |

Киримга олинган темир – терсак қийматига АТБ бўйича ҳисобланган эскириш суммаси қайси соҳага ўtkазилган бўлса, шу соҳанинг харажатлари камайтирилиши керак. Бу муомала қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Д-т 1310-«АТБ эскириши» счети

К-т 2010, 2510 ва бошқа счетлар

Шу ёзув билан 1310 «АТБ эскириши» счети ёпилади.

Мисол.

- | | |
|---|-----------|
| а) Мол юборувчилардан омборга АТБ қабул қилинди | - 2000 с. |
| б) Мол юборувчиларнинг счетлари мақсадли молиялаш ва тушумлар маблағлари ҳисобидан тўланади | - 2000 с. |
| в) АТБ омбордан фойдаланишга берилди | - 1000 с. |
| г) АТБ қийматидан 100% эскириш ташкил этилди- 1000 с. | |
| д) Далолатнома бўйича АТБ ҳисобдан чиқарилди: | |
| 1. Қабул қилинган темир – терсак қиймати | - 100 с. |
| 2. Ҳисобдан чиқарилган АТБ қиймати | - 900 с. |
| е) Темир – терсак қийматига АТБ нинг эскириш суммаси камайтирилди | - 100 с. |
| а) Д-т 1210- «Омбордаги АТБ» счети | - 2000 с. |
| К-т 6010- «Мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счетлар» счети | - 2000 с. |
| б) Д-т 60- «Мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга тўланадиган счетлар» | - 2000 с. |
| К-т 7710- «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счети | - 2000 с. |
| в) Д-т 1220- «Фойдаланишдаги АТБ» счети | - 1000 с. |
| К-т 1210- «Омбордаги АТБ» счети | - 1000 с. |
| г) Д-т 7710- «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счети | - 1000 с. |
| К-т 1310- «АТБ эскириши» счети | - 1000 с. |
| д) Д-т 1090- «Бошқа материаллар» счети | - 100 с. |
| Д-т 1310 – «АТБ эскириши» счети | - 500 с. |
| Д-т 7710- «Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счети | - 400 с. |
| К-т 1220- «Фойдаланишдаги АТБ» счети | - 1000 с. |

АТБ четга ҳам сотилиши мумкин. Бунда уларни сотишдан бўлган натижа 9220- «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счетида аниқланади.

Арzon ва тез эскирувчи буюмлардан кам чиқса ва нобуд бўлса, қўйидаги проводкалар билан расмийлаштирилади:

Д-т 1310- олдин ҳисобланган эскириш суммасига

Д-т 4630- «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзи» - айборд шахсдан ундириб олинадиган суммага

Д-т 2510, 9429 ва бошқа счетлар – агар табиий камайиш нормаси доирасидаги камомад ишлаб чиқариш ва давр харажатларига ўтказилса,

К-т 1220 «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счети – камомад сумманинг жамига.

АТБ инвентаризацияси, 4- сонли БХМА га биноан бир йилда камида бир марта ўтказилади. Арzon ва тез эскирувчи буюмлар инвентаризациясини ўтказиш тартиби 19- сонли БХМА нинг 3. 4. 8. бандларида баён этилган.

Омбордаги АТБ инвентаризациясига материаллар инвентаризациясига ўхшаган.

Фойдаланишдаги АТБ нинг инвентаризацияси омбордагидан бирмунча фарқланади. Инвентаризация қилиш йўли нафақат буюмларнинг мавжудлигини ва сақланишини аниқлайди, балки уларнинг келажакда фойдаланиши учун яроқлилигини белгилайди. Бунда келажакда фойдаланиб бўлмайдиган эскирган инструментлар, инвентар буюмлари ва маҳсус кийимлар йиғиб олиниб ҳисбдан чиқариш учун далодатнома тузилади. Фойдаланишдаги инструментлар инвентаризациясини кейинги фарқи шундан иборатки, инструментлар рўйхати иш жойларида ва ишчиларда бўлади.

Инвентаризация рўйхатларини расмийлаштириш, таққослаш ведомостларини ва инвентаризация натижаларини тартибга солиши материаллар инвентаризациясига ўхшаган, лекин бунда фойдаланишда турган АТБ бўйича эскириш суммаси инобатга олинади. Етишмаган буюмлар қийматини қоплашда эскиришини инобатга олган ҳолда ҳақиқий қийматидан ортиқ бўлган бозор баҳосида ундириб олиниши мумкин.

Мисол. Инвентаризация натижасида материал – жавобгар шахснинг айби билан маҳсус пойафзал етишмаслиги аниқланди:

а) бухгалтерия маълумотлари бўйича

пойафзалининг ҳақиқий қиймати - 600 с.

б) ҳисобланган эскириш суммаси - 200 с.

в) айбордан бозор баҳосида ундириб олишга қарор қилинди - 900 с.

г) айборд шахсдан ундириб олишга тегишли сумма билан қолдиқ қиймати орасидаги фарқ фойдага ўтказилди - 500 с.

- Камомад бўлган пойафзалнинг эскириш суммаси
ҳисобдан чиқарилди - 200 с.
Д-т 1310 «Арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг
эскириши» - 200 с.
К-т 1220 - «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи
буюмлар» - 200 с.
 - Айбдор шахсдан ундириб олишга қарор қилинган
суммага - 900 с.
Д-т 4630 «Моддий заарни қоплаш бўйича
ходимларнинг қарзлари» - 900 с.
К-т 1220 «Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи
буюмлар» - 400 с.
К-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - 500 с.
 - Ушбу камомад суммаси ундириб олинди - 900 с.
Д-т 5010 ёки 6710
К-т 4630 «Моддий заарни қоплаш
бўйича ходимларнинг қарзлари» - 900 с.
 - Шу билан бирга камомад бўйича мулдати узайтирилган
даромад суммаси жорий давр даромадига ўтказилди - 500 с
д) Д-т 6210 «Муддати узайтирилган даромад» - 500 с.
К-т 9320 «Бошқа активларни сотилиши ва бошқа турли
чиқимидан олинган фойда» - 500 с.
- Қуида АТБ нинг сотилиши бўйича муомалаларни акс
эттириш схемаси келтирилади:

a) Фойдаланишда бўлмаган АТБ объектларини сотиш ҳисоби

9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счети

Д-т

К-т

| Корреспондентланувчи счетлар | |
|--|---|
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 1210- Ҳисобдан чиқарилган объектнинг хақиқий қиймати 30000 | Пули олинди ёки олиниши керак - 45100 -5110, шу жумладан ККС - 5100 -4010 |
| 6410- ҚКС 5100 Жами 35100 | Жами 45100 |
| 9320- Фарқи фойдага ўтказилди - 10000 | 45100 |
| | 45100 |

б) Фойдаланишда бўлган АТБ объектларини сотиш ҳисоби

Мисол.

1. Объектнинг (дастлабки) ҳақиқий қиймати - 20000 с.
2. Ҳисобланган эскириш - 8000 с.
3. Шартнома (сотиш) қиймати - 30000 с.
- Шу жумладан ККС - 5100 с.
4. 4510- счетда сальдо йўқ

9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счети

| Д-т | К-т |
|------------------------------|--------------------|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 1220 -20000 | 3000 1310 |
| 6410 5100 | 30000 5110 |
| 9320 25100 12900 | 38000 |
| 38000 | 38000 |

в) Фойдаланишда бўлган АТБ объектини бепул бериш ҳисоби

Мисол.

1. Бепул берилган фойдаланишда бўлган АТБ нинг ҳақиқий (дастлабки) қиймати - 3000 с.
2. Ҳисобланган эскириш - 1500 с.

9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счети

| Д-т | К-т |
|------------------------------|--------------------|
| Корреспондентланувчи счетлар | |
| Счетларнинг кредити | Счетларнинг дебети |
| 1220 3000 | 1500 1310 |
| | 1500 9432 |

АТБ ҳисобини счетларда акс эттириш:

| | | | | | | |
|-------------|--|-----|--|---|-----|---|
| | | | | | | |
| 2310 - счет | K-т | D-т | 2310 - счет | K-т | D-т | 20, 23, 25, 9439 - счет |
| D-т | Уз таъмирлаш цежида тайёрланган АТБ | | Бир бирлигининг киймати энг кам иш хакининг берилиши | | | K-т |
| D-т | 6010 - счет | K-т | 6010 - счет | K-т | D-т | 1210 - счет |
| C: | Ўз айланма маблағлари ва бошқа манбалар хисобидан согиб олинган АТБ кирими | | Бир бирлигининг киймати энг кам иш хакининг 0,75 кисмидан кўп бўлган АТБ ни тутагтишида уларниң эскиришини хисобдан чиқарилиши | Бир бирлигининг киймати энг кам иш хакининг 0,75 кисмидан кўп бўлган АТБ ни фойдаланишига берилганда хисобланган эскириши | | 1220 - счет |
| D-т | | | | | | 1310 - счет |
| | | | | | | 7710 - счет |
| D-т | | | | | | D-т |
| D-т | | | | | | Максадли молиялаш хисобидан солинган чиқиндилар |
| D-т | | | | | | 9320 - счет |
| D-т | | | | | | Максадли молиялаш хисобидан олинган АТБ ни тутагтидан эскириши (100%) |

21 - сонли БХМА – «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»
1-илова

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ
МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИНГ СЧЕТЛАР РЕЖАСИ**

| Счет-лар | Счетлар номи | Счетлар типи |
|-------------------------------|--|--------------|
| I-ҚИСМ | | |
| УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР | | |
| 1-БЎЛИМ | | |
| 01 | АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР | A |
| 0110 | Ер | |
| 0111 | Ерни ободонлаштириш | |
| 0112 | Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш | |
| 0120 | Бинолар, иншоотлар ва узатгич мосламалар | |
| 0130 | Машина ва ускуналар | |
| 0140 | Мебель ваофис жиҳозлари | |
| 0150 | Компьютер жиҳози ва ҳисоблаш техникаси | |
| 0160 | Транспорт воситалари | |
| 0170 | Иш ҳайвонлари | |
| 0171 | Маҳсулдор ҳайвонлар | |
| 0180 | Кўп йиллик ўсимликлар | |
| 0190 | Бошқа асосий воситалар | |
| 0199 | Консервация қилинган асосий воситалар | |
| 02 | АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | КА |
| 0211 | Ободонлаштирилган ернинг эскириши | |
| 0212 | Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олиниб ободонлаштирилган асосий воситалар эскириши | |
| 0220 | Бино, иншоот ва узатгич мосламаларининг эскириши | |
| 0230 | Машина ва ускуналарнинг эскириши | |
| 0240 | Мебель ваофис жиҳозларининг эскириши | |
| 0250 | Компьютер жиҳози ва ҳисоблаш техникасининг эскириши | |

| | | |
|-----------|--|-----------|
| 0260 | Транспорт воситаларининг эскириши | |
| 0270 | Иш ҳайвонларининг эскириши | |
| 0280 | Кўп йиллик ўсимликлар эскириши | |
| 0290 | Бошқа асосий воситаларнинг эскириши | |
| 0299 | Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши | |
| 03 | МОЛИЯЛАНАДИГАН ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ СЧЕТИ | A |
| 0310 | Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар | |
| 04 | НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 0410 | Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау | |
| 0420 | Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари | |
| 0430 | Дастурий таъминот | |
| 0440 | Гудвил | |
| 0450 | Ташкилий харажатлар | |
| 0460 | Франчайз | |
| 0470 | Муаллифлик хуқуқлари | |
| 0480 | Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқлари | |
| 0490 | Бошқа номоддий активлар | |
| 05 | НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | КА |
| 0510 | Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар амортизацияси | |
| 0520 | Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси | |
| 0530 | Дастурий таъминот амортизацияси | |
| 0550 | Ташкилий харажатларнинг амортизацияси | |
| 0560 | Франчайзнинг амортизацияси | |
| 0570 | Муаллифлик хуқуқларининг амортизацияси | |
| 0580 | Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хуқуқларининг амортизацияси | |
| 0590 | Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси | |

| | | |
|---|---|----------|
| 06 | УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 0610 | Қимматли қоғозлар | |
| 0630 | Шуъба корхоналарига инвестициялар | |
| 0640 | Қўшма корхоналарга инвестициялар | |
| 0650 | Үюшган корхоналарга инвестициялар | |
| 0660 | Қарам жамиятларга инвестициялар | |
| 0690 | Бошқа узоқ муддатли инвестициялар | |
| 07 | ЎРНАТИЛАДИГАН УСКУНАЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 0710 | Ўрнатиладиган ускуналар - мамлакатимизда ишлаб чиқарилган | |
| 0720 | Ўрнатиладиган ускуналар - импорт | |
| 08 | КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 0810 | Тугалланмаган қурилиш | |
| 0820 | Асосий воситаларни сотиб олиш | |
| 0830 | Номоддий активларни сотиб олиш | |
| 0840 | Асосий подани ташкил қилиш | |
| 0890 | Бошқа капитал қўйилмалар | |
| 09 | ДЕБИТОР ҚАРЗЛАР ВА МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ-УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚИСМИ | A |
| 0910 | Олинган векселлар-узоқ муддатли қисми | |
| 0920 | Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар | |
| 0930 | Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги | |
| 0940 | Узоқ муддатли муддати узайтирилган харажатлар (келгуси давр харажатлари) | |
| 0990 | Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар | |
| II-ҚИСМ ЖОРИЙ АКТИВЛАР | | |
| 2-БЎЛИМ ТОВАР – МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАР | | |
| 10 | МАТЕРИАЛЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 1010 | Хомашё ва материаллар | |
| 1020 | Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар | |

| | | |
|------|---|-----------|
| 1030 | Еқилғи | |
| 1040 | Эхтиёт қисмлар | |
| 1050 | Қурилиши материаллари | |
| 1060 | Ем-хашак ва түшама | |
| 1070 | Идиш ва идишбоп материаллар | |
| 1080 | Четта қайта ишлаш учун берилгандык материаллар | |
| 1090 | Бошқа материаллар | |
| 11 | ЎСТИРИШДАГИ ВА БОҚУВДАГИ ХАЙВОНЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | А |
| 1110 | Ўстиришдаги ҳайвонлар | |
| 1120 | Бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар | |
| 12 | АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | А |
| 1210 | Омбордаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар | |
| 1220 | Фойдаланишдаги арzon ва тез эскирувчи буюмлар | |
| 1230 | Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар | |
| 13 | АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ ҲИСОБИ СЧЕТИ | КА |
| 1310 | Арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириши | |
| 14 | | |
| 15 | МАТЕРИАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА СОТИБ ОЛИШ ҲИСОБИ СЧЕТИ | А |
| 1510 | Материаллар тайёрлаш ва сотиб олиш | |
| 16 | МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ОФИШИШЛАР ҲИСОБИ СЧЕТИ | А |
| 1610 | Материаллар қийматидаги офишишлар | |
| 17 | | |
| 18 | | |
| 19 | | |

| | | |
|-----------|---|----------|
| 20 | АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 2010 | Асосий ишлаб чиқариш | |
| 21 | ҮЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ХИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 2110 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар | |
| 22 | | |
| 23 | ЁРДАМЧИ ВА БОШҚА ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 2310 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш | |
| 2320 | Бошқа ишлаб чиқарышлар | |
| 24 | | |
| 25 | УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 2510 | Умумишлаб чиқариш харажатлари | |
| 26 | ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БРАК ХИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 2610 | Ишлаб чиқарышдаги брак | |
| 27 | НОКАПИТАЛ ИШЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 2710 | Вақтингчалик (титулли) иншоотларни қуриш | |
| 2720 | Вақтингчалик (титулсиз) иншоотларни қуриш | |
| 2790 | Бошқа нокапитал ишлар | |
| 28 | ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 2810 | Омбордаги тайёр маҳсулот | |
| 2820 | Кўргазмадаги тайёр маҳсулот | |
| 29 | ТОВАРЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 2910 | Омбордаги товарлар | |
| 2920 | Чакана савдодаги товарлар | |
| 2930 | Кўргазмадаги товарлар | |
| 2940 | Ижара (кира) даги буюмлар | |
| 2950 | Товар билан банд ва бўш идиш | |
| 2990 | Бошқа товарлар | |

3-БҮЛІМ
**КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МУДДАТИ
 УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР-ЖОРІЙ ҚИСМИ**

| | | |
|------|--|----------|
| 30 | | |
| 31 | КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 3110 | Олдиндан тұлантан лизинг | |
| 3120 | Олдиндан тұлантан хизмат хақлари | |
| 3190 | Бошқа олдиндан тұлантан ҳаражатлар | |
| 32 | МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ - ЖОРІЙ ҚИСМИ | A |
| 3210 | Вақтли фарқлар бүйіча муддати узайтирилған даромад (фойда) солиғи | |
| 3290 | Бошқа муддати узайтирилған ҳаражатлар | |
| 33 | | |
| 34 | | |
| 35 | | |
| 36 | | |
| 37 | | |
| 38 | | |
| 39 | | |

4-БҮЛІМ
ОЛИНАДИГАН СЧЕТЛАР

| | | |
|------|---|----------|
| 40 | ОЛИНАДИГАН СЧЕТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 4010 | Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар | |
| 4020 | Олинган векселлар | |
| 41 | БҮЛІНМАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СЧЕТЛАР | A |
| 4110 | Алохіда балансга ажратылған бүлінмалардан олинадиган счетлар | |
| 42 | ДАЬВОЛАР БҮЙІЧА ОЛИНАДИГАН СЧЕТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 4210 | Даъволар бүйіча олинадиган счетлар | |

| | | |
|-----------|---|----------|
| 43 | МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БҮНАКЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 4310 | ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилилган бүнаклар | |
| 4320 | Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилилган бүнаклар | |
| | | |
| 44 | ХОДИМГА БЕРИЛГАН БҮНАКЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 4410 | Меҳнат ҳақи бўйича берилилган бўнаклар | |
| 4420 | Хизмат сафарлари учун берилилган бўнаклар | |
| 4430 | Умумхўжалик харажатлари учун берилилган бўнаклар | |
| 4490 | Ходимга берилилган бошқа бўнаклар | |
| | | |
| 45 | СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 4510 | Соликлар бўйича бўнак тўловлари | |
| 4550 | Мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари | |
| | | |
| 46 | ХОДИМНИНГ БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | |
| 4610 | Кредитта сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи | |
| 4620 | Берилган қарзлар бўйича ходимнинг қарзи | |
| 4630 | Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзи | |
| 4690 | Ходимнинг бошқа қарзи | |
| | | |
| 47 | УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ) ГА БАДАЛЛАР БЎЙИЧА ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ ҚАРЗИ ҲИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 4710 | Устав капитали (фонди) га бадаллари бўйича таъсисчиларнинг қарзи | |
| | | |
| 48 | ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАРНИНГ ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 4810 | Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар | |

| | | |
|------|--|-----------|
| 4811 | Оператив лизинг бўйича олинадиган тўловлар | |
| 4820 | Олинадиган фоизлар | |
| 4830 | Олинадиган дивидендлар | |
| 4840 | Роялти ва гонорарлар бўйича олинадиган счетлар | |
| 4890 | Бошқа шахслар қарзи – жорий қисми | |
| 49 | ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР РЕЗЕРВИ СЧЕТИ | КА |
| 4910 | Даргумон қарзлар резерви | |

5 – БЎЛИМ
ПУЛ МАБЛАГЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР

| | | |
|------|---|---|
| 50 | КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 5010 | Миллий валютадаги пул маблағлари | |
| 5020 | Чет эл валютасидаги пул маблағлари | |
| 51 | ҲИСОБ-КИТОБ СЧЕТИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 5110 | Ҳисоб - китоб счети | |
| 52 | ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 5210 | Мамлакат ичидаги валюта счетлари | |
| 5220 | Чет элдаги валюта счетлари | |
| 53 | | |
| 54 | | |
| 55 | БАНКДАГИ МАХСУС СЧЕТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 5510 | Аккредитивлар | |
| 5520 | Чек дафтарчалари | |
| 5530 | Бошқа маҳсус счетлар | |
| 56 | ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИ ВА ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 5610 | Пул эквивалентлари (турлари бўйича) | |
| 5620 | Йўлдаги пул маблағлари (турлари бўйича) | |
| 57 | ЙЎЛДАГИ ПУЛ ЖЎНАТМАЛАР ҲИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 5710 | Йўлдаги жўнатмалар (турлари бўйича) | |

| | | |
|---|--|----------|
| 58 | ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | A |
| 5810 | Қимматли қофзлар | |
| 5820 | Берилган қисқа муддатли қарзлар | |
| 5890 | Бошқа жорий инвестициялар | |
| 59 | БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ХИСОБИ СЧЕТИ | A |
| 5910 | Бошқа жорий активлар | |
| III-ҚИСМ МАЖБУРИЯТЛАР 6 - БҮЛІМ ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР | | |
| 60 | МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТҮЛАНАДИГАН СЧЕТЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ – ЖОРИЙ ҚИСМИ | П |
| 6010 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга түланадиган счетлар | |
| 6020 | Берилган векселлар | |
| 61 | БҮЛІНМАЛАРГА ТҮЛАНАДИГАН СЧЕТЛАР – ЖОРИЙ ҚИСМИ | П |
| 6110 | Алохіда балансга ажратылған бүлінмаларга түланадиган счетлар | |
| 62 | МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ – ЖОРИЙ ҚИСМИ | П |
| 6210 | Муддати узайтирилған даромад | |
| 6220 | Солиқлар ва мажбурий түловлар бүйіча муддати узайтирилған мажбуриятлар | |
| 6230 | Муддати узайтирилған дисконтлар (чегирмалар) | |
| 6240 | Муддати узайтирилған мукофатлар (устамалар) | |
| 6290 | Бошқа муддати узайтирилған мажбуриятлар | |

| | | |
|-----------|---|----------|
| 63 | ОЛИНГАН БҮНАҚЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ – ЖОРИЙ ҚИСМИ | П |
| 6310 | Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бүнаклар | |
| 6320 | Акцияга ёзилгандардан олинган бүнаклар | |
| 6390 | Бошқа олинган бүнаклар | |
| 64 | БЮДЖЕТГА ТҮЛОВЛАР БҮЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ (ТУРЛари БҮЙИЧА) | П |
| 6410 | Бюджетта түловлар бүйича қарздорлик (солиқ турлари бүйича) | |
| 6450 | Мажбурий түловлар бүйича қарздорлик (турлари бүйича) | |
| 65 | СУФУРТА БҮЙИЧА ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАРГА ТҮЛОВЛАР БҮЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 6510 | Мулкий ва шахсий суфурта бүйича түловлар | |
| 6520 | Ижтимоий суфурта бүйича түловлар | |
| 6530 | Бюджетдан ташқари фондларга түловлар | |
| 66 | ТАЪСИСЧИЛАРГА ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 6610 | Тўланадиган дивидендлар | |
| 6620 | Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улуши бүйича қарз | |
| 67 | МЕҲНАТ ҲАҚИ БҮЙИЧА ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 6710 | Меҳнат ҳақи бүйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар | |
| 6720 | Депонентланган меҳнат ҳақи | |
| 68 | ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРДАН ҚАРЗЛАР ВА БОШҚА ҲИСОБЛАНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 6810 | Тўланадиган, молияланадиган лизинг | |
| 6811 | Тўланадиган оператив лизинг | |
| 6820 | Тўланадиган фоизлар | |
| 6830 | Роялти ва гонорарлар бүйича қарз | |

| | | |
|---|--|----------|
| 6840 | Кафолатлар бўйича қарз | |
| 6850 | Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятлари - жорий қисми | |
| 6860 | Даъволар бўйича тўланадиган счетлар | |
| 6870 | Ҳисобдор шахслардан қарз | |
| 6890 | Бошқа мажбуриятлар | |
| 69 | ҚИСҚА МУДДАТЛИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ВА БАНКДАН ТАШҚАРИ ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 6910 | Қисқа муддатли банк кредитлари | |
| 6920 | Тўланадиган облигациялар - банкдан ташқари | |
| 6930 | Тўланадиган векселлар - банкдан ташқари | |
| 6940 | Қисқа муддатли банкдан ташқари қарзлар | |
| 6990 | Бошқа кредитлар ва қарзлар | |
| 7-БЎЛИМ УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР | | |
| 70 | МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛНАДИГАН СЧЕТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ-УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚИСМИ | П |
| 7010 | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар | |
| 7020 | Берилган векселлар | |
| 71 | БЎЛИНМАЛАРДАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛАДИГАН СЧЕТИ | П |
| 7110 | Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан узоқ муддатли қарз | |
| 72 | МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 7210 | Вақтли фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбурият | |
| 7220 | Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар | |
| 7230 | Облигациялар бўйича муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар) | |
| 7240 | Облигациялар бўйича муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар) | |
| 7290 | Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар | |

| | | |
|--|---|----------|
| 73 | ХАРИДОРЛАР ВА БҮЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БҮННАКЛАР ҲИСОБИ СЧЕТИ - УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚИСМИ | П |
| 7310 | Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бүннаклар | |
| 74 | БОШҚА ШАХСЛАРДАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗ ҲИСОБИ СЧЕТИ | |
| 7410 | Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарз | |
| 75 | УЗОҚ МУДДАТЛИ БАНК КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТИ | П |
| 7510 | Узоқ муддатли банк кредитлари | |
| 76 | УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 7610 | Тұланаңдиган облигациялар | |
| 7620 | Тұланаңдиган векселлар | |
| 7630 | Тұланаңдиган молияланадиган лизинг-узоқ муддатли қисми | |
| 7690 | Бошқа узоқ муддатли тұланаңдиган счетлар | |
| 77 | ҚАЙТАРИЛАДИГАН МАҚСАДЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТУШУМЛАР ҲИСОБИ СЧЕТИ | П |
| 7710 | Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар | |
| 78 | | |
| 79 | | |
| IV-ҚИСМ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ | | |
| 8-БҰЛЫМ КАПИТАЛ, ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР | | |
| 80 | | |
| 81 | | |
| 82 | | |
| 83 | | |
| 84 | | |

| | | |
|-------------|---|-----------|
| 8510 | УСТАВ КАПИТАЛИ (ФОНДИ) ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 8511 | Оддий акциялар | |
| 8512 | Имтиёзли акциялар | |
| 8513 | Пай ва қўйилмалар | |
| | | |
| 8520 | ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | |
| 8521 | Эмиссия даромади | |
| 8522 | Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқи | |
| 8523 | Бепул олинган мулк | |
| | | |
| 8530 | РЕЗЕРВ КАПИТАЛИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 8531 | Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар | |
| 8532 | Резерв капитали | |
| 8535 | Ҳисоботни консолидация қилишда содир бўладиган курсдаги фарқ | |
| | | |
| 86 | СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | КП |
| 8610 | Сотиб олинган хусусий акциялар-оддий | |
| 8620 | Сотиб олинган хусусий акциялар-имтиёзли | |
| | | |
| 87 | ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР) ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | П |
| 8710 | Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) | |
| 8720 | Жамфарилган фойда(қопланмаган зарар) | |
| | | |
| 88 | ГРАНТЛАР, СУБСИДИЯЛАР ВА БЕГАРАЗ ЁРДАМ ҲИСОБИ СЧЕТИ | П |
| 8810 | Грантлар, субсидиялар ва бегараз ёрдам | |
| | | |
| 89 | КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР РЕЗЕРВЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТИ | П |
| 8910 | Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари | |
| | | |

V-ҚИСМ
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ
ШАКЛНИИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

9-БЎЛИМ
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР

| | | |
|-----------|--|----|
| 90 | АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9010 | Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар | |
| 9020 | Товарлар сотишдан олинган даромадлар | |
| 9030 | Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар | |
| 9040 | Сотилган товарларни қайтарилиши | КП |
| 9050 | Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар | КП |
| 91 | СОТИЛГАН МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТАННАРХИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9110 | Сотилган маҳсулот таннархи | |
| 9120 | Сотилган товарлар таннархи | |
| 9130 | Сотилган ишлар, хизматлар таннархи | |
| 9140 | Даврий ҳисоб юритган ҳолда ТМЗ ларни сотиб олиш / харид қилиш | |
| 9150 | Даврий ҳисоб юритган ҳолда ТМЗлар бўйича тузатиш | |
| 92 | АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ СОТИЛИШИ ВА ТУРЛИ ЧИҚИМИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9210 | Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими | |
| 9220 | Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими | |
| 93 | АСОСИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9310 | Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда | |
| 9320 | Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа турли чиқимидан олинган фойда | |
| 9330 | Үндирилган боқиманда, жарима ва бурчизликлар | |

| | | |
|-------------|--|----------|
| 9340 | Үтган йиллар фойдалари | |
| 9350 | Оператив лизингдан олинган даромад | |
| 9360 | Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар | |
| 9370 | ТМЗ ларни қўшимча баҳолаш | |
| 9380 | Қайтарилимайдиган молиявий ёрдам | |
| 9390 | Бошқа операцион даромадлар | |
| 94 | ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | |
| 9410 | СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ | Т |
| 9411 | Сақлаш ва ташиш харажатлари | T |
| 9412 | Реклама ва сотишга кўмаклашиш харажатлари | |
| 9413 | Ўраш, қайта саралаш ва идиш харажатлари | |
| 9414 | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар | |
| 9415 | Меҳнат ҳақи фондидан ажратмалар | |
| 9419 | Бошқа савдо харажатлари | |
| 9420 | МАЪМУРИЙ ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | |
| 9421 | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар | |
| 9422 | Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар | |
| 9423 | Умуммаъмурӣ асосий воситаларнинг амортизацияси бўйича харажатлар | |
| 9424 | Умуммаъмурӣ асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатлар | |
| 9425 | Умуммаъмурӣ асосий воситаларни суурта харажатлари | |
| 9426 | Умуммаъмурӣ номоддий активларнинг амортизацияси бўйича харажатлар | |
| 9427 | Юқори ташкилотларни асраш харажатлари | |
| 9429 | Бошқа маъмурӣ харажатлар | |
| 9430 | БОШҚА ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9431 | Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқими бўйича заарлар | |
| 9432 | Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими бўйича заарлар | |
| 9433 | Моддий бойликларнинг камомади ва бузилиши бўйича харажатлар | |
| 9434 | Даргумон қарзлар бўйича харажатлар | |
| 9435 | ТМЗ лар қийматини камайтиришдан заарлар | |

| | | |
|------|---|---|
| 9436 | Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активлар қыматини камайтиришдан заарлар | |
| 9439 | Бошқа операцион харажатлар | |
| 9440 | КЕЛГУСИДА СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗАДАН ЧЕГИРИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ДАВРИ ХАРАЖАТЛАРИ (ХАРАЖАТ ТУРЛАРИ БҮЙИЧА) ҲИСОБИ СЧЕТИ | Т |
| 9450 | ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ ХҰЖАЛИКЛАР ҲИСОБИ СЧЕТИ | Т |
| 95 | МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | |
| 9510 | Роялтидан олинган даромадлар | |
| 9520 | Дивиденд күренишидаги даромадлар | |
| 9530 | Фоизлар күренишидаги даромадлар | |
| 9540 | Курс фарқларидан олинган даромадлар | |
| 9550 | Молияланадиган лизингдан даромадлар | |
| 9560 | Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар | |
| 9590 | Молиявий фаолият бүйича бошқа даромадлар | |
| 96 | МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БҮЙИЧА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9610 | Роялти бүйича харажатлар | |
| 9620 | Фоизлар күренишидаги харажатлар | |
| 9630 | Курс фарқларидан заарлар | |
| 9640 | Қимматли қоғозларни чиқарыш ва тарқатиш бүйича харажатлар | |
| 9650 | Қимматли қоғозлар қыматини камайтиришдан заарлар | |
| 9690 | Молиявий фаолият бүйича бошқа харажатлар | |
| 97 | ФАВҚУЛОДДА ФОЙДА (ЗАРАР) ЛАР ҲИСОБИ СЧЕТЛАРИ | Т |
| 9710 | Фавқулоддаги фойдалар | |
| 9720 | Фавқулоддаги заарлар | |

| | | |
|-----------|---|-----------|
| 98 | СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАРНИ ТҮЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ХИСОБИ СЧЕТЛАРИ | |
| 9810 | Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар | |
| 9820 | Йигимлар ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича харажатлар | |
| 9890 | Бошқа ажратмалар бўйича харажатлар | |
| 99 | ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ҲИСОБИ СЧЕТИ | Т |
| 9900 | Якуний молиявий натижা (даромад ва харажатлар йифиндиси) | |
| | БАЛАНСДАН ТАШКАРИ СЧЕТЛАР | |
| 001 | Оператив лизинги бўйича олинган асосий воситалар | БТ |
| 002 | Масъул сақлашга қабул қилинган товар моддий қийматликлар | БТ |
| 003 | Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар | БТ |
| 004 | Комиссияга (сотиб беришга) қабул қилинган товарлар | БТ |
| 005 | Ўрнатиш учун қабул қилинган асбоб – ускуна | БТ |
| 006 | Қатъий ҳисобот бланкалари | БТ |
| 007 | Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг заарга үтказилган қарзи | БТ |
| 008 | Олинган мажбурият ва тўловлар таъминоти | БТ |
| 009 | Берилган мажбурият ва тўловлар таъминоти | БТ |
| 010 | Вақтли тафовутлар бўйича харажатлар | БТ |

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----------|
| КИРИШ..... | 3 |
| 1-БОБ | |
| КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... | 8 |
| 2-БОБ | |
| ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ..... | 18 |
| 2.1. КОРХОНАЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ МУНОСАБАТЛАРИ..... | 18 |
| 2.2. ҲИСОБ-КИТОБ СЧЕТИ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ..... | 19 |
| 2.3. ВАЛЮТА СЧЕТИ БЎЙИЧА МУОМАЛАЛАР ҲИСОБИ | 29 |
| 2.4. КАССА МУОМАЛАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ | 36 |
| 2.5. ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ОЛИВ БОРИЛАДИГАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ..... | 42 |
| 2.6. ҲИСОБ-КИТОБ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... | 47 |
| 2.7. ТУРЛИ ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ | 56 |
| 3-БОБ | |
| МЕҲНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИ..... | 64 |
| 3.1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР | 64 |
| 3.2. КОРХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ҲИСОБИ | 65 |
| 3.3. ИШ ВАҚТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲИСОБИ | 66 |
| 3.4. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ | 69 |
| 3.5. ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТ УЧУН ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ | 72 |
| 3.6. ИШ ШАРОИТЛАРИНИ НОРМАЛ ҲОЛАТДАН ОФИШИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎШИМЧА ҲАҚ ҲИСОБЛАШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ | 79 |
| 3.7. ИШЛАМАГАН ВАҚТИГА ҲАҚ ВА ВАҚТИНЧАЛИК ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАНЛИГИ БЎЙИЧА НАФАҚА ҲИСОБЛАШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ..... | 85 |
| 3.8. ИШ ҲАҚИДАН УШЛАНМАЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР | 89 |

| | |
|---|-----|
| 3.9. ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН ХИСОБЛАШИШ ВА УЛАРГА ҲАҚ ТҮЛАШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ..... | 93 |
| 3.10. ИШ ҲАҚИНИ ЙИФИЩ, МЕҲНАТ ҲАҚИ ФОНДИНинг ТАРКИБИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ | 94 |
| 3.11. МЕҲНАТ ҲАҚИНИ ТҮЛАШ ТАРТИБИ | 99 |
| 3.12. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲАМДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШ БЎЙИЧА ХОДИМЛАР БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАРНИNG СИНТЕТИК ХИСОБИ | 101 |

4-БОБ

| | |
|---------------------------------|------------|
| МАТЕРИАЛЛАР ХИСОБИ | 104 |
|---------------------------------|------------|

| | |
|--|-----|
| 4.1. МАТЕРИАЛЛАР ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИNG ТАННАРХИ ВА ЖОРИЙ ХИСОБДА БАҲОЛАНИШИ | 105 |
| 4.2. МАТЕРИАЛЛАР ХИСОБИНИNG ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИNG ТАСНИФИ | 108 |
| 4.3. МАТЕРИАЛЛАР ҲАРАКАТИ ХИСОБИНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ | 110 |
| 4.4. МАТЕРИАЛЛАРНИNG ОМБОРДАГИ ХИСОБИ ВА УНИНГ БУХГАЛЬТЕРИЯДАГИ ХИСОБИ БИЛАН АЛОҚАСИ..... | 115 |
| 4.5. МАТЕРИАЛЛАРНИNG СИНТЕТИК ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ | 119 |
| 4.6. МАТЕРИАЛЛАР КИРИМИНИ ХИСОБИ ВА МОЛ ЮБОРУВЧИЛАР БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР | 123 |
| 4.7. МАТЕРИАЛЛАР ҲАРАКАТИНИ БУХГАЛЬТЕРИЯДАГИ ХИСОБИ | 129 |
| 4.8. ТРАНСПОРТ-ТАЙЁРЛОВ ҲАРАЖАТЛАРИНИNG ХИСОБИ | 136 |
| 4.9. МАТЕРИАЛ ҚИЙМАТЛИКЛАРНИNG ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ | 137 |

5-БОБ

| | |
|--------------------------------------|------------|
| АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ХИСОБИ | 141 |
|--------------------------------------|------------|

| | |
|---|-----|
| 5.1. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ | 141 |
| 5.2. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ТАСНИФИ ВА БАҲОЛАШ | 144 |
| 5.3. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИНИ ХУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИNG АНАЛИТИК ХИСОБИ | 147 |

| | |
|--|------------|
| 5.4. КАПИТАЛ ҚҰЙИЛМАЛАР, АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ КИРИМИ ВА ЧИҚИБ КЕТИШИНИ СИНТЕТИК ҲИСОБИ..... | 160 |
| 5.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ЭСКИРИШИ (АМОРТИЗАЦИЯСИ)НИ ҲИСОБИ..... | 167 |
| 5.6. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТА'ЬМИРИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ..... | 153 |
| 5.7. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИНВЕНТАРИЗАЦИЯСИ..... | 178 |
| 6-БОБ | |
| АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БҮЮМЛАР ҲИСОБИ..... | 183 |
| 6.1. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БҮЮМЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ..... | 183 |
| 6.2. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БҮЮМЛАР ҲАРАКАТИ ҲИСОБИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ | 185 |
| 6.3. АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БҮЮМЛАРГА ЭСКИРИШ ҲИСОБЛАШ ВА УНИНГ ҲИСОБИ..... | 190 |
| 6.4. ФОЙДАЛАНИШДАГИ АРЗОН ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БҮЮМЛАРНИНГ СИНТЕТИК ҲИСОБИ..... | 192 |
| ХҮЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МОЛИЯ-ХҮЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СЧЕТЛАР РЕЖАСИ..... | 200 |

**ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР
МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИННИГ ЎҚУВ ДЕПАРТАМЕНТИ
ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:**

**БОШЛОВЧИЛАР УЧУН СЕРТИФИКАЦИЯЛАНГАН
КУРСЛАР:**

- Офисдаги компьютер (Windows-95, Ms Office – 2000 (рус, узб)
- Бухгалтериядаги компьютер (1С-Бухгалтерия-7.7)
- Замонавий бухгалтерия ҳисоби (узб., рус.)
- Бухгалтерлар малакасини ошириш (БҲМА, янги счетлар режасининг асослари, солиққа тортиш)
- Молиявий директорлар ва аудиторлар тайёрлаш

**ИККИ ҲАФТАЛИК МАЛАКА ОШИРИШ
КУРСЛАРИ**

**«ЯНГИ СЧЕТЛАР РЕЖАСИГА ЎТИШДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИННИГ МИЛЛИЙ АНДАЗАЛАРИНИ
АМАЛИЙ ҚҮЛЛАШ МЕТОДИКАСИ»**

Дастурда:

- Бухгалтерия ҳисобининг миллий андазаларини ўрганиш ва қўллаш
- Бухгалтерия ҳисобини янги счетлар режасининг асосий принциплари
- Янги счетлар режаси бўйича номуновий проводкалар мажмую

**БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ КУРСЛАРИ**

ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА:

- Бошқарув ҳисоби бўйича курслар (харажатларни ва маъмурий сарфларни таҳлил қилиш ва бошқариш, бошқарув ва инвестиция қарорларини қабул қилиш)
- Лицензия олиш бўйича малакавий имтиҳон топшириш учун аудиторлар тайёрлаш